

# Энг янги тарих

1917—1939

ЎРТА МАКТАБНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СИЎФИ  
УЧУН ДАРСЛИК

Профессор В. К. Фураев тахрири остида

*СССР Маориф министрлиги тасдиқлаган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1989

Редколлегия:

академик А. Л. Нарочницкий (ранс), РСФСРда хизмат кўрсатган мактаб ўқитувчиси А. П. Аверьянов, тарих фанлари докторлари И. С. Галкин, Л. Е. Кертман, И. М. Кривогуз, СССР ПФА мухбир аъзоси В. К. Фураев, тарих фанлари доктори С. С. Хромов.

Дарслик авторлари:

А. Я. Манусевич, В. А. Орлов, С. М. Стецкевич ва бошқалар.

*На узбекском языке*

Александр Яковлевич Манусевич, Всеволод Алексеевич Орлов, Станислав Михайлович Стецкевич, Виктор Константинович Фураев, Александр Наумович Хейфец.

## НОВЕЙШАЯ ИСТОРИЯ

*учебник для 9 класса средней школы*

Перевод с русского издания  
издательства «Просвещение» М., 1987

Ташкент «Ўқитувчи», 1989

Таржимонлар: **Б. Аъзамов**, М. Ахмедов  
Редактор Р. Мирхоликов  
Бадний редактор В. Хожанов

Техник редакторлар Е. Картаева, Ш. Бабаханова  
Корректорлар М. Иброҳимова, П. Аъзамова

ИБ № 4742

Теришга берилди 27.04.88. Босишга рухсат этилди 18.01.89. Формати 60×90/16. Офсет қоғози. Литературная гарнитура. Кегли 10 шпонсия. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. л. 9,0+0,25 форз. +0,5 ранг. карт. Шартли кр.-отт. 9,69+6,0 карталар. Нашр. л. 8,56+0,23 форз. +0,57 ранг. карт. Тиражи 388000 Зақ. № 2099. Баҳоси 35 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 17–11 88. 16.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1989.

Головное предприятие ТИПО «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговле, Ташкент ул. Навои, 30.

Э 62

Энг янги тарих. 1917–1939: Ўрта мактабнинг 9- синфи учун дарслик/ А. Я. Манусевич, В. А. Орлов, С. М. Стецкевич ва бошқ.; В. К. Фураев тахририда/.— Т.: Ўқитувчи, 1989.—144 б.

Новейшая история: Учебник для 9- класса.

ББК 63.3(0)6я721

Ф 4306020600—2 бланк заказа — 89  
353 (04)—89

© Издательство «Просвещение», 1987 г.

ISBN 5—645—00519—8

© Ўзбек тилига таржима,  
«Ўқитувчи», 1989 й.

## 1-§. Жаҳон тарихининг ҳозирги даври — инсониятнинг капитализмдан коммунизмга ўтиш давридир

Янги даврда жамият тараққиётининг асосий яқунлари нималардан иборат? Қаранг: Янги тарих. 1870—1917: Тўққизинчи синф учун дарслик.—Тошкент, «Ўқитувчи», 1987—33—34-§<sup>1</sup>.

**Улуғ Октябрнинг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти.** Энг янги тарих — инсоният тараққиётининг капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтиш давридаги, Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб берган даврдаги тарихидир. «Капитализм ва унинг қолдиқларининг йўқ қилиниши, коммунистик тартиб асосларининг ўрнатилиши жаҳон тарихининг ҳозир бошланган янги даврининг мазмунини ташкил этади»<sup>2</sup>, — деб ёзган эди В. И. Ленин.

1917 йилда Россиянинг қаҳрамон ишчилар синфи энг камбағал деҳқонлар билан иттифок тузиб, В. И. Ленин яратган Коммунистик партия раҳбарлигида социалистик революцияни амалга оширди, капиталистлар ва помешчиклар ҳукмронлигига абадий барҳам берди, пролетариат диктатурасини ўрнатди.

Советлар мамлакатининг тажрибаси ишчилар синфи давлат ҳокимиятини қўлга олишни, уни ўз қўлида сақлаб қолишни ва ички ҳамда ташқи душманларнинг ҳужумидан ҳимоя қила билишнинггина эмас, шунингдек, ўз теварагига барча меҳнаткашларни бирлаштириб, экономиканинг гуллаб-яшнашини, чинакам демократияни, халқ фаровонлиги ва маданиятининг ўсишини таъминлашга қодир социалистик жамият барпо эта олишини ҳам исботлаб берди.

Бу жаҳон социалистик революциясининг биринчи ғолибона акти эди. Октябрь ғалабаси бутун инсоният тараққиётининг боришини тубдан ўзгартирди. У дунёни икки системага — социалистик система билан капиталистик системага бўлиб юборди, империализм зиддиятларини кучайтирди, бутун дунё меҳнаткашларини зўравонлик ва жабр-зулмга қарши курашга илҳомлантирди. Тарихда биринчи социалистик давлат, ижтимоий тараққиёт авангардида бораётган бу давлат меҳнаткашлар оммасининг эксплуатация зулмидан озод бўлиш ва Ер юзиде тинчлик учун олиб бораётган курашида мустаҳкам таянч бўлди.

1917 йил Октябрдан кейин етмиш йил ўтди. Бу инсоният тарихида унчалик кўп давр эмас. Бирок, ўтган йилларда ер шариде чуқур социал ўзгаришлар рўй берди. Улуғ Октябрь бошлаб берган социал озодликнинг жаҳоншумул-тарихий жараёни Европа, Осиё, Америкадаги бир қанча мамлакатларда эксплуататорлар ҳокимиятини ағдариб ташлашга олиб келди. *Жаҳон социализм системаси* вужудга келди ва муваффақиятли ривожланмоқда. Унинг ташкил топиши — Октябрнинг асосий халқаро натижасидир. Социалистик йўлга ўтган бошқа мамлакатларнинг

<sup>1</sup> Кейингилари янги тарих дарслиги дейилади.

<sup>2</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 41-том, 479-бет.

тажрибаси В. И. Лениннинг «... рус намунаси ҳамма мамлакатларга улар учун муқаррар бўлган ва уларнинг яқин келажакларидан баъзи бир ва ғоят муҳим нарсаларни кўрсатиб турибди»<sup>1</sup>, — деган сўзлари ҳақ эканлигини тасдиқлайди.

Жаҳондаги икки ижтимоий-иқтисодий системанинг тарихий мусобақасида ер юзидаги катта территорияларда қарор топган социализм инсоният тараққиётининг капитализмга нисбатан анча юқори даражаси сифатида ўзини тобора яққолроқ намоён этмоқда. Ҳозирги вақтда бутун-бутун мамлакатлар мисолида социализмнинг муҳим социал-иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва маънавий афзалликлари ишонарли тарзда тасдиқланди. Социализм капиталистик тузум ҳал қилишга қодир бўлмаган масалаларга ҳам жавоб беради.

Жаҳон социализм системасининг ташкил топиши, кейинчалик эса социализм мамлакатлари ҳамкорлигининг мустаҳкамланиши жаҳон майдонидаги кучлар нисбатини капитализмдан иборат эксплуататорлик олами душманларининг фойдасига тубдан ўзгартириб юборди.

*Халқаро ишчилар синфи* ҳозирги замоннинг асосий революцион синфи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Халқаро ишчилар синфининг сиёсий етуклиги ўсиб, уюшқоклиги ортди, иттифокчиларининг сафлари кенгайди, унинг жанговар авангарди — *коммунистик ва ишчи партиялар* мустаҳкамланди. Капитал мамлакатларидаги синфий жанглар, меҳнаткашларнинг зарур манфаатлари учун, социал тараққиёт ва тинчлик учун кураш монополиялар ҳукмронлигини бўшаштириб, эксплуататорлик тузумига путур етказмоқда, капиталистик жамият зиддиятларини кескинлаштирмоқда.

Ҳозирги даврнинг характерли хусусияти — носоциалистик дунёдаги *оммавий демократик ҳаракатларнинг* юксалганлигидир. Бу ҳаракат қатнашчилари орасида зиёлилар, хизматчилар, шахар майда буржуазиясининг вакиллари, фермерлар, майда миллатлар, хотин-қизлар ва ёшлар бор. Оммавий социал норозилик ҳукмрон синфларнинг реакция сиёсатиغا, экономикани милитарлаштиришга, қурулгани пойгасини, иркий камситишни ва миллий низоларни кучайтиришга, хотин-қизлар ҳуқуқларини оёқости қилишга, ёшлар аҳолининг ёмонлашувига, давлат аппаратидаги порахўрликка, монополияларнинг теварак-атрофдаги муҳитга ваҳшийларча муносабатда бўлишларига қарши қаратилган. Бу ҳаракатлар, аслида, антиимпериалистик характерга эгадир.

*Миллий-озодлик* ҳаракати катта муваффақиятларга эришди. Мустамлака империяларнинг вайроналарида сиёсий мустақилликка эришган юздан ортик давлат вужудга келди. Уларнинг бир қисми социалистик ориентация йўлини танлади. Империализм мустамлакачилик системасининг синфий формалари тугатилди. Жаҳон ижтимоий тараққиётида *озодликка эришган давлатларнинг халқлари* муҳим роль ўйнамоқдалар, бу халқлар ўз мус-

<sup>1</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўламини, 41-том, 4-бет.

такиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ва социал янгиланишга, империалистик эксплуатацияга ва уларнинг ички ишларига ара-лашмасликка қарши курашмоқдалар.

Ҳозирги давр — бу «капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтиш, жаҳондаги икки социал-сиёсий системанинг тарихий мусобақаси давридир, социалистик ва миллий-озодлик революциялари даври, мустамлакачиликнинг емирилиш давридир, ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари — жаҳон социализми, ишчилар ҳаракати ва коммунистик ҳаракат, озодликка эришган давлатлар халқларининг, оммавий демократик ҳаракатларнинг империализмга, унинг агрессив ва зулм сиёсатига қарши, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун кураши давридир»<sup>1</sup>.

*Ҳозирги замоннинг асосий зиддияти — социализм билан капитализм ўртасидаги зиддият — чуқурлашиб бормоқда. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тараққиёт кучлари билан реакция кучларининг аёвсиз кураши боряпти. Империализм мехнат аҳлларининг туб манфаатлари билан тобора кўпроқ тўқнаш келмоқда. У тинчлик, демократия ва миллий мустақилликка солинаётган таҳликанинг хавфли манбаи ҳисобланади. Капитализм — сўнги эксплуататорлик тузуми, келажаги йўқ жамиятдир. Тарихан капитализм мағлубиятга учраши муқаррардир. Унинг ҳалокатга учрашининг муқаррарлиги — капиталистик системанинг енгиб бўлмас зиддиятлари ва туб иллатларининг қонуний оқибати, унинг ҳукмронлик қилиш доирасининг торайганлигидир.*

**Капитализмнинг умумий кризиси ва унинг асосий хусусиятлари.** Ҳозирги даврда ижтимоий-иқтисодий система бўлган капитализмнинг умумий кризиси ривожланиб ва чуқурлашиб бормоқда. Бу кризиснинг бошланишига биринчи жаҳон уруши ва Октябрь революцияси асос солди, лекин уни бундан олдинги бутун тараққиёт тайёрлаган эди.

*Капитализмнинг умумий кризиси — жаҳон капиталистик системаси емирила боришининг қайтариб бўлмас жараёни бўлиб, бу жараён уни ҳалокатга олиб келади. Капитализмнинг умумий кризиси капиталистик жамият ҳаётининг барча томонларини: экономика, сиёсат, идеология, ахлоқ ва маданиятни, халқаро муносабатларни қамраб олади. У жаҳон миқёсида капитализмдан социализмга ўтишдан иборат тарихий давр доирасида ривожланади.*

Капитализм умумий кризисининг асосий хусусиятлари қуйидагилардир:

— дунёнинг икки системага — социалистик система билан капиталистик системага бўлиниши, бу икки системанинг бир вақтда янаши ва улар ўртасида курашнинг мавжудлиги, социализм би-

---

<sup>1</sup> Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси. Янги таҳрири. КПСС XXVII съездида қабул қилинган. Тошкент, «Ўзбекистон», 1986, 25—26-бетлар.

лан тарихий мусобақада капитализм позицияларининг заифлашуви;

— социалистик революциялар ғалабаси натижасида жаҳон социализм системасининг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши, социализмнинг жаҳон таракқиётига таъсирининг ўсиши, янги янги мамлакатларнинг капитализмдан ажралиб чиқиши;

— миллий-озодлик революциялари натижасида мустамлакачилик системасининг кризисга учраши, емирила бориши ва ҳалокатга учраши, мустамлакачиликдан озод бўлган бир қанча мамлакатларнинг капиталистик таракқиёт босқичини четлаб социализмга бориш йўлини танлаши; ривожланаётган давлатлар халқларининг сиёсий мустақилликни мустаҳкамлаш ва иктисодий мустақилликка эришиш учун империалистик тазйққа қарши кураши;

— ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг капиталистик эксплуатацияга қарши, демократия ва социал таракқиёт учун курашининг кучайиб бориши; ички ва ташқи сиёсатда монополиялар зўравонлигига ва реакцион йўлга қарши оммавий демократик ҳаракатларнинг авж олдирилиши;

— жуда улкан равишда ўсган ишлаб чиқарувчи кучлар билан капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги ихтилофнинг кескинлашуви, экономика ички бекарорлигининг кучайиши, унинг милитаризациялашуви; йирик капиталнинг ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш мақсадида экономикани давлат-монополиястик йўл билан тартибга солишдан, фан-техника таракқиёти ютуқларидан эса фойдани кўпайтириш, эксплуатацияни кучайтириш, қуролланиш пойғасини авж олдириш учун фойдаланиши;

— капиталистик система ичида мамлакатлар ривожланиши нотекислигининг чуқурлашиб бориши, империалистлар ўртасида рақобатчиликнинг ўсиши;

— буржуа демократиясининг қисқариши ва инсон ҳуқуқларининг чекланиши, бир қатор капиталистик мамлакатларда ошқора террорчилик, диктаторлик режимларининг ўрнатилиши, иркий камситиш ва миллий адоватнинг рағбатлантирилиши, сиёсий реакциянинг барча йўналишлар бўйича ҳужум қилиши;

— буржуа идеологияси ва ахлоқининг кризиси, маънавий маданиятнинг инкирозга учраши;

— империализмнинг ижтимоий таракқиётга зўр бериб қаршилик кўрсатиши, социализм позицияларини барбод қилиш ёки заифлаштиришга уриниши; империализм агрессивлигининг ортиб бориши, унинг цивилизацияни ядровий йўл билан йўқ қилишга ҳавф солиши; жаҳон социализми, барча прогрессив, тинчликсевар кучларнинг глобал ҳарбий келишмовчиликнинг олдини олиш ва ер юзиде тинчликни сақлаб қолиш учун қатъий кураши.

«Хозирги замон капитализмининг ҳар қандай «турланишлари» ва найранглари,— дейилади партия XXVII съездида қабул қилинган янги таҳрирдаги КПСС Программасида,— унинг ривожланиш қонунларини бекор қилмайди ва бекор қила олмайди, меҳнат билан капитал ўртасидаги, монополиялар билан жамият ўртасидаги кескин антагонизмни бартараф эта олмайди, тарихан ҳалокатга

махкум этилган капиталистик системани ялпи кризис ҳолатидан кутқара олмайди... Империализм текинхўр, чириб ва ўлиб бораётган капитализмдир, социалистик революциянинг арафасидир».<sup>1</sup>

**Энг янги тарихнинг даврларга бўлиниши.** Марксча-ленинча тарих фани энг янги тарихни даврларга бўлишда капитализм умумий кризисининг чуқурлашиб бориши ва дунёнинг революцион янгиланиши, социалистик системанинг юзага келиши ва ривожланиб бориши жараёнини асос қилиб олди. *Инсоният Улуғ Октябрь социалистик революцияси давридан буён иккита йирик тарихий босқични босиб ўтди. Энг янги тарихнинг учинчи босқичи ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан бери давом этмоқда.*

Дарсликда гап юритиладиган *биринчи босқич (1917—1939)* Октябрь революциясининг ғалабаси билан бошланди ва иккинчи жаҳон урушигача давом этди. Бу босқич дунёда биринчи социалистик давлат — СССРнинг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши билан, унда асосан социалистик жамият барпо этилди, мустамлакачилик системасининг кризиси, империализм барча зиддиятларининг чуқурлашуви билан нишонланди.

Капиталистик дунёни 1917—1923 йилларда революцион ҳаркатнинг қудратли юксалиши камраб олди. Синфий жанрларнинг бориши жараёнида ишчилар синфининг жанговар авангарди — коммунистик партиялар ташкил этилди ва мустаҳкамланди. Бирок, капиталистик мамлакатларнинг пролетариати тарқоклиги сабабли унинг анчагина қисми социал-демократик партиялар ва реформистик қасаба союзларига эргашаётган эди. Шунга қарамайдан, синфий кураш ўсиб боради. У тобора сиёсий тус ола бошлади. Кўпгина капитал мамлакатларида буржуазия баъзи социал ислохотлар ўтказишга мажбур бўлди. Кейинчалик, революцион тўлқин пасая бошлагач, меҳнаткашларни эришган ғалабаларининг бир қисмидан маҳрум этди, бироқ ишчилар синфи капиталга қарши янада ҳужум қилиш учун муҳим позицияларни сақлаб қола олди.

Капиталистик мамлакатларнинг иктисодий ва сиёсий ривожланиши бир текисда бормади. Капитализм оғир иктисодий ларзаларни бошидан кечирди, булар меҳнаткашларга жуда қатга офатлар келтирди. Айрим мамлакатлардаги йирик буржуазия пролетариатнинг чиқишларини бостирад экан, унинг кучи ортиб бораётганлигидан чўчиб, террорчилик, реакцион режимлар ўрнатиш йўлига ўтди. Буржуа парламентаризмига путур етказилган ва у капиталистик системага қарашли бир қанча мамлакатларда тушқунлик ҳолатида эди.

Мустамлакачи давлатларнинг ҳукмрон доиралари мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг оммавий антиимпериалистик ҳаракати таъсири остида чекинишга, найранг ишлатишга ва ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун бошқаришнинг янги шакллари-ни излашга мажбур эди.

---

<sup>1</sup> Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси. Янги таҳрири. КПСС XXVII съездида қабул қилинган. Т., «Ўзбекистон», 1986, 18,19-бетлар.

Энг янги тарихнинг биринчи босқичини ўрганиш вақтида сиз бу ўзгаришлар, аввало монополистик буржуазиянинг мустамлакачиликни ва маълум халқларнинг эксплуатация қилинишини саклаб қолишга интилишини ақс эттирганлигини кўрасиз.

30-йилларда капиталистик дунёдаги территориял ўзгаришларнинг кўпчилиги империалистик давлатлар ўртасидаги зиддиятларни бошқалар ҳисобига ҳал қилишга уринишлари билан боғлиқ бўлган. Жаҳон урушидан кейинги тузилиш системаси доирасида янги жаҳон можароси бошланиши учун шарт-шароит пишиб етилаётган эди. Биринчи жаҳон урушидан кейин дунёнинг сиёсий картаси жиддий равишда ўзгарди.

*Иккинчи босқич* 1939 йилда иккинчи жаҳон урушининг вужудга келиши билан бошланди ва 50-йилларнинг ўрталарида тугалланди. Герман фашизми ва япон милитаризмининг ҳарбий-сиёсий тор-мор этилиши капитализм умумий кризисининг янада чуқурлашувига олиб келди. Европа ва Осиёнинг қатор мамлакатларида коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарлигида социалистик революциялар галаба қозонди. Революцион жараён сифат жиҳатидан янги маррани қўлга киритди: социализм бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон системасига айланди. СССР да социализм фақат тўла-тўқис эмас, балки узил-кесил галаба қозонди. Миллий-озодлик ҳаракати зарбалари остида мустамлака системасининг емирилиши бошланди. Империализм ҳукмронлик қиладиган доираларнинг янада кискариши унинг асосий зиддиятларини кескинлаштириб юборди.

Энг янги тарихнинг *учинчи, ҳозирги босқичи* 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланди. Олдинги босқичлардан фарқ қилиб, бу босқич жаҳон уруши билан боғлиқ эмас. Кейинги ўттиз йил мобайнидаги ижтимоий тараққиёт юксак даражада ривожланган экономика, замонавий илмий база ва мустаҳкам ҳарбий-сиёсий потенциални вужудга келтирган жаҳон социализм позицияларининг мустаҳкамланиши билан нишонланди. Социалистик мамлакатларнинг яқинлашув жараёни, уларнинг ижтимоий тараққиёт даражаларининг ортиб ва бараварлашиб бориши, улар ҳамкорлигининг чуқурлашув жараёни давом этмоқда.

Капитализм умумий кризисининг фан-техника революцияси шароитида рўй бераётган кучайиши унинг зиддиятлари мисли кўрилмаган даражада чатишиб ва кескинлашиб кетишига олиб келди. Империализм ўзини бутун инсониятга тобора кўпроқ қарам-қарши қўймоқда, унинг яшашига қурооларни, аввало ядро қуролини узлуксиз қўнайтириш билан ҳавф солмоқда.

Мустамлакачилик системасининг ҳалокатга учраши социал тараққиётнинг катта ютуғи бўлди. Бирок, мустамлакачилик жабрзулми йилларида юзага келган иктисодий қарамлик муносабатлари асосида империализм ривожланаётган мамлакатларни жуда каттик эксплуатация қилишининг янги, найрангли системасини вужудга келтирди. Империализм маълум даражада бу мамлакатларни талаш ҳисобига кун кечирмоқда ва ўзининг милитаристик тайёргарликларини маблағ билан таъминламоқда. Айни вақтда юз



миллионлаб кишилар мисли кўрилмаган кашшоқлик, социал ва маданий колоқлик шаронтида яшаб турибди.

XX асрнинг кейинги ўн йиллари Ер юзасидаги халқлар олди-га кийин муаммоларни қўйди. Бу муаммолар орасида цивилизацияни сақлаб қолиш, ядро ҳалокати хавфини бартараф қилиш биринчи ўринда туради. Ер қуррасида ҳаётнинг мавжуд бўлиш асослари атроф-муҳитни ифлосланишдан химоя қилиш, умумий инсоний мулк бўлган Ер юзидаги табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, маданиятни сақлаш, уни буржуача бузилиб кетишдан химоя қилиш каби глобал муаммоларни ҳам камраб олади. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун ер қурраси микёсида давлатлар ва халқларнинг конструктив, бунёдкорлик ўзаро ёрдамини йўлга қўйиш зарур.

«Икки системанинг мусобақаси, тарихан қарама-қаршилиги билан бир вақтда жаҳон ҳамжамияти давлатларининг кучайиб бораётган ўзаро боғлиқлиги тенденцияси ҳозирги жаҳон таракқиётининг реал диалектикасидир. Зиддиятли, лекин ўзаро боғлиқ, кўп жиҳатдан ʼяллит дунё қарама-қаршилиқлар кураши орқали таркиб топади».<sup>1</sup>

Импералистик реакцияга қарши кескин кураш жараёнида тинчлик, ақл-идрок ва яхши ният кучлари мустаҳкамланди ва улкан халқаро таъсирга эга бўлди. Жаҳон майдонидаги нисбатнинг улар фойдасига ўзгариш тенденцияси барқарор ва ўзгармасдир.

Энг янги тарихни ўрганиш сизларга ҳозирги босқичда кишилик жамиятининг ривожланиш қонуниятларини кузатиб боришда, жаҳонда рўй бераётган мураккаб жараёнларни тўғри тушуниш ва планетамиздаги ҳаётни ўзгартиришда ўз ўрнини белгилаб олишда ёрдам беради.

## Савол ва топшириқлар

1. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг чет мамлакатлар халқлари учун аҳамиятини белгилаб чиқинг. 2. Капитализм умумий кризисининг асосий хусусиятлари нималардан иборат? 3. Энг янги тарихнинг уч босқичини таърифлаб беринг.

---

<sup>1</sup> КПСС Марказий Комитети Сиёсий доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг резолюцияси. КПСС XXVII съездининг материаллари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1986, 114-бет.

## ИККИ ЖАҲОН УРУШИ ЎРТАСИДАГИ ДАВРДА КАПИТАЛИСТИК ДУНЁ

### 1 - Б О Б

**УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИДАН KEYIN КАПИТАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА РЕВОЛЮЦИОН ҲАРАКАТНИНГ ЮКСАЛИШИ ҲАМДА МУСТАМЛАКАЛАР ВА ҚАРАМ МАМЛАКАТЛАРДА МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ УСИШИ**

### 2- §. 1918—1919- йиллардаги Германия революцияси

XIX аср охири — XX аср бошларида Германия империяси иктисодий ва сиёсий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат эканлигини эсга туширинг (қаранг: янги тарих дарслиги, 8—10- §). Германия социал-демократияси раҳбарлигининг позицияси тўғрисида ва «Спартак» группасининг биринчи жаҳон уруши йилларидаги фаолияти ҳақида нималарни биласиз? (Қаранг: янги тарих дарслиги, 14- §.)

Германия революция арафасида. Герман монополистик буржуазияси билан юнкерлар — жаҳон уруши бошланишининг асосий айбдорлари, улар немис халқини миллий халокат гирдобига дучор қилдилар.

*Уруш социалистик революциянинг объектив шарт-шароитлари етилишини тезлаштирди.* Уруш йилларида содир бўлган монополистик капитализмнинг давлат-монополистик капитализмга ўсиб ўтиши ишлаб чиқаришнинг янада концентрациялашуви ва капитализм зиддиятларининг кескин равишда кучайиши билан бирга борди. Меҳнатқашларни эксплуатация қилиш ҳисобига йирик капиталистларнинг оладиган фойдалари кўпайди. Уруш даври конунлари Германияни жуда катта каторга турмасига айлантирди.

Лениннинг Сулҳ тўғрисидаги декрети чақириқларини немис меҳнатқашлари қизғин кутиб олдилар. Йирик саноат марказларининг ишчилари иш ташладилар. Жуда катта ҳарбий талафотлар ва озик-овқат маҳсулотларининг давлат ихтиёрига олиниши таъсири остида деҳқонларнинг норозилиги кучайди. 1918 йилнинг кузида фронтдаги мағлубиятлар урушга қарши ҳаракатларни авж олдириб юборди. Солдатлар орасида революцион ғоялар борган сари кўпроқ тарқатилаётган эди.

Германиянинг урушда мағлубиятга учраши муқаррар эди. Ҳуқмрон доиралар ютқазиб қўйилган урушдан камроқ зарар кўриш билан чиқишни таъминлайдиган йўллари излаётган эди. Ҳукумат ичида етилиб келаётган революциянинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш тўғрисида баҳслар авж олиб кетди. «Юкори табақалар» кризиси, монополистик буржуазия ва юнкерлар сиёсатининг кризиси бошланди. Кайзер ҳукумати сиёсий ўзгаришлар қилишга уринаётгандай бўлиб кўринишга ҳаракат қиларди. «Либерал ҳукумат» деб аталаётган ҳукуматнинг янги

составига ўнг социал-демократлар ҳам жалб қилинди. Монархияни сақлаб қолиш тарафдори бўлган Шейдеман министрлардан бири бўлди.


Бирок сиёсий муғамбирлик билан халқ оммасини алдашининг иложи бўлмади. Очлик, эпидемиялар ва чўзилиб кетган уруш таъсири остида халқ оммасининг норозилиги тўхтовсиз ўсиб борди. «Қуйн табакалар» эскича яшашни истамас эдилар. Импералистик урушни гражданлар урушига айлантиришдан иборат большевиклар шиори Германия учун алоҳида аҳамиятга эга эди. Мехнаткашлар дархол сулҳ тузишни ва монархиянинг тугатилишини талаб қилдилар. Ишчиларнинг тазйиқи билан Карл Либкнехт (1871—1919) турмадан озод қилинди. 1918 йилнинг октябрида мамлакатда революцион вазият вужудга келди.

«Спартакчилар» ўзлари чиқарган варақаларда немис ишчиларини рус биродарларидан ўрнак олишга, шиддатли революцион кураш билан ўз ҳуқуқларини қўлга киритишга чақирдилар. «Спартак» группаси халқ революцияси программасини илгари сурди. Бу программа урушни дархол тўхтатишни, демократик тартиблар ўрнатилишини, монополиячилар ва помещиклар ҳокимиятини тугатишни назарда тутарди.

**Революциянинг бошланиши.** Революция 1918 йил 3 ноябрда бошланди. Урушнинг давом этишига қарши чиккан Киль шаҳрининг ҳарбий денгизчилари кўзғолон кўтардилар. Киль ишчилари кўзғолонни қўллаб-қувватлаб, умумий иш ташлаш эълон қилдилар. Шаҳарда ишчилар ва солдатлар Совети ташкил этилди. Революция тезда бутун Германияга ёйилди, қирол ва князь сулолалари ҳокимиятини тугатди. Мамлакатнинг ҳамма жойларида ишчи ва солдат Советлари пайдо бўла бошлади.

«Спартак» группаси ва фабрика- завод революцион старосталари чақириги билан Берлин ишчилари 9 ноябрда ялпи иш ташлаш бошладилар, у тез орада қуролли кўзғолонга айланиб кетди. Қизил байроқлар кўтарган юз минглаб ишчилар шаҳар марказига, казармалар ва ҳукумат муассасалари томон юрдилар. Намойишчилар «Йўқолсин уруш!», «Йўқолсин кайзер!» деб хитоб қилдилар. Ишчилар бирга қўшилган солдатлар билан биргаликда ҳукумат биноларини босиб олдилар ва республика эълон қилинишини талаб этдилар. Бу хол Шейдеманни рейхстаг деразасидан туриб сўзлаган нутқини: «Яшасин эркин Германия республикаси!» деган сўзлар билан тугатишга мажбур этди. Орадан икки соат ўтгандан кейин К. Либкнехт император саройи балконидан туриб Германияни социалистик республика деб эълон қилди ва ишчиларни пролетар давлати тузишга чақирди.

Мамлакат олдида: Германия қандай республика бўлади, — буржуа республикаси ёки социалистик республикаси? — деган савол кўндаланг бўлиб турарди. Немис ишчиларида революцион тажрибанинг йўқлиги уларнинг революцион имкониятларини теклаб кўйганди. Ишчиларнинг кўпчилиги социал-демократлар таъсирида эди. Улар Германия социал-демократик партияси (ГСДП) лидерларига ҳамон ишонаётган эдилар, бу лидерлар социализмни



1-расм. 1918 йил 9 ноябрда Карл Либкнехт нутк сўзлаётган пайт.


сайлов бюллетенлари ва социал-иктисодий ислохотлар ёрдамида қўлга киритиш мумкин, деб даъво қилишарди. Бирок, ўнг социал-демократлар лидерлари (Эберт ва Шейдеман)нинг барча ниятлари буржуа тартибларини сақлаб қолиш чоратadbирларини излашга қаратилган эди.

1917 йилнинг баҳорида вужудга келган Германия Мустақил социал-демократик партияси (ГМСДП) пролетариатнинг революцион авангарди бўлолмасди. ГМСДП ташкилотчилари

— центрист Каутский, Гаазе ва бошқалар ўзларини гўё социал-шовинистлардан ажралган, деб кўрсатмоқчи бўлдилар. Центристларнинг найранги ишчиларнинг революцион онги ўсишини тўхтаб туришга мўлжалланган бўлиб, илғор ишчиларнинг асосий кўпчилиги ГМСДП га эргашди, уни янглишиб революцион партия деб ҳисоблади. Ишчиларнинг янглишганлиги шу билан чуқурлашдики, «Спартак» деган қахрамонона яширин группа ҳам ГМСДП га кирди. Бирок, у ўзининг мустақил раҳбарлигини ва маҳаллий ташкилотлар билан алоқасини сақлаб қолди. «Спартакчилар» партия ичида уни центристлар таъсиридан халос қилиш учун кураш олиб боришга умид боғлаган эдилар.

10 ноябрда ГСДП лидерлари ГМСДП раҳбарлари билан биргаликда янги ҳукумат — *Халқ вакиллари кенгашини* (ХВК) туздилар. Ўнг социал-демократлар яхши йўлга қўйилган партия аппарати ёрдамида оммани ўз ортларидан эргаштиришга муваффақ бўлдилар. Социал-шовинист Эберт билан Шейдеман ХВК да асосий роль ўйнай бошладилар (бу кенгаш ўзини «социалистик» ҳукумат деб эълон қилди), бу билан ишчиларни алдашда давом этдилар. Улар революцияни ёқтирмас ва уни бўғиб ташлашга ҳозирлик кўраётган эдилар.

**Революцияга қарши фитна.** Социал-демократ ҳукмдорлар эски давлат аппаратини сақлаб қолдилар. Эберт халқдан яширин равишда «революция ва большевизмга қарши» биргаликда курашиш тўғрисида герман армияси олий қўмондонлиги ставкаси билан музокаралар олиб борди. Офицерлар ва унтер-офицерлар сoстави билан кучайтирилган ҳарбий қисмлар Берлин томонга келтирила бошланди. Реформистик касаба союзлари лидерлари ва монополистик доираларнинг вакиллари ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимга келинди. Шундай қилиб, *оппортунистларнинг реакция буржуазия билан контрреволюцион иттифоқи вужудга келди*. ХВК В. И. Ленин чакириғи билан совет ишчилари немис меҳнаткашлари учун тўплаб юборган ғаллани қабул қилишдан бош тортди.



2-расм. Республика эълон қилинган кунда ўтказилган митинг.

Ўнг социал-демократларнинг ишлаб чиқаришни «социализация қилиш»ни амалга ошириш тўғрисидаги ваъдалари оммани каноатлантира олмас эди. Ноябрь ойининг охирларидан бошлаб мамлакатда «Дарҳол социализация қилиш бошлансин!» шиори остида иш ташлашлар тўлкини авж олиб кетди. Меҳнаткашлар иш ҳақини оширишни ва 8 соатлик иш куни жорий этилишини талаб қилиб чиқдилар.

Эски ҳокимият органлари билан бир қаторда ишчи ва солдат Советлари — янги, чинакам халқ давлат ҳокимиятининг куртаклари мавжуд эди. Советлар аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилар, транспорт ишини йўлга қўяр, хаддан ташқари юқори квартира ҳақини камайтиришга ҳаракат қилар эдилар. Ишчилар орасида ва меҳнаткашларнинг бошқа қатламлари орасида Советлар ҳокимиятини ўрнатиш тарафдорлари сони кўпайиб борди.

1918 йил декабрнинг ўрталарида Берлинда Советларнинг Умумгерман съезди бўлиб ўтди. Съезд очилган куни шаҳардаги энг йирик корхоналар ишни тўхтатиб қўйдилар. 250 минг киши «Ишчи ва солдат Советлари учун!», «Миллат мажлисига қаршимиз!» деган шиорлар остида намойишларга чиқишди. Ўз лидерларига қулоқ солган социал-демократларнинг кўпчилиги овоз бериш вақтида Советларнинг Умумгерман съезди Берлин ишчиларининг талабларини рад этди. Съезд ҳокимиятни тўлалигича Халқ вакиллари кенгаши қўлига топширди ва Таъсис этувчи Миллат мажлисини, яъни буржуа парламентини чақиришни ёқлаб фикр билдирди. Шу тарика ўнг социал-демократлар революцияга оғир зарба беришга ва ҳокимиятнинг ишчилар синфи қўлига ўтишига йўл қўймасликка муваффақ бўлдилар. Миллат мажлисининг чақирилиши герман империализми ва милитаризмининг мавқеини мустаҳкамлади.

**Германия Коммунистик партиясининг ташкил топиши.** Революция давомида ГМСДП нинг раҳбарлари ўзларини контрреволюция кўмакчилари сифатида намойиш этдилар. «Спартакчилар»нинг бундан буён улар билан бир партиядо бўлиши мумкин бўлмай қолди. **1918 йил 30 декабрда** Берлинда *Германия Коммунистик партияси* (ГКП) нинг Таъсис съезди очилди. Унда «спартакчилар» ва Мюнхен, Бремен, Гамбург ва бошқа шаҳарлардаги революцион группалар намояндалари катнашдилар. Роза Люксембург (1871—1919) доклади юзасидан қабул қилинган программа ўзининг асосий қоидаларида большевикларнинг тажрибасига таянган эди. Програмада Германияда социалистик революцияни амалга ошириш ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш кўзда тутилган эди. Р. Люксембург таъкидлаб ўтганидек, немис пролетарлари ҳозирги революция алифбесини «... руслардан ўргандилар — ишчи ва солдат Советларини туздилар!.. Бу рус революцияси жаҳон революцияси учун дастлабки шиорларни берди!»

ГКП программасида тўғри қоидалар билан бир қаторда «спартакчилар» раҳбарларига хос айрим хатоликлар ҳам ўз ифодасини топган эди. Чунончи, улар камбағал дехқонлар ва батрақлар ташкилотларини тузишга чақирганлари ҳолда, бу қатламларни революцион курашга жалб этишга ёрдам берадиган конкрет талабларни илгари сурмадилар.

Съезд делегатларининг кўпчилиги, К. Либкнехт ва Р. Люксембургнинг фикрига қарама-қарши ўларок, Миллат мажлисига сайловларни бойкот қилишни ёқлаб хато фикр билдирдилар. К. Либкнехт билан Р. Люксембург сайловлардан ва Миллат мажлиси минбаридан оммани капиталистик тузумга қарши курашиши учун фойдаланиши керак, деб ҳисобладилар.

*ГКП нинг тузилиши Германия ва немис ишчилар ҳаракати тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Ишчилар синфининг меҳнаткаш дехқонлар ва меҳнаткашларнинг бошқа қатламлари билан иттифоқ бўлиб сиёсий ҳукмронлик учун кураш олиб боришига ҳал қилувчи шарт-шароит яратилди.* Айни вақтда бу — жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлган воқеа эди. У бошқа мамлакатларда компартияларнинг ташкил топишига ҳам ёрдам берди.

**Немис пролетариати авангардидан ўч олиниши.** Бавария совет республикаси. Контрреволюцион ҳукумат советларнинг Умумгерман съездида чекланмаган ваколатлар олгач, ГКП мустахкамлашиб олмагунча коммунистлардан ўч олишга қарор қилди.

1919 йил январь ойининг бошларида ҳукумат ГМСДП вакилини Берлин полицияси бошлиғи лавозимидан олиб ташлади, чунки у сўлларнинг фикрига амал қилар ва пролетарлар даврасида машҳур эди. Шундай йўл билан революцион ишчилар муддатидан барвақт курулди чиқишга мажбур этилди.

Эберт ҳукумат мажлисларидан бирида революцион кучлардан ўч олишга бошчилик қилишни ўнг ~~социал-демократ Носкега таклиф~~ этди. Носке бу таклифга жон деб розилик билдирди ва мунофиқларча: «Қимдир ахир қонхўр ит бўлиши керак-ку!»

деди. Пулемётлар, миномётлар ва артиллерия билан қуролланган контрреволюцион тўдалар Носке қўмондонлиги остида Берлиннинг қўзғолончилар мустақам жойлашиб олган районларини босиб олдилар. Қўзғолон қатнашчилари ўша жойнинг ўзида отиб ташланди.

Контрреволюционерлар ГКПнинг ҳамма актив арбобларини излашга тушдилар. Уйларнинг деворларига ёпиштириб ташланган плакатлар ва газеталарда (шу жумладан, социал-демократия органларида ҳам) Роза Люксембург ва Карл Либкнехтни очикдан-очик ўлдиришга чакирдилар. Хукумат исковучларидан яширинган К.



3-расм. Роза Люксембург.

Либкнехт билан Р. Люксембург партия газетаси «Роте фане» («Қизил байроқ») га редакторлик қилишни давом эттирдилар. К. Либкнехт бундай деб ёзди: «Бизнинг кемамиз белгиланган мақсад сари қатъий ва мағрур ўз йўли билан бормоқда. Мақсадга эришилган вақтда биз ҳаёт бўламизми-йўқми, барибир — бизнинг программамиз яшайверади; у озод инсоният оламида ҳукмрон бўлиб қолади. Ҳамма нарсага қарамай шундай бўлиб қолади!» Бу башоратли сўзлар коммунизм тантанасига чуқур ишонч билан тўлиб-тошган эди.

К. Либкнехт билан Р. Люксембург излаб топилиб, 15 январда реакцион ҳарбийлар томонидан ўлдирилди. В. И. Ленин немис пролетариати йўлбошчиларидан ўч олинишида социал-демократиянинг ўнг лидерларини ғазаб ва нафрат билан айблаб, бундай деб ёзган эди: «Номига социалист бу жаллодларнинг бутун қабиҳлиги ва разиллигини ифода қила оладиган ҳеч қандай сўз топиш мумкин эмас»<sup>1</sup>.

Берлин ишчиларининг мағлубиятига қарамасдан, мамлакатнинг бошқа районларида синфий жанглар давом этди. Ишчилар синфининг иши учун илғор курашчилар революциянинг бундан кейинги ривожланиши ва социалистик вазифаларни ҳал қилишга интилдилар. **1919 йилнинг апрелида Баварияда Совет республикаси** эълон қилинди. Коммунистлар раҳбарлик қилган Бавария хукумати корхоналарда ишчи контролини жорий этди, банкларни национализация қилди, Қизил Армияни тузди. Бирок, Бавариядаги совет ҳокимияти узок давом этмади. Майнинг бошларида Носке тўдалари Бавария совет республикасини тор-мор келтиришга муваффақ бўлди.

<sup>1</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 37-том, 534—535-бетлар.

**Революциянинг характери ва унинг аҳамияти. Ишчилар синфи мағлубиятининг сабаблари.** 1918—1919 йиллардаги революция немис ишчилар синфининг герман империализмига ва милитаризмига қарши биринчи революцияси эди. *Германия империясида социалистик революция учун объектив социал-иқтисодий шарт-шароитлар пишиб етилган эди, лекин синфий курашнинг конкрет шароитлари (субъектив шарт-шароитларнинг етарли даражада етук эмаслиги, биринчи навбатда жангларда чиниккан янги типдаги пролетар партиясининг йўқлиги) герман империализмининг тор-мор қилинишига ёрдам бермади.*

*Бу революция ўз характериға кўра буржуа-демократик революция эди. Бироқ, унинг вазифалари охиригача ҳал қилинмай қолди. Монополстик буржуазия, милитаристик кучлар, амалдорлардан иборат бюрократия ўз мавқеини сақлаб қолди. Германияда помешчиклар ер эгалиги сакланиб қолаётган эди.*

Ишчилар синфи анчагина муваффақиятларга: монархиянинг тугатилишига, демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар эълон қилинишига, саккиз соатлик иш кунининг ўрнатилишига эришди. Хизматкорлар тўғрисидаги ярим феодал конунлар бекор қилинди.

Революция маълум даражада *пролетарча воситалар ва услуллар* билан амалга оширилди. Пролетариат сиёсий иш ташлашларда, курулли кўзғолонларда актив катнашди, бу билан революциянинг ривожланишига ёрдам берди. Ишчиларнинг ташаббуси билан революцион ҳокимиятнинг бошланғич органлари бўлган Советлар тузилди. Бироқ, ГСДП ва ГМСДП<sup>1</sup> кўпгина раҳбарларининг хоинлиги туфайли немис ишчилар синфи мағлубиятга учради.

1919 йилнинг ёзида ўз составига кўра буржуача бўлган ва **Веймар шахрида** йиғилиш ўтказган Таъсис мажлиси конституция қабул қилди. Германия буржуа-демократик республикаси деб эълон қилинди. Уни кўпинча Веймар республикаси деб аташарди. Конституция сўз эркинлиги, йиғилишлар ўтказиш, иттифоқлар тузиш, матбуот эркинлигини, эркаклар ва аёллар учун умумий ҳамда тенг сайлов ҳуқуқини расман ва тантанали равишда эълон қилди.

Революция натижасида юнкерлар ҳуқумат блокадаги ҳукмронлик таъсиридан маҳрум бўлди. Юнкерлар-буржуа империализми буржуа-юнкерлар империализмига айланди, ярим абсолют монархия ўрнига буржуа-парламент республикаси ўрнатилди. Республика президенти конституция бўйича катта ваколатларга, шу жумладан, мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳуқуқига эга бўлди.

*Германияда 1918—1919 йилларда рўй берган революцион воқеалар Россиядаги Октябрь революциясидан кейин Европадаги энг йирик антиимпериалистик ҳаракат бўлди. Улар капитализм-*

---

<sup>1</sup> ГМСДП аъзоларининг кўпчилигини ташкил этувчи сўллар 1920 йил декабрда коммунистлар билан бирлашдилар. Ана шу тадбир ГКП нинг оммавий коммунистик партияга айланишига ёрдам берди.



нинг умумий кризисини чуқурлаштиришга ёрдам берди. Герман пролетариатининг кураши Европадаги бошқа мамлакатлар халқларини революционлаштирди ва Россияда Совет ҳокимиятининг мустақамланишига кўмаклашди. Кайзер Германиясининг мағлубияти талончиликдан иборат Брест сулҳини тугатишни осонлаштирди, герман империализмининг Советларга қарши интервенцияда кейинги иштирокини қийинлаштирди.

### Савол ва топшириқлар

1. 1918 йилнинг ноябрига келиб Германияда социалистик революциянинг қандай объектив шарт-шароитлари мавжуд эди?<sup>1</sup> 2. Германияда социалистик революциянинг субъектив шарт-шароитлари ҳали етилмаганлигини исботлаб беринг. 3. Германияда революция маълум даражада пролетарча воситалар ва усуллар билан ўтказилганлигини кўрсатувчи фактлар келтиринг. 4. Немис революционерлари (Карл Либкнехт ва Роза Люксембург) мардлигининг манбаи нимада эди? 5. Герман революциясидаги ўнг социал-демократларнинг ролини Россиядаги 1917 йил революцион воқеаларида меньшевикларнинг тутган позицияси билан таққосланг.

### 3- §. Венгрия Совет республикаси

Австрия-Венгриядаги ички зиддиятлар тўғрисида сиз нималарни биласиз? (Қаранг: янги тарих дарслиги, 17-§).

1918 йилги буржуа-демократик революцияси. Биринчи жаҳон уруши йилларида Австрия-Венгрияда ҳарбий мағлубиятлар, хўжалик вайронгарчилиги ва озик-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги таъсирида меҳнаткашлар ўртасида революцион ғалаёнлар кучайиб кетди. Мазлум халқларнинг миллий озодликка бўлган интилишлари тўхтовсиз суратда ортиб борди. Совет Россиясидаги миллий масаланинг революцион йўл билан ҳал қилиниши бу халқларни курашга илҳомлантирди. 1918 йилда «курок» империяда буржуа-демократик революция рўй берди. Ишчи ва деҳқонлар Габсбурглар сулоласини ағдариб ташлаб, мустақил республикалар — Австрия, Венгрия ва Чехословакияни туздилар. Австрия-Венгрия территориясининг бир қисми Руминия, Польша ва Югославия составига кирди (24-бетдаги картага мисолан).

Венгриядаги воқеалар айниқса шиддат билан ривожланиб борди. 1918 йил 30 октябрда Будапештда кузғолоқ бошланиб кетди. Ишчилар билан студентлар кўчаларга чиқиб, «Венгрия газета»ларидан бири намойишни бундай тасвирлагани: «Кимдир кўлида милтик ушлаган, кимдир қилич, кимдир найза қимдир тўтиб олганча ушлаган. Ҳамма революция, республика шарафига олқишлар ёғдирмокда». Ишчиларнинг чиқишларида «Кўзга кўриниб кувватладилар. 31 октябрга ўтар кечаси кузғолоқ кўтарганлар пой-»

имонинг Сабир Рахимова

<sup>1</sup> Бу ерда ва бундан кейин анча мураккаброқ саволлар топшириқлар ярим қора шрифт билан берилган.

тахтнинг барча муҳим стратегик пунктларини эгалладилар. Венгрияда *буржуа-демократик революцияси* галаба қилди. Унинг гегемони Россия ишчилар синфининг намунасидан илҳомланган пролетариат бўлди.

Мамлакатда ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари вужудга келди. Германияда бўлгани каби, улар ҳам асосан социал-реформистлар таъсири остида эдилар.

Революцион Венгрияда ҳокимият тепасига либерал буржуазия билан помешчиклар келишди. Коалицион ҳукуматга ўнг социал-демократлар ҳам кирди. Халқ оммасининг тазйиқи остида бу ҳукумат Венгрияни республика деб эълон қилди. Бироқ ҳукумат ишчилар ва деҳқонларнинг аҳволини яхшилаш учун чоралар кўрмади. Саноат марказларидаги норози ишчилар ва солдатлар ҳукуматга қарши намоишлар ташкил этдилар. Камбағал деҳқонлар помешчикларнинг ерларини тортиб ола бошладилар.

**Венгрия Коммунистик партиясининг ташкил топиши.** Кескин синфий кураш вазиятида **1918 йил ноябрда Венгрия Коммунистик партияси** (ВКП) ташкил топди. Унга революционерлар — Совет Россиясидан қайтиб келган собиқ ҳарбий асирлар ва революцион социалистларнинг бир қисми кирди. Партияни ташкил этишда Бела Кун (1886—1939) муҳим роль ўйнади. Бела Кун ва бошқа венгер интернационалистлари Россияда бўлган вақтларида Совет ҳокимияти учун жанг қилган эдилар, улар кураш фақат Советлар Республикаси меҳнаткашларининг озодлиги учун эмас, шу билан бирга венгер халқи ва бутун инсониятнинг социалистик келажаги учун ҳам олиб борилаётганини англаб эдилар.

*Коммунистик партиянинг ташкил этилиши венгер халқининг тарихидаги янги босқичга асос солди. Коммунистлар буржуа-демократик революциясининг социалистик революцияга ўтиши ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш йўлини тутдилар.* Компартия ўзи ташкил этилган биринчи кундан бошлаб ишчилар ҳаракатидаги реформистларга қарши кураш олиб борди.

Коммунистлар революцион ғояларни тарқатиш билан бирга, касаба союзлари ишида актив қатнашдилар, армиядан бўшатилган солдатлар ва фабрика- завод ёшлари орасида сиёсий тарғибот олиб бордилар.

**1919 йилги пролетар революцияси.** Коммунистлар раҳбарлигида ишчиларнинг қорхоналарни босиб олиши, камбағал деҳқонларнинг помешчиклар ва черковларга қаршли ерларни босиб олиши тез-тез содир бўлиб турди. Омманинг чиқишлари кўпинча қўшинлар билан қуролли тўқнашувлар чиқишига олиб келарди. *Мамлакатда революцион вазият вужудга келган эди.*

Халқ орасида оммалашиб кетган коммунистик ғоялар сўл социал-демократларга революцион таъсир кўрсатди, улар Советлар ва касаба союзларида коммунистлар билан биргаликда тобора тез-тез чиқиб турадиган бўлдилар. Меҳнаткашларнинг революцион азму-қарори венгер реакциясини чўчитиб қўйди. Ўнг социал-демократлар иштироки билан мамлакатда компартияни таъқиб қилиш авж олиб кетди. 1919 йилнинг февралда полиция Буда-

пештда кўпдан-кўп кишиларни камокка олди. Венгрия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг деярли бутун состави камокка олинди ва турмага ташланди. Бирок социалистик революцияни тайёрлаш давом этаётган эди; бу ишга коммунистлар бошчилик қилдилар, улар камокка олинишдан қутулиб қолишга ва яширин равишда янги Марказий Комитет (Тибор Самуэли ва бошқалар) ташкил этишга муваффақ бўлдилар.

1919 йил мартда Антанта ярашиш тўғрисидаги битимга қармай, Венгриядан мамлакат территориясининг анчагина қисмидан ҳукумат қўшинларини олиб чиқиб кетишни талаб қилдики, бу ҳол унинг бир қанча районларини ажнабийлар оккупациясига дучор қилар эди. Бу ультиматум халқ ғазаб-нафратини келтирди. Коалицион ҳукумат ҳақиқатда ҳокимиятдан маҳрум бўлганди. Янги ҳукуматни ташкил этиш социал-демократларга топширилди. Эксплуататор синфлар унинг ёрдами билан оғир кунларни бошдан кечиришга ва буржуа тузуми негизларини сақлаб қолишга умид боғлагандилар.

Бирок социал-демократия раҳбарлари бир партияли ҳукумат тузишга ноқобил бўлиб чиқдилар. Ишчилар орасида социал-демократия раҳбарларининг обрўси кескин пасайиб кетди. Ишчиларнинг кўпчилиги ВКП томонига ўтди. Ишчиларнинг митингларида камокка олинган коммунистларни озод қилиш ва мамлакатда пролетариат диктатураси ўрнатиш талаблари илгари сурилди.

Омманинг тазйиқи остида социал-демократлар коммунистлар иштирок этадиган революцион ҳукумат тузиш тўғрисида коммунистлар билан музокара бошладилар. **21 мартда** социал-демократларнинг раҳбарлари турмага етиб келдилар ҳамда бу ерда Бела Кун ва Коммунистик партиянинг бошқа раҳбарлари билан битим туздилар. Коммунистлар таклиф этган шартлар қабул қилинди. Бу шартлардан асосийлари — пролетариат диктатураси зарурлигини эътироф қилиш, Венгрияни Совет республикаси деб эълон қилиш, коммунистлар билан социал-демократларни бирлаштириш йўли билан ягона ишчилар партиясини ташкил этиш эди. Хали битимни имзолашга қадар ишчилар ва солдатларнинг отрядлари компартия яширин марказининг кўрсатмаси билан ҳукумат биноларини, вокзалларни, кўприкларни эгалладилар ва полицияни қуролсизлантирдилар. Ўша кунгек Совет ҳукумати ташкил топди. Венгриядаги пролетар революцияси тинч йўл билан амалга оширилди.

Хўш, қандай шарт-шароитлар ишчилар синфининг қуролли кўзғолонсиз ҳукумат тепасига келишига ёрдам берди? Бу ғалабаниннг ҳал қилувчи шартларидан биринчиси март кунлари икки партия — коммунистик партия билан социал-демократик партияни бирлаштириш натижасида эришилган ишчилар синфининг бирлиги бўлди. Иккинчи шарт — ишчилар синфининг меҳнаткашларнинг бошқа қатламлари томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланиши бўлди. Меҳнаткашларнинг бу қатламларини капиталистларсиз, банкирларсиз, помещикларсиз жамият ташкил этиш ғояси илҳомлантирган эди. Ниҳоят, ўша пайтда ҳатто



4-расм. Бела Кун. У ўспиринлик чоғида социал-демократик партияга кирди. Уруш вақтида Австрия армиясига чакирилди. Сибирдаги харбий асирлар лагерида бўлган вақтида подпольедаги большевиклар билан алоқа ўрнатди.

ўрта катламлар пролетариат диктатурасини қўллаб-қувватлашга тайёр эдилар, улар Совет республикаси Венгрияни Антантанинг босқинчилик даъволаридан ҳимоя қила олишига умид қилган эдилар. Бундай шароитда буржуазия пролетариатга қаршилиқ кўрсатишга журъат қилолмади.

**Венгрия ва Словакия совет республикалари.** Совет Венгрияси ҳукумати ўзининг дастлабки актларидан бири сифатида Совет Россияси билан дўстона муносабатлар ўрнатди. Коммунистлар биринчи социалистик давлат тажрибасига таяниб, эски давлат машинасини бузиб ташлаш ва Советлар тузиш мақсадида қатор тadbирларни амалга оширдилар. Апрельда ҳокимиятнинг юқори ва маҳаллий органларига сайловлар бўлиб ўтди. Бу органларнинг дастлабки депутатлари ишчилар, деҳқонлар, илғор

зиёлиларнинг вакиллари бўлишди. Ҳукумат Қизил Армия ва Қизил кўрикчи (эски полиция ва жандармерия ўрнига) ташкил этди. Ишчилар синфи буржуа судларини бекор қилди ва революция трибуналлар тузди. Ҳукумат саноатни, банкларни, темир йўлларни национализация қилди. Меҳнат қилиш ҳуқуқи эълон қилинди, 8 соатлик иш куни жорий этилди, иш ҳақи оширилди. Кўп минглаб ишчилар бойлардан мусодара қилиб олинган янги квартираларга кўчиб кирдилар.

Венгрия Коммунистик партияси ўша вақтда етарли сиёсий тажрибага эга эмасди. Коммунистларнинг социал-демократлар билан бирлашувга қарор қилганлиги ўз-ўзича тўғри эди. Бирок, бирлашувда марксизм-ленинизм принциплари асосида қарашларнинг бирлигига эришилмади. Бирлашган партияда пролетариат диктатурасининг ҳақиқий тарафдорлари бўлган социал-демократлар билан бир қаторда социал-реформистларнинг анчагина қисми қолган эди, улар раҳбарлик лавозимларининг кўпчилигини ўзларида сақлаб қолгандилар. Улар революцияга душманлик қайфиятида бўлиб, ҳокимиятни буржуазияга қайтаршига интилардилар. Социал-реформистлар ёш компартияни кўп сонли социал-демократик партияга қўшиб юбориш учун бирлашувга рози бўлган эдилар. Ҳукумат составидаги кучлар нисбатининг номувофиқлиги

билан ҳам аҳвол мураккаблашган эди. Ҳукумат составида факат икки коммунист бор эди.

Антанта мамлакатлари ва АКШ империалистлари ёш Венгрия республикасини бўғиб ташлашга ошиқардилар. Унга қарши чехословак ва румин қўшинлари ташланди.

~~Венгрия~~ ишчилари яқдиллик билан қўлга қурол олдилар. Венгрия Қизил Армияси сафларида венгерлар билан ёнма-ён словаклар, руминлар, серблар, австрияликлар ва бошқа миллатларнинг вакиллари жанг қилдилар. Венгриядаги собик рус харбий асирлари кўнгилли батальон ташкил этдилар. Ишчи полклари кўп марта интервентларга зарба бердилар ва ҳужумга ўтдилар. Улар Словакиянинг бир қисмини чехословак буржуа армиясидан озод қилишга ва у ерда революциянинг юксалишига ёрдам беришга муваффақ бўлдилар. Словакия ишчилари 1919 йил июнда Совет республикаси эълон қилдилар.

Революцион ҳукумат коммунистлар раҳбарлигида муҳим санаат корхоналарини ва банкларни национализация қилиш тўғрисида, 50 га дан ортиқ помешчик ва черков имениелари ерларини қайтармаслик шарти билан экспроприация қилиш ҳақида қарор қабул қилди. 8 соатлик иш кунини тўғрисида, иш ҳақини ошириш, деҳқонларни солиқлардан озод қилиш тўғрисида декретлар чиқарилди. Қизил Армияни тузиш бошланди. Бирок, Словакиядаги Совет ҳокимияти бор-йўғи уч ҳафта турди. Словакия совет республикаси чет эл империалистлари ёрдамида Чехословакия буржуа ҳукумати уюштирган интервенция орқали бўғиб ташланди.

В. И. Ленин Совет Венгриясига ёрдам кўрсатиш юзасидан қатор гадбирлар белгилади. Чунончи, совет Қизил Армиясининг румин қўшинларига қарши муваффақиятли ҳужуми уларнинг Венгрия республикасига нисбатан ҳаракатларини сиқиб қўйди. Бирок, Венгрия Қизил Армияси бош штабига жойлашиб олган контрреволюцион офицерларнинг сотқинлик қилиши ва империалистик реакция бирлашган кучларининг миқдор жиҳатидан устунлиги июлнинг охирларида революция қуролли кучларининг мағлубиятга учрашига олиб келди. Худди шу вақтда совет Қизил Армияси Украинада Деникин оқ гвардиячи қўшинларининг ҳужуми муносабати билан революцион Венгрияга ёрдам кўрсата олмади.

1919 йил 1 августда Венгрия совет республикаси 133 кун яшаб мағлуб бўлди. Социал-реформистлар хоинлик ролини ўйнадилар. Улар Совет ҳукуматининг истеъфо беришига эришдилар ва синфий душманга йўл очиб бердилар. Мамлакатда адмирал Хортининг контрреволюцион диктатураси ўрнатилди. Совет Венгрияси учун мардларча қурашганлар ва меҳнатқашлар манфаатини қаҳрамонларча ҳимоя қилганлар жазоланди. 5 мингдан ортиқ венгер революционерлари хортичилар зиндонларида ўлдирилди, қурашнинг кўпгина қатнашчилари турмаларга ташланди.

Келишувчилик сиёсатини давом эттирган ўнг социал-демократлар ўз партияларини олдинги оппортунистик платформада ошқора



5-расм. В. И. Ленин билан Тибор Самуэли 1919 йил 25 майда (меҳнат-кашларга Умумий ҳарбий таълим бериш кунида) Москвадаги Қизил майдонда.

*гариб бораётган шароитда оммага раҳбарлик қилишга қодир бўлган жанговар, сиёсий етуқ, обрў-эътиборли коммунистик партия зарур.*

Венгрия совет республикаси пролетариат диктатураси, социал-реформистлар даъво қилганидек, «ўзига хос рус ходисаси» эмас, балки капитализмдан социализмга ўтишнинг зарур шарти эканлигини амалда исботлади.

Совет Венгрияси ўзига контрреволюциянинг анчагина кучларини жалб қилиб, Совет Россиясига жиддий ёрдам кўрсатди.

Венгриядаги пролетариат диктатурасининг биринчи тажрибаси венгер меҳнаткаш халқи онгида ўчмас из қолдирди ва бошқа мамлакатларнинг пролетариатини революционлаштирди. Венгер коммунистлари фидокорона кураш олиб борган иш иккинчи жаҳон урушидан кейин тантана қилди.

### Савол ва топшириқлар

1. Германия ва Венгриядаги революциялар субъектив шарт-шароитларининг етуқлик даражасини таққосланг ҳамда хулосалар чиқаринг. 2. Венгрияда қайси шарт-шароитлар пролетариат диктатурасини тинч йўл билан ўрнатиш имконини берди? 3. Халқаро империализм кучлари нима сабабдан Венгрия совет республикасини бўғиб ташлашга муваффақ бўлдилар? 4. Венгрия совет республикасининг сабоқлари нималардан иборат? 5. 3-картадан Габсбурглар империяси ҳалокати натижасида ташкил топган мустикал давлатларнинг чегараларини топинг.

равишда қайтадан ташкил этидилар. Венгер коммунистлари яширин иш олиб боришга мажбур бўлдилар.

**Венгрия совет республикасининг аҳамияти.** Венгрия совет республикасининг қаҳрамонона кураши венгер ва халқаро ишчилар харакатини қимматли тажриба билан бойитди. *Венгриядаги пролетар революцияси Лениннинг ишчилар синфи қулай шароитда қуролли қўзғолонсиз ҳам ҳокимият тепасига келиши мумкин, деган хулосасини тасдиқлади.*

Халқаро пролетариат ленинча бошқа қондалар ҳам тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. *Пролетариат диктатурасини қўлга киритиш ва мустақамлаш учун ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонларнинг мустақам иттифоқи ҳамда тез ўз-*

#### 4-§. Буюк Британия, Франция, АҚШ ва Италияда ишчилар ҳаракатининг юксалиши

Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШ меҳнатқашларининг совет халқининг интервентлар ва оқ гвардиячиларга қарши олиб борган кураши билан бирдамлигини кўрсатувчи мисоллар келтиринг. (Қаранг: СССР тарихи: Тўққизинчи синф учун дарслик<sup>1</sup>. Тошкент, «Ўқитувчи», 1987, 300-бет.).

**Буюк Британия, Франция ва АҚШ да ишчилар ҳаракатининг юксалиши.** Совет Россияси ўзининг мавжуд бўлиб турганлиги факти билан халқаро пролетариатга бевосита таъсир кўрсатди. Ҳокимиятни ўз қўлига олган Россия ишчиларининг жонли мисоли меҳнатқашларни ҳукмрон синфларнинг эксплуатацияси ва зулмига қарши кураш олиб боришга илҳомлантирди. Сулҳ тўғрисидаги ва ер ҳақидаги декретлар, Совет ҳукуматининг чор ҳукуматининг яширин шартномаларини кенг ошқор қилиши ва уларни бекор этиши бутун дунёга катта таъсир кўрсатди. Империалистик урушни тўхтатиш учун оммавий ҳаракатнинг кучайганлиги Совет Россиясининг тинч даъватларига бевосита жавоб бўлди.


Меҳнат билан капитал ўртасидаги зиддиятлар айниқса биринчи жаҳон урушидан кейин кескин тус олиб кетди. Ишчилар оғир меҳнат шароитлари билан, кам иш ҳақи, озик-овқат маҳсулотларининг юқори нархи билан келишишни истамадилар. Жанговар, хужумкор характердаги иш ташлашлар тез-тез ўтказиб туриладиган бўлди. Улар асосан ишчи комитетлари (АҚШ ва Францияда), фабрика старосталари<sup>2</sup> (Буюк Британияда) ташаббуси билан пайдо бўлди. Оппортунистик қасаба союзлари раҳбарлигининг синфий жанглар шиддатини пасайтиришга интилишларига зид ўларок ҳамма жойда 8 соатлик иш куни жорий этиш, иш ҳақини кўпайтириш, қасаба союзларининг уруш йиллари камайтирилган ҳуқуқларини тиклаш талаблари илгари сурилди.

Советлар Республикасига қарши ошқора империалистик интервенциянинг бошланиши билан халқаро пролетар бирдамлиги ортиб борди, бунинг ёрқин кўриниши «Совет Россиясидан қўлинг-ни торт!» деган қудратли ҳаракат бўлди. Буюк Британия, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг ишчилари дунёда биринчи ишчи ва дехқонлар давлатини йўқ қилишга мўлжалланган ҳарбий материалларни ишлаб чиқариш ва юклашдан бош тортдилар.

---

<sup>1</sup> Кейингилари СССР тарихи дарслиги дейилади.

<sup>2</sup> Дарслик охиридаги луғатга киритилган сўзлар юлдузчалар билан кўрсатилган.



- |   |  |
|---|--|
| <p>Россидаги Улуқ Октябрь социалистик революцияси (1917 й.)</p> <p>Совет Социалистик республикалари Иттифоқи (1922 й. ташкил толган)</p> <p>Болтиқбўйи давлатлари; улар 1918-1920 йилларда совет республикалари бўлган</p> <p>1918-1919 йилларда пролетар революциялари булган мамлакатлар ва территориялар</p> <p>Меҳнаткашларнинг революцион чиқишлари, ишчиларнинг сиёсий ва иқтисодий иш ташлашлари рўй берган мамлакатлар</p> <p>Миллий-озодлик, антиимпериалистик ҳаракат камраб олган мамлакатлар</p> <p>1918-1923 йилларда Коммунистик партиялар ва группалар ташкил топган мамлакатлар</p> | <p>1923 йил охиридаги чегаралар</p> <p>1918-1923 йилларда буржуа-демократик революциялар содир бўлган мамлакатлар</p> <p>Бавария Совет Республикаси (13. IV - 1.V.1919 й.), Венгрия Совет Республикаси (21.III - 1.VIII.1919 й.) ва Словакия Совет Республикаси (16.VI - 7.VII.1919 й.)</p> <p>Италия районлари; бу ерларда 1920 йилда ишчилар заводлари босиб олишган</p> <p>Германия областлари (Тюрингия ва Саксония). бу ерларда 1923 йилда ишчи ҳукуматлари тузилган</p> <p>1923 йилда меҳнаткашларнинг қуролли қўзғолонлари</p> <p>Дания Меҳнаткашлар Совет Россиясини ҳимоя қилиб чиқишлар ўтказган мамлакатлар</p> |
|---|--|

Картада қуйидагилар рақамлар билан белгиланган:

- |                |                 |              |            |              |                |
|----------------|-----------------|--------------|------------|--------------|----------------|
| 1. Нидерландия | 3. Люксембург   | 5. Бавария   | 7. Австрия | 9. Венгрия   | 11. Португалия |
| 2. Бельгия     | 4. Чехословакия | 6. Швейцария | 8. Албания | 10. Болгария |                |

6-расм. Европада революцион ҳаракатнинг юксалиши (1917-1923 йиллар).



Буржуа-помешчиклар Польшасининг Совет давлатига қарши ҳарбий юриши вақтида Британия раҳбар арбобларининг (Ллойд Жорж, Черчилль ва бошқаларнинг) Советлар мамлакатига душманлик сўёсати меҳнаткашлар ўртасида газабнафратни авж олдириб юборди. Бутун мамлакатда ишчиларнинг жанговар ташкилотлари — ҳаракат Советлари вужудга келди. «Хукуматнинг Совет Россиясига қарши уруш олиб бормоқчи бўлганлигини жавобан, ишчилар, биз бунга йўл қўймаймиз, дедилар, улар яна французларнинг ҳам урушга йўл қўймаймиз, дедилар, чунки французлар инглиз кўмири билан кун кўрадилар, шунинг учун агар кўмир ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилса, бу — Франция учун каттик зарба бўлиб тунади».<sup>1</sup> Пролетар бирдамлиги Ллойд Жорж ҳукуматини Совет-Польша урушига бевосита аралашувдан ўзгани тийиб туришга мажбур қилди.



7-расм. «Жорж, уни қайтадан ёзиб чик, яъни мана бундай деб...» Ҳаракат совети Ллойд Жорж Совет ҳукуматига юборган ултиматумдан воз кечсин, деб талаб қилмоқда. Америкада чиқадиған «Либерејтор» журналида босилған расм. 1920 йил.

Стачкалар тўлқини буржуа ҳукуматларини меҳнаткашларга ён беришга мажбур этди. Буюк Британия, Германия ва бошқа бир қатор капиталистик мамлакатларда 8 соатлик иш куни жорий этилди, айрим қасблардаги ишчиларнинг иш ҳақи оширилди.

**Коммунистик партияларнинг ташкил топиши.** Революцион юксалиш вазиятида социалистик партияларнинг сўл қаноти кучайди, социалистларнинг бир қисми марксизм-ленинизм позициясига ўтди. В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партиясининг жаҳон уруши йилларида интернационалистларни жипслаштириш соҳасида зўр ғайрат билан олиб борган ишлари ўз таъсирини кўрсатди. Лениннинг асарлари ва унинг Европа ҳамда Америка ишчиларига йўллаган мактублари революцион марксистларнинг оппортунистлар билан алоқани ўзишларига ёрдам берди. В. И. Ленин билан бўлган учрашувлар ва суҳбатлар революционерларда жуда катта таассурот қолдирди. Нихоят, капиталистик дунёдан тубдан фарқ қилувчи совет воқелиги илғор қайфиятдаги ажнабийларни революционлаштирди. Совет Россиясида бўлган машҳур америкалик публицист Линколн Стаффенс: «Мен келажакни кўрдим ва у амал қилмоқда», деб бежиз айтмаган эди.

<sup>1</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 41-том, 364 бет.



8-расм. Жон Рид. У воқеалар моҳиятини буюк кураш маъносини тушунган оташин революционер, коммунист бўлган эди.

Америкалик революционер Жон Риднинг «Жаҳонни дарзага келтирган ўн кун» номли китоби дунёда биринчи ишчи ва деҳқонлар республикаси тўғрисидаги, меҳнаткашлар йўлбошчиси В. И. Ленин ҳақидаги ҳақиқатни ҳикоя қилиб берди. Мазкур китоб кўпгина америкаликларга социалистик революция ва пролетариат диктатураси моҳиятини тушуниб олишда ёрдам берди. АҚШга қайтиб келган Жон Рид коммунистик ҳаракатнинг актив ташкилотчиларидан бири бўлиб қолди.

1919 йилда сўл социалистларнинг бир қисми (асосан туб америкаликлар) Жон Рид бошчилигида Америка Коммунистик ишчилар партиясини тузди.

Сўл социалистларнинг бошқа қисми (асосан Европа мамлакатларидан борган иммигрантлар) Америка Коммунистик партиясини ташкил этди. Машҳур революционер Чарлз Рутенберг бу партиянинг раҳбари қилиб сайланди. Ҳар иккала партия ўртасида программа соҳасида фарқлар йўқ эди. 1921 йилда яширин ишлаш шароитида бу партиялар бирлашди ва *Америка Коммунистик партияси* (АКП) ташкил этилди. Ўша йилнинг ўзида Уильям Фостер томонидан ташкил этилган революцион ишчилар группаси АКП га кирди.

Буюк Британияда коммунистик партиянинг ташкил топиши АҚШ дагига нисбатан бошқачарок бўлди. Инглиз ишчилар ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари — ишчилардан ташкил топган, лекин оппортунистлар раҳбарлик қилаётган лейбористлар партиясининг мавжудлиги ўз таъсирини кўрсатди. Сўл социалистлар ва фабрика старосталарининг бир қисми пролетариат диктатураси ўрнатилишини эътироф қилсалар-да, амалда ишчиларнинг буржуа парламентида қатнашувига қарши чиқди. Улар қасаба союзларининг ишига салбий муносабатда бўлиб, бу союзларни хато равишда реакцион ташкилотлар деб ҳисоблар эдилар. Ленин сўл социалистларни ишонтириб айтдики, «ишчилар оммаси билан мустаҳкам алоқа боғлаш, омма ичида доим агитация юргиза билиш, ҳар бир стачкада иштирок қила билиш, омманинг хилма-хил талабларига эътибор қила билиш — коммунистик партия учун, айниқса Англия каби мамлакатнинг коммунистик партияси учун



9-расм. Марсель Кашен социалистик партиянинг 1920 йилда Тур шаҳрида бўлган съездида нутқ сўзламокда.

энг муҳим ишдир...».<sup>1</sup> Ленин ғоялари таъсири остида сектачилик хатолари секин-аста тузатиб борилди. 1920 йилда *Буюк Британия Коммунистик партияси* (БКП) ташкил этилди. Коммунистлар ишчилар ҳаракатида ҳукмрон бўлган реформизмга қарши оғир ва шиддатли кураш олиб боришлари керак эди.

Ривожланган бошқа капиталистик мамлакатлардаги каби Францияда ҳам революцион юксалиш шароитида социалистик ҳаракатдаги сўл канот сезиларли равишда кучайиб борди. Социалистик партия аъзоларининг сони ортиб, унинг сафларини революцион кайфиятдаги ишчилар тўлдирдилар.

Урушдан кейин француз сўл социалистлари орасида янги типдаги партияни тузишга интилиш кучайди. Уларнинг топшириғига биноан Марсель К а ш е н — социалистик партия сўл канотининг лидерларидан бири — Владимир Ильич билан учрашмоқ учун Москвага борди. Ўзaro бўлган суҳбатларда Ленин Франциянинг илғор ишчиларини оппортунистлардан алоқани узишга ва марксистик платформада турган, интизомли коммунистлар партиясини тузишга чақирди. Совет Россиясидан қайтиб келгач, Кашен социалистик партиянинг Тур шаҳрида бўлиб ўтган съездида (1920 йил декабрь) сўзга чиқиб, В. И. Ленин билан қилган суҳбатлари ҳақида сўзлади ва съездни коммунистик ҳаракатга кўшилишга чақирди. Делегатларнинг аксарияти оппортунистлардан алоқани узишни ва *Франция коммунистик партиясини* (ФКП) тузишни ёқлаб чиқди. Унглар билан центристлар съезд қарорига бўйсунмадилар ва ажралиш йўлини тутдилар. Улар мустақил

<sup>1</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 39-том, 189-бет.

социал-реформистик партия тузиб, унинг эски номини саклаб қолдилар.

ФКП нинг ташкил топиши француз пролетариатининг жуда муҳим ғалабаси бўлди.

**Италиядаги революцион воқеалар.** Буржуазия фашизмдан нажот излайди. 1920 йилда Италияда йирик революцион воқеалар рўй берди. Бу воқеаларга мамлакат урушдан кейин бошдан кечириётган қийинчиликлар сабаб бўлган эди. Жаҳон урушида Италия анчагина талафотлар кўрган эди. Ҳарбий қарзларнинг бутун оғирлиги меҳнаткашлар зиммасига тушди. Мамлакатда иқтисодий кризис бошланиб кетди, у шаҳар билан қишлоқ халқ оммасининг қашшоқлигини кучайтириб юборди. Синфий кураш илгари мисли кўрилмаган кўламда авж олиб кетди. Мамлакатда революцион вазият вужудга келаётган эди. Капиталистлар иш ҳақини оширишни рад қилганлигига жавобан металлист ишчилар корхоналарни босиб ола бошладилар. Тўқимачилар, кемасозлар ва бошқалар ҳам улардан ўрнак олишди. Ишчилар эгаллаб олган биноларда қизил байроқлар пайдо бўлди. Уч-тўрт ҳафта мобайнида корхоналарни бошқариш фабрика- завод кенгашлари — ишчиларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари қўлида бўлди. Ишчилар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг уддасидан чиқдилар. Масалан, ФИАТ автомобиль заводлари одатдаги маҳсулотнинг деярли тўртдан уч қисмини бера бошладилар. Цехлардан машиналарнинг чиқиши давом этаверди, лекин уларнинг кузовида беш бурчакли юлдуз ҳамда ўроқ билан болга тасвири бор эди.

Россия пролетариатининг намунаси ишчиларни руҳлантириб юборганди. «Худди Россиядагидек қиламиз!» деган сўзлар итальян меҳнаткашларининг шiori бўлиб қолди. Мамлакатда В. И. Ленин жуда машҳур бўлиб кетган эди. Унинг ҳақида кўшиқлар тўкилди. Унинг суратларини ишчиларнинг квартираларида ҳам, дехқонларнинг кулбаларида ҳам кўриш мумкин эди. Илғор ишчилар фабрика ва заводларнинг босиб олинганга мамлакатда пролетариат ҳокимиятини ўрнатиш йўлидаги дастлабки одим деб қарадилар. Улар қизил гвардия отрядлари туздилар ва қурол-яроғ тайёрлашга киришдилар. Ишчилар билан биргаликда дехқонлар билан батрақлар ҳам бош кўтардилар, улар помещикларнинг ерларини босиб ола бошладилар.

Ҳукумат тамоман ўзини йўқотиб қўйган, нима қиларини билмай қолган эди. Италия социалистик партиясининг (ИСП) центрист раҳбарлари ҳаракатга бошчилик қилишга журъат эта олмади. Халқ оммаси орасида таъсири кучли бўлган реформистик қасаба союзлари ишчиларни ўз талабларини корхоналарда назорат ўрнатиш ҳуқуқи билан чеклашга чақирдилар. Қасаба союз лидерларининг фикрича, бу тadbир ишлаб чиқаришни социализация қилишга олиб келиши лозим эди. *Мамлакатдаги революцион вазият шароитида пролетариатга ва ўз ҳуқуқлари учун курашга кўтарилган дехқонларга бошчилик қилишга қодир бўлган партия йўқ эди.*

Италияда революция тўлкини пасая бошлади. Бундан ҳукумат

фойдаланиб колди ва касаба союзлари билан корхона эгалари ўртасидаги музокараларда ўзи «воситачилик қилишини» таклиф этди. Ишчиларга иш хақини оширишни ва ишлаб чиқариш устидан ишчи назоратини жорий этишни ваъда қилдилар. Фабрика ва заводлар яна эгалари кўлига ўтди.

Ишчилар синфининг авангарди сентябрдаги (1920 йил) мағлубиятдан хулосалар чиқарди. 1921 йил январда ИСП нинг сўл қаноти Италия коммунистик партиясига (ИКП) асос солди. Компартияни ташкил этишда Антонио Грамши (1891—1937) муҳим роль ўйнади. Ленинизм ва Октябрь революцияси таъсири остида Грамши эътиқодли коммунист, йирик марксист назариётчи бўлиб етишади.

Грамши сектачиликка\* қарши, компартияни янги типдаги оммавий партияга айлантириш учун қатъий кураш олиб борди. У дарҳол куролли кўзғолон кўтариш тарафдори бўлганларни каттик танкид қилди. Улар парламент сайловларида катнашишга қарши чиқаётган бўлиб, пролетариатнинг кўпчилигини ўз томонларига оғдириб олишга интилмаётган эдилар. Грамшининг Италиядаги революцион ҳаракат проблемаларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишни ўз ичига олган асарлари партия ва ишчилик синфини гоёвий жиҳатдан куроллантирди.

*Италия буржуазия ва помешчикларининг «қизиллар хавфидан» қўрқувга тушган энг агрессив ва шовинистик доиралари террорчилик режимини ўзлари учун нажот йўли деб билдилар.*

Ишчиларнинг ташкилотларига қарши курашиш учун сиёсий авантюрачи Бенито Муссолини ташкил этган тўдаларни монополиялар кўллаб-қувватлади. «Кураш иттифоқлари» (итальянча «фаши ди комбаттименто», «фашио» --- боғлам, иттифок, бирлашма сўзидан «фашизм» сўзи келиб чиққан) асосан шаҳар аҳолисининг синфий қиёфасини йўқотган тоифаларидан, шунингдек, собик солдатлардан тузиларди. Фашист муттахамлар пролетар ташкилотлари жойлашган биноларни вайрон қилиб, уларга ўт кўяр, революцион кайфиятдаги ишчиларни калтаклар ва ўлдирад эдилар.

Фашистларнинг хатти-ҳаракатлари ишчиларнинг актив зарба-



10-расм. Антонио Грамши. «У ҳаммани деб фикр юрнтар, у ҳамма билан галлашар ва ҳамма учун азоб-ўқубат чеккан эди» (П. Тольятти).

ларига учради. 1921 йилнинг баҳорида Италияда ишчилар ҳаракатида бирлик ўрнатилиши имконияти кўзга ташланди. Антифашист курашчиларнинг биринчи сафларида коммунистлар бордилар. Бирок, социалистик партиянинг реформист лидерлари омманинг жанговар кайфиятига қарши фашистлар билан шармандали «келишиш аҳди»ни туздилар. Ҳар икки томон ўз зиммасига душманлик хатти-ҳаракатларидан ўзини тийиш мажбуриятини олди. Бу битим фашизмга қарши ҳаракатни издан чиқарди, ҳолос. Муссолини демагогия йўли билан ўз томонига майда буржуазияни, кулоқларни, шунингдек, студентларнинг бир қисмини жалб қилишга муваффақ бўлди. Фашистлар: «Ер — дехконларга!», «Йўқолсин аблах буржуазия ва миллат эксплуататорлари!» деган шиорларни илгари сурдилар.

**1922 йилнинг октябрида монополистик доиралар ва йирик ер эгаларининг бевосита қўллаб-қувватлаши билан Италияда давлат тўнтариши содир бўлди. Кирил ҳокимиятни Муссолинига топширди. мамлакатда фашистлар диктатураси ўрнатилди.**

Фашизм Европанинг сиёсий майдонида капитализмнинг умумий кризиси ривожланишининг тўғридан-тўғри оқибати сифатида пайдо бўлди. Монополистик капиталнинг энг реакцион элементлари фашизмни ўз синфий ҳукмронлигини сақлаб қолиш воситаси деб биларди.

#### **Савол ва топшириқлар**

1. Октябрь революциясидан кейинги дастлабки йилларда Буюк Британия, Франция, АКШ ва Италияда ишчилар ҳаракатининг юксалишига хос бўлган умумий хусусиятлар нималардан иборат эди? 2. Капиталистик мамлакатлар пролетариатининг Советларга қарши интервенцияга қарши курашга қўшган ҳиссаси нималардан иборат бўлди? 3. 1920 йилда Италияда вужудга келган революцион вазият шароитида нима сабабдан голибона социалистик революция содир бўлмади?

#### **5-§. Империализм мустамлакачилик системаси кризисининг бошланиши**

Ҳиндистон ва Хитой тарихидан империалистлар билан феодаллар ўрнатган тартиблар бу мамлакатларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига тўсқинлик қилганлиги ҳақидаги фактларни эсга туширинг. (Қаранг: Янги тарих дарслиги, 19–20-§.)

**Империализмга берилган қудратли зарба.** Улуғ Октябрь Россия империясининг чекка ўлкаларида яшовчи ҳуқуқсиз ўн миллионлаб кишиларни озодликка чиқарди. *Пролетариат билан бошқа революцион кучларнинг социализм учун олиб борган курашини миллий озодлик ҳаракати билан бирга қўйишининг бошланишига шу тариқа асос солинди. В. И. Ленин мустамлакалар ва қарам мамлакатлар халқларининг курашини жаҳон социалистик революциясининг таркибий қисми деб ҳисоблар эди. У бундай деган эди: «Ер шаридаги кўпчилик аҳолининг дастлаб миллий озодликни кўзлаган ҳаракати жаҳон революциясининг келгуси катъий*

# ИМПЕРИАЛИЗМ МУСТАМЛАНАЧИЛИҚ СИСТЕМАСИ КРИЗИСИНING БОШЛАНИШИ



Мустамлакалар майдони  
(процентларда)



Мустамлакалар аҳолиси  
(процентларда)



1914 й.



1938 й.

жангларида капитализмга ва империализмга қарши қаратилади...».<sup>1</sup>

Жаҳон урушининг мустамлакаларга таъсири зиддиятли эди. Урушаётган давлатлар улардан тобора кўпроқ микдорда стратегик хом ашё, озик-овқат ва одам ресурсларини олиб кетардилар. Солиқлар кескин ортди, турмуш кечириш қимматлашди, қишлоқлар қашшоқлаша борди. Айни бир вақтда метрополиялардан саноат моллари келтиришнинг қисқариши ва фронт эҳтиёжларига хизмат қилишнинг камайиши мустамлакаларда миллий саноатнинг ривожланишига туртки берди. Миллий буржуазиянинг мавқеи мустақкамланди, пролетариат кўп сонлироқ бўлиб борди.

Ҳиндистон, Хитой ва Шарқдаги айрим мамлакатлар капитализм йўлидан янги қадам ташладилар. Бу мамлакатларда нисбатан ўсиб бораётган ишлаб чиқарувчи кучлар билан мустамлака ва феодал тартиблари ўртасидаги зиддиятлар чуқурлашди, бу тартиблар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига тўғанок бўлаётган эди, мазлум халқлар бундан буён эскича яшашни истамас, империалистлар эса энчи уларни эскича эксплуатация қила олмас эдилар.

Совет ҳукуматининг дастлабки актларидан бири — «Россия халқлари ҳукуқлари декларацияси» ҳамда «Россия ва Шарқнинг барча меҳнаткаш мусулмонларига» деган мурожаатноманинг эълон қилиниши мустамлака дунёсида унутилмас таассурот қолдирди. Жаҳонда биринчи социалистик давлат чор Россияси Шарқ халқларига мажбуран тиқиштирган асоратга солувчи шартномалардан катъиян воз кечди ва барча миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олди.

*Улуғ Октябрь социалистик революцияси капитализм умумий кризисининг ажралмас қисми бўлган империализм мустамлакачилик системаси кризисининг бошланишига асос солди. Улкан Россия ва унинг чекка қолоқ ўлкалари империалистик зулм доирасидан чиқиб кетди. Шарқнинг асоратга солинган мамлакатларида (Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон, Монголия ва бошқа мамлакатларда) миллий озодлик ҳаракатининг қудратли юксалиши бошланди.*

**Хитойдаги 1919 йил «4 май ҳаракати».** Хитойда миллий капиталнинг кейинги ривожланишига асосан чет эл империализми ғов бўлиб турар эди. Чет эллардан келтириладиган товарларга таможня божлари кам қўйилиши ва чет элликларнинг ҳеч бир чекланмаган савдо-сотик олиб бориши Хитой буржуазиясининг манфаатларига зарар етказарди. Хитой помешчиклари билан компрадор буржуазияга таянган империалистик давлатлар мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий тарқоқлигини ҳар қандай йўл билан қувватлаб келар эдилар. Пекиндаги марказий ҳукумат

---

<sup>1</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 44- том, 42—43- бетлар.



кучсиз эди. Вилюятларда бутун хокимият маҳаллий феодаллар билан мустаҳкам боғланган милитарист губернаторлар қўлида эди. Улар ўзларининг ёлланма қўшинларини сақлар, аҳолига кўпдан-кўп солиқлар солар ва хамиша бир-бирлари билан душманлашиб юрар эдилар. Хар бир йирик милитарист, одатда, бирорта империалистик давлатга суяниб иш кўрар эди.

Октябрь революциясининг бевосита таъсири остида империалистларга қарши 1919 йил «4 май ҳаракати» бошланди. Шу куни Пекинда: «Ватан хавф остида! Ватандошлар, қўзғалинг!»— деган шиор остида студентларнинг кўп минг кишилик намоийиши бўлди. Студентлар империалистик давлатларнинг Париж сулҳ конференциясида Германиянинг Хитойдаги собиқ ерларини (Шаньдун вилоятини) Японияга бериш ҳақидаги қарорига қарши норозилик билдирдилар. Умуммиллий тус олган бу ҳаракатга ўн минглаб ишчилар, хунармандлар, савдо-сотик буржуазиясининг ҳамда зиёлиларнинг вакиллари қатнашдилар. Шанхайда қарийб 60 минг ишчи иш ташлади. «4 май ҳаракати» Хитойдаги антиимпериалистик ва антифеодал революциянинг муқаддимаси бўлди. *Хитой пролетариати биринчи марта революцион куч сифатида сиёсий кураш майдонига чиқди.*

Хитойга марксизм-ленинизм ғояларининг кириб келиши ишчилар ҳаракатининг юксалиши ва зиёлиларнинг революцион активлиги жонланиши билан бир вақтга тўғри келди. Марксизм йўлига кирган дастлабки арбоблардан бири — Пекин университетининг профессори Ли Дачжао бўлди. У Октябрь революциясидан кейин кўп ўтмай «рус революцияси фақат русларнинг эмас, балки ХХ асрдаги бутун инсониятнинг ҳам онгида рўй берган ўзгаришларни акс эттиради», деб ёзди. Ли Дачжао хитой халқини «руслар намунасидан ўрнак олишга» чақирди.

1920 йилнинг бошида Коммунистик Интернационал вакиллари ёрдамида Хитойнинг бир қанча шаҳарларида коммунистик тўғарақлар вужудга келди. 1921 йил ёзда марксистик тўғарақлар базасида Хитой Коммунистик партияси (ХКП) тузилди.

**Ҳинд халқининг британ мустамлакачилик ҳукмронлигига қарши кураши.** Ҳиндистонда ҳам миллий озодлик ҳаракати кучайди. Антиимпериалистик чиқишларда аҳолининг турли синфлари ва табақалари қатнашди. Калькутта, Бомбай, Малорас ва бошқа саноат марказларининг ишчилари иш ташладилар. Мамлакат бўйлаб дехконларнинг стихияли ғалаёнлари бошланди.

Миллий-озодлик ҳаракатининг юксалиши инглиз империалистларини ўзларининг мустамлака ҳукмронликларини сақлаб қолиш учун манёвр ишлатишга мажбур этди. 1919 йилда «Ҳиндистон конституцияси» деган мунофикона ном олган мамлакатни бошқариш реформаси ўтказилди. Ҳиндистоннинг вице-қароли ҳузурида маслаҳат органлари тузилди. Уларнинг составини мустамлакачи маъмурият белгилар, қисман сайлаб қўйиларди. Сайловда фақат хинд аристократияси вакиллари ва миллий буржуазиянинг юқори табақаси қатнаша оларди, холос. Реформа мустамлакачилар зўравонлигини сусайтирмади. Айни вақтда озодлик ҳаракати



11- расм. Мохандас Карамчанд Ганди. Халқ Гандини Махатма деб атади, бу «буюк қалб эгаси» деган маънони билдирарди. У мамлакатда жуда машҳур бўлиб кетган эди. Унинг оташин ватанпарварлиги, турмушда зоҳидларча кун кечириши, муомалада камтарлиги ва оддийлиги, миллий урф-одатларга содиқлиги улкан жозибадор кучга эга эди.

қудратидан курашнинг турли формаларида — тинч ва қуролли тўқнашувларда фойдаланишга ҳаракат қилаётган илмий социализм тарафдорларидан фарқли ўларок Ганди омманинг ҳаракатида зўрлик ишлатишга қарши чиқди. У зўрлик ишлатмаслик усулларини (тинч намойишлар, ҳукумат муассасаларида ва инглиз ташкилотларида ишни, ўқув юртларида ўқишни тўхтатиш, инглиз товарларини бойкот қилиш, солиқларни тўлашдан бош тортиш ва бошқалар) тарғиб қилди. У синфий курашга салбий муносабатда бўлиб, социал тотувликка даъват қилар эди. Ганди синфлар ўртасидаги муносабатларда ҳамкорлик руҳи тантана қилмоғи лозим, деб меҳнатқашларни ишонтирар эди.

Ганди қарашлари ва у илгари сурган мамлакат мустақиллиги учун кураш тактикасидан миллий буржуазия ва антиимпериалистик кайфиятдаги помешчиклар ўз синфий мақсадлари йўлида фойдаландилар. Миллий буржуазия Британиянинг сиёсий ҳукм-

катнашчиларига қарши репрессиялар кучайиб кетди. Мустамлакачи маъмурлар ҳар бир кишини камокка олиш ва сургун қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Оммага раҳбарлик қилиш миллий буржуазия ва унинг сиёсий партияси — Ҳиндистон миллий конгресси (ХМК) қўлида эди. Уша вақтда ХМКнинг раҳбари атоқли сиёсий арбоб Мохандас Карамчанд Ганди (1869—1948) эди. Мамлакатда Фавқулодда қонунлар жорий қилиниши муносабати билан Ганди раҳбарлигидаги антиимпериалистик ҳаракат кенг қулоқ ёйди.

Ганди оммани ижтимоий ҳаракатга жалб қилишни ҳамisha еклаб чиққан эди. У деҳқонларни ва шаҳарлар аҳолисининг кенг қатламларини ажнабийлар зулмига қарши мустақиллик учун курашга отлантирар ва бу кураш натижасида халқни ялпи фаровонлик жамияти барпо этишга олиб келишига ишонар эди.

Оммани умумдемократик курашга отлантириш Гандининг буюк хизматидир. Лекин меҳнатқашларнинг революцион куч-

ронлигини йўқ қилиш ва мамлакатда ҳокимиятни ўз қўлига олишни орзу қиларди.

1919 йил апрелида Ҳиндистон миллий конгрессининг чақириғи билан мамлакатнинг турли шаҳарларида ишчи ва хизматчилар ишга чиқмади, магазинлар савдо-сотикни тўхтатди, устахоналар ёпилди, мактабларда машғулотлар ўтилмади.

Ўша кунларда Амритсар шаҳрида (Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон) инглиз маъмурлари томонидан қилинган қонли қирғин ҳақидаги хабар бутун дунёни ҳаяжонга келтирди. Бу ерда қўшинлар шаҳар майдонларидан бирида тўпланган шаҳарликлар ҳамда деҳқонларнинг кўп минг кишилик митингини қуршаб олди. Бу майдон уч томондан бинолар ва баланд деворлар билан ўралган бўлиб, фақат бир томонида торгина йўл бор эди, ана шу йўлдан бир вақтнинг ўзида бир нечагина киши ўта олар эди. Инглиз қўшинлари худди шу тор йўлни эгаллаб олдилар. Қуролсиз оломонга ўт очилди. Мингга яқин киши ҳалок бўлди, улар орасида кўпгина аёллар ва болалар бор эди.

Мустамлакачиларнинг ваҳшийликлари бутун мамлакатда антиимпериалистик курашнинг юксалишига сабаб бўлди. Бу ҳол 1920 йилда ХМКни граждандар итотсизлиги кампаниясини эълон қилишга ундади. Бу кампания Ҳиндистонга ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқини бериш шиори остида ўтди. Ҳаракатга келган омма Ганди назоратидан ва унинг зўрлик ишлатмай қаршилик кўрсатиш тактикасидан чиқиб кетди. Мамлакатда жиддий сиёсий вазият вужудга келди. Ҳиндистоннинг гоҳ у районида, гоҳ бу районида ишчилар иш ташладилар, баррикадалар қурдилар, деҳқонлар қўлга қурол олиб чиқдилар.

1922 йилда Ганди таклифига биноан ХМК граждандар итотсизлиги кампаниясини тўхтатиш ҳақида қарор чиқарди. Инглиз мустамлакачи маъмурлари ҳаракат қатнашчилари орасида бирлик йўқлигидан фойдаланиб, ўзларига хос раҳмсизлик билан бу ҳаракатни бостирдилар. Умумҳиндистон миллий-озодлик ҳаракати вақтинча пасая бошлади.

**Яқин ва Ўрта Шарқдаги миллий-озодлик кураши.** Октябрь революциясидан кейинги дастлабки йилларда Яқин ва Ўрта Шарқнинг ҳамма территорияси озодлик урушлари ва кўзғолонлар майдонига айланди.

Афғонистон халқи ўз мустақиллиги учун курашга киришди. У келгусида Британиянинг ярим мустамлакасидан мустамлакасига айланиб қолиш хавфи остида эди. Чет эл давлатларидан Афғонистоннинг суверенитетини биринчи бўлиб эътироф қилган Совет Россияси бўлди. Яқин ва Ўрта Шарқда ҳамда Ҳиндистонда катта қийинчиликларни бошдан кечирган инглизлар афғонларни ҳарбий куч билан тиз чўқтира олмадилар. Лондон Афғонистоннинг мустақиллигини тан олишга мажбур бўлди. Афғонистон халқи 1921 йилда тенг ҳуқуқли совет-афғон шартномасини тузган Советлар мамлакатининг дўстона қўмағига таянди. Чет мамлакатлар ичида Совет Россияси биринчи бўлиб Афғонистон ҳукумати билан дипломатик муносабатлар ўрнатди. Афғонистон



12-расм. Сухэ Батор. Камбагал ва саводсиз араг харф терувчи ишчи, профессионал революционер бўлиб етишди.

Совет давлатининг мададига таяниб, Англиянинг Афғонистон мустақиллигини расмий равишда тан олишига эришди.

Туркиядаги миллий-озодлик революцияси ҳам галаба қозонди. 1920—1922 йилларда деҳқонлар, ишчилар, миллий буржуазия Антанта давлатларининг Туркияни бўлиб юбориш йўлидаги уринишларига қарши каттик кураш олиб бордилар. Совет Россиясининг маънавий ва моддий ёрдами туфайли турк халқи таникли ҳарбий ва сиёсий арбоб Мустафо Камол раҳбарлигида инглиз-грек интервентларини тор-мор келтирди ва зolim султон ҳокимиятига барҳам берди. Туркия буржуа республикаси бўлиб қолди.

Эроннинг демократик кучлари заифлигидан ва миллий буржуазиянинг изчил эмаслигидан фойдаланган Буюк Британия мамлакат территориясини босиб олди ва Эронга асоратли шартномани зўрлаб тикиштирди. Бирок, эрон халқи инглизларнинг хатти-ҳаракатидан дарғазаб бўлиб, мустамлакачиларга қарши курашга отланди. Бир қанча районларда қўзғолонлар келиб чикди. Совет Россияси эрон халқига катта ёрдам кўрсатди, у 1921 йилда Эрон билан тенг ҳуқуқли шартнома тузди, бу шартнома билан Эроннинг мустақиллиги эътироф қилинган эди. Кўп ўтмай инглиз-эрон шартномаси бекор қилинди. Бирок, мамлакатда ҳокимият тепасига буржуа-помешчиклар блоки келди, у революцион ҳаракатни бостирди ва шоҳ диктатураси режимини ўрнатди.

**Монголиядаги халқ революцияси.** Монгол халқи миллий-озодлик курашида жуда катта муваффақиятга эришди. Революцияга қадар Монголия Осиёдаги энг қолоқ мамлакатлардан бири эди. Аҳоли кўчманчи чорвадорлик билан шуғулланар эди. Ер ҳамда сон-саноксиз чорва моллари дунёвий ва рухоний феодаллар (будда монастырлари) қўлида эди. Яйловлардан махрум этилган крепостной деҳқонлар (аратлар) раҳмсиз эксплуатация қилинар эди. Уларни маҳаллий феодаллар, чет эллик савдогар-судхўрлар, ва мамлакатни босиб олган Хитой ҳарбийлари эксплуатация қилар эди. Саноат жуда паст даражада тараккий этган эди. Монголия ёппасига саводсиз бир мамлакат эди. Тез-тез бўлиб турадиган очарчилик ва эпидемиялар натижасида монгол халқи қирилиб бормокда эди.

Октябрь революцияси ҳақидаги хабарлар Монголияга кириб бориб, яширин революцион тўғарақларнинг вужудга келишига

ёрдам берди. Монголия қойтахти Урга (хозирги Улан-Батор) шаҳридаги корхоналарда ишлаган рус ишчилари дехконларнинг революцион онгини ўстиришга ёрдам бердилар. Тўғаракларнинг раҳбарлари орасида хусусан Сухэ-Батор (1893—1923) ўзининг ғайрат-шижоати ва ботирлиги билан ажралиб турарди.

1921 йилда Монголия халқ партияси (МХП) тузилди. Бу партия аратларни жипслаштирди ва уларни мустақил Монголия давлати барпо этиш ҳамда ҳокимиятни меҳнаткаш халқ қўлига топишириш учун куролини курашга тайёрлади.

МХП томонидан тузилган партизан полклари ва отрядлари 1921 йил мартада Хитой милитаристларининг қўшинларига зарба берди. Дастлабки жанглар давомида Халқ революцион армияси вужудга келди ва бу армия революцион Монголиянинг илтимосига биноан бу ерга етиб келган Қизил Армия қўшинлари билан елкама-елка бир сафда жанг қилиб, маҳаллий феодаллар қўллаб-қувватлаган ок гвардиячи тўдаларни тор-мор келтирди ва Монголияда империалистларга қарши, феодалларга қарши революция ғалаба қозонди. Бу ҳукумат феодалларни имтиёзларидан қисман маҳрум этди: аратларнинг крепостной қарамлигини бекор қилди, уларнинг судхўрлардан асоратли қарздорлигини ҳам бекор қилди.

1921 йил кузида Монголия ҳукумати делегацияси (делегация составида Сухэ-Батор ҳам бор эди) Москвага келди. В. И. Ленин делегация билан суҳбат вақтида Монголия халқ революциясига юксак баҳо берди ва «монгол аратлари партиясининг тузилиши уларнинг кураши муваффақиятли бўлишининг шартидир»<sup>1</sup>,— деб таъкидлади. Делегация Москвада бўлган кунларда Монголия халқ ҳукумати билан РСФСР ҳукумати ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш тўғрисида пролетар интернационализи принципларига асосланган битим имзоланди.

1924 йилда Монголия Халқ Республикаси (МХР) эълон қилинди. Совет Иттифоқидан кейин МХР янги ҳаёт куриш йўлига ўтди. У капиталистик тараққиёт босқичини четлаб, асрий колоқликдан социализм сари бўлган йўлни босиб ўтди.

\* \* \*

Совет Россиясининг миллий озодлик ҳаракати билан иттифок ўрнатиши шунга олиб келдики, қарам мамлакатларнинг мустамлакаларга айланиш жараёни секинлашди, курашнинг баъзи участкаларида эса тўхтаб қолди.

Айни бир вақтда империалистларнинг бевосита снёсий ҳукронлигидан Осиё давлатларининг озод бўлиш жараёни бошланди. Афғонистон инглиз империализми занжирларини парчалаб ташлаган биринчи мамлакат эди. Монголия ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиети жиҳатидан Осиё мамлакатларига нисбатан анча илгарилаб кетди. МХР даги социал ўзгаришлар мустамлакачилик системасининг кризиси нақадар чуқурлашганлигини яққол кўрсатиб турар эди.

<sup>1</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 44- том, 264- бет.

## Савол ва топшириқлар

1. Империализм мустамлакачилик системаси кризисининг белгилари қайси-лар? 2. Хитой халқининг ҳаракатида 1911—1913 йиллардаги революцион воқеаларга нисбатан 1919—1921 йилларда қандай янги ҳодисалар юз берганлигини аниқланг. 3. Ганди тактикасининг қайси томонлари ҳинд халқининг миллий-озодлик ҳаракати юксалишига ёрдам берди-ю, қайси жиҳатлари ҳалакит берди? 4. Мазлум халқларнинг империализмга қарши курашига Совет Россиясининг муносабатини қандай ғоялар белгилар эди? Ўз хулосангизнинг тўғрилигини фактлар билан исботланг. 5. Монголиядаги социал ўзгаришлар империализм мустамлакачилик системасида бошланган кризиснинг энг чуқур кўринишларидан биридир, деб хулоса чиқариш учун асос бўладиган фактлар келтиринг.

## 6-§. Коммунистик интернационалнинг тузилиши ва унинг дастлабки йиллардаги фаолияти

II Интернационалнинг ҳалокатига нималар сабаб бўлди (Янги тарих дарслиги, 35-§ га қаранг). В. И. Ленин бошлик большевиклар III Коммунистик Интернационал тузиш учун қандай тайёргарлик олиб борганликларини эсланг (Янги тарих дарслиги, 38-§ га қаранг).

**Коммунистик Интернационал тузишнинг шарт-шароитлари.** II Интернационалнинг ҳалокати, унинг лидерлари кўпчилиги пролетариатни озодликка чиқариш ишига хиёнат қилганлиги революцион марксистлар олдида пролетариатнинг янги халқаро ташкилотини тузишдек кечиктириб бўлмайдиган вазифани кўндаланг қилиб қўйди. 1917 йил апрелидаёқ В. И. Ленин: «Айниқса биз, айниқса ҳозир тезлик билан *янги*, революцион, пролетар Интернационални тузишимиз керак...»<sup>1</sup> деган вазифани қўйган эди. *Большевиклар партияси турли мамлакатлардаги революцион интернационалистик группалар ва оқимларни жипслаштирувчи марказга айланган бўлиб, тарих жараёни уни бошланиб келаётган жаҳон социалистик революциясининг илғор отряди қилиб қўйган эди.*

Ўша йилларда фақат большевиклар партиясигина уруш, сулҳ, давлат ва революция масалалари бўйича аниқ программага эга эди, бу программа ишчиларнинг халқаро микёсда революцион бирлашуви учун назарий асос бўлиб хизмат қила олар эди.

*Октябрь революцияси ва кўпгина мамлакатларда революцион ҳаракатнинг жуда тез ўсиши Коммунистик Интернационал тузиш учун қулай шароит вужудга келтирди.* Россияда пролетариат диктатураси ўрнатилганлиги социал-реформистик идеологияга жуда каттиқ зарба берди. Ишчиларнинг бир қисми оппортунистларнинг таъсиридан аста-секин қутула борди. Бироқ, курашга отланган халқ оммасининг кўпчилиги ҳали ҳам социал-реформистлар партияси орқасидан борарди. Фақат янги тийдаги пролетар партияларигина оммага ўзининг туб манфаатларини тушуниб етишига ёрдам бера олар эди.

<sup>1</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 31-том, 201-бет.

1918 йилда бир қанча мамлакатларда, шу жумладан, Германия, Австрия, Польша, Финляндия ва Аргентинада коммунистик партиялар ташкил топди. Улар ғоявий-назарий ва ташкилий жиҳатдан ҳали заиф эди, етук ва катта тажрибали марксистларнинг биродарлик ёрдамига муҳтож эдилар. Коммунистик партияни ташкил қилиш ва мустаҳкамлашда пролетариатнинг авангардига тез ёрдам бериш учун, пролетариатнинг революцион кучларини социал-реформистлар ва центристлардан ғоявий жиҳатдан ажратиш учун халқаро коммунистик ташкилот тузиш зарурати туғилди. Социал шовинистлар ҳамда центристларнинг II Интернационални тиклаш йўли билан пролетар оммасининг социалистик революция байроғи остида жипслашувига ҳалақит беришга уринаётганлиги сабабли коммунистик ҳаракатнинг миллий отрядларини бирлаштириш айниқса зарур бўлиб қолган эди.

**Коммунистик Интернационалнинг Таъсис конгресси. 1919 йил мартда Москвада** Коммунистик Интернационалнинг Таъсис конгресси тўпланди. Конгресс ишида Европа, Америка ва Осиёнинг 21 мамлакатидан вакиллар иштирок этди.

Конгресс муҳим программ ҳужжат — В. И. Лениннинг «Буржуа демократияси ва пролетариат диктатураси тўғрисида» деган тезисларини қабул қилди. Ленин бу масала юзасидан қилган докладада бадавлат кишилар учун демократия, буржуазиянинг ниқобланган демократияси бўлган буржуа демократиясининг синфий моҳиятини фош қилди ва уни пролетариат диктатураси билан алмаштириш тарихий зарурат эканлигини ишончли далиллар билан исбот этди. Айни пролетариат диктатураси кўпчилик халқнинг эксплуататорлар устидан диктатураси ва меҳнатқашлар учун чинакам демократиядир.

В. И. Ленин буржуазия ҳукмронлигини «соф демократия» деб, пролетариат ҳокимиятини эса фақат зўрликдангина иборат деб тасвирлаган социал реформистларнинг сохта даъволарини кескин танқид қилди. Унг социалистларнинг «демократия» ни химоя қилиб, «диктатура» га қарши чиқишлари ишчиларга ўзларининг асосий душмани — буржуазия эканини билиб олишга ҳалақит берар, капиталистик тузумни қатъий штурм қилиш учун омmani тайёрлаш лозим бўлган бир пайтда ишчиларни буржуа реформалари йўлига тортар эди. Бу шундай пайтда рўй бераётган эдики, бу вақтда омmani капиталистик тузумни қатъий штурм қилишга тайёрлаш талаб қилинаётган эди. В. И. Ленин пролетариат диктатурасини тан олиш чинакам революционерларни социал-реформистлардан узоқлаштиришнинг муҳим шарти эканлигини ишонарли тарзда кўрсатиб берди.

Коминтерн фаолиятига раҳбарлик қилиш учун конгресс Ижроия Комитетни (КИИК) сайлади. Бу комитетга бир қанча мамлакатлар коммунистик партияларининг вакиллари кирдилар. *Коминтерн I конгрессининг тарихий аҳамияти шундан иборат эдики, шу конгрессда ишчилар синфининг халқаро революцион ташкилотига асос солинди, бу ташкилот ўз олдига пролетариат диктатураси шиорини амалга ошириш вазифасини қўйди.*

**Коминтерннинг I ва II конгресслари ўртасидаги даврда халқаро коммунистик ҳаракат.** Коминтерннинг I конгрессидан кейин жаҳон коммунистик ҳаракати олға қараб анча катта қадам ташлади. Европа, Осиё ва Америкадаги кўпгина мамлакатларнинг социалист-ишчилари орасида ҳам Коминтернга кизиқиш кучайди. Коммунистик партиялар ташкил топиб улгурмаган мамлакатларда уларни ташкилий расмийлаштириш жараёни тезлашди. Коммунистик ёшлар ташкилотлари ҳам вужудга келди. Уларнинг вакиллари *Коммунистик Ёшлар Интернационали* (КИМ)га асос солдилар.

В. И. Ленин шу нарсани кўрсатиб ўтдики, ишчилар синфининг авангардини ўз томонига оғдириб олгач ва революционер-марксистлар социал-реформистлар билан орани очик қилгандан кейин коммунистик партиялар олдида бошқа, янада мураккаброк вазифа — омманинг ишончини қозониш, ишчилар синфининг кўпчилигини, шунингдек, унинг мумкин бўлган иттифоқчиларини коммунизм ғоялари томонига жалб қилиш вазифаси кўндаланг бўлиб туради.

Коммунистлар бу вазифани ҳал қилиш учун курашда жиддий кийинчиликларга дуч келдилар. Кўпгина центрист лидерлар ўзларининг оммага бўлган таъсирини сақлаб қолишга интилиб, сўзда революцияни ёқлаб чиқсалар ҳам, амалда ўзларига хос оппортунистик сиёсат ўтказдилар. Коммунистларнинг омма учун муваффақиятли кураш олиб боришига коммунистик ҳаракатда кенг оммалашган сўл-сектантча қарашлар ҳам халақит берарди. «Сўл» коммунистлар партиявий интизомга қаршилик кўрсатиб, буржуа парламентида қатнашишга салбий қарадилар, реформистлар бошчилик қилаётган касаба союзларини бойкот қилишни ёқлаб чиқдилар, реакцияга қарши биргаликда кураш олиб бориш учун оддий социал-демократлар билан битим тузишни рад қилдилар. Сўл сектантлик хатолари, Лениннинг сўзлари билан айтганда, «коммунизмга жуда катта зарар»<sup>1</sup> етказди.

1919—1920 йиллардаги синфий жангларнинг сабоқлари, Венгрияда Совет ҳокимиятининг мағлубияти шуни кўрсатадики уюшган, интизомли, тажрибали коммунистик партия бўлмаса, пролетариат ўз ғалабасини мустақамлай олмас экан. Ишчилар синфининг ҳамда пролетар бўлмаган меҳнаткашлар оммасининг кўпчилигини коммунистлар томонига жалб этиш учун янги йўللار ва усуллар топиш керак эди. Ёш коммунистик партиялар олдида оммани революцияга тайёрлашда удабуронлик билан иш кўришни ўрганиш вазифаси турар эди.

1920 йил апрель-май ойларида В. И. Ленин «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» номли машҳур асарини ёзди; бу асар ҳозирги замондаги шароитда ҳам халқаро коммунистик ҳаракат учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир. В. И. Ленин ана шу асарида большевиклар тажрибасининг халқаро аҳамиятини кўр-

---

<sup>1</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 41- том, 100- бет.



сатиб берди ва бошқа мамлакатларнинг коммунистларини большевиклар тажрибасини ўрганишга ва уни ўз мамлакатининг конкрет хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда татбиқ қилишга даъват этди (7-топшириққа қаранг). В. И. Ленин ёш коммунистларни (Германия, Англия ва бошқа мамлакатлардаги) коммунистик авангарднинг ишчилар синфидан ажралиб қолишига олиб келувчи «сўллик» ҳатоларни учун танқид қилди. Ленин партия сафларининг бирлигига ва интизомга қатъий риоя қилишга айтиш аҳамият берди.

Коммунистлар, деб ёзди В. И. Ленин, омма бор жойда албатта ишлашлари, уларни ўз томонларига жалб қилишлари лозим. Курашнинг ҳамма формаларини: легал ва нолегал, тинч ва нотинч формаларини эгаллаб олмоқ керак. Коммунистлар оммавий революцион курашда иштирок этиш билан бир қаторда, сайлов кампаниялари ҳамда буржуа парламентидан фойдаланмоқлари лозим (ҳужжатга қаранг). Бу ҳол пролетариатнинг қолоқ катламларига, шаҳар майда буржуазияси ҳамда дехконларга тарбияловчи таъсир кўрсатади, чунки уларнинг кўпчилиги ҳали буржуа парламентаризмига ишонади. Ленин коммунистларнинг реформистик касаба союзларига киришларини ва у ерда оммани ўз томонларига жалб этиши учун кураш олиб боришларини қаттиқ туриб талаб қилди. Коммунистлар кенг қўламда синфий интифоқлар туза билиш, пролетар бўлмаган партиялар билан битимга келишишга ўрганишлари керак. Бундай келишувлар ишчилар синфининг манфаатларига хизмат қилса ва партиянинг ғоявий принципларидан чекинмишга олиб келмаса, ҳатто синфий рақиб билан ҳам бўлишига йўл қўйиш мумкин.

«Ўта революционлик» ёш компартияларнинг ўсиб боришида юзага келган касаллик эди, шунинг учун ҳам Ленин «сўллик»ни болаларча касаллик деб атади. Бу касаллик пролетариатнинг катта ҳаракатларида биринчи марта қатнашган ишчиларнинг бир қисми сиёсий жиҳатдан етук эмаслиги натижасида келиб чиққан эди. «Сўллик» даъватлари ва ўйламай қилинадиган хатти-ҳаракатлар хонавайрон бўлган, революцион ҳаракатга қўшилган майда мулкдорга ҳам хос хусусият эди. Турмуш шароити кескин суратда ёмонлашган бир вазиятда майда мулкдор «ўта революционликка осонлик билан қўча олса-да, лекин барқарорлик, уюшқоқлик, интизом ва матонат кўрсатиш унинг қўлидан келмайди»<sup>1</sup>. Унча тажриба кўрмаган коммунистлар пролетар революциясининг ғалабаси учун объектив ва субъектив шарт-шароитлар етилган бўлиши зарурлигини ҳисобга олишни истамас эдилар. Улар курашнинг ҳали босиб ўтилмаган айрим босқичларидан, жумладан, оммани ўз томонларига ўтказиш босқичидан сакраб ўтиб, дарҳол ҳокимиятни қуролли йўл билан босиб олишга киришмоқчи бўлдилар.

**Коммунистик Интернационалнинг II конгресси.** «Коммунизмда

---

<sup>1</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 41- том, 16- бет.

болаларча «сўллик» касали» китоби Коминтерннинг II конгресси очилиши олдидан рус, француз ва инглиз тилларида босиб чиқарилиб, делегатларга таркатилди. Коминтерннинг 1920 йил ёзида бўлиб ўтган II конгрессида 37 мамлакатдан келган коммунистик ва сўл ишчи ташкилотларининг вакиллари иштирок этди. Мустамлака ва қарам мамлакатлардан — Ҳиндистон, Хитой, Корея, Туркия ва бошқа давлатлардан келган революционерлар анчагина катта группани ташкил этди. Турли мамлакатларда коммунистик партиялар тузиш ва уларни мустаҳкамлаш, омманинг кўпчилигини оғдириб олиш масаласи конгресс ишида асосий ўрин тутди.

В. И. Ленин халқаро аҳвол ва Коминтерннинг асосий вазифалари тўғрисида қилган докладда пролетариатнинг революцион курашини чуқур анализ қилиб берди. У капитализм умумий кризисининг янада кучайиб бораётганлигини кўрсатди ва коммунистик партияларни ғолибона революция учун бу вазиятдан фойдаланишга чақирди. Докладда бу йўлдаги асосий ғов — ишчилар ҳаракати ичидаги оппортунистлар бўлиб, улар буржуазиянинг унинг ўзидан яхшироқ химоячилари эканлиги кўрсатилди.<sup>1</sup>

Коминтерннинг II конгресси янги типдаги пролетар партияларини тузишда жуда катта роль ўйнади. Коминтернга оппортунистик унсурларнинг суқилиб киришига йўл қўймаслик ҳамда «сўлларнинг» сектантлик чекланганлигига бэрхам бериш мақсадида, конгресс Лениннинг таклифи билан, *Коммунистик Интернационалга қабул қилишнинг «21 шартини» тасдиқлади*. Бу шартларда қуйидагилар назарда тутилган эди: пролетариат диктатураси ғоясини эътироф этиш, оппортунистлар билан батамом алоқани узиш, армияда, кишлокларда ҳамда реформистик касаба союзларида мунтазам суратда иш олиб бориш, буржуа парламентида иштирок этиш, компартиялар қурилишида демократик централизм принципига амал қилиш, совет республикаларини химоя қилиш.

II конгрессда миллий-мустамлака масаласи ҳам муҳокама қилинди. Қабул қилинган қарорларда мустамлака халқларининг империализмга қарши миллий-озодлик кураши, жаҳон революцион жараёнининг таркибий қисми ўларок, ғоят катта роль ўйнайди, деб таъкидлаб ўтилди. Коммунистлар олдида социализм мамлақати ва жаҳон пролетариатининг мустамлака ва ярим мустамлакалардаги курашаётган мазлум халқлар билан мустаҳкам иттифоқини вужудга келтириш вазифаси қўйилди. *Конгресс Лениннинг «... қоқоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва муайян тараққиёт босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин»<sup>2</sup>*, — деган хулосасини маъқуллаб, *иқтисодий жиҳатдан қоқоқ мамлакатларнинг нокапиталистик йўлдан тараққий этиши мумкинлигини кўрсатиб ўтди*.

Конгресс Коминтерннинг Уставини қабул қилди. Демокра-

<sup>1</sup> Қаранг: Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 41-том, 258-бет.

<sup>2</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 41-том, 274-бет.



13- расм. В. И. Ленин Таврия саройида (Петроград, 1920 йил ёзда) бўлган Коминтерннинг II конгресси минбарида.

жаҳон революцион ҳаракатининг энг йирик арбоби ҳисобланади», — деб ёзган эди ўша вақтда Марсель Кашен. В. И. Лениннинг Коминтерн ишида қатнашуви, унинг чет эл коммунистлари билан ўтказган суҳбатлари улар учун сиёсий дорилфунун бўлди.

**1921—1923 йиллардаги революцион ҳаракат.** Революцион социалист-ишчилар оппортунизмдан юз ўгира борди. 1921 йилда Италия, Чехословакия, Хитой ва Жанубий Африкада, 1922 йилда эса Чили, Бразилия ва Японияда коммунистик партиялар ташкил топди.

Лекин 1920—1921 йилларда революцион кураш сезиларли даражада пасая бошлади. Буржуазия ҳужумга ўтди, пролетариат эса кийин мудофаа жанглари олиб боришга мажбур бўлди. Венгрияда оқ террор аёвсиз иш қўрди. Италияда фашистлар режими ўрнатилди. Германияда синфий кураш ниҳоятда кескинлашиб кетди. 1918—1923 йиллар давридаги сўнгги революцион жанглар орасида ишчиларнинг Эрнст Тельман раҳбарлигида **Гамбургда 1923 йилда ўтказган ва мағлубият билан тугаган кўзғолони алоҳида ажралиб туради.**

Пролетариатнинг бошқа бир йирик чикиши 1923 йилнинг сентябрида Болгариядаги қахрамонона кўзғолон бўлдики, у ўзининг аҳамияти жиҳатидан бу мамлакат доирасидан анча четга чикди. Бу тарихда биринчи марта фашизмга қарши кўтарилган халқ кўзғолони бўлиб, унга Болгария коммунистик партияси (БКП) раҳбарлик қилди. Бу кўзғолон пролетариатнинг синфий онги ўсишида, БКПнинг жанговар, чинакам марксистик ташкилотга айланишида жуда катта роль ўйнади. Сентябрь кўзғолони давомида Болгария ишчилари билан деҳқонлари иттифокиннинг асослари юзага келди, мустаҳкам антифашистик аънаналар қарор топди. Болгар коммунистларининг раҳбари Г. Димитров БКПнинг V съезида бу кўзғолоннинг аҳамиятига баҳо бериб, бундай

деган эди: «Сентябрь кўзғолони халк оммаси билан фашистик буржуазия ўртасида шундай чуқур конли жўяк ўтказдики, бу жўякни ҳеч нарса билан тўлдириш мумкин эмас эди. Шундан кейинги бутун давр мобайнида фашизм энди ўз мавқеини мустаҳкамлашга ва ўзига кенг социал база яратишга муваффақ бўла олмади».<sup>1</sup>

Кучга, сиёсий тажрибага эга бўлган ва ўнг социал-демократлар қўллаб-қувватлаб турган халқаро буржуазия пролетариатнинг биринчи ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлди. Бунинг сабаби аввало шунда эдики, *ишчилар синфи бўлиниб қолган бўлиб, унинг каттагина қисми социал-демократияга ва бошқа реформистик касаба союзларига эргашар эди. Ёш компартияларнинг ғоявий заифлиги ва тажрибасизлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатган эди.*

**Коминтерннинг ягона ишчилар фронти учун кураши.** Ўзгарган вазиятда Коминтерн олдида коммунистик партияларни меҳнаткашларнинг курашига раҳбарлик қила оладиган, уларга революцион тарбия бериш соҳасида кунт билан иш олиб бора оладиган, уларни сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш учун курашга сабот билан ва мунтазам суратда тайёрлаб бора оладиган жанговар, революцион, оммавий партияларга айлантириш вазифаси кўндаланг бўлди. В. И. Лениннинг таклифи билан Коминтерн 1921 йилда «Омма орасига!» деган шиорни майдонга ташлади.

Бу ишчилар орасида кўпчиликка эришмоқ учун *ягона пролетар фронти* тактикасини қўлламоқ керак, деган маънони билдирар эди. Ленинча тактиканинг моҳияти ишчиларнинг кундалик, зарурий эҳтиёжлари учун олиб борадиган курашларида уларнинг ҳаракат бирлигига эришишдан иборат эди. Бу курашга ишчилар синфининг турли отрядлари, шу жумладан, социал-реформистлар таъсири остида бўлганлари ҳам жалб этилди. Омmani секин-аста революцияга «яқинлаштириш»ни, пролетариатни туб вазибаларни — буржуазияни ағдариб ташлаш, пролетариат диктатураси ўрнатиш ва социализм қуриш вазибаларини амалга оширишга тайёрлаш ишини ҳозирги пайтдаги амалий масалаларни ҳал этиш билан боғлаб олиб бориш зарур эди. Синфий курашнинг шундан кейинги ривожланиши янги тарихий шароитда ягона ишчилар фронти тактикаси ҳал қилувчи аҳамият касб этганлигини кўрсатди.

Халқаро пролетариат, бошидан кечирган муваффақиятсизликларига қарамай, анчагина ютуқларни ҳам қўлга киритди. Советлар мамлакатининг муваффақиятлари капитализм негизларини тагидан зил кетказди. Турли қитъалардаги кенг меҳнаткашлар оммаси орасида Октябрь ғояларининг таъсири кучайди. Коммунистик ҳаракат тинмай ўсиб борди: 1918 йилда компартиялар сони 10 та эди, 1921 йилда эса 48 тага етди. СССР тузилганлиги, Совет Иттифокида пролетариат диктатураси мустаҳкамланган-

---

<sup>1</sup>Дмитров Г. Избранные статьи и речи. М., 1972. 324-бет.

лиги, Коммунистик Интернационалнинг ва компартияларнинг фаолияти капитализм умумий кризисининг янада чуқурлашувига ёрдам берди.

## Х У Ж Ж А Т

1920 йилда Ленин билан учрашув.

*(Уильям Галлахернинг Коминтерн II конгресси кунларида Москвада бўлган чоғлари ҳақидаги хотираларидан.)*

Орадан икки кун ўтгач, кечкурун мени меҳмонхонадан Ленин хузурига чақиришди. Биз кичкина стол атрофига ўтирдик. Сухбат аввал бошда менинг Совет мамлакати тўғрисидаги таассуротларим ва совет ўртоқларимиз олдида турган проблемалар ҳақида борди...

Сухбатимиз давом этар эди. Ленин кўлини бир кўзининг устига кўйиб, менга диққат билан тикилди. У жилмайиб шундай деди: «Ўртоқ Галлахер, мен Сизга битта савол бермоқчиман. Сиз, парламентга кириб қолган ҳамма кишиларни буржуазия пора бериб, сотиб олишга муваффақ бўлмоқда, деб таъкидлаяпсиз. Борди-ю, инглиз ишчилари Сизни ўз манфаатларини ифода этиш учун парламентга юборишса, Сиз ҳам айниб кетармидингиз?». Мен унга ажабланиб қарадим ва «Ғалати савол» — деб гудраниб кўйдим. «Ўртоқ Галлахер,— деб давом этди Ленин,— бу жуда муҳим савол. Сиз буржуазиянинг Сизни сотиб олишига йўл кўйган бўлармидингиз?». «Йўқ,— деб жавоб бердим мен.— Қим бўлмасин ёки нима бўлмасин, мени айнитиб юборишга йўл қўя олмайман». Ленин олдинга энгашиб, менга қараб турар эди. У менинг жавобимни эшитгач, қаддини ростлади ва табассум билан шундай деди: «Ўртоқ Галлахер, ишчилар Сизни парламентга юборишларига эришмоғингиз лозим. Шунда сиз уларга сотилмас революционер парламентда ўзини қандай тутаганини кўрсатиб берасиз<sup>1</sup> («Владимир Ильич Ленин ҳақидаги хотиралар», 5 томлик, 5-т (Чет эллик замондошларнинг хотиралари.) М., 1970, 271-бет).

## Савол ва топшириқлар

1. III, Коммунистик Интернационал тузиш учун қандай шарт-шароитлар мавжуд эди? (Жавоб бериш учун бундан аввалги параграфларнинг текстидан фойдаланинг.) 2. Пролетарнат диктатурасининг, пролетар демократиясининг буржуа демократиясидан принципиал фарқини аниқланг (бунинг учун ҳозирги кундаги сиёсий ҳаётдан олинган фактлардан ҳам фойдаланиш керак). 3. Нима учун Коминтерн коммунистик ҳаракатдаги «сўллик»ка қарши кескин кураш олиб борди? 4. «21 шарт» янги типдаги партия Ленинча принципларини ўз ичига олганлигини исбот қилиб беринг (исбот қилиб бераётганда большевизм тарихига доир

---

<sup>1</sup> 1935 йилда инглиз ишчилари У. Галлахерни парламент депутати қилиб сайладилар ва у парламентда 15 йилга қадар шараф билан ишчилар синфининг вакили бўлиб келди.

фактлардан фойдаланиш керак). 5. Революцион кураш пасайган шароитда капиталистик мамлакатлардаги коммунистик партиялар олдиди қандай янги вазифалар турар эди? 6. Ленинча ягона пролетар fronti тактикасининг моҳияти нимадан иборат? 7. Коммунистик партиялар революцион пролетариат учун зарур бўлган интизомни ишлаб чиқиш мақсадида большевизм тажрибасидан нималарни қабул қилиб олишлари лозим? Жавоб бериш учун В. И. Лениннинг «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» номли китобининг иккинчи бўлимини (Тўла асарлар тўплами, 41- том, 5—8- бетлар нөки: «Ўрта мактабларнинг ҳамда махсус ўрта ўқув юртларининг ўқувчилари учун В. И. Ленин асарлари тўплами»ни (Т., 431—448-бетлар) ўқиб чиқиш керак.

## 7-§. Версаль системасининг тузилиши

Биринчи жаҳон урушида буюк давлатлардан ҳар қайсиси қандай мақсадларни кўзлаганлигини эсланг (Янги тарих дарслиги, 35—37-§ га қаранг.) Компьен яраш аҳдининг шартлари нимадан иборат эди? (Янги тарих дарслиги, 35, 37-§ га қаранг).

**Париж сулҳ конференциясининг очилиши.** Биринчи жаҳон уруши тамом бўлгандан кейин орадан кўп ўтмай голиб давлатлар қўлга киритилган ўлжани бўлиб олишга киришдилар. 1919 йил 18 январда<sup>1</sup> Парижда сулҳ конференцияси очилди. Конференция ишида 32 давлатнинг вакиллари қатнашди. Совет Россияси конференцияга таклиф этилмади. Енгилган мамлакатларнинг вакиллари фақат сулҳ шартномаларини имзолашга қақирилган эди, холос.

Империалистик матбуот, конференция ер юзида мустақкам тинчликни таъминлайди, деб инсониятни ишонтиришга уринди. Бирок, халқларнинг тақдири АҚШ президенти Вильсон, Англия бош министри Ллойд Жорж ҳамда Франция ҳукуматининг бошлиғи Клемансо томонидан яширинча ҳал қилинди.

Париж сулҳ конференциясининг раиси Клемансо тажрибали сиёсатчи, чексиз ғайратли ва ўта олғир киши сифатида машҳур эди. У Германияни батамом мағлуб қилишга ва бўлиб ташлашга зўр бериб интилди. Вильсон сиёсий ҳийла ишлатишда ном чиқарган бўлиб, ўша вақтда омма орасида машҳур бўлиб кетган «Адоллатли, демократик сулҳ», «Халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши» деган шиорлардан усталик билан фойдаланди. Британия бош министри ўзини муроса-мадорага келиш, фитнес-иғволар ва яширин музокаралар олиб боришда тенги йўқ киши сифатида кўрсатган эди. Конференцияда Ллойд Жорж ракиблар ўртасидаги зиддиятлардан моҳирлик билан фойдаланди. Бирок, бу уч давлат раҳбарлари социализмга ва совет давлатига ғазаб-нафрат билан қарашда бир фикрда эдилар.

*Конференция Россиядаги, Венгриядаги ва бошқа мамлакатлардаги революцияларни бўлиб ташлашни мақсад қилиб қўйган*

<sup>1</sup> Германия устидан ғалаба қозонган давлатлар конференциясининг очилиш вақти Германияни таҳқир этиш маъносида шу кунга белгиланган эди. 1871 йилнинг худди шу 18 январиди Версаль саройининг Кўзгули залида немис харбийлари Франция устидан қозонилган ғалабани тантана қилиб, Германия империясини эълон қилган эди.

халқаро штабга айланди. Ҳарбий интервенцияни кучайтириш, оқ гвардиячи армияларга кенг қўламда ёрдам бериш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Советлар республикасини айрим-айрим қисмларга — Сибирь, Украина, Кавказ, Ўрта Осиё ва ҳоказоларга бўлиб ташлаш, уларни империалистик давлатларнинг мустамлакаларига айлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Совет ҳукуматининг узокни кўра биладиган ленинча сиёсати, Қизил Армиянинг қахрамонлиги ва халқаро пролетариатнинг бирдамлиги туфайли ҳарбий интервенция ҳамда Советлар Мамлакатини парчалаб ташлаш планлари батамом барбод бўлди.

**Ғолиб давлатлар ўртасидаги зиддиятлар.** Сулҳ конференцияси давомида кечагина иттифоқчи бўлган давлатлар ўртасида кескин ихтилофлар борлиги маълум бўлди. Урушда неча юз миллионлаб доллар бойликни талаб олган *Америка миллиардерлари* жаҳонга ҳоким бўлишни даъво қилдилар. Улар Вильсон нутқлари орқали, АҚШнинг жаҳонга «маънавий раҳбарлик» қилиш ҳуқуқи бор, деб баён қилдилар ва «очик эшиқлар» принципи кенг қўламда қўлланилишини талаб этдилар. Европада Франциядан Англиянинг гегемон бўлиб олишига йўл қўймаслик мақсадида, Америка делегацияси кучли милитаристик Германияга сақлаб қолинишини ёқлаб чиқди. Вильсон бу билан АҚШнинг Европадаги мавқеини мустаҳкамлаб олишни, энг муҳими эса — Совет Россиясига қарши курашиш учун реакцион Германияни сақлаб қолишни мўлжаллаган эди.

*Франция империалистлари* эса, аксинча, Европада ўз гегемониясини ўрнатиш мақсадида Германиянинг энг кўп даражада заифлантирилишини зўр бериб талаб этавердилар. Улар Саар кўмири хавзасини ва Рейннинг сўл соҳилидаги бошқа немис ерларини Францияга қўшиб олишни талаб этдилар. Франция дипломатияси бир қанча давлатлардан (Польша, Чехословакия, Руминия ва бошқа мамлакатлардан) Европада Германияга қарши блок тузишга интилдиди ва шу мақсадда уларнинг территориясини енгилган давлатлар ҳисобига кенгайтиришни қаттиқ туриб талаб этди. Француз реакционерларининг Советларга қарши режаларида бу давлатлар муҳим ўрин тутар эди. Клемансо Совет республикасини «тиканли симлар тўсиғи» билан ўраб олиш ниятида эканлигини баён қилди.

*Англия монополистик буржуазияси* Германиянинг денгиз ва иқ-



14- расм. Ллойд Жорж, Клемансо ва Вудро Вильсон Париждаги сулҳ конференциясида («Учлар кенгаши»).

тисодий кудратини синдиргач, унинг собик мустамлакаларини Британия империяси составига кўшиб олишга интилди. Ллойд Жорж Франциянинг Германия ҳисобига кучайишига халакит бериш учун ўзининг бутун дипломатик қобилиятини ишга солди. Франциянинг Германияга нисбатан территориял даъволари муносабати билан Ллойд Жоржнинг билдирган эътирозларига жавобан Клемансо Британия бош министрига: «Ғалабадан кейин дарҳол Англия бизнинг душманимиз бўлиб қолди», деб таъна қилди. Бунга Ллойд Жорж қулиб: «Англиянинг анъанавий сиёсати ана шундан иборат эмасми?» деб жавоб қайтарди. Британия бош министри Америка президенти каби, герман империализмидан Советларга қарши мақсадларда фойдаланишга умид қилган эди.

Нихоят, ғолиб давлатлар раҳбарлари сулҳ шартномаси лойиҳасини тузиб чиқишни ўзаро ён беришлар йўли билан тугалладилар.

**Германия билан тузилган сулҳ шартномаси.** Германия билан тузилган сулҳ шартномаси **Версаль** шартномаси номини олди. **1919 йил 28 июнда** Версаль саройининг Кўзгули залида бу шартнома имзоланди.

Франция Эльзас ва Лотарингияни ўзига қайтариб олди, Саар области 15 йил муддатга Миллатлар Иттифоқи бошқарувига берилди, кўмир хазасининг шахталари эса Франция мулки бўлиб қолди. Германия Польшанинг мустақиллигини тан олди. Бир пайтлар Пруссия босиб олган Польша ерларини -- Познанни, Юқори Силезиянинг бир қисмини, Шаркий Пруссиянинг айрим районларини унга берди. Польша Шаркий Поморьени олди ва натижада Балтика денгизига бевосита чиқиш имкониятига эга бўлди. Бундан ташқари, Германия ўзининг ҳамма мустамлакаларидан маҳрум бўлди.

Шартнома Германия зиммасига репарация тўлаш мажбуриятини юкледи.\* Ғолиблар конференция вақтида репарация тўловларининг миқдори ҳақида ҳам, улардан ҳар бирига қанчадан улуш тегиши борасида ҳам бир битимга келиша олмади.

Германияда умумий ҳарбий мажбурият бекор қилинадиган бўлди. Унинг сув ости флотига, катта ҳарбий кемаларга, танк кўшилмаларига ва ҳарбий авиацияга эга бўлиши тақиқланди. Рейн зонаси, яъни Рейннинг сўл соҳили бўйидаги Германияга қаршли территория ҳамда Рейннинг ўнг соҳили бўйидаги 50 км кенгликдаги ер — демилитаризация зонаси деб эълон қилинди.

*Бироқ, Версаль шартномаси Германия империализми негизларига дахл қилмади. Германиянинг ҳарбий саноат потенциали тугатилмади, балки чеклаб қўйилди, холос.* Сулҳ шартномасининг ҳарбий моддаларини муҳокама қилиш вақтида Вильсон, Германияга «ички тартибни сақлаш ва большевизмни бўғиб ташлаш учун» зарур даражада армия қолдириш керак, деб айтди. Армиянинг сони 100 миңг кишидан иборат қилиб белгиланди, улар фақат кўнгилдилардан олинishi лозим эди. Версаль шартномасини яратувчилар, шу тариқа, Совет Россиясига қарши ва Германиянинг ўзида революцион ҳаракатга қарши кураш олиб бориши мумкин бўлган герман милитаризмининг қайтадан тикланиши учун қулай шароит яратиб бердилар.



Юткизилган урушнинг жабрини монополистик буржуазия ва юнкерлар эмас, балки, «тамоман ҳукуксизлик ва ҳўрлик шароитига»<sup>1</sup> туширилган кенг халқ оммаси тортди. Репарациянинг бутун оғирлиги немис халқининг зиммасига тушди.

**Миллатлар Иттифоқининг тузилиши.** Миллатлар Иттифоқининг устави Версаль сўлх шартномасининг таркибий қисми эди. У Иттифоқнинг халқлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашдан иборат асосий вазифасини белгилар эди. Халқаро масалаларни муҳокама қилиш учун ҳар йили Миллатлар Иттифоқининг *Ассамблеяси* тўпланар эди. Устав агрессор-давлатга нисбатан қатор коллектив чоралар — санкциялар қўллашни ҳам қўзда тутган эди. Шу билан бир вақтда уставда агрессия нима ва агрессор ким, деган таъриф йўқ эди, бу эса империалистларга халқаро низолат характерини ўз билганларича талқин этиш учун кенг имкониятлар очиб берарди.

Миллатлар Иттифоқи Англия билан Франциянинг халқаро муносабатлар янги системасини кўриклашга қаратилган снѐсатининг курули бўлиб хизмат қилди. 20—30- йилларда унинг фаолияти биринчи социалистик давлатга нисбатан очикдан-очик душманлик тусини олди.

**Версаль системаси.** Германия билан тузилган шартномадан ташқари, унинг собик иттифоқчилари — Австрия, Венгрия, Болгария ва Туркия билан ҳам шартномалар имзоланди. Ана шу шартномаларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб, Версаль системасини ташкил этди ва бу система урушдан кейинги капиталистик дунёда халқаро муносабатлар тартибини белгилайдиган бўлди.

*Версаль системаси империалистик давлатлар ўртасидаги зиддиятларни бартараф қила олмади.* Буюк давлатлар томонидан амалга оширилган ва енгилган мамлакатлар билан тузилган шартномаларда қайд қилинган *дунёнинг янғидан тақсимланиши* мувакқат характерга эга эди. Версаль сўлхи енгган давлатлар билан енгилган давлатлар ўртасида зиддиятлар келтириб чиқарди. Ғолиблар лагерда ҳам ўзаро рақобат кучайди. Париж конференциясининг қарорлари Америка монополияларининг даъволарини қондирмади, талаб олинган ўлжаларни тақсимлаш уларнинг фойдасига хал бўлмади.<sup>2</sup>

Ғолиб давлатлар ўртасидаги кураш кескин тус олган бир вазиятда собик немис мустамлакалари ва Усмонийлар империяси ерларининг тақдири хал қилинди. АҚШ президенти Вудро Вильсондан «турк мероси» тўғрисидаги музокаралар қандай боряпти, деб сўрашганда, у: «Жуда яхши боряпти! Биз ҳамма масалалар юзасидан келиша олмадик», деб жавоб берган эди.

Империалистлар Германиянинг собик мустамлакаларини ва Туркия мулкларини очикдан-очик босиб олишга журъат этолмадилар. 1ўё мустамлакаларнинг халқлари экономика ва снѐсий хаятга мустақил суратда рахбарлик қила олмайдилар деб ўйлаб

<sup>1</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 41-том, 242-бет.

<sup>2</sup> Бу ҳол АҚШ сенатининг Версаль шартномасини ратификация қилишдан бош тортиши сабабларидан бири бўлди.

чиқарилган баҳона билан улар устидан Миллатлар Иттифоқи орқали *мандат системаси* деб аталган восийлик ўрнатилди. «... Шунинг учун ҳам, мустамлакалар устидан мандат бериш тўғрисида гапирганларида, бу мандат бериш — талон-торож қилиш учун, босқинчилик қилиш учун мандат бериш эканини, бу мандат бериш — ер юзидаги аҳолининг жуда ҳам озчиликдан иборат бўлган бир қисмига ер шаридаги кўпчилик аҳолини эксплуатация қилиш ҳуқуқларини бериш эканини биз жуда яхши биламиз»<sup>1</sup>, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин.

Миллатлар Иттифоқи никоби остида Франция ва Англия Германиянинг мустамлакаларини ва Туркияга қарашли ерларни бўлиб олдилар.

Франция Суриняга, Ливанга, Того ва Камеруннинг бир қисмига бўлган мандатларни олди; Танганьика (Германия Шарқий Африкаси), Фаластин, Транснордания, Ирок, Того ва Камеруннинг бир қисми Англияга тегди. Германиянинг баъзи мустамлакаларини Англия доминионлари идора қиладиган бўлди; Японияга Маршал ороллари, Мария ороллари ва Маржон ороллари ҳамда Шаньдунга эгаллик қилиш ҳуқуқи берилди. Картадаги 4-альбомга қаранг.

Мустамлакалар ва таъсир доираларининг империалистик давлатлар ўртасида қайтадан тақсимланиши улар ривожланишининг нотекислигига ҳамда янги тугунлари пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Улуг Октябрь социалистик революцияси таъсирида рўй берган халқларнинг озодлик кураши натижасида Австрия-Венгрия ва Усмон империялари харобаларида қатор янги миллий давлатлар ташкил топди. Версаль системасини яратувчилар Европадаги миллий муносабатларни мураккаблаштириб юбордилар. Яшаб турган халқларнинг хоҳиш-иродаси ҳисобга олинмай, бир қанча давлатларнинг вужудга келтирилиши натижасида, ўзга давлат фуқаролигига ўтиб қолган майда миллатларнинг умумий сони 17 миллионга яқин кишини ташкил этди.

Совет ҳукумати халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини поймол қилган ва талончиликдан иборат бўлган Версаль сулҳини тан олмади. Версаль системасининг Совет давлатига қарши қаратилганлиги Советлар Мамлакатининг ғарбий чегараларида реакция режим ўрнатилган буржуа давлатларини мустахкамлашда ўз аксини топди; бу ерда (Польша, Руминия ва бошқалар) «санитария кордони» деб аталган район вужудга келтирилди. Бу системанинг Совет мамлакатига қарши қаратилганлиги совет территориясидан Ғарбий Украина, Ғарбий Беларуссия ва Бессарабиянинг тортиб олинишида ҳам яққол куринди.

Тинч океанда империалистик зиддиятлар. Версаль сулҳидан кейинги Европада империалистик зиддиятлар билан бир қаторда Узоқ Шарқдаги ва Тинч океан хавзасидаги буюк давлатлар ўртасида антагонизм кучайиб кетди. Бу ерда АҚШ жаҳонга

<sup>1</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 39-том, 378-бет.

хукмрон бўлиш учун курашда Япония ва унинг иттифоқчиси Англия билан тўқнаш келди. Америка империалистлари Японияни заифлаштиришга ва уни Хитойдан сиқиб чиқаришга интиларди. Япония Хитойда биринчи жаҳон уруши йилларида хукмрон позицияларни эгаллаган эди. АҚШ ҳам Хитойнинг илгаридан Британия таъсир доирасида бўлиб келган районларига кириб борди.

Америка дипломатиясининг ташаббуси билан 1921—1922 йилларда Вашингтонда конференция ўтказилиб, унинг боришида АҚШ Узоқ Шарқда ва Тинч океан хавзасида кучларнинг ўзи учун анча қулайроқ бўлган нисбатини вужудга келтиришга интилди. АҚШ ҳукумати иккиюзламачилик билан «очик эшиклар» ва «баравар имкониятлар» принципининг тарафдори бўлиб майдонга чиқди. Давлатлар Хитой билан ўзларининг ўзаро муносабатларини ана шу принцип асосида куриш ва бунда нотенг шартномалар системасини сақлаб қолишга келишиб олдилар. Шундай қилиб, империалистик давлатларнинг Хитойни биргаликда талаш тўғрисидаги битими Японияни бирмунча вақт уларнинг фойдасига хизмат қилишга мажбур этди.

Вашингтон битимлари буюк Тинч океан давлати бўлган Совет Россиясининг иштирокисиз қабул қилинди, уни конференцияга таклиф этишмади. *Бу қарорлар ҳам хитой халқининг озодлик ҳаракатига қарши, ҳам Совет давлатига қарши қаратилган эди.* Тинч океан хавзасидаги империалистик давлатлар ўртасидаги зиддиятларни конференция йўқ қила олмади, балки вақтинча сал пасайтирди.

*Версаль системаси мустаҳкам система бўла олмас эди.* Версаль системасининг характерига баҳо бериб, В. И. Ленин бундай деб кўрсатганди: «Бу мисли қўрилмаган таловчилик сулҳи... Дунё аҳолисининг 7/10 қисми куллик ҳалотига тушиб қолди... Версаль сулҳига асосланган бу халқаро тузумнинг, тартибнинг ҳаммаси таҳлика остида қолган...».<sup>1</sup>

#### Савол ва топшириқлар

1. Париж сулҳ конференцияси контрреволюциянинг халқаро штаби ролини ўйнаганлигини тасдиқловчи фактларни келтиринг. 2. АҚШ, Англия ва Франциянинг Германия масаласидаги позицияларини таққослаб, улар ўртасидаги мавжуд зиддиятларни аниқланг.\* 3. Версаль шартномаси Германия учун қандай ҳарбий чеклашлар белгилади? 4. Альбомнинг 3-картасидан Версаль сулҳи шартлари бўйича Германиядан Францияга ва Польшага ўтган территорияларни топинг. 5. Биринчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган янги давлатларнинг территорияларини белгилаб чиқинг. 6. Саар областини топинг, у қандай иқтисодий кизиқиш уйғотганлигини эсга олинг. 7. Альбомнинг 5-картасини анализ қилиш асосида Буюк Британия ва Франция Миллатлар Иттифоқининг «мандати»ни олган территорияларни белгилаб чиқинг. 8. «Мандат системасининг» ҳақиқий моҳияти нимадан иборат? 9. Версаль системасида дунёни қурол қучи билан янгидан қайта тақсимлаш хавфи яширинганлигини исботлаб беринг.

<sup>1</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 41-том, 394-бет.

**8-§. 1924—1939 йилларда капиталистик мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти**

Империализм шароитида капитализм асосий эҳдиётларининг янада чуқурлашуви нималардан иборат бўлганлигини эсга олинг. (Қаранг: Янги тарих дарслиги, 33-§). Биринчи жаҳон уруши қатнашчилари бўлган давлатларнинг ўз мамлакатлари экономикасига аралашувининг кучайганлиги тўғрисида ва шу йилларда давлат аппаратининг монополиялар билан яқинлашганлиги ҳақида сиз нималарни биласиз? (Қаранг: Янги тарих дарслиги, 37-§.)

**1924—1929 йилларда капитализмнинг вақтинча, қисман барқарорлашуви.** 1924 йилда капиталистик дунё қисман стабиллашув палласига кирди. Буржуазия «ўз ишчилари»ни вақтинча енгигашга, ўзининг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашга муваффақ бўлди.

Урушдан кейинги вайронлик хўжаликнинг 20-йиллардаги юксалиши билан алмашди. *Саноатнинг янги тармоқлари* — электроника, автомобиль, авиация, химия тармоқлари тез ривожланаётган эди. Нефть ва газ казиб чиқариш тўхтовсиз орта борди. Айни вақтда саноатнинг эски — кўмир, тўқимачилик тармоқлари юксалмади. Капиталистик давлатлар ўртасида барқарор пул муомаласи тикланди, иқтисодий алоқалар мустаҳкамланди. Йирик ишлаб чиқаришни монополаштириш кучайиб кетди, гигант монополистик бирлашмалар вужудга келди.

Бироқ, капитализм дунёсида қарор топган *стабиллашув қисман ва вақтинча бўлиб чиқди*. Капитализм энди хўжаликнинг ҳамма соҳани қамраб олувчи системаси бўлмай қолган эди. Совет Россиясининг социализм қуриш йўлига кириши чет эл капиталини улкан фойда манбаидан маҳрум қилиб қўйди. Капиталистик хўжаликнинг ишлаб чиқариш қувватлари иш билан маълум даражада таъминланмай қолган, ишсизлик ниҳоятда секинлик билан камайиб бораётган эди.

Кишлоқ хўжалиги ҳам оғир аҳволда эди. Мағлуб бўлганларда ҳам, ғолибларда ҳам йўқ бўлган ғаллага нисбатан эҳтиёжнинг ошганлиги ғалла нархларининг кескин ошишига сабаб бўлди. Бир қанча давлатларда дон экинлари экиладиган майдонлар кенгайтирила бошланди. Ғалла қаҳатчилиги Шимолий Американинг кишлоқ хўжалик штатларини, Канада, Аргентина, Австралия ва Европадаги айрим капиталистик мамлакатларни қамраб олди. Бир неча йил ўтгач, бозор стихиясининг таъсири остида кишлоқ хўжалик маҳсулотлари касод бўлиб қолди. Қўпгина дехқонлар ва фермерлар мол-мулкларини сотишга ва иш ахтариб шаҳарларга кетиб қолишга, ишсизлар сафини тўлдиришга мажбур бўлдилар.

Экономиканинг ривожланиши турли мамлакатларда жуда нотекис давом этди. Барқарорлик йилларида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1913 йилга нисбатан АКШда 70%, Францияда

43%, Германияда 17% кўпайди. Бирок Буюк Британияда ишлаб чиқариш зўрға урушдан олдинги даражага етди. *Бу муқаррар равишда империалистлараро зиддиятларнинг янгидан кескинлашувиغا олиб келди.*

*Мустамлакачилик системаси кризисининг чуқурлашуви ҳам капиталистик барқарорлашуви путурдан кетказди.* Мустамлакаларни талашнинг ўсиб бориши туфайли вужудга келган миллий озодлик ҳаракатининг янги тўлқини (Марокаш, Хиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатларда) империалистларнинг мустамлакалар ва қарам мамлакатлардаги мавқеини бўшаштириб қўйди.

Капитализмнинг барқарорлашуви асосан ишчиларни ва аҳолининг бошқа қатламларини эксплуатация қилишни кучайтириш ҳисобига рўй берди. Капиталистлар техниканинг энг янги ютуқларини — конвейер ва меҳнатни ташкил этишнинг тинкани қуритадиган системасини кенг суратда қўлладилар, бунинг учун иш меъёри устидан махсус назорат ўрнатилди, конвейер ҳаракатининг тезлиги одам бардош бера олмайдиган даражада оширилди. Бундай «рационализация» иш вақтини ҳаддан ташқари тигизлаштирар, ишчининг бор кучини сўриб оларди, ишлаб чиқариш травматизми ортиб, хўжайинларнинг иродаси билан майнб-мажруҳ бўлиб қолган ишчилар сони кўпайди.

Машҳур немис антифашист-шоири Эрих Вайнертнинг «Рационализация ҳақида кўшик» (1928 йил) асаридан олинган парча капиталистик рационализациянинг қандай оқибатларга олиб боришидан яққол гувоҳлик беради:

Хузуринга келиб инженер,  
Дер: «Автоматлар келди Берлиндан.  
Ишчи қўллар кўп эмас даркор,  
Икки машина ҳам сизники энди!»  
Эртага чакирар шерингнинг ҳам:

«Афсус, корхонадан кетасиз, эркам!»  
Энди ишинг икки бор ортган,  
Лекин мояна ўшандай бир хил  
Келтирсалар яна автомат,  
Сен ҳам: кетдим, деявер хушҳол!

Капиталистик дунёда меҳнаткашларни талаш системасига қарши норозилик тўлқини кучая бошлади. Биринчи навбатда иш ҳақини кўпайтириш ва иш кунини қисқартиш учун кураш олиб борилди. Англиядаги 1926 йилги умумий иш ташлаш, бошқа мамлакатлардаги ишчиларнинг оммавий чиқишлари меҳнат билан капитал ўртасидаги зиддиятларнинг янада кучайиб бораётганидан далолат беради.

Молия олигархияси ўз позицияларини мустаҳкамлаш учун асосан икки усулдан фойдаланди. Бир хил мамлакатларда молия олигархияси буржуа демократияси усулларидан фойдаланди ва жузъий ислохотлар ўтказишга ва меҳнаткашларга ён беришга мажбур бўлди, ҳукуматнинг юқори органларида иштирок этиш учун социал-демократик партияларнинг ўнг лидерларини жалб қилди. Бошқа мамлакатларда эса у ошқора зўравонликни қўллади, идора қилишнинг террорчилик методларини ишга солди ва диктаторлик режимларини ўрнатди. Ҳукмрон синфлар-

нинг тактикаси кўпгина омилларга: уларнинг кучи ва сиёсий тажрибасига, мамлакатдаги синфий зиддиятларнинг чуқурлигига, социал-демократиянинг обрў-эътиборига, пролетариат революцион авангардининг етуклигига боғлиқ эди.

Ўнг социал-демократлар: капитализм мустаҳкамланди, ўзининг дардларидан фориғ бўлди, дер эдилар. Улар асос сифатида иктисодий юксалишдан ва ишчилар бир қисмининг турмуш даражаси вақтинча ошганлигидан фойдаландилар. Социал-демократия корхона эгалари ва буржуа ҳукуматлари билан ҳамкорлик қилиш йўлидан оммавий реформистик ишчи ташкилотларини бошлаб боришга муваффақ бўлдилар. Касаба союз ва социал-демократ арбобларнинг йирик корхоналардаги кузатиш кенгашларида қатнашуви «хўжалик демократияси» деб маълум қилинди. Социал-реформистлар ўзларининг социализмга олиб борадиган «алоҳида» йўлини астойдил тарғиб қила бошладилар, бу йўл социалистик революцияни ва пролетариат диктатурасини истисно қиларди. Парламент фаолияти, «хўжалик демократияси», капиталистлар билан ишчиларнинг ҳамкорлик қилишининг турли шакллари — социал-реформистлар ўз платформаларини амалга ошириш учун ишлатадиган методлар ана шулардан иборат эди.

Ўнг социал-демократларнинг далилларига қарама-қарши ўларок Коминтерн капитализмнинг барқарорлашувини муваққат, бекарор барқарорлашув деб баҳолади. Йирик капиталистик мамлакатларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ортиб борди, кўпчилик аҳолининг харид қилиш қобилияти эса олдингидек қолаверди ёки арзимаган даражада кўпайди. Бундай фарқ муқаррар иктисодий ларзалардан дарак берарди.


**1929—1933 йиллардаги жаҳон иктисодий кризиси.** Коминтерннинг капитализм барқарорлашувининг характери хусусида берган илмий баҳоси тўғри эканлигини ҳаёт тасдиқлади. 1929 йилнинг охирида чуқурлиги жиҳатидан мисли кўрилмаган иктисодий кризис бошланди. У капитализмнинг етакчи мамлакати — АҚШ да бошланди ва тез орада бутун капиталистик дунёни қамраб олди. Олдинги иктисодий кризислар сингари, *жаҳон иқтисодий кризисининг сабаби — капитализмнинг асосий зиддияти, яъни ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери билан меҳнат маҳсулотларини ўзлаштиришнинг хусусий капиталистик формаси ўртасидаги зиддиятдир.*

Хўш, 20-йиллар охирида капитализмнинг асосий зиддияти нималарда намоён бўлди? Биринчи жаҳон уруши тамом бўлгандан кейинги дастлабки ўн йил мобайнида хўжаликнинг қайта тикланиши ва ривожланиши натижасида капиталистик бозорнинг ҳажми ўсди. Бу ҳол буржуазияни юқори фойда олиш мақсадида экономикага йирик-йирик капиталлар қўйишга ундади. Орадан бир неча йил ўтгач, бозорлар ўз харидорини топа олмаган моллар билан ҳаддан ташқари тўлиб кетди. Капиталистик дунё навбатдаги кризис ёқасига келиб қолди.

Жаҳон иктисодий кризиси жуда узокка чўзилди ва ҳалокатли бўлди. У капиталистик мамлакатларнинг кўпчилигида қа-

рийб тўрт йил давом этди. Бунга сабаб шуки, 1929—1933 йиллардаги иктисодий кризис капитализмнинг умумий кризисига шайроитида, доимий оммавий ишсизлик вазиятида вужудга келди.

Капиталистик мамлакатларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бир неча ўн йил орқага суриб ташланди. 1932 йилда АКШ да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш кризисдан олдинги даражадан 46% паст, Германияда 47%, Англияда 16,5%, Францияда 31% паст бўлди. Бўшаб қолган қонлар, сўниб қолган домналар, бекор ётган фабрика ва заводлар капитализм инсоният яратган ишлаб чиқарувчи қучларни вайрон қилаётганини яққол кўрсатиб турарди.



15-расм. АКШ, Англия, Германия ва Франциядаги саноат ишлаб чиқариши. Саноат маҳсулоти кўрсаткичи процентларда берилган (1929—1933 йиллар).


Саноатдаги кризис аграр кризис билан қўшилиб кетди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган харид нархларининг ҳалокатли равишда тушиб кетганлиги деҳқонлар ва фермерларнинг саноат моллари сотиб олиш имкониятларини чеклаб қўйган эди. Шундай қилиб, саноат кризисини аграр кризисини кучайтирди, аграр кризис эса ўз навбатида саноат кризисини кескинлаштирди.

Капитал магнатлари катта фойда олиш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган юқори чакана нархларини сунъий равишда сақлаб турдилар. Шу мақсадда дон-дунлар паровозларнинг ўтхоналарида қуйдирилди, миллион-миллион бош қоромол йўқ қилиб юборилди. Ер шаридаги кўпдан-кўп кишилар очлик ва қашшоқликдан азоб чекаётган бир пайтда бундай ҳол рўй бераётган эди. Биринчи жаҳон уруши вақтида қанча моддий зарар кўрган бўлса, кризис йилларида инсоният тахминан шунга барабар келадиган моддий зарар кўрди.

Меҳнаткашлар бошига сон-саноксиз қулфатлар тушди, 35 млн. дан ортиқ киши фабрика дарвозаларидан ташқарига ҳайдалди. Миллион-миллион деҳқонлар ва фермерлар ер ҳамда мол-мулкларидан ажралдилар. Кризис минглаб майда ва ўрта саноатчиларни хонавайрон қилди. Бу ҳол капиталларнинг тор доирадаги кишилар қўлида янада кўпроқ тўпланиши билан бир вақтда борди. Мустамлакалардаги меҳнаткашларнинг аҳволи кескин даражада ёмонлашиб кетди. Ҳом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берувчи мамлакатлар пахта, Ҳом ишак ва мустамлакалардаги бошқа молларнинг нархи тез пасайиб кетганидан жуда катта зарар кўрмоқда эдилар.

Кризис капиталистик эканомикага, буржуазиянинг сиёсий негизлари ва идеологиясига ғоят каттик зарба берди.

РАСМАН РҲЙХАТГА ОЛИНГАН ИШСИЗЛАР СОНИ  
(минг киши ҳисобида)





**Давлат-монополистик капитализмининг ривожланиши.** 1933—1934 йилларда капитализм жаҳон иктисодий кризисидан чикди. Капиталистик система бошига ёғилган оғир талафотлар биринчи жаҳон уруши йилларида бўлгани каби буржуа давлатларини монополияларга ёрдам беришга мажбур қилди.

*Монополистик капитализмининг давлат-монополистик капитализмига ўсиб ўтиши*, монополиялар кучлари билан давлат кучининг ягона механизмга бирлашуви *жадаллашди*. Давлат хўжаликнинг турли тармоқларини ривожлантиришга, шунингдек, меҳнат билан капитал ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга уринди. Монополияларга қулай ҳарбий буюртмалар, қарзлар, субсидиялар\*, солиқ имтиёзлари берилди. Давлат-монополистик капитализми турли мамлакатларда ўзини турлича намоён қилди (10 ва 11-§ ларга қаранг). Бироқ давлат-монополистик капитализмига ўтилган ҳамма жойда ишлаб чиқариш билан капиталнинг концентрациялашув жараёни рўй берди, монополиялар зулми оғирроқ бўлиб борди.

Жаҳон иктисодий кризисидан кейин бошланган саноатнинг жонланиши заиф ва арзимас даражада эди. 1937 йилнинг кузидан эътиборан капиталистик дунёдаги мамлакатларнинг кўплари яна иктисодий кризис палласига кирди. Германия, Италия ва Япония ҳам янги иктисодий кризиснинг таъсирини ҳис эта бошладилар, бу таъсир ҳукуматлар ва монополияларнинг бу мамлакатлар экономикасини ҳарбий изга солиш ва ташқи сўёсатда босқинчилик программасини амалга оширишга ўтиш соҳасидаги кўрган тадбирлари натижасида заифлашди.

СССРнинг эришган муваффақиятлари ишчилар синфининг революцион руҳини кўтарди, унинг ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлади, антиимпериалистик кучларнинг жипслашувига ёрдам берди. Буржуа идеологларининг Совет Россиясида социализм қуриб бўлмайти, деган даъволари мағлубиятга учради. Дастлабки беш йилликлар планларининг муваффақиятли бажарилиши планли социалистик хўжаликнинг капиталистик экономика ва унинг ишлаб чиқариш анархияси ҳамда конкуренциясидан афзаллигини бутун дунё олдида намоён қилиб кўрсатди.

**Капитализм зиддиятларининг кескинлашуви.** Иктисодий кризислар капитализмнинг барча зиддиятлари янада кучайишига олиб келди. Халқ оммаси аҳволининг ёмонлашуви туфайли унда пайдо бўлган норозилик ишчилар ҳаракатининг янгидан юксалишига сабабчи бўлди ва коммунистик партиялар таъсирининг ўсишига ёрдам берди.

Буюк Британия ва АҚШ сингари мамлакатларнинг раҳбар доиралари ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш йўлларини излаб, буржуа-либерал ислохотларга таяндилар. Германияда кризис вақтида сиёсий беқарорлик ўсган бўлиб, монополистик буржуазия буржуа демократиясидан воз кечиш йўлига ўтди ва фашистлардан иборат энг реакцион кучларни ҳокимият тепасига чиқарди, бу билан очикдан-очик террорчилик диктатурасини ўрнатди. Франция билан Испанияда сиёсий ривожланиш бошқачароқ бўлди.

Бу мамлакатларда ишчилар синфи ва бошқа меҳнаткашлар омма-си фашистлар реакциясининг ҳужумига қатъий зарба бердилар.

1924—1939 йилларда мазлум халқлар билан мустамлакачилар ўртасидаги кураш янада кескинлашди. Хитой билан Хиндистон-нинг тарихи ана шундан далолат беради.

Империалистик давлатлар ўртасида дунёни янгидан қайта бў-либ олиш учун бўлажак жанг яқинлашиб келаётган эди. Империа-листар капитализмнинг умумий кризисидан аввало экономикани милитарлаштириш, агрессив ташки сиёсатни кучайтириш, Совет Иттифокига қарши уруш тайёрлаш йўли билан қутулишга урин-дилар. 30-йиллардаги халқаро вазият анча мураккаблашган эди.

### Савол ва топшириқлар.

1. Капитализмнинг барқарорлашуви нимадан иборат эди ва нима учун у му-ваққат ҳамда қисман барқарорлашув бўлди? 2. Буржуа реформизми билан социал-реформизм ўртасида қандай умумийлик бор? 3. 1929—1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий кризисининг хусусиятларини кўрсатиб беринг. 4. Монополистик буржуа-зия ўз сиёсий ҳукмронлигини қандай воситалар билан мустаҳкамлашга интилди?

### 9-§. Буюк Британия

Британия буржуазиясининг сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкамлашда икки партияли системанинг қандай аҳамиятга эга бўлганлигини эсга олинг. Лейборист-лар партияси қандай йўл билан ташкил топди ва XX асрнинг бошларида унинг раҳбарлигида оппортунизм нималарда намоён бўлди? (Янги тарих дарслигининг 15-§ ига қarang).

**Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи. Биринчи лейбористлар ҳукумати.** Буюк Британия экономикаси 1922—1923 йиллардаги тургунлик ҳолатидан чиқиб, секинлик билан ривожланаётган эди. Саноат фақат 1929 йилдагина маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 1913 йил кўрсаткичларига эришди. Агар саноатнинг янги тармоқлари (машинасозлик, химия, автомобиль саноати) интенсив ривожланаётган бўлса, эски тармоқларда (кўмир, кемасозлик, тўқимачилик ва бошқаларда) техникавий қолоқлик сақланиб қолаётган эди. Мамлакат Германия, АҚШ ва Япония билан жаҳон бозоридаги рақобат курашида катта қийинчилик-ларни бошдан кечириётган эди. Британия корхона эгалари ўз молларининг рақобатга бардошлилигини ошириш учун янги-янги йирик монополистик бирлашмалар ташкил этишди.

Барқарорлашув даврининг охирига келиб чет элларга қўйилган капитал маблағларнинг урушдан олдинги даражаси тикланди. Британия бошқа мамлакатларга қўйилган капиталнинг умумий миқдори ва капиталдан олинган даромад бўйича биринчи ўринни сақлаб келарди. Мустамлакалар ва қарам мамлакатлар-нинг миллий ресурсларини ваҳшийларча талон-торож қилиш ҳам-да фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан ишчилар синфини эксплуатация қилиш даражасини кучай-тириш ҳукмрон синфлар бойишининг муҳим манбалари бўлди.

Буржуазиянинг меҳнаткашлар турмуш даражасига хужум қилиши синфий курашнинг янгидан юксалишига сабаб бўлди.

~~1924 йилнинг январида мамлакат тарихида биринчи лейбористлар ҳукумати тузилди. Унга лейбористлар партиясининг раҳбари, унинг ўнг қанотиغا мансуб бўлган Рамсей Макдональд бошчилиқ қилди. Икки партияли системада либералларнинг олдинги мавқеини йўқотганлиги лейбористларнинг ҳокимият тепасига келишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, консерваторлар билан либераллар коалицион ёки бир партияли ҳукумат тузиш тўғрисида шартлашиб олишга ноқобил бўлиб чиқдилар. Бундай вазиятда иккала партия раҳбарлари лейбористлар кабинети тузилишига тўсқинлик қилмадилар, чунки лейбористларнинг раҳбарлари ўзларининг капиталистик тартибларига дахлдор эканликларини бир неча бор буржуазияга маълум қилган эдилар.~~

Лейбористлар консерваторларга қараганда анча эпчил методлар билан ички сиёсат олиб бердилар. Улар мавжуд тузумни мустаҳкамлаш мақсадига ишчиларга қисман ён бердилар. Масалан, Макдональд ҳукумати ишсизларга бериладиган нафақалар ва қарияларга тўланадиган пенсиялар миқдорини оширди, айрим озик-овқат молларига тўланадиган пошлиналарни қисқартирди, ишсизлик бўйича страхование системасини яхшилаб, давлатнинг тураржой қурилишига берадиган қарзларини кўпайтирди. Бирок, лейбористлар шахталар ва темир йўлларни национализация қилиш, капиталга солиқ солишни жорий этиш ҳақида берган сайловолди ваъдаларини бажармадилар. Меҳнат низолари вақтида улар корхона эгаларини қўллаб-қувватладилар, иш ташлашларни тўхтатишга ҳаракат қилдилар.

Лейбористлар кабинети қуроли кучларни мустаҳкамлади. У мустамлакалар ва қарам мамлакатларда олдинги буржуа ҳукуматларининг миллий озодлик ҳаракатини бостиришга қаратилган йўлини давом эттирди.

Халқ оmmasининг таъйиқи остида лейбористлар ҳукумати Совет Иттифоқини тан олди ва у билан дипломатия муносабатлари ўрнатди. Бирок, лейбористлар кабинети икки томонлама муносабатларни нормаллаштириш жараёнига тўсқинлик қилди.

Лейбористлар ўтказган сиёсат меҳнаткашларнинг ҳафсаласини пир қилди. Ҳукумат омма орасида ўз таъсирининг янада заифлашувидан чўчиб, 1924 йилнинг октябрида парламентни тарқатиб юборди ва янги сайлов ўтказишни белгилади. Консерваторлар ғалабага эришиш учун сайловчиларни «қизиллар» ҳавфи билан қўрқитиш йўлига ўтдилар. Сайлов арафасида сохта антисовет мактуби — «Коминтерн хати» деб аталган мактуб эълон қилинди, унда гўё мамлакатда қуроли кўзғолон тайёрлаш тўғрисида инглиз коммунистларига «Москва директиваси» бор эмиш. Парламентда ўринларнинг мутлақ кўпчилигини олган консерваторлар ҳукумат туздилар.

**1926 йилдаги ялли иш ташлаш.** Ҳокимият тепасига келган консерваторлар кабинети ишчилар синфига қарши хужумни уюштиришда буржуазияни батамом қўллаб-қувватлади. Чуқур

кризисни бошидан кечираётган кўмир саноатида кескин низо келиб чикди. Шахта эгалари кўмирнинг юкори таннархини пасайтиришдан ва ташки бозорларда унинг ракобатга бардош беришидан манфаатдор эдилар. Бирок, улар бунга эскириб қолган асбоб-ускуналарни алмаштириш йўли билан эмас, балки ишчиларнинг иш ҳақини қисқартириш ҳисобига эришишни истар эдилар.

1925 йилнинг ёзида шахта эгалари кончиларга ультиматум шартларини эълон қилдилар, агар кончилар иш ҳақи қисқартирилишига ва иш кунининг узайтирилишига рози бўлмасалар, локаут\* ўтказамиз, деб дўк-пўписа қилдилар. Кончилар федерацияси бунга рад жавобини берди. Уни темир йўлчилар, транспортчилар ва машинасозлар иттифоқлари қўллаб-қувватлади. Ишчиларнинг бирлашган fronti олдида кўмир саноатчиларининг чекинишларига тўғри келди. Ҳукумат шахталарнинг эгаларига кончиларнинг илгариги иш ҳақи даражасини таъминлаш учун тўққиз ой мобайнида қарз тўлаб туриш мажбуриятини олди. Локаутни барбод қилган ишчиларнинг га-лабага эришган куни «қизил жума» деган ном олди.

Бирок, низо ҳал бўлгани йўқ. Қорхона эгалари билан ҳукумат янги синфий жангга тайёргарлик кўрдилар, борди-ю ишчилар курашсиз чекинмасалар, уларни куч билан тор-мор келтиришга умид боғладилар. Компартия меҳнаткашлар оммасини шу омма турмуш даражасини пасайтиришга интилаётган буржуазияга кескин зарба беришга чақирди. Тред-юнионларнинг реформист раҳбарларига оппозицияда турган 1 млн. га яқин ишчини бирлаштирган «озчилик ҳаракати» коммунистларнинг таклифини қўллаб-қувватлади. Бирок, Британия тред-юнионлар конгрессининг Бош кенгаши келишувчилик позициясида туриб, музокаралар олиб бориш йўли орқали ҳукумат билан муроса-ю мадора қилишга интилди.

Шахта эгалари тўққиз ойлик муддат ўтгач, локаут эълон қилдилар, чунки кончилар уларнинг шартларини яна рад қилган эдилар. Ҳукумат мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этди. Иш-



16- расм. Гарри Поллит (1890—1960) — коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби. Тред-юнионлар сўл қанотининг раҳбари. 1929 йилдан бошлаб Буюк Британия компартиясининг бош секретари; умрининг охириги йилларида — Буюк Британия коммунистик партиясининг раиси бўлган. Партиянинг гоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланишига катта хисса қўшган.

чиларнинг курашдаги қатъияти Бош кенгашни умумий иш ташлаш эълон қилишга мажбур этди, 1926 йил 4 майда бошланган иш ташлаш якдил ва уюшган ҳолда ўтди. Умумий стачка қатнашчиларининг сони (оила аъзолари билан бирга) қарийб 18 млн. кишини ташкил этди, яъни бу мамлакат аҳолисининг 40%идан кўпроғи эди. Ишчилар юксак шижоат, қатъият ва фидокорлик кўрсатдилар. Ҳамма жойда иш ташлаш комитетлари ва ҳаракат кенгашлари ташкил этилди. Кўпинча бу органлар маҳаллий ҳокимият функцияларини бажарар эдилар. Коммунистлар ишчиларни иқтисодий талаблар доирасидан ташқари чиқишга, кўмир саноатини национализация қилишга, шахталар устидан ишчилар назорати ўрнатишга ва лейбористлар ҳукумати тузишга даъват этдилар.

## Х У Ж Ж А Т Л А Р

**Буюк Британия компартиясининг жанговар 'чакириғи**  
(Компартиянинг 1926 йил 6 май Манифестидан)

**Ғалаба қилиш учун жанг қилинг!..**

**Британия ишчилари!**

Сизлар кўмир қазувчиларнинг турмуш даражасини химоя қилиш мақсадида, кенг миқёсда умумий стачка бошладингиз, зеро сизлар шуни жуда яхши биласизларки, кўмир қазувчилар турмуш даражасининг янада пасайтирилиши бошқа ишчиларнинг иш ҳақи ва иш кунига дархол хужумга ўтилишини билдиради. Умумий стачка — бу, кўмир қазувчиларга нисбатан қардошларча бирдамликнинг ажойиб намунаси бўлибгина қолмай, ишчилар синфининг ўз-ўзини химоя қила олиш тимсоли ҳамдир.

Шунинг учун умумий стачканинг дастлабки шиорлари:

«Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб кўмир қазувчиларга мадад берсин, иш ҳақидан бир чака ҳам камаймасин, иш кунига бир секунд ҳам қўшилмасин!» деган шиорлардан иборат бўлди ва улар эндиликда ҳам шундай асосий шиорлар бўлиб қолмоқда. (Энг янги тарих хрестоматияси: Хужжат ва материаллар, 1-т., 1917—1939. М., 1960, 335-бет.)

**Умумий иш ташлаш вақтида тред-юнионлар Бош кенгашининг хоинлик фаолияти.**

(Иш ташлаш вақтида (ишчилар) ўзларини қандай тутиши кераклиги тўғрисида Бош кенгашининг 1926 йил 6 майда эълон қилган кўрсатмасидан).

Шундай иш тутишга ҳаракат қилингки, атрофингиздаги ҳамма кишиларнинг чехрасидан табассум ёғилиб турсин. Бу мақсадга эришмоқ учун ўзингизнинг ҳам табассум ҳамроҳингиз бўлсин.

Зўрлик ва тартибсизлик ғоялар оралаб қолишга иложи бори-ча йўл қўйманг.

Уйда ҳар хил ишлар билан шуғулланинг.

Эндиликда, яъни ихтиёрингизда бўш вақт топиладиган ҳозирги пайтларда болажонларингизни овутиб, кўнглини очишга ҳаракат қилинг.



17- расм. Умумий иш ташлаш. Англия. 1926 йил.

Ўз соғлигингизга эътибор беринг: ҳар куни бир оз айланиб, сайр қилиб келиш сизни тетик сақлайди.

Кўл қовуштириб ўтирманг, бирор иш билан шуғулланинг.

Кўча-кўйларда беҳуда валдираб юриш, миш-миш гаплар ташиш ҳеч бир ярамайди. (Энг янги тарих хрестоматияси: Хужжат ва материаллар, 1-т., 1917—1939; М., 1960, 337-бет.)

Инглиз ишчиларининг кураши бутун дунёда пролетар бирдамлиги тўлкинини авж олдириди. Айрим мамлакатларда иш ташловчилар фойдасига маблағлар тўплаш бошланди. Бирок, Бош кенгаш совет ва инглиз ишчилари ўртасидаги дўстликка халакит бериб, СССР меҳнатқашлари томонидан тўпланган пул маблағларни кўзғолон кўтарганларга беришдан бош тортди. Факат кейинчалик бу маблағлар кўзғолон кўтарган шахтёрларга ёрдам бериш учун кончилар федерацияси томонидан фойдаланилди.

Армия, полиция, давлат аппарати, пропагандистик машина, штрейкбрехерлардан, яъни барча чора ва воситалардан кўзғолончиларни бостириш учун фойдаланилди. Тред-юнионларнинг раҳбарлари ишчилар синфининг ғалаба қозонишини истамас эдилар ва бундан қўрқардилар. Улар ўзларининг бутун куч-ғайратларини иш ташлашларни барбод қилиш учун ишга солдилар.

12 майда Бош кенгаш раҳбарлиги умумий стачканинг тўхтатилганлигини маълум қилди. Бу қарорни ишчилар ғазаб-нафрат билан кутиб олдилар. Фаол иш ташлаганлар таъкиб қилинди. Кончилар етти ой мобайнида кўзғолонни давом эттирдилар. Кўмир саноатчилари ва ҳукуматнинг сиқуви, касаба союз раҳбарларининг сотқинлиги, шунингдек, очлик ва муҳтожлик шахтёрларни чекинишга мажбур қилди. 1926 йилнинг декабрида улар ишга қайтдилар. Кончиларнинг иш ҳақи камайтирилди, иш куни эса узайтирилди.

*Умумий стачка мағлубиятга учраганлигига қарамасдан, муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бу Британияда XX асрнинг энг йирик синфий жанги эди. Стачка ишчиларга қимматли*



18- расм. Полиция Лондонда намоишни тарқатиб юбормокда. 1931 йил.

сабоқ берди, пролетар сафлари ва жанговар революцион раҳбарлик бирлиги мавжуд бўлгандагина ғалабага эришиш мумкинлигини кўрсатди.

**Иккинчи лейбористлар ҳукумати. Лейбористлар партиясининг тарқалиб кетиши. Консерваторлар ҳокимият тепасида.** Стачканинг мағлубиятга учраши буржуазиянинг ишчилар синфига ҳужум қилишга ўтишини осонлаштирди. Бу ҳол ишчиларни эксплуатация қилишни кучайтиришда ва уларнинг турмуш даражасини пасайтиришда ифодаланди. Парламент саноатидаги низолар ва қасаба союзлари тўғрисида қонун қабул қилди. «Штрейк-брехерлар хартияси» (ишчилар бу қонунни ана шундай деб атаган эдилар) умумий стачкалар ва соқчилик қилишни тақиқлади.

Консерваторлар сиёсати фақат ички ишлардагина ўта реакция бўлиб қолгани йўқ. Британия ҳукумати бир қанча қўпол антисовет ифвогарликларини амалга ошириб, 1927 йилнинг май ойида СССР билан дипломатия алоқаларини бир томонлама узди.

Инглиз халқи кенг оммасининг консерваторлар сиёсатидан норозилиги ҳукмрон партияни **1929 йилги** парламент сайловида мағлубиятга олиб келди. Лейбористлар гарчи умум палатада мутлак кўпчиликни эгаллаган бўлмасалар ҳам анчагина ғалабага эришдилар. Макдональд яна ҳукумат тузди.

Лейбористлар сайловчиларнинг талабларини ҳисобга олиб Совет Иттифоқи билан дипломатия алоқаларини тикладилар. Шунга қарамадан, иккинчи лейбористлар ҳукумати тури антисовет кампанияларини актив қўллаб-қувватлади.

1930 йилнинг бошларида Буюк Британияни иқтисодий кризис камраб олди. АКШ, Германия ва Францияга нисбатан мамлакат-

даги саноат ишлаб чиқариши унчалик кўп қискармади, чунки Британия экономикаси барқарорлашув йилларида «равнақ» топмаган эди. Саноатнинг анъанавий тармоқлари ҳаммадан кўпроқ зарар кўрди. Экспорт икки баравар қискарди. Экономиканинг тушкунлиги халқ оммасининг турмуш даражасига оғир таъсир қилди. Кризис авжига чиққан бир пайтда ҳар тўрт меҳнатқашнинг бири ишга эга эмасди.

Лейбористлар ички сиёсат соҳасида ўзларининг сайлов олдидан берган ваъдаларидан бир қанчасини бажармадилар. Аксинча, улар қорхона эгаларига ишчиларнинг иш ҳақини камайтиришда ёрдам бердилар, бундан мақсад фойданинг камайиб кетишини тўхтатиб қолиш эди. Ҳукумат ишсизларга бериладиган нафақаларни камайтирди, шахталарда 7 соатлик иш кунни қайта тикланмади. Лейбористлар қасаба союзларига қарши қаратилган қонунни сақлаб қолдилар. Ҳукумат ва монополияларнинг реакция сиёсати стачкалар, намойишлар, ишсизларнинг «очлик юришлари» янги тўлқинини авж олдирди.

Ўйрик буржуазия ишчиларнинг турмуш даражасига янада ҳужум қилиш йўли билан кризисдан чиқишни кабинетдан талаб қилди. Бу ҳол кенг норозилик ҳаракатига сабаб бўлди. Ҳукуматда ихтилоф рўй берди, шундан кейин кабинет истеъфога чиқди.

1931 йилда Макдональд лейбористлар, консерваторлар ва либераллардан «миллий ҳукумат» деган ҳукумат тузди. Шундай қилиб, лейбористлар раҳбарлигининг бир қисми буржуазия билан ошқора иттифок тузди. Унинг бошқа қисми бундай қадам лейбористларга ишчиларнинг ишончига путур етказишини тушуниб, ихтилоф учун бутун жавобгарликни Макдональдга юклади ва уни партиядан чиқарди.

Консерваторлар сиёсатини ўтказган «миллий ҳукумат» меҳнатқашларга ҳужум қилишни кучайтирди. «Мухтожлиқни текшириш» никоби остида ишсизларнинг нафақалари тагин ҳам кўпроқ қирқилди. Маъмурларнинг хатти-ҳаракатларига жавобан бутун мамлакатда ишсизларнинг ҳаракати орта борди. Бу ҳаракат нафақаларни тиклаш ва ишчиларга қарши қаратилган қонунларни бекор қилиш шнорлари остида ўтди. Қорхоналарда стачка кураши авж олиб кетди. Сўл кучларнинг қасаба союзларидаги таъсири ортди. Гарри Политни бош секретарь қалиб сайлаган компартия омма орасида, асосан ишсизлар орасида ишларни кенгайтиришни давом эттирди.

Ҳукумат секин-аста буржуа-демократик эркинликларни чеклаб борди. «Исён кўтаришга қизиқтириш тўғрисида» қонун қабул қилинди, унда урушга қарши тарғибот қилганлик учун қаттиқ жазолар кўрилиши кўзда тутилган эди. 30-йилларнинг ўрталарида Британия фашистлар иттифокининг фаолияти кучайиб кетди, у йирик буржуазия ва ер аристократиясидан ёрдам олиб турди. Бу иттифок СССРга қарши «салб юриши» ташкил этишни ёқлаб чиқди.

Бирок, Англиядаги фашистларнинг оммавий социал базаси йўқ эди, герман фашистлари эса хонавайрон бўлган майда буржуалардан иборат бундай базага эга эдилар. Монополистик



буржуазиянинг асосий группалари анъанавий парламент системасидан воз кечишни ва мамлакатни идора қилишда фашистларнинг ёрдамига таянишни зарур деб билмадилар. Ишчилар синфи ва компартия фашистларга қатъий зарба бердилар ва уларни ёлғизлаб қўйишга ёрдам бердилар.

Ҳукуматнинг қайта тузилиши натижасида ҳокимият яна консерваторлар қўлига ўтди. 1937 йилда Невилл Чемберлен кабинет бошлиғи бўлди — у ўртача қобилиятларга эга бўлиб, аристократлардан келиб чиққанлиги ва оилавий алоқалари туфайлигина бу лавозимни эгаллаган эди. Консерваторлар мамлакат ичкарисидаги ўнг кучларни рағбатлантириш сиёсатини ўтказдилар. Улар фашистлар Германиясининг юқори табақалари билан тил бириктириш йўли билан инглиз-герман империалистлари ўртасидаги зиддиятларни бошқа мамлакатлар, аввало СССР ҳисобига ҳал этишга умид боғлаган эдилар.

Буюк Британия халқаро аҳволининг ёмонлашуви кабинетни қуролланиш программасини қабул қилишга ва ҳарбий харажатларни кўпайтиришга ундади. Бирок, бу тадбирлар Германиядан ўрнатилган олиб амалга оширилади деган эди, чунки Чемберлен у билан антисовет битимларини тузишга эришиш учун эркинлик олишни истар эди.

Халқ оммаси агрессорларни жиловлаб қўйишни, Европада коллектив ҳавфсизлик системасини вужудга келтиришни, Совет Иттифоқи билан муносабатларни яхшилашни тобора қатъийроқ талаб қилди. Ишчилар синфининг бирлиги учун кураш олиб бораётган Компартия бир неча марта лейбористлар партиясига муурожаат қилиб, унинг сафига коллектив аъзо бўлиб киришни таклиф қилди, лекин лейбористлар раҳбарлиги коммунистларнинг ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги барча таклифларини рад этди. Лейбористлар партиясини ва тред-юнионлар реформист раҳбарларининг қаршилик кўрсатиши натижасида Британия оролларида ягона ишчилар fronti тузилмади.

Чемберлен ҳукуматининг сиёсати фақат демократик кучларнинг эмас, балки ҳукмрон партия бир қанча арбобларининг ҳам норозилигига сабаб бўлди. Бу сиёсат иккинчи жаҳон урушининг бошлаб юборилишига ёрдам берди ва мамлакат халқ оммасини оғир синовларга дучор қилди.

### Савол ва топшириқлар

1. Умумий стачка ва қончиларнинг 1926 йилги стачкаси қандай аҳамиятга эга бўлди? 2. Параграф тексти ва ҳужжатлар асосида тред-юнионлар ва компартия реформист раҳбарларининг умумий стачка вақтида тутган позицияларига баҳо беринг. 3. Лейбористлар ва консерваторларнинг сиёсий йўлини таккосланг ҳамда Буюк Британиядаги икки партияли системанинг синфий моҳияти тўғрисида ҳулоса чиқаринг. 4. Британия оролларида нима сабабдан фашизм тарқалмади?

## 10-§. Америка Қўшма Штатлари

АҚШнинг биринчи жахон урушида катнашиши Америка монополистик капиталини қандай оқибатларга олиб келди? (7-§га қараңг.)

**АҚШдаги «равнак» ва унинг барбод бўлиши.** Америка капитализми вақтинча, қисман стабиллашув палласига 1922 йилнинг охирида, яъни бошқа мамлакатларнинг капитализмига қараганда эртароқ кирди. Ички бозор ҳажмининг катталиги ҳамда чет мамлакатларга, хусусан, Европа ва Латин Америкасига товар ва капитал экспорт қилишининг ўсиши бунинг учун қулайлик тугдирди. Монополистик буржуазия қарздор давлатлардан уларнинг олган қарзлари юзасидан процентлар ҳамда ҳарбий қарзлари юзасидан тўловлар олиб, бойиб бораверди. *Капиталистик дунёни молиявий жиҳатдан эксплуатация қилиш маркази Англиядан АҚШга кўчди, АҚШ энг кучли империалистик давлат бўлиб қолди.* 1929 йили АҚШда капиталистик мамлакатлар саноат маҳсулотининг 44 проценти, яъни Англия, Франция, Германия, Италия ва Япониянинг ҳаммасида ишлаб чиқарилганидан ҳам кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Йирик магнатлар АҚШ экономикаси устидан назоратни кучайтирдилар. Улар орасида Морган, Рокфеллер, Дюпон, Меллонларнинг молия группалари, шунингдек, молия олигархиясининг территориал группалари, яъни Чикаго, Бостон, Кливленд группалари алоҳида ажралиб турар эди. Қонкуренцияга бардош бера олмаган корхоналарни йирик трестлар ўзига кўшиб олар эди. АҚШда кўплаб янги бойлар пайдо бўлди, эски миллионерлар ва миллиардерлар эса ўз бойликларини янада кўпайтирдилар. Улар ўзларига ҳашаматли саройлар ва шаҳар ташқарисида оромгоҳлар (виллалар) қурдирган эдилар, ўнлаб автомобиллар, юзлаб хизматкорлар, шахсан ўшаларни кўрикловчи минглаб полициячилар уларга хизмат қилар эди.

Капиталистлар энг кўп фойда олиш мақсадида ишлаб чиқаришни рационализациялаштирдилар. Кўнгина корхоналар кўпга стандарт маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказилди. Тез ҳаракат қиладиган конвейерларнинг кенг қўламда ишлатилиши ишчилардан иш суръатини тезлатишни ва диққат-эътиборни кучайтиришни талаб этар эди. Ҳар қайси ишчи энди икки, уч кишининг, баъзан эса ўн кишининг ҳам ишини бажарар эди. Иш ҳақининг бир қадар оширилганлиги ишчининг конвейер олдида туриб сарфлайдиган куч-қуввати ўрнини қоплай олмас эди.

Меҳнаткашларни эксплуатация қилишнинг ҳолдан тойдириш системаси қўлланилиши билан бир вақтда, ишчилар синфининг сафларини бўлиб юбориш ва унинг жанговарлик қобилиятини бўшаштириш сиёсати олиб борилди. Америка меҳнат федерацияси (АМФ) нинг реформист раҳбарлари иш ташлашни курашнинг «эскириб қолган» воситаси деб эълон қилдилар ва ишчиларни капиталистлар билан «синфий ҳамкорлик» қилишга зўрладилар. Меҳнаткашлар ўртасида саноат фирмаларининг акция-

лари тарқатилди, «иш банклари» таъсис этилди, корхона эгалари капиталистлар раҳбарлик қиладиган «тенг шериклик» союзлари тuzдилар. Стачка ҳаракати, асосан мудофаа тусини олди.

Буржуазия ишчилар синфи иши учун кураш олиб борувчилардан шафқатсиз ўч ола бошлади. Асли италиялик бўлган Америка революционерлари Николо Сакко билан Бартоломео Ванцетти етти йил турмада сақлангандан кейин 1927 йил августда электр стулида қийнаб ўлдирилди; уларга тухмат билан фабрика қасирини ўлдирди, деган айб қўйилган эди. Уларнинг қатл этилиши бутун халқаро жамоатчиликнинг қаҳр-газабини кўзғатди.

АҚШ жаҳолатпарастлари илмий дунёқарашга қарши юриш уюштирдилар. Улардан бири бундай деган эди: «Эволюция назариясини ўқитишга рухсат бериб, бу билан тавротга ишонишни бой бергандан кўра, ҳамма мактабларни йўқ қилган маъқул». Баъзи жанубий штатларда шундай қонунлар қабул қилинган эди-ки, улар конституцияга хилоф суратда, фикр юритиш эркинлигини чеклаб қўйган эди. Масалан, 1925 йилда Дейтон шаҳридаги (Теннесси штати) ёш биология ўқитувчиси Жон Скопс Дарвин таълимотини ўқитгани учун судга тортилди. Скопс «иши» кўриб чиқилган суд процесси «маймунлар суди» номини олди.

Капитализмнинг стабиллашуви заминда аста-секин чуқур иқтисодий инкирозларнинг шарт-шароитлари етила борди. Саноат тўла қувват билан ишламас, унинг баъзи тармоқлари эса турғунлик ҳолатида эди. Кишлоқ хўжалиги узокка чўзиладиган кризисни бошдан кечирмоқда эди. Мамлакатда 2—3 миллион ишсиз бор эди. Айни бир вақтда аҳолининг келгуси даромадлари ҳисобидан маълум муҳлат билан насияга мол сотиш тинмай ўса берди. Омма харид қувватининг чегараланиши маҳсулот сотиш проблемаси кескинлашаётганлигидан дарак бермоқда эди.

Монополистик буржуазия ва унинг идеологлари ана шу фактларга эътибор бермасликни маъқул кўрдилар. Улар «равнақ топиш»ни кўқларга кўтариб мактаб, гўё АҚШ капитализми «алоҳида», «фавқулодда» ўрин тутди ва ўзининг алоҳида йўли билан ривожланади, деб даъво қилдилар.

Мамлакатни идора қилиб турган республикачилар партияси 1928 йилги сайловларда мактанчоклик билан халққа тўла моддий фаровонлик, бизнес эса «олтин аср» яратилажагини ваъда қилди. Президент бўлиб сайланган собиқ савдо министри Гувер, иқтисодий кризислар барҳам топди деб айтди. Турмуш кўп ўтмай «мумий фаровонлик» тўғрисидаги сохта назарияни батамом чиппақка чикарди.

АҚШ жаҳон иқтисодий кризиси йилларида. 1929 йил октябрь ойининг охирларида Нью-Йорк биржасининг синиши мисли кўрилмаган даражада чуқур ҳамда вайрон қилувчи кучли иқтисодий кризис бошланганлигини маълум қилди. Бу кризис тез орада бутун капиталистик дунёни камраб олди. 1932 йилнинг ёзига келиб АҚШда саноат ишлаб чиқариши 1929 йил-



19- расм. Франклин Делано Рузвельт. Йирик корхона эгаси ва заминдор ойласида туғилган. У юра олмайдиган оғир дардга дучор бўлишига карамай, сиёсий фаолият билан актив шуғулланди. Рузвельт АКШнинг бутун тарихи давомида президентлик лавозимига сурункасига тўрт марта сайланган бирдан-бир президентдир.

га нисбатан деярли икки баравар қискарди. Минглаб банклар, саноат ва савдо кампаниялари синди. Лекин кўплаб майда фирмаларни ўз ичига қўшиб юборган йирик корпорациялар давлатнинг ёрдами туфайли омон қолди.

Кризис меҳнат аҳлини оғир махрумликларга дучор қилди. 1933 йилнинг баҳорида АКШда 17 млн. ишсиз бор эди. Шаҳарларнинг ён-атрофларида «гувервилалар» («Гувер шаҳарчалари») — кулбалардан иборат посёлкалар пайдо бўлди, уларда уй-жойларидан ажралган ишсизлар ва уларнинг оилалари истикомат қиларди. Юз минг-

лаб кишилар иш топиш учун беҳуда уриниб, мамлакат бўйлаб сарсон-саргардон бўлиб юрар эди, улар орасида хонавайрон бўлган фермерлар кўп эди. Гувер бошлик миллионерлар ҳукумати омманинг ахволини энгиллаштириш учун ҳеч нима қилмади.

Мамлакатдаги синфий зиддиятлар ниҳоятда кескинлашиб кетди. Ишсизлар оммавий ҳаракати авж олди, улар мамлакат пойтахти Вашингтонга икки марта кўп аҳоли қатнашган «очлик юриши» уюштирдилар. Ишчилар ва фермерларнинг кураши авжга чиқаётган эди. Меҳнаткашлар иш билан таъминлашни, социал страхованиени жорий этишни ва ишсизларга нафақалар беришни, ишдан бўшатишни тўхтатишни, ишлаётганларнинг иш ҳақини сақлаб қолишни, касаба союзлари ташкил этиш ҳуқуқини талаб қилдилар.

АКШ компартияси кризис арафасида ўз сафларини троцкийчилардан, шунингдек Америка капитализмининг «фавқулудда» хусусиятга эга эканлиги тўғрисидаги буржуа назариясини тарғиб қилган ўнг оппортунистлардан тозалади. Коммунистлар меҳнаткашлар ва ишсизлар ҳаракатига актив раҳбарлик қилдилар.

Ҳукумат кўшин ва полиция ёрдами билан намоишларни тарқатиб юборар ва стачкаларни бостиради. 1932 йилда Гувер биринчи жаҳон уруши ветеранларидан 24 минг кишидан ўч олишни уюштирди, бу кишилар пенсия тўлашни талаб қилиб Вашингтонга келган эдилар. Иркчилар негрларга қарши террорни кучайтириб юбордилар.

**Ф. Рузвельтнинг «янги йўли». «Янги йўл» амалга оширилган йилларда ишчилар ҳаракати.** Сиёсий бекарорлик жуда ҳам авж олиб кетган бир муҳитда ўтказилган 1932 йил ноябридаги сайловларда республикачилар мағлубиятга учради. Демократлар партиясининг номзоди буржуа либерали, пухта ва тадбиркор

сийсатчи Франклин Делано Рузвельт (1882—1945) АҚШ президенти килиб сайланди.

Хукумат монополистик буржуазия манфаатларини ифода этиб, иктисодий ва социал-сий соҳаларда давлат кўрадиган тадбирларнинг бутун бир системасини амалга ошириш йўлига ўтди. У кризис оқибатларини тугатиш мақсадида, Америка капитализмининг кескинлашиб кетган зиддиятларини юмшатишга уринди. Ана шу система Рузвельтнинг «янги йўлида» ўзининг амалий ифодасини топди. У илгари сурган программанинг мақсади *буржуа реформалари ўтказиш ёрдамида давлатнинг иктисодий ҳаётга актив суратда аралашуви йўли билан монополиялар ҳукмронлигини мустаҳкамлашдан иборат эди.*

«Янги йўл» конунлари орасида миллий саноатни тиклаш тўғрисидаги конун муҳим ўрин тутган. Монополистлар иштирокида индустриянинг барча тармоқлари учун «ҳалол рақобат кодекслари» ишлаб чиқилди. Бу кодекслар ишлаб чиқариш ҳажмини, маҳсулотларнинг баҳосини, иш ҳақининг миқдорини белгилади, маҳсулот сотиладиган бозорларни тартибга солиди ва ҳоказо. Саноатни тиклаш миллий маъмурияти (NRA)<sup>1</sup> ишлаб чиқаришни «планли» суратда кискартириб, корпорацияларнинг кризисидан жуда кам чиқим билан чиқиб олишини таъминлашга уринди. Хўжаликни планли суратда олиб боришни истисно этадиган рақобат кураши шароитида бу йўл ишлаб чиқаришнинг йирик монополиялар кўлида концентрациялашуви кучайишига олиб келди.

Конгресс қишлоқ хўжалигини тартибга солиш маъмурияти (AAA)<sup>2</sup>ни таъсис этди. У қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нарҳини ошириш мақсадида, экин ҳамда чорва мол бошини камайтирган фермерларга пул мукофотлари берар эди. Лекин бундай тадбирлар ҳам, маҳсулотларни кўплаб йўқ килиб юбориш чоралари ҳам қишлоқ хўжалигидаги кризисга барҳам бера олмади. AAA нинг фаолияти йирик қишлоқ хўжалик компаниялари ва бой фермерларгагина фойда келтирди.


Ишсизликни камайтириш мақсадида ҳукумат ижтимоий ишлар программасини амалга оширди. Ёшлар меҳнат лагерларига юборилди, улардан бу ерда кўпинча ҳарбий аҳамиятга эга бўлган объектлар қурилишида фойдаланилди.

«Янги йўл» амалга оширилган йилларда ишчилар ҳаракати юксалди. Ўтган 6 йил (1934—1939) давомида иш ташлашларда 7 миллиондан кўпроқ киши қатнашди. Жанговарлик, ҳужумкорликда ўтган кўп стачкалар иш ташловчиларнинг ғалабаси билан тугади.

Ишчилар ҳаракати ва демократик ҳаракат таъсири остида «янги йўл» 1935 йилда иккинчи босқичга кирди, бу вақтда қатор социал ислохотлар ўтказилди, хусусан ишчилар тўғрисида конунлар қабул қилинди. Конгресс *меҳнат муносабатлари тўғ-*

<sup>1</sup> [NRA] — National Recovery Administration деган инглизча номнинг биринчи харфларидан олинган.

<sup>2</sup> AAA — Agricultural Adjustment Administration деган инглизча номнинг биринчи харфларидан олинган.



20- расм. 30- йилларда АҚШда иш ташлаш ҳаракати.

рисидаги қонунни (Вагнер қонуни) қабул қилди. Бу қонун ишчиларнинг касаба союзлари ташкил этиш ва корхона эгалари билан коллектив шартномалар тузиш ҳуқуқини мустаҳкамлади. АҚШда биринчи марта ишсизларга нафақа ва қариллик бўйича пенсия тўлашни кўзда тутган *социал страхование тўғрисида* қонун қабул қилинди. Махсус қонун билан иш ҳақининг минимум даражаси ва иш ҳафтаси қанча давом этишининг максимум миқдори белгиланди (секин-аста 40 соатлик иш ҳафтасига ўтиш кўзда тутилган эди).

«Янги йўл» реформалари ишчиларнинг турмуш ва меҳнат шартини яхшилади, буржуа демократияси доирасини кенгайтирди. Бу реформалар меҳнатқашларнинг ҳужумкор синфий кураши самараси эди, ҳолбуки, Рузвельт ҳукумати уларни ўтказар экан, кенг қўламда монополияларга қарши ҳаракатга айланиб кетган омма тазйиқини сусайтиришга интилан эди.

Ишчилар ўз кучларига ва курашнинг яхши самара беришига ишонч ҳосил қила бордилар. Улар саноатнинг (пўлат қуйиш, автомобиль ва бошқа) асосий тармоқларида, яъни илгари хўжайинлар ишчиларга ўз ташкилотларига эга бўлишни тақиқлаб қўйган тармоқларда ҳам *ишлаб чиқариш касаба союзларини* туза бошладилар. Малакасиз ва кам малакали кўпгина ишчилар, шу жумладан, америкалик негрлар касаба союз аъзолари бўлдилар.

Мамлакатда касаба союзларнинг иккинчи маркази — *Ишлаб чиқариш касаба союзлари Конгресси* (ИКК) нинг тузилиши ишчилар ҳаракатида юз берган катта воқеа бўлди. Ишчиларни касбларига қараб бирлаштирган АМФ касаба союзларидан фарқ қилиб, ИКК союзларига маълум бир ишлаб чиқаришдаги ишчилар, ихтисосларидан катъи назар, кираверар эдилар. Ишчилар ҳаракатида сўл томон қўйилган бу қадам коммунистларнинг актив иштирокида амалга оширилди.

АҚШ коммунистик партияси монополияларига қарши, фашизм ҳамда урушга қарши кураш олиб бориш негизда барча демократик кучларни бирлаштиришга чақириб, Америка буржуазиясининг либерал канотини қўллаб-қувватлади.

Шу билан бирга, компартия меҳнаткашларга «янги йўл» сиёсати уларни капиталистик эксплуатациядан, мамлакат экономикасини эса кризис ҳолатидан қутқара олмаслигини тушунтириб берди.

1937 йилда АҚШ яна иқтисодий кризисга дучор бўлиб, иккинчи жаҳон уруши бошлангандан кейингина ундан чиқа олди.

Буржуа пропагандаси Рузвельт ўтказган тадбирларни АҚШда давлат ҳокимиятининг характери ўзгарган деб тасвирлашга уринди, гўё у синфий ҳукмронлик органидан бутун жамиятнинг манфаатларини химоя қилиш қуролига айланган, деб даъво қилди. Ҳақиқатда эса «янги йўл» *ислоҳ қилишда давлат-монополистик капитализми ўзининг конкрет ифодасини топган эди.* «Янги йўл» йирик компаниялар ва банкирларга қўл келди, улар хонавайрон бўлган майда мулкдорлар ҳисобига бойиди. Лекин ишлаб чиқариш жонлана бошлаши биланок йирик капиталистлар саноат ва кишлок хўжалигининг давлат томонидан тартибга солиниши тўғрисидаги ўзларини чеклаб қўйган қонунларнинг бекор қилинишига эришдилар. Америка буржуазияси давлатнинг бевосита соҳибкорлик фаолияти устидан назорат ўрнатиши сингари чора кўрилишига ўша вақтларда эҳтиёж сезмади. Ҳукуматнинг «катта бизнес»га молиявий ёрдами хусусига келганда эса, шуни айтиш керакки, монополиялар бу ёрдамни бажону дил қабул қилдилар ҳамда давлат бюджети ҳисобидан субсидиялар ва ҳар хил имтиёзлар олиб турдилар.

**АҚШ нинг ташки сиёсати.** Ҳукуматнинг ташки сиёсати АҚШ нинг кризис вақтида путурдан кетган халқаро мавқеини мустаҳкамлаш мақсадини кўзлади. Рузвельт АҚШнинг ҳукмрон доиралари ўн олти йил давомида ўтказиб келган СССРни танимаслик сиёсатидан воз кечди. Совет давлати ўзи ташкил топган дастлабки қонунларданок АҚШ билан ўзаро манфаатли амалий муносабатлар ўрнатишни актив маъқуллаб чиқди. 20-йилларда Совет-Америка савдоси муваффақиятли ривожланди. Бироқ, Вашингтон Совет Иттифоки билан дипломатик муносабатлар ўрнатиши ўжарлик билан истамай келар эди. Рузвельт бу аввалги йўлни бемаънилик ва АҚШ учун фойдасиз йўл деб ҳисоблаб, СССР билан муносабатларни нормаллаштириш ташаббускори бўлиб чиқди. 1933 йилнинг ноябрида Совет Иттифоки билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Бу акт ҳар иккала мамлакат халқларининг етилган эҳтиёжлари ва истакларига, тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига жавоб берар эди.

Латин Америкасида Рузвельт «яхши қўшничилик» сиёсати деб аталган сиёсат олиб борди. Бу сиёсат Латин Америкаси мамлакатларини Қўшма Штатларга бўйсундириш ва у ерлардан империалистик рақиблар — Англия ҳамда Германияни суриб чиқариш мақсадида Америка капиталининг шу мамлакатларга кириб бори-

шини кўзда тутар эди. АҚШ ҳукумати ҳарбий интервенцияни эмас, балки молиявий-иқтисодий сиқув ҳамда савдо-сотик олиб бориш методларини биринчи ўринга қўйган эди. Шу йўл билан Марказий ва Жанубий Америка мамлакатларининг АҚШга нисбатан ишончсизлиги бирмунча камайди ва у ерларда Шимолий Америка монополиялари ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди.

Гарчи Рузвельт оғизда фашистлар агрессиясини қоралаган бўлса-да, АҚШ ҳукумати ҳақиқатда агрессор давлатларнинг хатти ҳаракатларига индамай йўл қўйиб келди. Океаннинг нариги томонидан оқиб келган капиталлар Германия иқтисодий қудратининг ўсишига ҳарбий машинасининг вужудга келишига ёрдам берди. АҚШ империалистлари Германиянинг қуролинишига ёрдам бериб, айни бир вақтда уни СССР га ҳужум қилишга ундадилар.

1935 - 1937 йилларда конгресс океаннинг нариги томонидаги ҳарбий можароларга нисбатан АҚШ нинг «бетарафлиги» тўғрисида бир қанча қонунлар қабул қилди. Масалан, урушаётган мамлакатларга фақат қурол-яроғ ва ҳарбий материаллар экспорт қилишгина эмас, шу билан бирга уларга қарз беришлар ҳам тақиқланган эди. Лекин қонунчилик агрессор билан унинг қурбони ўртасига чегара қўймайди. Гражданилар уруши бораётган мамлакатларга ҳам қурол-яроғ ва ҳарбий материаллар чиқариш тақиқланган эди.

«Бетарафлик» ҳақидаги қонун амалда агрессорлар манфаатлари йўлида хизмат қилганлиги кўринди.

Айни замонда АҚШ монополиялари Японияни стратегик материаллар билан таъминлаб турди. Америка сиёсатчилари, Япония Хитойда ўралашиб қолиб, АҚШнинг Тинч океандаги ерларига тажовуз қилмайди, деб ҳисоблаган эдилар. Иккинчи томондан, улар Япониянинг Хитойдаги агрессияси Японияни СССРга қарши ҳужум қилишга олиб келиши муқаррар деб ишонган эдилар.

Америка империализмининг сиёсати иккинчи жаҳон урушининг бошланиб кетишига ёрдам берди.

#### Савол ва топшириқлар

1. АҚШдаги «равнақ топиш» нима сабабдан чиппақка чиқди? 2. «Янги йўл» нинг моҳияти нимадан иборат эди? Бу «йўл» қай тарзда ва қимларнинг манфаатини кўзлаб амалга оширилди? 3. 20 ва 30-йиллардаги АҚШ ишчилари ҳаракатининг ахволтини таққослаб кўринг. Ишчилар ҳаракатида қандай ўзгаришлар юз берди ва бунинг сабаби нимада эди? 4. Ишчилар синфининг кураши Рузвельтнинг социал ислохотларига таъсир кўрсатганлиги нималарда кўрилди? 5. Рузвельт ҳукуматининг ташки сиёсий йўлига хос бўлган хусусиятларни кўрсатиб беринг.

#### 11- §. Германия

Германиядаги 1918 -1919 йиллар революцияси немис ишчилар синфи учун қандай аҳамиятга эга бўлганлигини эсга олинг. (2-§ га қarang.) АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳукмрон доиралари қандай мақсадда Европада кучли милитаристик Германияни сақлаб қолишга интиладилар? (7-§ га қarang.)

Германия капитализмининг вақтинча стабиллашуви йилларида. 1918—1923 йилларда мамлакатни ларзага солган революцион жанглар буржуа тузумининг бир қадар мустаҳкамланиши даври билан алмашинди. Унг социал-демократлар Германия олдида иқтисодий ва сиёсий тараққият йўли очилди, деб немис ишчиларининг



кўпчилигини ишонтира олдилар. Улар рейхстагда социал-демократиянинг мавкеи мустахкамланиб борган сари, у меҳнаткашларнинг манфаатларини тобора кўпроқ химоя қила олади ва капиталистик эксплуатацияни чеклай олади, деб даъво қилдилар. Синфий зиддиятларнинг юмшаганлиги ҳақидаги хомхажёлларнинг тарқалишига саноат ва кишлок хўжалигининг юксалганлиги ёрдам берди, бу юксалиш иш ҳақининг ўсиши билан бирга борди.

Революцион ҳаракатнинг пасайишига ва маъмурлар томонидан ГКП фаолиятининг чекланишига қарамасдан, у ишчиларнинг анчагина қисмини ўз ортидан эргаштиришда давом этди. Террорчи тўдалардан ўз ўзини мудофаа қилиш мақсадида 1924 йилда коммунистларнинг ташаббуси билан «Кизил фронтчилар иттифоки» деган ҳарбийлаштирилган пролетар ташкилоти тузилди, унга 100 мингдан ортиқ киши бирлашган эди. Эрнст Тельман бу иттифокнинг раҳбари бўлди. У 1925 йилда ГКП нинг раиси қилиб сайланди.

Партия ўз сафларини ўнг оппортунистлар ва «сўл», сектант унсурлардан тозалаб борди. У ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустахкамланишда анча ютуқларга эришди. ГКП большевизм тажрибасини ўрганиб, ўзининг омма орасидаги таъсирини кучайтирди, герман пролетариатининг революцион партиясига айланди.

Илгари бўлганидек, ГКП га қарши фақат буржуа партиялари эмас, шу билан бирга социал-демократларнинг лидерлари ҳам кураш олиб бордилар, улар айрим ислохотлар ўтказиш йўли билан капитализмни секин-аста социализмга айлантириш мумкин, деб ўйлар эдилар. Социал-демократлар расман буржуа ҳукуматларига оппозицияда туриб, баъзан уларнинг айрим хатти-ҳаракатларини танқид қилар эдилар. Бу билан улар омма орасида: ГСДП маҳнаткашлар манфаатини химоя қилмоқда ҳамда демократия ва социализм учун курашмоқда, деган фикрни уйғотаётган эдилар.

**Германия ҳарбий-саноат потенциалининг тикланиши. Капиталистик монополиялар ролининг кучайиши.** Германия экономикасининг қисман стабиллашуви бошқа капиталистик мамлакатларга қараганда анча заиф асосга эга эди, чунки унинг асосий манбаларидан бири чет эл капиталининг, асосан АҚШ ва Буюк Британия капиталининг оқиб келиши эди. АҚШ ва Англия империалистлари ўзлари қўйган маблағлардан ортиқча фойда олишдан ташқари Германиянинг ҳарбий-саноат потенциалини тиклашга



21- расм. Эрнст Тельман.

хам ёрдам бердилар. Немис монополиялари учун қулай бўлган репарация масаласининг ҳал қилиниши ҳам бу режаларга мувофиқ келарди. 1924—1931 йилларда репарациялар ҳисобига 11 млрд. марка тўлаган Германия ўз экономикасига 26 млрд. марка миқдорида қарз ва бевосита капитал маблағлар олди.

АҚШ ва Буюк Британия томонидан герман империализмига молиявий-иқтисодий ёрдам берилиши анча узокни кўзловчи сиёсий мақсадларни назарда тутарди. Бу мақсадлардан энг муҳими — Германияни СССР га қарши курашиш учун асосий қуролга айлантириш эди. Герман империалистлари ўз томонидан «Дранг нах Остен» («шарққа ҳужум қилиш») планларини амалга оширишга қайтиш ниятида эдилар.

Чет эл қарзларининг ўзига хос «олтин ёмғири»дан немис капиталистлари индустрияни модернизация қилиш учун фойдаландилар. Германияда янги қудратли монополиялар — ўзига деярли бутун химия саноатини бўйсундирган «Фарбен-индустри», «Пўлат трести» ва ҳоказолар вужудга келди. Уларнинг ёрдами билан мамлакатда кўп сонли милитаристик ташкилотлар пайдо бўлди. Голландия, Швейцария, Испания ва бошқа мамлакатларда немис монополиялари назоратида бўлган корхоналарда Германия учун ҳарбий самолётлар ва сувости кемалари қурилди.

Бундай шароитда Германия Европадаги капиталистик мамлакатлар орасида саноат маҳсулоти ҳажми жиҳатидан биринчи ўринга чиқиб олди.

Мамлакат экономикасида ва сиёсатида капиталистик монополиялар ролининг кучайиши Веймар республикаси режимининг тўхтовсиз ўнглашиб боришида ҳам намоён бўлди. 1925 йилда президент, социал-демократ Эберт вафот этгандан кейин, Кайзер генерал-фельдмаршали П. Гинденбург шу лавозимга сайланди. Монархиячи Гинденбургнинг республика президенти қилиб сайланишида барча реакцион кучларнинг, шу жумладан рухонийлар ва милитаристларнинг буржуа демократиясини барҳам топтиришга ва жаҳон урушидаги мағлубият учун ўч олишга тайёрланишга интилиши намоён бўлди.

Орадан кўп ўтмай ер эгалари бўлган собиқ немис князлари революция вақтида мусодара қилинган ерлари, ўрмонлари, банклари қийматини қайтариб беришни талаб қилдилар. Бу даъволар демократик доираларда чуқур ғазаб уйғотди. ГСДП раҳбарлиги омманинг тазйиқи остида референдум ўтказишга рози бўлди, бу референдум давомида 14,5 млн. сайловчи (сайловчилар умумий сонининг 38%) князлар мулкини тўлатуки экспроприация қилишни ёқлаб овоз берди. Референдум сўл кучлар харақатлари бирлиги жуда катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатди.

ГСДП реакциянинг ҳужум қилиш хавфи ортиб бораётгани билан ҳисоблашмай, стабиллашув йилларида ишлаб чиқаришнинг юксалганлиги «уюшган капитализм» даврининг бошланганидан ва ҳатто мамлакатнинг социализм томон ривожланаётганидан далолат беради, деб ишчиларни ишонтирди. Кўпчилик ишчилар

бу гапларга ишонч билан қарадилар. 1928 йилда рейхстагга ўтказилган сайловда ГСДП 9 млн. дан ортиқ овоз олди. Буржуа партияларининг вакиллари иштирок этган коалицион ҳукуматга ўнг социал-демократ бошчилик қилди. Бирок ГСДП нинг раҳбарлари «социал сулҳ»га эриша олмадилар.

Буржуа партиялари иқтисодий юксалишдан фойдаланиб, жаҳон урушидаги мағлубият учун реваниш\* (ўч) олиш гоёсини очикдан-очик тарғиб қилдилар ва Шарқий ҳамда Жануби-Шарқий Европа мамлакатларини бўйсундиришнинг биринчи навбатдаги режаларини ишлаб чиқдилар. Социал-демократларнинг раҳбарлари Германияга Версаль шартномаси юклаган турли чеклашларни тугатиш учун кураш олиб бориш баҳонаси билан монополияларнинг милитаристик интилишларини қўллаб-қувватладилар.

Германиянинг сиёсатида реакция, милитаризм, антисовет йўлининг умумий кучайиши ГКП томонидан доимий зарбага учраб турди. Компартиянинг позициясини ва унинг ишчилар синфи бирлиги учун курашини барбод қилиш мақсадида социал-демократиянинг ўнг раҳбарлари оғир жиноят қилдилар: полицей-президент, ГСДП нинг таниқли арбоби буйруғи билан 1929 йил 1 май куни Берлин полицияси ГКП томонидан уюштирилган оммавий ишчилар намоёнишига ҳужум қилди. Кўчэ тўқнашувлари рўй берди. Берлиннинг бир неча районларида баррикадалар пайдо бўлди. Ишчилар орасида ўлдирилганлар ва ярадор бўлганлар бор эди. Маъмурлар «Қизил фронтчилар иттифоқи» фаолиятини тақиқлаб қўйдилар, ГКП органи — «Роте Фане» газетаси вақтинча ёпиб қўйилди. Май воқеалари ишчилар синфи таркоклигини кучайтирди, бу эса реакция кучларнинг манфаатларига мос бўлиб тушарди.

**Иқтисодий кризис. Фашистлар хавфининг ўсиши.** 1929 йилнинг охирида бошланган жаҳон иқтисодий кризиси Германияда анча кучли бўлди. 4,5 млн. ишчи ишсиз қолди. Иш ҳақи деярли икки баравар қисқарди. Ишчилар иш ташлашлар ва намоёнишлар уюштириш билан ўз ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилишга интилдилар. Кризисдан шаҳар ўрта табақалари, деҳқонлар ҳам анча азоб чеқдилар, майда савдогарлар ва корхона эгалари хонавайрон бўлдилар.

Капиталистлар кризиснинг барча қийинчиликларини ишчилар синфига ағдартишга интилдилар. Ҳукумат биринчи галда керак бўладиган нарсаларга солиқ солди, пенсия миқдорларини қисқартирди, 21 ёшдан кичик бўлган кишиларни ишсизлик бўйича нафақалардан маҳрум этди. Бу чораларнинг деярли ҳаммаси рейхстагни четлаб, фавқулодда декретлар чиқариш асосида амалга оширилди.

Авж олиб кетган социал зиддиятлар шароитида хатто чекланган буржуа демократиясининг режими ҳам немис молия капиталининг энг реакция доиралари сиёсатининг ишончли қуроли бўлмай қолди. Бу доиралар *Национал-социалистик немис ишчи-*

лар партияси<sup>1</sup> деган партияни тобора кўпрок даражада қўллаб-қувватлай бошладилар. 1919 йилда вужудга келган нацистлар партияси миллий партия ҳам, социалистик партия ҳам, ишчилар партияси ҳам эмасди. Бирок унинг номини тасодифий ном деб ҳисоблаб бўлмайди. Нацистларнинг бошликлари социализмга ёт бўлган антикоммунистик ғояларни миллатчилик ва шовинизмни меҳнаткашларнинг ва ўрта катламларнинг буржуа демократиясидан хафсаласи пир бўлган қисми орасида ёйишни осонлаштириш учун ўзларини «национал социалистлар» деб атадилар.

Нацистлар партияси «фюрерлик», яъни «фюрер»га («дохий») га сўзсиз бўйсунуш принципи асосида қурилган эди. Нацистлар «фюрери» Адольф Гитлер эди. Олдинига Кайзер армиясининг ефрейтори, Бавария совет республикасини тор-мор келтириш катнашчиси бўлган Гитлер кўп йиллар мобайнида полициянинг, кейин эса харбий разведканинг пул тўланадиган хабарчиси бўлди. Гитлер ва унинг маслакдошлари немислар гўё синфий бўлинишлардан холи, ягона, «сараланган соф ирк» деб даъво қилишарди. Нацистларнинг бошликлари «янги тартиб» ўрнатишни ўз мақсадлари деб эълон қилдилар, бу тартиб шароитида бир хил халқларни қириб ташлаш ва бошқаларни итот эттириш натижасида «соф конли ирқлар» ҳукмронлиги ўрнатилар эмиш. Улар немисларга: социал-иктисодий проблемаларни ҳал қилиш йўли — «ички душманлар» ни — коммунистлар ва бошқа антифашистларни йўқ қилишдан иборат — Совет Иттифокига қарши урушда ҳам шундай қилиш керак, деб уқтирдилар. СССР территориясини, славян халқлари яшайдиган ерларни гитлерчилар ўзларининг «турмуш кечирадиган маконлари» деб эълон қилдилар. *Антикоммунизм, антисоветизм ва ирқчилик нацистларнинг бутун идеологиясига сингиб кетганди.*

Фашистларнинг етакчилари ишчиларга доимий иш бериш ва таъминланган ҳаёт кечиришни демагогларча ваъда қилдилар; деҳқонлар, майда дўкондорлар, хунармандларга қарзларини тугатишни ва солиқларни камайтиришни ваъда қилдилар. Улар сўзда монополиялар ва банкирларни танкид қилиб чиқар, буржуа демократияси ва парламентаризмига ҳужум қилар, ўз тарғиботларида Версаль шартномасининг Германияни камситган, уни бошқа мамлакатларга нисбатан нотенг аҳволга қўйган моддаларидан кенг фойдаланардилар. Нацистлар инсон шахсини ҳар қандай ҳурмат қилишни рад этар, қаттиққўллик ва зўравонликка сажда қилишни тарғиб этардилар.

Фашистлар аввало майда буржуазияни, кейин эса ишчилар ва деҳқонларнинг бир қисмини ўз ортидан эргаштиришга муваффақ бўлдилар. Улар бунга социал демагогия, иркий вайсакилик ва террор қилиш ёрдамида эришдилар. Фашизмнинг оммавий таянчи бўлиб қолган социал табақалар ўз манфаатларига қарши иш кўрдилар, молия капиталининг энг реакцион доираларига кўр-кўрона хизмат қилдилар.

<sup>1</sup> National Sozialistische Deutsche Arbeiterpartei [NSDAP]



22- расм. «Кизил фронтчилар иттифоқи»нинг Берлинда ўтказилган митинги.

20-йилларнинг бошларидаёқ Германиянинг айрим sanoat ва молия магнатлари нацистларга хомийлик қилиб, уларга пул билан ёрдам кўрсата бошлаган эдилар. Иқтисодий кризис йилларида гитлерчилар партиясини кенг тарғиб қилиш авж олиб кетди. Фашист газеталари, нацистларнинг бутун ҳаракати йирик концернлар томонидан мўл-кўл молиявий ёрдам олиб турдилар.

1931 йилнинг ўрталаридан бошлаб кўпгина молия магнатлари хокимиятнинг Гитлерга берилиши учун ҳаракат қила бошладилар. ГСДП раҳбарлари коммунистлар ва бошқа демократларнинг ягона антифашист fronti тузиш тўғрисидаги таклифларини рад қилдилар. Улар нацистлар қутурган майда буржуа авантюрачиларидир, уларга қарши кураш олиб бориш коммунизмга қарши кураш олиб боришдан кўра камрок эътиборни талаб қилади, деб ҳисобладилар.

**ГКП фашизмга қарши кураш раҳбари.** Герман коммунистлари милитаризмга қарши, фавқулодда қонунлар сиёсати ва реакциянинг хужумига қарши шиддатли кураш олиб бордилар. 1930 йилнинг августида ГКП «Немис халқини миллий ва социал озод қилиш программаси»ни эълон қилди. Мазкур программа кенг халқ оммасининг манфаатларига мувофиқ келадиган талабларни: монополистик капитални — фашизмнинг асосий таянчини хокимиятдан маҳрум этиш, помешчикларни экспроприация қилиш талабларини ўз ичига олган эди. Компартия фашизм немис ишчилар синфи учун, бутун немис миллати ва бутун дунё учун асосий хавф бўлиб қолди, деб огоҳлантирди. ГКП ишчилар синфи теварагига барча антиимпериалистик кучларни — дехқонлар, шаҳар майда ва ўрта буржуазиясини, зиёлиларни бирлаштиришга интиларди. Ишчилар синфининг ўз бирлигига эришишга муваффақ бўлинсагина бундай бирлаштириш мустах-

кам ва амалий бўлиши мумкин эди. Бироқ ўнг социал-демократлар ишчилар синфининг реакцион кучларга қарши кураш олиб бориш учун бирлашувини бутун чоралар билан қийинлаштирдилар.

Коммунистлар кўпинча ГСДП раҳбарларининг сотқинчилиги сиёсатидан ҳақли равишда ғазабланишни бутун социал-демократияга кўчирдилар. Бу ҳол пролетар омманинг бирлигига эришишга тўсқинлик қиларди. Коммунистлар орасида ўша вақтда мавжуд бўлган гўё социал-демократия «социал-фашизм»га айланмоқда, деган фикр хато фикр эди. Чунки кўпгина оддий ишчи социал-демократлар гарчи ўз партиялари билан алокани узмаган бўлсалар ҳам социал-демократ раҳбарларнинг сиёсатидан норози эдилар ва антифашист позицияларда турардилар.

ГКП доимий таъкибларга қарамасдан, ўсиб ва мустаҳкамланиб борди: 1928 йилда унинг сафларида 120 минг, 1932 йилнинг охирида эса 360 минг аъзо бор эди. Компартия раҳбарлиги остида бир қатор стачкалар, намоёнлар, «очлик юришлари» ўтказилди. Бироқ ГСДП ишчиларнинг кўпчилигига ўтказажан таъсирини сақлаб қолаётган, қасаба союзлари раҳбарлик қилаётган эди. Ўнг социал-демократлар сўзда фашизмни қоралаб, коммунистлар билан бўладиган ягона антифашист ҳаракатларнинг ҳар қандай имкониятини қатъиян рад қилар эдилар.

**Фашистлар диктатурасининг ўрнатилиши.** Монополистик капиталнинг юқори табақалари, уришқок ҳарбий доираларнинг бошлиқлари ва фашистларнинг раҳбарлари ўртасида: агар фашистлар ҳокимият тепасига келиб қолсалар, улар қандай вазифаларни қай тариха бажаришлари ҳақида яширин музокаралар олиб борилаётган эди.

1932 йилнинг ноябрида рейхстагга янги сайловлар бўлиб ўтди. Улар бутун реакцион доираларни ташвишга соладиган натижалар билан тугади: нацистлар олдинги сайловлардагига нисбатан 2 млн. тарафдорларини йўқотган эдилар. Янгидан 700 минг овоз тўплаган ГКП деярли 6 млн. сайловчини бирлаштирган эди. Коммунистлар таъсирининг тўхтовсиз ортиб бораётганлиги туфайли иккала партия — ГКП ва ГСДП — 13,2 млн. овоз тўладилар — бу гитлерчилардан 1,5 млн. кўп эди. Сайлов натижаларни коммунистлар билан сўл социал-демократлар амалга оширган жуда катта антифашистик ишларни акс эттирди, синфий кучлар нисбатинда пролетариат фойдасига ўзгаришлар рўй бераётганлигини кўрсатди.

Коммунистлар ишчилар синфининг антифашист бирлигига эришиш учун астойдил ҳаракат қила бошладилар. Бироқ ГСДПнинг ўнг лидерлари антикоммунистик сиёсатни зўр бериб ўтказиб келдилар, фашистларни эмас, балки коммунистларни ўзларининг асосий душмани деб ҳисобладилар. Социал-демократия раҳбарларининг ана шу позициясидан фойдаланиб, герман империализми чет эл капиталининг ёрдами билан ҳокимиятни фашистлар қўлига бериш йўлига ўтдилар. 1933 йилнинг 30 январида Гинденбург Гитlernи рейхканцлер қилиб тайинлади. Веймар республикасининг режими молия капиталининг *энг реакцион, энг*

*шовинистик ва энг империалистик элементларининг ошкора террорчилик диктатураси билан алмашди.*

Германия монополистик буржуазияси ўз ҳукмронлигини буржуа демократияси методлари билан сақлаб қолишга ноқобил бўлиб чиқди. Молия ва саноат магнатлари фашизмга умид қилиб, гитлерчилар ёрдамида уюшган ишчилар ҳаракатини, биринчи навбатда унинг авангарди ГКП ни тор-мор келтиришни, ўзларининг реваншистик ва босқинчилик режаларини амалга оширишни мўлжалладилар.

Гитлернинг ҳокимият тепасига келиши меҳнаткашларнинг ғазабини кўзготди. Кўп шаҳарларда антифашист намоёнлар бўлиб ўтди. Уларда коммунистлар, социал-демократлар, партиясиз ишчилар биргаликда қатнашдилар. Ҳамма жойда коммунистларнинг пролетар бирлиги учун чақирғи жаранглаб эшитилди. Компартиянинг кўрсатиб ўтишича, немис халқи учун энг асосийси фашист диктатурасини ағдариб ташлашдан иборат эди, бунга халқ оmmasини ишчилар синфи ҳаракатларининг бирлиги асосида кенг суратда жипслаштириш йўли билан эришиш мумкин эди. Бироқ ГСДП ва касаба союзлари раҳбарлари ҳали халқ килувчи кураш вақти келгани йўқ, чунки Гитлер «ҳокимият тепасига ошкора равишда келган», шу сабабли ГКП нинг умумий тасачка ўтказиш ҳақидаги таклифларини қабул қилиш учун асос йўқ, деб ишчиларни ишонтирмоқчи бўлдилар. Социал-демократия ўнг раҳбарларининг нифокчилик ва таслимчилик сиёсати гитлерчиларга ўзларининг бутун кучларини коммунистларга қарши қаратиш имконини берди.

ГКПни тор-мор келтириш ва демократияни батамом тугатишга баҳона топиш учун фашистлар 1933 йил 27 февралда рейхстаг биносига ўт қўйдилар. Фашистлар олдиндан тузиб қўйилган рўйхатга биноан қарийб 20 миң кишини, асосан ГКПнинг активларини қамокка олдилар. Герман пролетариатининг йўлбошчиси Эрнст Тельман ҳам қамокка олинди.

1933 йил март ойида рейхстагга бўлган сайловда деярли 5 млн. сайловчи ҳақиқатда тақиблаб қўйилган ГКП га овоз бериш учун журъат қила олдилар. Шунда гитлерчилар 81 коммунистнинг рейхстагга сайланганини нотўғри деб эълон қилдилар ва уларни қамокка олдиларю

1933 йилнинг баҳори — ёзида фашистлар режимининг шаклланиши асосан тугалланди. Ҳукумат ва шахсан Гитлер қонунлар чиқариш ҳуқуқини олди. Бундан ташқари, бу қонунлар конституцияга мувофиқ келиши шарт эмас эди. Рейхстагнинг бу қарори буржуа демократияси қолдиқлари ва Веймар республикасига узил-кесил барҳам берди.

Орадан кўп ўтмай давлатнинг яширин полцияси — гестапо таъсис этилди. Гестапо кадрлари асосан соқчи отрядлари — СС составидан танлаб олинарди. Бош суяк билан кесиштирилган суякларни акс эттирувчи эмблемали қора форма кийган эсэсчилар гитлерчилар террорининг асосий қуроли бўлиб қолди. СС ва гестапо ҳам Германияда, ҳам у босиб олган территориялар-

да концентрацион лагерларнинг бутун бошли тармоғини вужудга келтириш ташкилотчилари бўлдилар, миллионлаб кишиларни кириб ташладилар, кўпдан-кўп конли жиноятларни амалга оширдилар.

Гитлерчилар қасаба союзларни таркатиб юбориб, уларнинг ўрнига «Германия меҳнат fronti»ни туздилар. Ишчиларни бу ташкилотга мажбурий тартибда киритдилар. 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар учун икки йиллик мажбурий меҳнат жорий этилди. Бу мажбурият ҳарбийлаштирилган лагерларда ўтилар ва асосан истехкомлар, йўллар ва шу сингариларни куришдан иборат бўларди. Меҳнат лагерларининг ташкил этилиши ишсизликнинг бир қадар қисқаришига олиб келди ва ёшларнинг бир қисмига сиёсий таъсир ўтказишда гитлерчиларга ёрдам берди.

«Унификация», яъни «бир хиллик» жорий этиш мақсадида гитлерчилар партиядан ташқари барча буржуа партиялари ўз-ўзидан таркатиб юборилди. Нацистлар ўз составига кўра ишчилар ташкилотни мавжуд бўлишидан чўчиб (бу ташкилотда фашизмга қарши курашга интилиш пишиб етиларди), ГСДПни таққилладилар.

Немис маданияти ва илм-фанининг бир қатор атокли арбоблари — Г. Манн, А. Цвейг, А. Эйнштейн ва бошқалар чет элга кетиб қолдилар ва мухожирликда юриб нацизмга қарши курашни авж олдириб юбордилар, инсонпарварлик ва демократияни химоя қилдилар. Инсоният тафаккурининг энг яхши самаралари — К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарлари, шунингдек кўпгина сиёсий арбоблар ва гуманист-ёзувчиларнинг асарлари нацистлар томонидан йўқ қилинди. Бутун Германияда гулханлар ёкилиб, уларда XX аср ваҳшийлари тараккийпарвар авторларнинг китобларини ёндириб юбордилар.

**Лейпциг процесси.** Гитлерчилар ўзларининг террорчилик сиёсатини оқлаш, фашистлар зўравонлигини қоралаётган халқаро жамоатчиликни йўлдан уриш учун 1933 йилнинг сентябрида рейхстагга гўё ўт қўйганлар устидан суд ўтказдилар. Улар болгар ва халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атокли арбоби, Коминтерн Ижрокомининг аъзоси Георгий Димитровни (1882– 1949) ва унинг Берлинда гитлерчилар қамокка олган болгар ўртоқларини «Москва агентлари» деб атадилар.

Кўп ўтмай бутун дунё Лейпциг суд процессида бош айбланувчи қатъий айбловчига айланганига ишонч ҳосил қилди. Г. Димитров ўзининг марксча-ленинча эътиқодини дадил туриб химоя қилди, болгар ишчилар ҳаракатига, ГКП га, Совет Иттифоқига, Коммунистик Интернационалга тўхмат қилишга доир барча уринишларни фош қилиб ташлади. Димитровнинг сўзлашига ҳалакит беришди, уни суд залидан бир неча марта олиб чиқиб кетишди, лекин у ўзининг ҳар бир лўқмаси билан фашизмни ва қабиҳ суд муғомбирлигини фош қилди. Нацист бонзалари (димоғи кўтарилган амалдорлари) суднинг боришини ўзгартиришга уриндилар, айбнома гувоҳлари сифатида Пруссиянинг бош вазири Герингни (фашистлар Германиясида Гитлердан кейинги иккинчи шахсни) ва пропаганда вазири Геббельсни чиқардилар.



Коммунист Димитровнинг фашистлар бошлиғи билан як-кама-якка олишуви куйидагича бўлиб ўтган:

**Димитров.** Сиз... коммунистлар ўт кўйган, деб баён қилганингиздан кейин... сизнинг бу баёнотингиз полиция терговини, сўнгра эса суд терговини ҳам маълум бир йўналишга солиб юбормадимикан ҳамда бу баёнот рейхстагга ҳақиқатан ўт кўйганларни топишда *бошқа излардан бориш* имкониятини истисно қилиб кўймадимикан?

**Геринг.** ... Менинг нуктаи назаримча... жиноятчиларни сизларнинг (Димитровга қарата юзланиб) партиянгиздан кидириш керак (Димитров томонга муштлари билан ўдагайлаб, бакиради). Сизларнинг партиянгиз,— бу жиноятчилар партиясидирки, уни йўқ қилиб ташлаш керак!..

**Димитров.** Уни «йўқ қилиб ташлаш керак» дейилган ана шу партия ер куррасининг олтидан бир қисмида, яъни Совет Иттифоқида ҳукмрон партия эканлиги ҳамда Совет Иттифоқи Германия билан дипломатик, сиёсий ва иқтисодий муносабатлар ўрнатганлиги, унинг буюртмалари юз минглаб герман ишчиларига фойда келтираётганлиги жаноб бош министрга маълуммикан?

**Раис (Димитровга).** Сизнинг бу ерда коммунистик пропаганда олиб боришингизни ман этаман.

**Димитров.** Жаноб Геринг бу ерда национал-социалистлар пропагандасини олиб борапти! (Сўнгра Герингга юзланиб.) Ана шу коммунистик дунёқараш Совет Иттифоқида, яъни жаҳоннинг энг буюк ва энг яхши мамлакатида ҳукмрондир ва бу ерда, яъни Германияда герман халқининг энг яхши фарзандлари тимсолида унинг миллион-миллион маслакдошлари бордир...

Лейпциг суд процесси бутун дунёнинг диккат-эътиборини жалб қилди. Ҳатто буржуа газеталари ҳам Димитровга қўйилган айбнинг бутунлай уйдирмадан иборат эканлигини фош қилиб, фақат суд процессининг эмас, балки гитлерчилар режимининг ҳам сотқинликдан иборат эканлигини очиб ташлади, деб эътироф қилдилар. Суд Димитровни ва бошқа икки болгар коммунистини рейхстагга ўт кўйишда айбдор эмас, деб эътироф қилишга мажбур бўлди. СССР ҳукумати уларга совет гражданигини берди.



23-расм. Георгий Димитров — халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атокли арбоби.



24- расм. «Жаноб министр-президент. Сиз менинг саволларимдан кўркувга тушаяпсиз!» Д. Хартфильднинг Лейпциг суд процесси вақтида эълон қилинган фотомонтажи.

саноат тармоқларининг бошлиқлари бўлиб олган капиталистлар тегишли рангдаги «фюрерлар» деб эълон қилинди ва уларга давлат ҳокимияти вакилларининг ваколатлари берилди. Уларнинг ўзбошимчилигига қаршилик кўрсатиш нацистлар режимига бўйсунмаслик деб қаралар эди. Нацист корчалонлар энг йирик концернлар акцияларининг эгалари бўлиб қолдилар. Нуфузли банкирлар ва саноат магнатлари «учинчи рейх» давлат аппаратида муҳим лавозимларни эгалладилар. Шу тарика *монополияларнинг кучи фашист давлатининг кучи билан бирлаштирилди*. Гитлерчилар Германиясидаги давлат монополистик капитализмининг асосий хусусияти урушга тайёрланиш мақсадида бутун экономиканинг давлат томонидан тотал (умумий) равишда тартибга солинишидан иборат бўлди.

Германия экономикасининг милитарлаштирилишига Буюк Британия ва АКШнинг кўпгина йирик монополиялари ёрдам бердилар. Турли хил қурол турларининг кенг суръатда ишлаб чиқарилиши немис ҳарбий концернларига улар оладиган фойданинг мисли кўрилмаган даражада ўсишини таъминлади.

Айни вақтда ишчиларнинг аҳволини кескин равишда ёмонлаштирадиган чоралар кўрилди. Гитлерчилар коллектив шартномалар системасини тугатдилар, фабрика- завод комитетларини йўқ қилдилар. Ишчиларга иш жойини ўзгартиш тақиқланди, корхона эгалари иш кунини 14 соатгача узайтириш ҳуқуқини

Лейпциг суд процессининг қаҳрамони барча мамлакатларнинг антифашистлари учун мардлик ва қаҳрамонлик, революцион эътиқод ва бурч намунаси бўлиб қолди. Димитров гитлеризмга дастлабки маънавий-сиёсий зарба берди.

**Герман фашизмининг сиёсати.** Герман фашизми юксак даражада ривожланган капиталистик мамлакатда ҳокимият тепасига келди. Гитлерчилар диктатураси монополистик капитализмининг социал-сиёсий негизида қарор топди ва тезда экономикани давлат йўли билан тартибга солиш тadbирлари системасини амалга оширишга киришди. Орадан кўп ўтмай *немис хўжалигининг Бош кенгаши* тузилди, унга 18 та энг йирик монополия ва банкларнинг раҳбарлари кирдилар. «Фюрерлик» системаси бутун мамлакат экономикасига татиқ этилди. Корхоналар ва

олдилар. Бу чоралар пролетариатнинг социал ғалабаларини бутунлай йўқ қилишга ва мажбур қилувчи меҳнат системасини ўрнатишга олиб келди. Ишчиларнинг айрим гуруҳлари учун рағбатлантириш кўзда тутилган эди. Ҳарбий ишлаб чиқаришнинг кескин ўсганлиги ишсизликнинг камайишига олиб келди.

Монополияларнинг мустаҳкамланиши майда ва ўрта корхоналар эгаларининг хонавайрон бўлишига сабабчи бўлди. Улардан айримларига «иркий» текширишдан кейин давлат ёки партия аппаратида кулай ўринлар ажратилди.

Гитлерчиларнинг аграр сиёсати йирик помешчиклар ер эгаллигини ва қишлоқ буржуазиясини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлди. «Мерос хонадонлари» тўғрисидаги қонун ўрта ва йирик деҳқон хўжалиқларини сотиш ёки кичик қисмларга бўлишни тақиқлади, бу хўжалиқлар мерос тарикасида фақат катта ўғилга ўтиши мумкин эди. Фашистлар қишлоқ бойларидан иборат мустаҳкам таянч орттирдилар. Улар ерсиз деҳқонларга Германия Шарқдаги «турмуш кечирish маконлари»ни қўлга киритгандан сўнг чек ерлар беришни ваъда қилдилар. Гитлерчилар немис халқига фақат национал-социалистлар партиясигина уларнинг моддий аҳволини тубдан яхшилашга қодирдир, деб ишонтирдилар. Бирок бу ҳол Россия, Украина, Болтиқбўйи ва Германиядан шарқдаги бошқа мамлакатлар унинг мустамлакалари бўлгандан кейингина содир бўлади, дедилар.

Алаҳлашдан иборат ирқчилик, милитаризм ва антикоммунизм ғоялари кўпгина немисларнинг, хусусан ёшларнинг онгини захарлади. Уларнинг анчагина қисми «Гитлерчи ёшлар», «Еш миллат», «Немис қизлари иттифоқи» деган ва бошқа ташкилотларга кирдилар, уларда фашистларнинг ахлоқ ва виждон бемаънилиги тўғрисидаги, «буюк рейх манфаати» йўлида амалга ошириладиган ҳар қандай зўравонликка чидаш мумкинлиги ҳақидаги назарияларни ўзлаштирдилар.

**Антифашист кураши.** Мамлакатда гитлерчилар диктатурасининг ўрнатилиши Германия ҳарбий хавфнинг асосий ўчоғи бўлиб қолганлигини билдирарди. Фашизмга қаршилик кўрсатиш айни бир вақтда урушни бошлашга қарши кураш олиб бориш ҳам эди. Яширин иш олиб боришга ўтган ГКП антифашист курашининг бошида қатъий турди. Гитлерчилар 150 мингдан ортиқ коммунистни, яъни ГКП составининг ярмини камокка олдилар. Уларнинг кўплари гестапо турмаларида ёки концентрацион лагерларда ҳалок бўлдилар. Иккинчи жаҳон урушининг бошланишига келиб нацистларнинг қийнокхоналарида бир миллионга яқин киши — коммунистлар, социал-демократлар, кўпгина буржуа демократлари ва бошқа антифашистлар бор эди.

ГКПнинг айрим раҳбарлари нолегал ҳолатга ўтиб ишлаб бошладилар, баъзилари чет элга кетиб қолдилар. Партияга В. Пик, В. Ульбрихт ва бошқа синалган революционерлар раҳбарлик қилдилар. Партия катта ташкилий қайта қуришни амалга оширди. Яхши маҳфийлаштирилган қуйи ташкилотларнинг шохобчалари тузилди, одатда уларга 5 кишигача кирарди.

Бу ячейкалар фашист диктатурасига қарши фидокорона кураш олиб боришни тўхтатмадилар. Коммунистлар нолегал равишда нашр этиладиган газеталар ва варақаларда гитлерчилар халқнинг ашаддий душмани эканлигини, улар мамлакатни муқаррар равишда ҳалокатга олиб боришини тушунтирдилар.

ГКП фашизм ҳам, уни вужудга келтирган монополиялар ҳам, юнкер-помешчиклар ҳам, милитаристлар ҳам бўлмайдиган эркин, демократик Германия учун кураш олиб боришга бутун антифашист кучларни бирлаштиришга интилди. Компартия фақат социал-демократлар билан чинакам ўртоқларча муносабатлар ўрнатиш учун ҳаракат қилиб қолмади, шу билан бирга лютеранлар ва католиклар билан, яхши ниятли барча кишилар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эди. Немис халқига уруш эмас, балки тинчлик зарур эканлигини, унинг душманлари коммунистлар ҳам эмас, Совет Иттифоқи ҳам эмас, балки гитлерлар ва круппалар эканлигини, немис халқи бошқа халқлар устидан зўравонлик қилиш билан эмас, балки улар билан дўстлик орқалигина ўзининг бахтли келажагига эриша олишини кўрсатиб бериш учун иложи бўлган ҳамма ишлар қилинди.

#### Савол ва топшириқлар

1. Немис империалистлари қандай йўл билан Германиянинг ҳарбий саноат потенциалини тикладилар? 2. 10 ва 11-§ лар тексти асосида Германия ва АҚШ монополистлари ички зиддиятларни ҳал қилишга интилган методлар ва воситаларни қиёсланг. 3. Нима учун Германияда фашистлар диктатурасининг олдини олишга муваффақ бўлинмади? 4. Дарслик текстидан ва ҳужжатдан келтирилган парчадан фойдаланиб, Лейпциг суд процессининг аҳамиятини белгилаб чиқинг. 5. Гитлер режимининг асосий хусусиятлари нималардан иборат? 6. Германияда фашистлар диктатураси қарор топгандан кейин давлат монополистик капитализми қандай формада намоён бўлди? 7.ГКП нинг фашизмга ва уруш хавфига қарши олиб борган кураши тўғрисида нималарни биласиз?

#### 12- §. Франция.

В. И. Ленин француз империализмининг нима учун судхўрлик империализми деб таърифлаганлигини эсга олинг (Янги тарих дарслиги, 9-§ га қара).

**Франция капитализмининг қисман стабиллашуви.** 1924 йилда Франция капитализми, қисман стабиллашув палласига кирди. Саноат ишлаб чиқариши стабиллашув даврида қарийб бир ярим барабар ўсди. Оғир индустрия техника жиҳатидан реконструкция қилинди ва бу ҳол унинг юқори суръатлар билан тараккий этишига ёрдам берди. Эльзас билан Лотарингиянинг қайтариб олинганлиги, Саар кўмиридан фойдаланилиши, урушда вайрон бўлган районларнинг тикланиши, Германиядан репарация олиниши саноатнинг ўсишига қулай шароит туғдирди.

Франция курол-яроғлар ишлаб чиқаришни анчагина кенгайтди. Харбий саноат кампаниялари Шаркий Европа мамлакатларига курол-яроғларни кўплаб экспорт қилиб, жуда катта фойда олдилар. Зеб-зийнат буюмлари ишлаб чиқаришида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди. Тўқимачилик ва саноатнинг бошқа баъзи тармоқлари турғунлик ҳолатида бўлиб, урушдан олдинги даражасига етолмади. Францияда илгаригидек, кўп миқдорда хунармандчилик корхоналари мавжуд эди. Кўпгина майда мулкдорлар банд бўлган қишлоқ хўжалиги сурункали кризисни бошдан кечираётган эди.

Стабиллашув йилларида ишлаб чиқариш ҳамда капиталнинг концентрациялашуви кучайди. Мамлакат экономикаси ва молиясини ўз назоратига олган «икки юз онла»нинг оладиган фойдалари меҳнаткашларни эксплуатация қилишни кучайтириш ҳисобига янада кўпайди. Молия магнатларининг (де Венделлар, Ротшильдлар ва бошқалар сингариларнинг) давлат аппарати билан алоқалари тобора мустаҳкамлана борди. Ҳукумат лавозимларини эгаллаган ҳамда парламент мажлисларининг иштирокчилари бўлган йирик банкирлар билан саноатчилар мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига бевосита таъсир кўрсатар эди.

Франция империализми судхўрлик хусусиятини аввалгидек сақлаб келар эди. Стабиллашув йилларида рантьенинг миллий даромаддаги улуши кўпайди. Француз буржуазияси мустамлакаларнинг халқларини эксплуатация қилишдан хийла катта бойлик ортирди.

Омма орасида демократик тенденцияларнинг кучайиши 1924 йилги парламент сайловларида «Сўл блок»нинг галаба қозонишига ёрдам берди. Бу блокка радикаллар партияси билан социалистик партия кирган эди. Социалистлар радикаллар партиясининг раҳбари Эдуард Эррио тузган ҳукумат составига кирмасалар ҳам, лекин бу ҳукуматни қўллаб-қувватладилар. Сайлов арафасида «Сўл блок» кенг кўламда сиёсий амнистия бериш, нарх-навоми пасайтириш, капиталга солиқ солиш, Совет Иттифоқини таниш тўғрисида ваъда берган эди. Ҳукумат ана шу ваъдаларнинг бир қисмини бажарди. Масалан, қисман амнистия ўтказилди. 1924 йил октябрида Франция СССР билан дипломатик муносабатлар ўрнатди. Бирок капиталга солиқ солишга уриниш монополияларнинг кескин қаршичилигига учради ва улар сунъий йўл билан франкнинг қадрини тушириб юбордилар. Сенат Эррио ҳукуматига ишончсизлик билдирди, шундан кейин бу ҳукумат истеъфо берди.

Шундан кейинги ҳукуматларнинг тутган йўли мамлакат сиёсий ҳаётида ўнгга қараб бурилишдан иборат бўлди. Франция Марокаш ва Сурняда мустамлакачилик урушларини бошлаб юборди ва бу урушлар молиявий кризисни янада кўпроқ мураккаблаштирди. 1926 йилда ҳокимият тепасига йирик буржуазия манфаатларини ифода этган Пуанкаре кабинети келди. Бу ҳукумат асосан тўғри ва эгри солиқларни қупайтириш, ишчиларнинг реал иш ҳақини камайтириш, пенсияларни қис-

картириш ва шу сингарни ишлар ҳисобига Франциянинг молиявий ахволини мустаҳкамлади. Ҳукумат мамлакатни милитарлаштиришни кучайтирди. Унинг ташқи сиёсати СССРга нисбатан ўтакетган душманлик билан ажралиб турар эди.

Хукмрон доираларнинг хатти-ҳаракати меҳнатқашларнинг каттиқ қаршилигига дуч келди. Реакцияга қарши қатъият билан ҳаракат қилган бирдан-бир партия Франция Коммунистик партияси эди.

**Иқтисодий кризис йилларида синфий кураш.** 1930 йил кузида, яъни бошқа капиталистик мамлакатларга қараганда кейинроқ Францияда бошланган иқтисодий кризис узокка чўзилди ва 1935 йилнинг охиригача давом этди. Енгил саноат (тўқимачилик, зеб-зийнат буюмлари ишлаб чиқариш) айниқса каттиқ зарар кўрди. Жуда кўп озик-овқат запаслари уларнинг баҳоси мисли кўрилмаган даражада тушиб кетганлигига қарамай, сотилмай қолди. Ишчилар ва майда деҳқонларнинг турмуш шароити ёмонлашди. Ишсизлар сони 2 млн кишидан ошиб кетди. Кризис хизматчилар, зиёлилар ва майда буржуазия ахволига жуда ёмон таъсир қилди.

Мамлакатда синфий кураш кескинлашди. Кончилар, металлчилар, тўқимачилар иш ташлади. Франция жанубидаги кўпгина департаментларда деҳқонларнинг ғалаёнлари кўтарилди. Майда савдогарлар, ҳунармандлар, зиёлилар, хотин-қизлар ва ёшлар иқтисодий талаблар учун курашга қўшилди. ФКП пролетар бирлиги учун актив кураш олиб бораётган эди, ана шу пролетар бирлиги ғоясининг тарафдорлари тобора кўпая борди.

Буржуазиянинг ишчилар ҳаракати ва демократик ҳаракатидан қути ўчган энг реакцион доиралари парламент режимини тугатиб, фашистлар диктатураси ўрнатишни кризисдан қутулиш чораси деб билдилар. Монополияларнинг саҳийлик билан молиявий ёрдам кўрсатиши туфайли мамлакатда фашистларнинг кўпдан-кўп ташкилотлари вужудга келди. Улар орасида ўз артиллерияси ва самолётларига эга бўлган «Оловли крестлар» ташкилоти алоҳида ажралиб турар эди. Парламент ҳамда ҳукуматда фашистларнинг ишончли кишилари бор эди.

Франция фашизми Германия ва Италия фашизмидан фарқ қилиб, анча кейинроқ куч йиға бошлади ва ягона сиёсий оким бўлиб майдонга чиқмади. У Италия ва Германиядаги сингарни фашистлар эга бўлган оммавий таянчдан маҳрум бўлиб, ўнг буржуа партиялари ва католик черкови билан яқиндан боғланган эди. Биринчи жаҳон урушида ғолиб чиққан мамлакат — Францияда шовинистик пропаганда кенг қўллаб-қувватланмади, иқтисодий кризис эса Германиядагидек ниҳоятда кескин даражага етмаган эди. Француз ишчилар синфининг революцион анъаналари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ҳокимият тепасига келган гитлерчилар француз маслакдошлари билан давлат тўнтаришига тайёргарлик кўра бошладилар. **1934 йил 6 февралда** 20 мингдан кўпроқ қуролланган фашистлар Париж кўчаларига чиқди. Улар депутатлар палатаси мажлиси



25- расм. Француз коммунистларининг тўрт авлоди. Биринчи катордагилар (чапдан ўнганга): Париж Коммунаси кунларида Зарбхона директори бўлиб турган 1920 йилдан буён ФКП аъзоси Зефирен Камелина; Марсель Кашен, ёзувчи ва журналист, 1920 йилдан буён ФКП аъзоси Поль Вайян-Кутурье ҳамда Морис Торез Пер-Лашез кабристонидagi Коммунарлар девори ёнида. 1927 йил.

килаётган Бурбонлар саройини ва ҳукуматнинг бошқа биноларини босиб олишга уриндилар. Полиция фитначиларга зарба беришни кечиктириб сусткашлик қилди. *ФКП чақириги билан Париж ва бошқа шаҳарларнинг кўп минглаб ишчилари республикани ҳимоя қилишга отланди. Худди шулар фашист шайқаларини тор-мор келтиришда ҳал қилувчи роль ўйнади.* Мамлакатда меҳнатқашларнинг, аввало, коммунистлар ва социалистларнинг бирлиги мустаҳкамланди, 9 февралда Парижда 50 минг киши қатнашган намоиш «Йўқолсин фашизм!» шиори остида ўтди. 12 февралда бошланган умумий сиёсий иш ташлаш мамлакатни ларзага келтириб, унда 4,5 миллион киши қатнашди. Ана шу иш ташлаш вақтида фашизмга қарши жуда кучли намоишлар ўтказилди.

*Франция меҳнатқашлари фашизмга йўл бермади, демократик традицияларнинг кучини яна бир бор исбот этди.* Морис Торез (1900—1964) бошчилигидаги Марказий Комитет раҳбарлик қилган Франция Коммунистик партияси фашизм хавфига қарши курашнинг ташкилотчиси бўлди.

Морис Торез шахтёр оиласида туғилди. 12 ёшидан бошлаб у ҳам шахтада ишлади. Ишчилар ҳаракатида актив қатнашган Торез 1919 йилда социалистик партияга кирди. Тур шахрида съезд ўтказилаётган вақтда Торез армияда хизмат қилаётган эди.

У ФКП тузилганлиги хақидаги хабарни зўр хурсандчилик билан кутиб олди. 1924 йилда уни Марказий Комитет аъзоси қилиб, 1925 йилда эса Сиёсий бюро аъзоси ҳамда Марказий Комитетнинг ташкилий масалалар бўйича секретари қилиб сайлашди. 1930 йилдан 1964 йилгача Торез мутғасил ФКПнинг Бош секретари лавозимида ишлаб келди. Торез раҳбарлигида ФКП оммавий марксча-ленинча партияга — Франция ишчилар синфининг жанговар авангардига айланди.

**Францияда халқ fronti.** 1934 йил февралдаги воқеалар ишчилар синфига ягона фронт вужудга келтириш зурурати етилганлигини кўрсатди. Барча сиёсий оқимдаги ишчиларнинг (коммунистлар, социалистлар, анархистлар) шунингдек партиясизларнинг биргаликда иш тутиши учун бошланган ҳаракат ой сайин ўсиб борди. ФКП фақат ишчиларнигина эмас, балки меҳнаткаш деҳқонлар, майда буржуазия ва зиёлилар кенг оммасини ҳам фашизмга қарши, демократия учун ва яқин орадаги иқтисодий талаблар учун курашга жалб этиб, омма орасида актив ишни кизитиб юборди.

Бирликка интилиш социалист-ишчиларни тобора кўпроқ ўзига тортди. Кўпгина департаментларда коммунистлар билан социалистлар ягона фронтга бирлашиш тўғрисида битим туза бошладилар. Қуйидан бўлган тазйиқ натижасида социалистик партия раҳбарлиги ФКПнинг таклифини қабул қилди ва 1934 йил 27 июлда иккала партиянинг ҳаракат бирлиги тўғрисидаги пактни имзолади. Ана шу пактда кучларни фашизмга ҳамда урушга қарши, демократияни ҳимоя қилиш учун курашга сафарбар этиш чораларини кўриш кўзда тутилган эди. Бу билан ишчилар синфини жиқслаштириш учун асос солинди, 1936 йилда Умумий меҳнат конфедерацияси (УМК) ташкилотида қасаба союзларининг бирлиги тиклангандан кейин бу жиқслашув янада мустаҳкамланди.

«Фашизм устидан ғалаба қозонишни таъминламоқ учун,— деб ёзган эди Морис Торез,— ана шу иттифокни кенгайтириш ва унга ўрта синфларни жалб этиш лозим эди». ФКП пролетариатнинг деҳқонлар ҳамда шаҳар майда буржуазияси билан иттифоқ тузиши тўғрисидаги марксча-ленинча ғояни ижодий ривожлантириб, фашизмга қарши Халқ фронтини вужудга келтириш шиорини илгари сурди, бу фронт фашизм ва урушга қарши тинчлик, демократия ва социал тараккиёт учун кураш олиб боришга кенг халқ оммасини уюштириш формаси эди<sup>1</sup>.

Фақат ишчилар синфигина эмас, балки ўрта табақалар ҳам қўллаб-қувватлаган Халқ fronti тузиш учун бошланган ҳаракат қудратли кучга айланди. Омманинг талаби билан социалистик партия ва радикаллар партиясининг раҳбарлари коммунистларнинг Халқ fronti тузиш тўғрисидаги таклифини қабул қилишга мажбур бўлдилар. Франциянинг ҳамма ерида фашизмга

<sup>1</sup> Ягона ишчилар fronti ҳамда антифашист Халқ fronti хақида 17-§ да батафсилроқ маълумот берилган.





26- расм. Ягона фронт тарафдорларининг Парижда ўтказилган намоиши. 1935 йил.

қарши оммавий намоёнлар ўтказилди. Халқ fronti тарафдорларининг Парижда бўлиб ўтган слёти қатнашчилари фашистларнинг союзларини қуролсизлантириш ва тарқатиб юбориш, демократик эркинликларни ҳамда тинчликни химоя қилиш учун қасамёд қилдилар.

Европадаги фашизм хавфи ҳамда халқ оммасининг қайфиятлари билан ҳисоблашнинг мажбур бўлган Франция ҳукумати 1935 йил 2 майда Совет Иттифоқи билан ўзаро ёрдам тўғрисидаги аҳдномани имзолади.

ФКПнинг ташаббуси билан ва унинг актив иштирокида ишлаб чиқилган Халқ fronti программаси 1936 йил январда эълон қилинди (ҳужжатга қаранг). Бу программада буржуа жамияти шароитида амалга ошириш мумкин бўлган ўзгаришлар қилиш белгилаб берилган эди. Бироқ ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, майда буржуазия ва зиёлиларнинг манфаатларини ифода этган ана шу программанинг бажарилиши социализм учун қурашнинг таркибий қисми бўлган бўлур эди.

1936 йил апрель — май ойларида ўтказилган парламент сайловларида Халқ fronti партиялари барча овозларнинг ярмидан кўпрогини олиб, катта ғалабани қўлга киритди. Социалистик партиянинг раҳбари Леон Блюм Халқ фронтига таянган ҳукумат тузди. Бу ҳукумат составига социалистлар билан ради-



27- расм. Кўзғолон кўтарган тўқимачилик фабрикалари ишчиларининг намоёниши. Лилль. Франция. 1936 йил.

каллар кирди. Коммунистлар башарти бу ҳукумат Халқ фронти программасини бажарадиган бўлса, уни қўллаб-қувватлажакларини билдирдилар.

Бир неча миллион ишчи ва хизматчиларнинг янгидан бошлаб юборган иш ташлашлари тазйиқи натижасида (иш ташловчилар завод ва муассасаларни, катта магазинларни ўз қўлларига олишган эди) *ҳукумат Халқ фронтининг бир қанча талабларини амалга оширди*. Ишчилар 40 соатлик иш ҳафтаси жорий қилинишига, ҳақ тўланадиган икки ҳафталик отпусқа белгиланишига, иш ҳақининг 7% дан то 15%га қадар оширилишига, ишсизликни камайтиришга қаратилган чоралар кўрилишига эришдилар. Қасаба союзларига қорхона эгалари билан коллектив шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди. Ҳарбий саноат қисман национализация қилинди.

Давлат деҳқонларнинг манфаатини кўзлаб, улардан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қатъий баҳоларда сотиб ола бошлади. Ўрта табақаларга имтиёзли шартлар билан кредитлар берилди. Халқнинг турмуш даражаси кўтарилган Франция социал конунчилиги соҳасида Европадаги илғор капиталистик мамлакатлардан бири бўлиб қолди. Ҳукумат фашистларнинг ташкилотлари тарқатиб юборилишини эълон қилди.

Халқ фронти ғояси реал амалга ошган Европадаги биринчи капиталистик мамлакат Франция бўлиб қолди. Бу жуда катта тарихий аҳамиятга эга эди. Меҳнатқашларнинг сиёсий онги ўсди, улар ҳуқуқлари учун курашда бирликнинг зарур эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. ФКП оммавий партиёга айланди. Унинг 1937 йилда 340 мингдан кўпроқ аъзоси бор эди. ФКП ўзини

меҳнаткашлар манфаатларининг матонатли химоячиси, мамлакат ҳаётига анча-мунча таъсир ўтказишга қодир бўлган химоячи сифатида намоён қилди. Халқ фронтининг муваффақиятлари демократик кучларнинг ишчилар синфи бошчилигидаги иттифоқи халқнинг кўпчилиги манфаатини кўзлаб муҳим социал-иктисодий ўзгаришларни тинч йўл билан амалга ошириш учун катта имкониятларга эга эканлигини шак-шубҳасиз кўрсатди. Халқ fronti, демократия тарафдорлари биргаликда ҳаракат қилсалар, фашизмнинг ҳокимият тепасига келишига йўл қўймаслик мумкин, деб таъкидлаган коммунистларнинг ҳақ эканликларини тасдиқлади.

Йирик буржуазия социал соҳада эришилган ғалабаларнинг янада чуқур илдиз отишидан кўркиб, қабул этилган қонунларни саботаж қилди. Банкирлар капиталларни чет элларга ўтказиб бу билан франкнинг қадри тушиб кетишига ва қимматчиликнинг авж олишига сабабчи бўлдилар. Молия капитали Халқ фронтини йўқ қилиш мақсадида ўз ҳужумини кучайтирди. Блюм кабинети 1937 йил бошида Халқ fronti программасини амалга оширишда «танаффус» эълон қилди.

Компартия социалистлар билан радикалларни бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга даъват этди, жойларда Халқ фронтининг сайлаб қўйиладиган комитетларини ташкил этишни ва Халқ фронтининг миллий съездини чақиритишни таклиф қилди. Коммунистлар социалистларга ишчилар синфининг марксча-ленинча платформадаги ягона партиясини тузишни таклиф қилдилар. ФКП Халқ fronti ҳукуматида иштирок этишга батамом тайёр эканлигини билдирди. Лекин бу таклифларнинг ҳаммаси ўнг социалистлар ва радикаллар томонидан рад этилди. Улар қўллаб-қувватлашни сўраб оммага мурожаат қилишдан кўрқдилар ва монополиялар ҳамда фашизм қаршисида чекиниш йўлидан боришни маъқул кўрдилар.

Ўнг радикал Эдуард Даладьё ҳукумати монополистик буржуазияга ён бериш сиёсатини жуда ҳам кучайтириб юборди; бу ҳукумат 1938 йил апрелида реакцион партияларнинг вакиллари иштирокида тузилган эди. 1938 йил ноябрда радикаллар партияси Халқ фронтдан чиқди. Кабинет фавқулодда декретлар чиқардики, мазкур декретларга биноан, қўлга киритилган социал ғалабаларнинг бир қисми бекор қилинди. Меҳнаткашлар манфаати билан ҳисоблашишни истамаган ўнг социалистлар ва радикалларнинг таслимчилик сиёсати Халқ фронтининг бузилишига сабаб бўлди. Бу ҳол реакцион доираларнинг ишчилар ҳаракатига ва халқнинг демократик ҳуқуқларига қарши очикдан-очик ҳужумга ўтишига имкон берди.

«Халқ фронтига қараганда, фашизм маъқул» деган халққа қарши принципини асос қилиб олган Франция ҳукмрон доираларининг урушдан олдинги туган йўли иккинчи жаҳон урушининг бошланғич давридаёқ мамлакатни миллий ҳалокатга олиб келди.

## ХУЖЖАТ

### Халк fronti программаси (парча)

#### Сиёсий талаблар

##### I. Эркинликни ҳимоя қилиш

1-§. Умумий амнистия.

2-§. Фашистларнинг иттифоқларига қарши:

а) қонунга мувофиқ равишда, ярим ҳарбий қисмларни боплаб, қуролсизлантириш ва тарқатиб юбориш;

б) ифвогарлик, қотиллик ёки давлат хавфсизлигига суиқасд қилинган тақдирда, қонунда кўзда тутилган чораларни қўллаш, <...>

5-§. Қасаба союз эркинликлари

а) союзларнинг ҳуқуқларини татбиқ этиш ва уларга риоя қилиш;

б) хотин-қизларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқига риоя қилиш: <...>

##### II. Тинчликни ҳимоя қилиш

1-§. Тинчликни сақлаш ва уюштириш ишида бутун халқни ва хусусан, меҳнаткашлар оммасини ҳамкорлик қилишга даъват этиш.

2-§. Агрессорни аниқлаш ва агрессия бўлган тақдирда ўз-ўзидан ҳамда бир ёқадан бош чиқариб санкциялар қўллаш йўли билан коллектив хавфсизликни таъминлаш мақсадида Миллатлар Иттифоқи доирасида халқаро ҳамкорлик қилиш. <...>

4-§. Ҳарбий саноатни национализация қилиш ва қурол-яроғлар билан хусусий савдони бекор қилиш. <...>

7-§. Франция-Совет шартномаси принципларига мувофиқ, ҳамма учун очиб қўйилган фактлар системасини, айниқса, Шарқий ва Марказий Европада кенг ёйиш.

#### Иқтисодий талаблар

I. Кризис натижасида йўққа чиққан ёки пасайиб кетган харид қувватини тиклаш

<...> Ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилардан спекулянтлар шилиб олаётган ноҳақ йиғимларга барҳам бериш мақсадида ғаллани сотиш бўйича воситачи миллий бюро вужудга келтириш. <...>

Мол-мулкни мажбуран рўйхатга олишни бекор қилиш ва қарздорлик асоратини енгиллаштириш.

II. Омонатларнинг талон-торож қилинишига қарши.

Кредитнинг энг яхши тартибини тиклаш учун

III. Молиянинг аҳволини ўнглаб олиш

(«Энг янги тарих хрестоматияси», I т., 375—378-бетлар).

#### Савол ва топшириқлар

1. Франция капитализмининг қисман стабиллашувига хос хусусиятлар нималардан иборат эди? 2. Халқ fronti ғалабасининг сабабини айгиб бering?

3. Синфий курашнинг ривожланиши ҳамда ФКП нинг тутган тактикаси қонуний суратда Халқ фронтининг барпо этилишига олиб келганлигини исботлаб беринг. 4. ФКПнинг ана шу тактикасида қандай ленинча ғоя ўз ифодасини топган. 5. 10 ва 12-§ лар тексти ҳамда ҳужжат асосида Рузвельтнинг «янги йўл» йилларидаги социал реформалари билан Франциядаги Халқ fronti тадбирларини таққосланг. 6. Иккала мамлакат ишчилар синфи учун умумий бўлган ғалабаларни кўрсатиб ўтинг. Бу тадбирлардан қайсилари синфий курашнинг юксалишига ёрдам берди?

### 13-§. Испания

1931—1939 йилларда Испания революциясининг бошланиши. Испания 30-йилларнинг бошларида феодализмнинг кучли саркитлари сақланиб қолган аграр-индустриал мамлакат эди. Помешчиклар аристократияси билан молия олигархияси блокининг манфаатларини ифода этган монархия режими ҳарбий диктатура ёрдамида сақланиб турарди. Реакциянинг жабр-зулмига қарши халқ оммасининг қаттиқ ғазаб ва нафрати тинмай ўса борди. 1930 йилда бошланган иқтисодий кризис синфий зиддиятларни янада кескинлаштириб юборди. Мамлакатда революцион вазият юзага келди.

*Испания олдида буржуа-демократик революция вазифалари:* монархияни тугатиш ва республика ўрнатиш, аграр реформа ўтказиш, католик черковининг имтиёзларини йўқ қилиш, майда миллатларга (каталонияликлар, галисияликлар ва баскларга) автономия бериш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштириш сингари вазифалар турар эди. Халқнинг кўпчилиги ана шу вазифаларнинг амалга оширилишидан манфаатдор эди, лекин ишчилар синфи раҳбарлик қилгандагина революцион ўзгаришларни охиригача олиб бориш мумкин эди. Бирок ўша вақтда пролетариатнинг кўпчилиги революциянинг гегемони буржуазия бўлиши керак деб ҳисоблаган социалистлар ва анархо-синдикалистларга эргашар эди. Халқнинг революцион ҳаракатидан кўрққан республикачи буржуазиянинг мақсади эса ҳокимиятни қўлга олиш ва омма ҳаракатини сусайтиришдан иборат эди.

1931 йил апрелида меҳнатқашларнинг оммавий сиёсий чиқишлари зўри билан монархия ағдарилди. Испанияда буржуа-демократик революция қарийб 8 йил давом этди. Буржуа партияларининг ҳамда социалистларнинг вакилларидан тузилган ҳукумат ҳокимият тепасига келди. Конституцияда мамлакатни бир палатали парламент — кортеслар томонидан идора қилинадиган «барча синф меҳнатқашларининг демократик республикаси» деб эълон қилинди. Демократик эркинликлар тантанали суратда эълон қилинди, черков давлатдан ажратилди. Каталонияга автономия берилди. Мўътадил аграр реформа ўтказила бошланди. Лекин меҳнатқашларнинг аҳволи яхшиланмади. Мамлакат экономикасидаги энг муҳим соҳалар, илгаригидек, эксплуататор синфлар қўлида — йирик буржуазия ва помещиклар қўлида қолаверди.

Реакциянинг ҳужумга ўтиши ва меҳнатқашларнинг Халқ fronti ғалабаси учун кураши. Халқ оммаси революцияни

янада ривожлантиришни талаб қилди. Ишчилар иш ташлашлар ўтказиб, кўпинча, бу иш ташлашлар вақтида кўча жанглари олиб бордилар. Дехқонлар помешчикларнинг ерларини, чорва моллари ва асбоб-ускуналарини тортиб ола бошладилар, кишлоқларда ўз комитетларини туздилар. Меҳнаткашлар орасида *Испания Коммунистик партияси* (ИКП)нинг таъсири ўса борди. Подпольедан чиққан ИКП ўз сафларини мустахкамлай борди. Коммунистлар пролетар бирлиги ва ишчилар синфининг дехқонлар билан иттифок бўлиши учун актив кураш олиб бордилар.

Халқ курашининг кучли суратда қулоч отаётганлигидан кути ўчган реакцион кучлар ҳужумга ўтди, 1933 йилда кортесларга бўлган сайловларда улар ғалабага эришди. 1934 йил октябрида ҳукумаг составига фашизм тарафдори бўлган бир неча министр киргандан кейин, меҳнаткашлар бунга жавобан умумий норозилик забастовкаси уюштирдилар. Басклар мамлакатида, Каталонияда ҳамда Мадридда қуролли чиқишлар бўлди.

Мамлакатнинг асосий кон саноати райони бўлган Астурияда реакцияга қарши, айниқса катъий жанглар бўлди, бу ерда *халқ кўзғолони* бошланиб кетди. Бошқа областлардан фарқ қилиб, бу ерда коммунистлар, социалистлар ва анархистлар иштирокида ягона фронт вужудга келтирилган эди. Жойларда революцион комитетлар тузилди. Ишчилар 20 минг кишилик армия туздилар. Ҳукумат кўзғолончиларга қарши чет элликлардан тузилган легионни ҳамда Марокашдаги ҳарбий қисмларни юборди. Астурия пролетариати қаҳрамонларча қаршилиқ кўрсатган бўлса ҳам, лекин мамлакат миқёсида ишчилар синфининг бўлиниб кетганлиги, аниқ программа йўқлиги ва зарур даражада уюшқоқлик бўлмаганлиги сабабли фашизмга қарши кўтарилган кўзғолон енгилди.

1934 йил октябридаги жанглар мамлакатдаги демократик кучларнинг ягона антифашистик фронтга бирлашуви учун шароит ҳозирлади. Жойларда коммунистлар билан социалистлар ўртасида алоқа боғлаш комитетлари ва халқ fronti комитетлари вужудга кела бошлади. Коммунистлар Халқ fronti тузиш тўғрисида қайта-қайта таклиф қилганларидан кейин социалистик партиянинг раҳбарлари, буржуа республикачилари ҳамда компартия 1936 йил январда Халқ fronti пакти туздилар. Шу билан *ишчилар синфи, дехқонлар, шаҳар майда ва ўрта буржуазияси ҳамда прогрессив зиёлиларнинг фашизмга қарши иттифоқи расмийлашди.*

Халқ fronti программасида сиёсий махбуслар учун амнистия бериш, ишчиларга қарши жазо-таъқибларнинг айбдорларини жазолаш, демократик эркинликларни тиклаш, меҳнаткашларнинг иш ҳақини ошириш, дехқонлар ва батрақларга ер бўлиб бериш, солиқларни ҳамда ижара ҳақини камайтириш талаб қилинган эди. 1936 йил февралдаги сайловларда Халқ fronti партиялари блоки кортеслардаги ўринларнинг ярмидан кўпига эга бўлиб, катта ғалабани қўлга киритди. Коммунистлар билан социалистлар кирмагани ҳолда сўл республикачилар ҳукумати



28- расм. Республикашларнинг Мадрид фронтдаги исёнчиларга қарши кураши. 1936 йил.

тузилди. Омманинг кенг қатламлари Халқ фронтининг муваффақиятларини қизғин табриклади. Ҳукумат сиёсий маҳбусларга амнистия берди, реакция хужумга ўтган даврда тўхтатиб қўйилган аграр реформани қайтадан амалга оширишга киришди. Меҳнаткашларнинг иқтисодий ахvoli бирмунча яхшиланди. Бу тадбирлар прогрессив кучларнинг, аввало, ишчилар синфининг мавқеини мустаҳкамлади. 1936 йил ёзида 100 минг аъзога эга бўлган ИКП нинг обрў-эътибори анча ўсди.

Бирок ҳукумат армияни қайта тузиш чораларини кўрмади. Масъул ҳарбий лавозимларда реакцион генераллар қола берди, уларга молия мағнатлари, аристократ ер эгалари ва юқори табақа рухонийлари жуда катта ёрдам бериб турди. Ички реакция республикага қарши фитна уюштирди. У гитлерчилар Германияси ҳамда фашистлар Италияси ёрдамида Халқ fronti қўлга киритган ғалабаларни йўқ қилмоқчи ва мамлакатда фашистлар диктатурасини ўрнатмоқчи бўлди. Компартиянинг оғохлантиришларига қарамай, ҳукумат республикага қарши фитнанинг олдини олиш мақсадида зарур хулосалар чиқариб олмади.

Испан халқининг миллий-революцион уруши. 1936 йил 17 июлда Испания Марокашида ҳарбий фашистлар исёни кўтарилди. Эртасига исён бутун мамлакатга ёйилди. Армиянинг 80 проценти исёнчилар томонига ўтди, исёнчиларга генерал Ф р а н к о бошчилик қилди. Авиация ва ҳарбий-денгиз флотининг деярли ҳаммаси республикага содиқлигича қолди. Испанияни граждандар уруши камраб олди (6 альбомнинг картасига қаранг).

Компартия омманн фашист исёнчиларга қарши кескин зарба беришга чақирди. Республикани ҳимоя қилишга отланган

халк дастлабки кунлардаги жанглар натижасида мамлакатнинг асосий саноат марказларини ва энг муҳим кишлок хўжалик районларини ўз қўлида сақлаб қолди.

*Испания исённи тор-мор келтириш учун етарли кучга эга эди. Бироқ Германия ва Италия фашистлари франкочиларга ёрдамга етиб келди.*

Гитлер ва Муссолини Испанияга ҳарбий интервенция уюштириб, у ерга ўз қўшинлари, авиация ва флотларини юбордилар. Умуман, уруш даврида Испанияга 200 мингдан кўпроқ италян ва немис солдатлари келди.

Испания ишларига «аралашмаслик» сиёсатини олиб борган Англия, Франция ва АҚШ ҳукуматлари агрессорларга йўл қўйиб берди. Республика АҚШ, Англия ва Франциядан қурол-аслаҳа ҳамда ҳарбий материаллар сотиб олиш, шунингдек, ўзига зарур кредитларни олиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолди. Айни бир вақтда Франко ёнлиги, қурол-аслаҳа ва ўк-дорилар билан тинимсиз таъминланиб турди.

Испан халки кийин шароитда фашизмга қарши, озодлик, демократия ва миллий мустакиллик учун франкочилар ҳамда интервентлар билан мардларча жанг қилди. Гарчи бу урушнинг бутун боришида граждандар урушининг элементлари сақланиб қолган бўлса-да, *у миллий-революцион урушга айланиб кетди.*

Урушнинг биринчи босқичида республикачилар асосий куч-қайратларини жанговар халк армияси тузишга ва Мадрид мудофаасини уюштиришга қаратдилар. 1936 йил сентябрида Халк frontiдаги барча партияларнинг вакиллари, шу жумладан, коммунистлар ҳам иштирок этган янги ҳукумат тузилди. Социалистик партиянинг раҳбари Ларго Кабальеро бу ҳукуматга бошчилик қилди. Революцион армиянинг матонати ва қахрамонлиги туфайли фашист қўшинлари пойтахт чеккасида тўхташиб қўйилди. Компартиянинг «Но пасаран!» («Улар ўта олмайди!») деган шiori омма орасида қизғин маъқулланди. Республикачилар Гвадалахара ёнида ҳам катта ғалабага эришдилар, бу ерда бир неча италян дивизиялари янчиб ташланди. Коммунистлар раҳбарлик қилган Бешинчи полк республикачилар армияси учун командир кадрлар тайёрлашда муҳим роль ўйнади. Ун минглаб жангчи ва командирлар ана шу полкда жанговар таълим олди, ҳамда сиёсий жиҳатдан чиникди.

Ҳукумат бошлиғи лавозимида турган Ларго Кабальеро душманга қарши курашиш учун халк кучларини сафарбар этишда иккиланишларга йўл қўйди ва қатъиятсизлик кўрсатди. 1937 йил май ойида социалист Хуан Негрин Халк frontiнинг янги ҳукуматини тузди. Испан халки олиб бораётган уруш иккинчи босқичга кирди. Армияни мустаҳкамлаш тадбирлари кўрилди ва бир канча ҳужум операциялари ўтказилди. Бироқ, шимолда вазиат мушкуллашди, фашистлар Басқлар мамлакатини, сўнгра Астурияни ишғол қилди. 1938 йил март ойида душман Арагон фронтини ёриб ўтди ва апрель ойида Ўрта денгизга чиқиб олди, бу билан республика территориясини икки қисмга



ажратиб қўйди. Испаниядаги урушнинг тугалловчи босқичи бошланди. 1938 йилнинг ёзи ва кузида республикачилар армиясининг сараланган қисмлари Эбро дарёси бўйида қахрамонларча жанг қилиб, яхши қуролланган 13 душман дивизиясининг ҳамласини тўрт ой давомида қайтариб турди.

Баъзи министрларнинг, шунингдек троцкийчилар ва анархист раҳбарларнинг тақлимчилик сиёсати республика учун жиддий ҳаф тугдирди, бу министрлар ва раҳбарлар орасида душман агентлари иш олиб бормокда эди. Компартиянинг талаби билан Негрин 1938 йил апрелида ҳукуматни қайтадан тузди ва барча ватанпарвар кучларнинг кенг қўламда миллий иттифоқини вужудга келтириш сиёсатини ҳукумат фаолиятининг асоси қилиб олди.

**Испания республикаси билан халқаро бирдамлик ҳаракати.** Бутун прогрессив инсоният Испания республикасини ҳимоя қилишга отланди. Совет Иттифоқи испан халқига моддий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан катта ёрдам кўрсатди. СССР меҳнатқашлари тўплаган маблағларга анчагина микдорда озик-овқат сотиб олинди, Испанияга жўнатилди. Бомбалар портлаши ва отишмалардан омон саклаб қолинган минглаб испан болалари СССРда иккинчи ватанларини топдилар. Совет Иттифоқи Испанияга 85 млн. доллар микдорда қарз берди, танклар, самолётлар, артиллерия, ўк-дорилар юборди. Совет танкчилари, учувчилари ва денгизчилари республика мудофаасида қатнашдилар. Испаниядаги уруш вақтида 3 мингга яқин совет кўнгиллилари жанг қилдилар. Улардан 200 га яқини республикани ҳимоя қилишда ҳалок бўлди. Совет ҳарбий мутахассислари республикачилар армияси кўмондонлигига жанговар операцияларга раҳбарлик қилишда ёрдам бердилар. Ҳарбий маслаҳатчилар орасида Я. К. Берзин, П. И. Батов, Н. Н. Воронов, Н. Г. Кузнецов, Р. Я. Малиновский, К. А. Мерецков, Я. В. Смушкевич, Г. М. Штерн ва бошқа шулар сингари саркардалар бор эди.

Барча мамлакатларнинг коммунистлари, демократлари, антифашистлари фашизмга қарши курашнинг олдинги маррасига тушиб қолган Испания республикасига ёрдам беришни ўзларининг интернационал бурчлари деб билдилар. Ҳамма ерда меҳнатқашлар тўплаган маблағларга кийим-кечак, пойабзал, озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармон сотиб олинди. *Интернационал бригадаларнинг* тузилиши пролетар бирдамлигининг ёрқин ифодаси бўлди. Бундай бригадалар сафида 54 мамлакатдан келган камида 42 минг антифашист кўнгиллилар, шулар орасида поляк Кароль Сверчевский (генерал Вальтер), итальян Луиджи Лонго (Галло), венгр Мате Залка (генерал Лукач) сингари атоқли коммунистлар ва бошқа кўпгина кишилар жанг қилди. Пальмиро Тольятти Испанияга Коминтерн вакили бўлиб борган эди. Интернационал бригадалар Фронтнинг барча муҳим участкаларида жанг қилиб қахрамонлик, жасорат ва мардлик кўрсатдилар. Уларнинг уюшқоклиги ва ўз бурчига содиқлиги Испания химоячилари учун намуна бўлиб хизмат қилди. Интернационалиستлар ўлганлар ва ярадор бўлганлар бўлиб камида 20 минг жангчини йўқотдилар.



29- расм. Долорес Ибаррури кичи оиласида туғилган. У Компартиянинг ташкилотчиларидан бири бўлди. 1930 йилда ИКП Марказий Комитетининг аъзоси. 1932 йилда Сиёсий бюро аъзоси ва Марказий Комитет секретари қилиб сайланди. Долорес Ибаррури жуда машхур бўлиб кетганди. Мехнаткашлар уни Пасионария (Отанин аёл) деб аташарди. У 1942 йилдан — ИКП нинг Бош секретари. 1960 йилдан эса раисдир.



30- расм. Хосе Диас — севильялик ишчининг фарзанди. Ўспиринлик йилларидан бошлаб у ишчилар харакатида актив қатнашди. 1926 йилда Компартияга кирди. 1932 йилда Хосе Диас ИКПнинг Бош секретари қилиб сайланди. Унинг раҳбарлигида ИКП оммавий марксча-ленинча партияга айланди.

**Уруш давомида амалга оширилган революцион ўзгаришлар.** Совет Иттифоқининг ва халқаро пролетариатнинг кўрсатган ёрдами испан республикачиларини фашизмга қарши курашда руҳлантириб юборди. Коммунистик партия Халқ фронтининг юраги бўлиб, унинг аъзоси 1937 йилнинг сентябрида 330 мингга етди. Компартия Марказий Комитетига Хосе Диас (1895—1942) ва Долорес Ибаррури (1895 йилда туғилган) бошчилик қилар эди — улар синалган раҳбарлар бўлиб, мехнаткашлар орасида катта обрў қозонган эдилар.

Уруш йиллари Испания революциясининг якунловчи босқичи бўлди. Республика ҳукумати контрол қиладиган территорияда революцион ўзгаришлар амалга оширилди. Аграр реформа натижасида деҳқонларга помешчик ерларини бўлиб берилди. Бу ҳол ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини — Халқ фронтининг негизини мустаҳкамлади. Эгалари ташлаб кетган ҳамма корхоналар ҳамда банклар давлат қарамоғига ўтказилди. Мехнатни муҳофаза қилиш, иш ҳақини ошириш тўғрисида қонунлар чиқарилди. Хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ берилди. Халқ маданияти ва маорифини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилди. Миллий масалани ҳал қилиниши Каталонияга ва Басклар

мамлакатига автономия ҳуқуқларидан фойдаланиш имконини берди. Халқ милициясининг мунтазам армияга айлантирилиши ҳамда компартия ташаббуси билан сиёсий комиссарлар тайёрловчи институт барпо этилиши республика химоячиларининг кучларини мустаҳкамлади.

*1936—1938 йилларда ўтказилган чуқур революцион ўзгаришлар буржуа-демократик революцияси доирасидан ташқари чиқди. Испания йирик капиталистлар ҳамда помещиклардан ҳоли бўлган халқ оммасига таянган янги типдаги демократик республикага айланди. У халқ демократиясининг баъзи хусусиятларини ҳаётда рўйбега чиқарди.*

Дехконлар ҳамда майда буржуазия билан иттифок бўлиб майдонга чиққан ишчилар синфи революциянинг гегемони эди. Бироқ социалист ва анархо-синдикалист раҳбарларнинг хоинлиги, ишчилар синфининг бўлиниб кетганлиги сабабли компартия бошчилигидаги пролетариатнинг раҳбарлик роли чекланиб қолди. Ишчилар синфи тўла сиёсий ҳокимиятга эга эмас эди. Ҳукуматда катта роль ўйнаган буржуазия вакиллари туб социал-иктисодий ислохотларга қарши чиқдилар. Ана шундай бир вазиятда исёнчилар билан тил бириктиришга тайёр турган таслимчиларнинг пайдо бўлиши учун шарт-шароит туғилди.

**Республиканинг енгилиши ва фашистлар диктатурасининг ўрнатилиши.** Республикачилар Испанияси кучлар тенг бўлмаган кураш олиб борди. Душманлар томонининг кучи устунлик қилди. Италия-Германия ҳарбий флоти республикани денгиз томонидан блокада қилиб қўйди. Франция Испания билан чегарани ёпди. 1938 йил декабрида франкчилар билан интервентлар Каталонияга ҳужум бошлаб, 1939 йил февралда уни ишғол қилдилар. Англия ва Франция Негрин ҳукуматидан қаршилик кўрсатишни тўхтатишни талаб этишди. Февралнинг охирида республика билан дипломатик муносабатларни уздилар ва Франкони танидилар.

1936 йили исёнчилар Мадридга тўрт колонна бўлиб ҳужум қилган пайтда фашист генералларидан бири пойтахтнинг ўзида иш кўраётган Франко агентурасини назарда тутиб шаҳар «бешинчи колонна» ёрдамида қўлга олинади, деган эди. Агар урушнинг бошида бу кора ниятни амалга ошириш мумкин бўлмаган бўлса, унинг тугалловчи босқичида «бешинчи колонна» республикага қарши фитна уюштирди.

1939 йил 5 мартда таслимчилар Мадридда кўзғолон кўтардилар. Улар «Мудофаа хунтаси» деб аталган ташкилот туздилар ва бу хунта фашист қўшинларининг пойтахтга киришига йўл очиб берди. 1939 йилнинг 1 апрелига келиб мамлакатнинг ҳамма территорияси фашистлар диктатураси ҳукмронлиги остига тушиб қолди.

32 ярим ой давомида қахрамонона кураш олиб боргандан кейин Испания республикаси қулади. Унинг енгилишига Италия-Германия интервенцияси сабаб бўлди, интервенция бўлмаганда, Франко ғалаба қила олмасди. Англия, Франция ва АҚШнинг

«аралашмаслик» сиёсати республиканинг бўғиб ташланишига ёрдам берди, чунки бундай сиёсат Испанияни чет эллардан курол-яроғ олиш имкониятидан маҳрум қилиб қўйди. Унг социалистларнинг, анархист раҳбарларнинг, троцкийчилар ва буржуа республикачилари раҳбарларининг хатти-харакати натижасида барбод бўлган Халқ fronti бузилиб кетди.

Испаниядаги миллий-революцион уруш тинчлик ва демократия кучларининг фашизм ҳужумига қарши қилган катта жанги эди. *Испан халқининг қаҳрамонона кураши империалистларнинг иккинчи жаҳон урушини бошлаб юборишларига тўсқинлик қилиб турди.*

Антифашист кучлар бирлиги ғояси Испанияда жанговар сичовдан ўтиб, кейинчалик кўпгина мамлакатларда ривожлантирилди. Испаниядаги жанглар тажрибаси антифашист курашнинг бўлажак раҳбарлари учун чинакам мактаб бўлиб қолди.

#### Савол ва топшириқлар

1. 1936 йилда Испанияда Халқ фронтининг ғалаба қилиши учун қулай шароитлар юзага келганлигининг сабаби нимада? 2. Испан халқининг миллий революцион уруши қандай давом этганлигини альбомнинг 6- картасидан кузатиб чиқинг. 3. Испанияда уруш вақтида амалга оширилган революцион ўзгаришлар буржуа-демократик революция доирасидан ташқарига чиққанлигини исботлаб беринг. 4. Испан халқи билан халқаро пролетар бирдамлиги нималарда намоён бўлди? 5. Испания республикасининг енгилишига нималар сабаб бўлди?

#### 14-§. Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатлари

Антанта давлатлари раҳбарлари Версаль системасини мустаҳкамлашда Польша, Чехословакия ва Руминияга қандай вазифалар юклаганлигини эсга олинг (7- § га қаранг). Венгрия совет республикаси тажрибаси Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатлари меҳнаткашлари учун қандай аҳамиятга эга бўлди? (3-§ га қаранг.)

**Иқтисодий ривожланиш.** Марказий ва Жануби-Шарқий Европанинг етти давлати — Албания, Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехословакия ва Югославия<sup>1</sup> — 1,2 миллион кв. км ни, яъни Европа қитъаси (СССР дан ташқари) территориясининг деярли тўртдан бир қисмини эгаллар эди. Уларнинг аҳолиси қарийб 100 миллион эди. Бу мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражаси жиҳатидан Ғарбий Европа давлатларидан бирмунча орқада эдилар. Фақат Чехословакия индустриал-аграр мамлакатлар жумласига кирарди. Венгрия билан Польша аграр-индустриал давлатлар, қолганлари аграр давлатлар эди.

Марказий ва Жануби-Шарқий Европадаги барча давлатларнинг характерли хусусиятлари — индустрияни ривожлантиришда орқада қолаётганлиги ва кишлок хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги турғунлик эди. Уларнинг юқори даражада ривож-

<sup>1</sup> Марказий ва Жануби-Шарқий Европанинг 40- йилларда халқ-демократик ва социалистик революциялари ғалаба қозонган мамлакатлари тарихига доир асосий проблемалар қараб чиқилади.

ланган капиталистик давлатларга иктисодий қарамлиги ана шу билан белгиланарди.

Бу мамлакатларнинг кишлок хўжалиги, Чехословакиядан ташқари, ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражаси паст эди. Ҳатто помешчик хўжаликларидида ҳам машиналар кам топилар, ерга энг оддий қуроолларда ишлов берилар, минерал ўғитлар деярли ишлатилмас, кишлок хўжалик экинларининг хосилдорлиги паст эди. Болгария билан Сербияни (Югославиянинг бир қисми)и) ҳисобга олмаганда, кўпчилик мамлакатларда помешчиклар ер эгалиги сакланиб колганди. Тўғри, 1918—1923 йиллардаги революцион юксалиш даврида ҳукмон синфлар аграр ислохотлар ўтказишга киришишга мажбур бўлган эдилар, бу ислохотлар ер-мулкларнинг максимал миқдорини (200—500 га) белгилаб берганди. Бу максимумдан ортиқча ерлар ҳақ тўлаб давлат томонидан сотиб олинар ва маълум муҳлат билан дехконларга сотиларди. Бирок 30-йилларда ҳам ишлов бериладиган ерларнинг 40%и ҳамма ер эгаларининг атиги 2%ини ташкил қилувчи заминдорлар қўлида қолаётган эди. Улар кишлок хўжалик маҳсулоти етиштиришда ҳал қилувчи роль ўйнаётганди.

Бирок ўтказилган бу жузъий ислохотлар феодал саркитларнинг тугатилишига, Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларининг кўпчилигида кишлок хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсишига, аграр секторнинг капиталистик жиҳатдан ўзгаришига олиб келмади. Дехконларнинг кўпчилиги аввалгидек кам ерлилар тоифасига (5 га қадар ери бўлган хўжаликлар) мансуб эди. Қишлоқда помешчиклар ва дехконлар ўртасидаги асосий зиддиятлар билан бир каторда кишлок буржуазияси билан меҳнатқаш дехконлар ўртасидаги зиддият ҳам кескинлашиб кетди.

Марказий ва Жануби-Шарқий Европадаги кўпчилик мамлакатлар иктисодий тараққиётнинг паст даражада бўлиши, империалистик давлатларга қарамлиги уларнинг жаҳон капиталистик хўжалик системасининг заиф бўғини бўлиб қолишини тақозо этарди. Капитализмнинг нисбатан стабиллашуви бу мамлакатларда қатта кийинчиликлар билан ва АҚШ, Англия, Франциядагига қараганда секинроқ борарди. Кўп жиҳатдан бу стабиллашуви Европадаги янги революцион юксалишдан хавфсираётган империалистик давлатлардан олинган заём таъминлаб турарди.

1929—1933 йиллардаги жаҳон иктисодий кризиси турмушнинг барча соҳаларида оғир ларзаларга сабаб бўлди. Саноат ишлаб чиқаришининг қисқариши оммавий ишсизликка олиб келди. Ўн минглаб дехкон хўжаликлари қарзлари учун сотиб юбориларди. Фақат иккинчи жаҳон уруши бошланган даврга келгандагина айрим мамлакатлар бу ларзалардан (асосан экономикани милитаризациялаш ва чет эллардан олинган қарзлар ҳисобига) халос бўла олдилар. Ташқи қарзлар тағин ҳам кўпроқ ортиб борди. Шундай қилиб, иктисодий қоқоқлик ва чет эл капиталига қарамлик сакланиб қолаётган эди.

**Сийсий тузум.** 1918—1923 йиллардаги революцион юксалиш-

нинг энг муҳим натижаларидан бири региондаги кўпгина халқларнинг миллий давлат тузумини қўлга киритганлиги бўлди. Польша, Чехословакия ва Албания республикалар деб, Югославия конституцион монархия деб эълон қилинди. Бу мамлакатларнинг буржуа тузумини ва капиталистик муносабатларнинг мустаҳкамлигини тасдиқлаган конституцияларига демократик ҳуқуқлар ва эркинликларни формал суратда эълон қилган моддалар киритилди. Мехнаткашлар буржуа тузуми доирасида социал ҳуқуқларнинг кенгайтирилишига ва сиёсий системаларнинг демократлашувига эришдилар. Бирок айрим мамлакатларда (Венгрия, Болгария) ҳокимият тепасига реакцион, террорчи гуруҳлар келди.

1926 йил май ойида кескин иқтисодий ва сиёсий кризис вазиятида Польшада давлат тўнтариллиши юз берди. Ю. Пилсудский диктатураси ўрнатилди. Мазкур диктатура пилсудчиларнинг асосий демагогик шиори — сиёсий системаси «соғломлаштириш» (санация) шиори асосида «санация» режими номини олди. Бу шиор остида буржуа-помешчиклар тузумини, поляк ва чет эл монополистик капитали позицияларини мустаҳкамлашга, прогрессив кучларни таъкиб қилишга қаратилган халққа қарши сиёсат юргизилди. «Санация» режимининг империалистик давлатларга қараб йўл тутиши, унинг ташки сиёсати антисовет йўналишида эканлиги герман фашизми томонидан бўлаётган хавф-хатар олдида Польшани химоясиз қилиб қўйди.

Албания президенти ҳарбий диктатура ўрнатиб, ўзини қирол деб эълон қилди (1928 й.). 1929 йилнинг бошларида диктаторлик режими Югославия қиролни томонидан ҳам жорий қилинди.

1929—1933 йиллардаги иқтисодий кризис Марказий ва Жануби-Шарқий Европада фашизмнинг янги тўлкинини вужудга келтирди. Революцион ўзгаришга имконият бермаслик учун молия капиталининг энг реакцион доиралари автократия диктатураларини ўрнатдилар. Болгарияда (1935 й.), Руминияда (1938 й.) қарор топган фашист режимларнинг хусусияти шундан иборат бўлдики, уларга Италия ва Германияда бўлгани каби, «йўлбошчилар» эмас, балки ҳукмрон монархлар бошчилик қилишди. Бундай режимлар монархиячи-фашистик режим номини олди.

Региондаги диктаторлик режимлари Ғарбий Европадаги фашист диктатураларига нисбатан автократик (якка ҳокимиятчилик) тузумининг бир кўриниши эди.

Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларидаги фашизм «классик» фашизмга — итальян ва герман фашизмига нисбатан заифроқ эди. Бу фашизм оммавий социал база вужудга келтиришга, ҳокимият учун курашаётган барча фашист гуруҳларини бир бутун қилиб жипслаштиришга муваффақ бўла олмади. Бу фашизм турининг заифлиги унинг парламент демократиясининг айрим формаларини, гарчи чекланган тарзда бўлса ҳам сақлаб қолишга, оппозициячи буржуа партияларининг майда буржуа ва социал-демократик партияларнинг яшашига йўл қўйишга мажбур этди.

Факат Чехословакияда 1938 йилнинг куз фаслига қадар буржуа-демократик тузум сақланиб қолди. Лекин бу ерда ҳам фашистлар (асосан, судетлик немислардан чиққан фашистлар) бемалол ҳаракат қилаётган эдилар, бу фашистлар гитлерчиларнинг «бешинчи колоннаси» ролини ўйнадилар.

Иқтисодий қолоқлик, кескин социал-сиёсий ва миллий зиддиятлар Марказий ва Жануби-Шарқий Европа давлатлари халқаро майдонда тутган позицияларнинг ички заифлигини белгилаб берди. Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келдики, уларнинг ҳукмрон доиралари миллий мустақилликни фашистлар агрессияси хавфидан ҳимоя қилишга қодир бўлмади қолдилар.

**Синфий кураш.** Мехнаткашлар оммасига бошчилик қилган ишчилар революцион куч — ишчилар синфи бўлди. Унинг авангарди 1918—1921 йилларда Марказий ва Жануби-Шарқий Европанинг ҳамма мамлакатларида вужудга келган коммунистик партиялар эди. Албания бундан истисно бўлиб, бу ерда фақат 30-йиллардагина айрим коммунистик группалар пайдо бўлди. Компартиялар ниҳоятда оғир бир шароитда иш олиб бордилар, уларнинг деярли ҳаммаси (Чехословакия Коммунистик партиясидан ташқари) яширин ҳолатда бўлдилар.

Лекин коммунистлар ана шундай оғир шароитда ҳам мехнаткашларнинг оммавий чиқишларини уюштириш учун имконият топишга ҳаракат қилдилар. 1930 йилда Венгрияда, иқтисодий кризис авжига чиққан бир пайтда, хортист маъмурлар омманинг норозиликка чора топиш мақсадида социал-демократларнинг Будапешт марказида намойиш ўтказишларига рухсат бердилар. Социал-демократик партиянинг йўлбошчилари бу намойиш «пойтахт кўчалари бўйлаб тинч сайр қилиш» бўлади, деб маъмурларни ишонтирдилар. Белгиланган 1 сентябрь куни эрта-лаб соат 10 даёқ минглаб ишчилар ва ишсизлар Будапештнинг Бульвар халқасини тўлдирган эдилар. Улар колонналарга тизилишиб, шаҳар парки томон юрдилар. Намойишчилар коммунистларнинг «Иш ва нон берилсин!», «Яшасин озодлик!», «Яшасин Совет Иттифоқи!» деган шиорларини такрорладилар. Колонналардан бирининг тепасида Венгрия совет республикаси воқеаларини эслатувчи «1919 йил» деган аниқ сана ёзилган қизил байроқлар пайдо бўлди.

Колонналарни ўраб олган полициячилар қиличларини яланғочлаб, намойишчиларга ташландилар, лекин тошбўрон билан кутиб олиндилар. Намойишчилар шаҳар паркига етиб боргач, ётлик полиция ҳужумларидан сақланиш учун баррикадалар курдилар. Шу тарика «тинч намойиш» венгер пролетариатининг энг йирик чиқишларидан бирига айланиб кетди, унда 100 мингга яқин киши қатнашди.

Кризис йилларида Чехословакияда катта синфий жанглар юз берди. 1932 йилнинг баҳорида шахта эгалари кончиларнинг катта бир қисмини ишдан бўшатишни, иш ҳақини қисқартиришни эълон қилдилар. Бунга жавобан шахтёрлар: «Бир қадам ҳам чекинилмасин. Бирор киши ҳам корхоналардан бўшатиlmасин, иш ҳақи-

дан бир тийин ҳам ушлаб қолинмасин!» деб қарор қабул қилдилар. «Шахтёрлар кавалерияси» — велосипедчилар группаси шахталарни айланиб чиқиб, қончиларни иш ташлашга отлангирди.

Мост шаҳри стачка ҳаракати маркази бўлиб қолди. Иш ташлашга раҳбарлик қилган коммунистлар «Бирлик — стачка — ғалаба» шиорини илгари сурдилар. Стачка комитетларига коммунистлар билан бирга бошқа партиялар ва реформистик қасаба союзларидаги ишчилар ҳам қирган эдилар. Комитетлар иш ташлашлар бўлаётган районда тартиб сақлаб, шахталарни муҳофаза қилдилар, фақат мактаблар, касалхоналар, коммунал муассасаларни таъминлаш учунгина кўмир ташиб кетишга руҳсат этдилар. Қорхона эгаларига, ишчилар талабларини қондирмагунча сизлар кўмир олмайсиз, деб айтдилар.

Дехқонлар, хунармандлар, зиёлиларнинг ва майда буржуазиянинг вакиллари бирдамлик комитетлари тузиб, кўзғолон кўтараётган шахтёрларга маблағ ва озик-овқатлар тўплашди. Ягона фронт тактикаси туфайли кўзғолончилар ишдан бўшатишнинг қисман бекор қилинишига ва иш ҳақи даражасининг сақлаб қолинишига эришдилар. Чехословакия шахтёрларининг иш ташлаши 30-йилларнинг бошида Европадаги энг катта иш ташлашлардан бири бўлди. Коминтерн Чехословакия компартиясининг стачка уюштириш ва ягона фронт тактикасини кўлланиш соҳасидаги фаолиятига юқори баҳо берди.

30-йилларнинг синфий жанглирида кўпгина мамлакатларнинг ишчилари курашнинг янги методидан — «оқкупацион» стачкалардан фойдалана бошладилар. Улар ўз талабларида қаттиқ туриб, фабрика ва заводларнинг территорияларини эгаллаб олдилар ва фабрикантларга штрейкбрехерлардан фойдаланиш имконини бермадилар. Кўпинча бу хилдаги чиқишлар Польшада бўлиб ўтарди, буларни ўша вақтда «поляк иш ташлашлари» деб атаб эдилар. Масалан, Польшанинг энг йирик саноат маркази бўлган Лодзь шаҳрида 1938 йилда тўқимачилик фабрикаларидан бирининг ишчи аёллари 108 кун мобайнида қорхонани ташлаб кетмадилар. Фабрика дарвозаси ёнига ўз соқчиларини қўйдилар, бу соқчилар ёт кишиларни ўтказмас эди. Бир кунда икки марта кўзғолон кўтарган ишчи аёллар революцион кўшиқлар айтиб фабрикани айланиб чиқар эдилар. Ўзлари оқват тайёрлашар, фабрика цехларидаги пахта тойлари устида ухлашарди. 1 Май байрамига атроф қишлоқларнинг дехқонлари стачкачиларга тухум, ёғ, асал, қолбаса келтиришди. Байрам дастурхони тузалди, унинг тепасида: «1 Май кунини фабрика ичида нон ва иш учун курашиб ўтказамиз» деган транспорант осиглик турарди. Стачка барча қийинчиликларни мардона бошдан кечирган меҳнатқашларнинг тўла ғалабаси билан тугади.

Иқтисодий кризис шароитида дехқонларнинг ночор аҳволи кескин ёмонлашиб кетди. Кўп сонли солиқ ва қарзларни тўлашга маблағи бўлмаган дехқонлар ўз ер участкаларини чайқовчиларга ва қулоқларга сотишга мажбур бўлар эдилар. Румин парламентининг буржуа депутатларидан бири эътироф қилганидек,



«деҳқон кашшоқликда яшашни давом эттирарди, унинг турмуш даражаси урушдан олдингидан ҳам паст бўлиб, доимо пасайиб бормокда. Деҳқон тўйиб овқат емайди, жулдур кийимда юради, унинг хўжалиги вайрон бўлмокда». Ҳамма нарсадан умидини узган деҳқонлар помешчик ва кулоқларнинг омборларида сакланаётган дон ва жўхори запасларини босиб олишар ва ўзаро бўлишар, солиқларни тўлашдан бош тортишарди.

Мамлакатнинг кўпгина уездларидан Руминия пойтахтига тўпланган 120 мингдан кўпроқ деҳқонлар ва уларга қўшилган ишчилар 1936 йил 31 май куни «Йўқолсин текинхўрлик!» «Йўқолсин реакция!», «1907 йилда бизни ўлдирганлар йўқолсин!»<sup>1</sup> — деган шиорлар остида намойишга чиқдилар. Бундай қўзғолонлар натижасида деҳқонлар фақат социал революциягина ахволларини тубдан ўзгартириши мумкинлигини тушуна бошладилар.

Коммунистлар ишчилар синфи ва меҳнаткашлар бошқа катламлари иктисодий ва сиёсий курашининг ташкилотчилари бўлиб майдонга чиқдилар. Компартияларга тажрибали ва обрўли раҳбарлар бошчилик қилардилар, улар омма орасида катта обрўга эга эдилар. Коммунистлар меҳнаткашларга ягона ишчилар ва антифашист халқ фронти ғоясини тушунтирдилар, халқ оммасининг кундалик талабларини амалга ошириш учун, фашизмга ва уруш хавфига қарши, миллий мустақилликни химоя қилиш учун, Совет Иттифоқи билан дўстлик учун курашни авж олдириб юбордилар. Минглаб поляклар, венгрлар ва бошқа миллат кишилари интернационал бригадалар составида Испаниядаги фашистларга қарши жанг қилдилар.

Халқ оммаси СССРни дипломатик жиҳатдан тан олишни ва Советлар Мамлақати билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилишини ёқлаб чиқдилар. Маъмурлар томонидан тўсқинликлар қилинишига қарамасдан, ишчилар ва деҳқонларнинг делегациялари Совет Иттифоқига сафар қилиб турар эдилар. Улар фабрикалар, заводлар, колхозларга борганларида 1 Май ва Улуғ Октябрь йилликларини байрам қилишда қатнашар эканлар, социалистик тузумнинг афзалликларига ишонч ҳосил қилдилар. Чехословакия ва Болгарияда «СССР дўстлари жамиятлари» тузилди. Меҳнаткашларнинг кайфияти шунга ёрдам бердики, Венгрия, Болгария, Чехословакия ва Руминия ҳукуматлари 30-йилларнинг бошларидаги халқаро вазиятнинг кескинлашуви шароитида Совет Иттифоқи билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга мажбур бўлдилар.

Иккинчи жаҳон уруши олдидан ишчилар синфининг талайгина қисми социал-демократик ва социалистик партиялар кетидан бордилар, уларнинг ўнг раҳбарлари буржуазия билан синфий ҳамкорлик сиёсатини ўтказдилар ва коммунистлар билан биргаликда ҳаракат қилишни инкор қилдилар. Ишчилар синфининг ажралиб кетиши, фашизмга қарши курашда демократик партиялар ва ташкилотларнинг иккиланишлари ва журъатсизлиги 30-йилларда фа-

<sup>1</sup> 1907 йилда Руминияда деҳқон қўзғолонлари кўтарилган бўлиб, уларни буржуа-помешчиклар ҳукумати шафқатсизлик билан бостирган эди.

шизмга қарши кенг Халк фронтининг тузилишига халакит берди.

Шунга қарамасдан, коммунистларнинг Халк fronti учун кураши муайян натижалар берди. Фашизмга қарши ҳаракатга халкнинг талайгина табакалари жалб қилинди, реакция режимларни яққалаб қўйилди, фашистларнинг кенг социал база яратилшларига йўл қўйилмади. Бу курашда компартиялар орттирган тажриба уларга иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистларга қарши барча кучларга бошчилик қилиш ва 40-йиллардаги халк демократик ва социалистик революцияларнинг ғалаба қозонишини таъминлаш имконини берди.

#### Савол ва топшириқлар

1. Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш даражасига баҳо беринг. 2. Бу давлатлар сиёсий таракқиётининг ўзинга хос хусусиятлари нималардан иборат? Нима учун бу давлатларнинг кўпчилигида автократия режимлари ўрнатилди? 3. 30-йилларда Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида бўлажак революцион ўзгаришларнинг қандай социал-иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлари таркиб топди?

#### 15- §. Хитой

1911- 1913 йилларда Хитойда бўлган революциянинг асосий яқунлари нималардан иборат бўлганлигини эсга олинг. (Янги тарих дарслигининг 19-§ ига қаранг.) Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Хитойдаги антиимпериалистик ҳаракат қандай авж олди? (5- § га қаранг.)

**Хитой революция арафасида. Антиимпериалистик фронтнинг ташкил этилиши.** Қолоқ аграр мамлакат бўлиб келаётган Хитой саноати 20-йилларнинг ўрталарига келиб, бир қадар ривожланди. У чет эл империализмга ярим мустамлака қарамлигида эди. Қишлоқда феодал муносабатлар ҳукмронлик қиларди. Кўп сонли милитаристик тўдалар ҳукмронлиги сиёсий таркокликка барҳам беришига ва мамлакатнинг бирлашувига тўсқинлик қиларди.

Ишчилар синфи миқдор жиҳатдан кўп эмасди: 20-йилларнинг бошларида Хитойда қарийб 2 млн. ишчи бор эди, бу мамлакат аҳолисининг 1%дан камроғини ташкил қиларди. Фабрика- завод ишчилари асосан мамлакатнинг муҳим саноат марказларига тўпланган эди. Бу ҳол пролетариатнинг салмоқли революцион кучга айланишига ёрдам берди. Бироқ умуман олганда, Хитой пролетариати ўша вақтда таркок ва заиф эди.

ХКП В. И. Ленин маслаҳатларига амал қилиб, ишчиларнинг илғор қисмини бирлаштиришга ва кенг пролетар оммасининг қасаба союзларига жипслашувига ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Партия Хитойда социализм қуришни пировард мақсади деб ҳисоблаб, демократик революцияни амалга оширишни яқин орадаги вазифа сифатида илгари сурди.

Сунь Ятсен томонидан ҳали 1912 йилдаёқ асос солинган гоминьдан (миллий партия) миллий буржуазия ва унинг иттифокчилари манфаатларини ифодалар эди. 1923 йилда Сунь Ятсен мамлакатнинг жанубидаги йирик шаҳар Гуанчжоу (Кантон) да ташкил этилган революцион ҳукуматга бошчилик қилди. Мазкур


шаҳар оммавий антиимпериалистик ҳаракатнинг маркази бўлиб қолган эди.

Атоқли революцион демократ Сунь Ятсен Октябрь революцияси ва хитой халқининг озодлик кураши тажрибаси таъсири остида ўз принципларини янгича изоҳлаб берди. Агар илгари миллатчилик принципи фақат миллатни Маньчжурия династияси ҳукмронлигидан озод қилишни билдирган бўлса, эндиликда у миллатни чет эл империалистлари ва уларнинг гумашталаридан, феодал-милитаристик тўдаларнинг ҳукмронлигидан озод қилишни, мамлакатни бирлаштириш учун, Хитойда истиқомат қилиб турган миллатларнинг тенг ҳуқуқлиги учун курашни назарда тутарди. Илгари фақат республика тузумини ўрнатишни аңлатган

демократизм принципи эндиликда халқ ҳокимиятининг қарор топиши деб, ўз мустақиллигини ҳимоя қилишга қодир бўлган ва ҳокимиятнинг буржуазия томонидан монополия қилинишини истисно этадиган суверен демократик республика тузишдан иборат деб қаралар эди. Учинчи принцип — халқ фаровонлиги принципи-га ҳам Сунь Ятсен анча чуқур мазмун киритди: бу мазмун йирик капитални чеклашдан, барча меҳнаткашларнинг аҳволини яхшилашдан ва аграр масалани ҳар бир ер ҳайдовчи ўзининг ерига эга бўладиган қилиб ҳал этишдан иборат эди. Бу билан В. И. Ленин 1912 йилдаёқ Сунь Ятсеннинг сиёсий ва аграр программасининг революцион-демократик ўзаги сифатида таърифлаган ғоялар ривожлантирилди<sup>1</sup>.

Сунь Ятсен ўзининг принципларини учта сиёсий йўл-йўриқ билан тўлдирди, яъни: СССР билан иттифоқ тузиш, ХКП билан ягона фронт тузиш, ишчи-деҳқонлар оmmasига таяниш. Революцион ҳукуматнинг илтимосига кўра Хитойнинг жанубига совет мутахассислари ва техника юборилди. Коминтерннинг арбоби, кекса большевик М. М. Бородин Сунь Ятсеннинг бош сиёсий маслаҳатчиси, атоқли совет ҳарбий бошлиғи В. К. Блюхер бош ҳарбий маслаҳатчи бўлди, унинг кўмагида Миллий-революцион армия (МРА) тузиш бошланди.

1924 йилда гоминьданнинг I съезди бўлиб ўтди, унинг ишида коммунистлар ҳам қатнашдилар. Коминтерннинг тавсиясига



31-расм. Сунь Ятсен. «Сунь Ятсен платформасининг ҳар бир сатри жанговор, самимий демократизм билан суғорилган». (В. И. Ленин)

<sup>1</sup> Қаранг: Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 21-том, 468-бет.

кўра, коммунистлар якка-якка тартибда гоминьданга кирардилар (бунда уларнинг ХКПга ғоявий ва ташкилий мансублиги сақланиб қоларди). Съезд Сунь Ятсеннинг учта халқчил принципнинг антиимпериалистик, антимилиитаристик ва демократик мазмунини маъқуллади.

Содир бўлган ўзгаришлар натижасида гоминьдан ишчилар, майда ва ўрта деҳқонлар, шунингдек йирик буржуазия бир қисми блокнинг оммавий партиясига айлана бошлади. ХКП билан гоминьданнынг яқинлашуви *ягона антиимпериалистик фронтнинг* тузилишига олиб келди, бу фронтга хитой жамиятидаги деярли барча синфлар ва социал табақалар жалб қилинди. Бу ҳол революцион ҳаракатнинг юксалишига ёрдам берди. Коммунистларнинг гоминьданга кириши ва ягона фронтнинг ташкил топиши ХКП фаолиятининг кенгайишига қудратли омил бўлиб хизмат қилди.

Бирок ўша вақтда I минг кишидан камроқ аъзога эга бўлган ёш компартияга гоминьдан билан ҳамкорлик қилишга қарши чиққан «сўл» элементлардан ташқари ўнгла, оппортунистик элементлар ҳам кирдиларки, улар гоминьданга ниҳоятда ён бердилар. Гоминьданнынг кўпгина лидерлари ХКПга душманлик билан қарар ва оммавий революцион-озодлик ҳаракатининг авж олишини истамас эдилар. Айни бир вақтда Сунь Ятсен халқ курашининг тобора эътиқодлироқ тарафдори бўлиб борди.

Гоминьданнынг I съезида В. И. Лениннинг вафоти ҳақида ахборот билан сўзга чиққан Сунь Ятсен шу нарсани айтдики, Улуғ Октябрнинг муваффақиятларига «рус революциясининг йўл-бошчиси Ленин олиб борган фидокорона кураш туфайли, унинг ишни йўлга қўйишдаги ва ташкил этишдаги маҳорати туфайли эришилди». Сунь Ятсен бундай деб огоҳлангирди: «Агар биз Россиядан ўрганмас эканмиз, партиямизнинг бундан кейинги революцион кураши натижасиз бўлиб қолади».

Сунь Ятсен 1925 йилнинг 12 мартда ўлими олдидан гоминьдан раҳбарларига васиятни, Совет Иттифокига мактубни айтиб ёздирди. Биринчи ҳужжат империализмга қарши халқ курашининг зарурлиги ҳақида, иккинчи ҳужжат эса СССР билан иттифок тузишининг Хитой учун аҳамияти тўғрисида эди.

Бирок гоминьдан раҳбарлари тез орада Сунь Ятсен ишлаб чиққан йўлдан узоқлашдилар.

**Миллий революциянинг авж олдирилиши.** ХРАнинг шимолий юриши. Чет эл империалистларининг Хитой реакционлари ёрдамида Гуанчжоудаги ҳукуматни ағдариб ташлашга уринишлари мағлубиятга учради. СССР меҳнатқашлари ташаббус билан бутун дунёда «Хитойдан қўлингни торт!» деган шиор остида Хитой халқини химоя қилишга қаратилган оммавий ҳаракат бошланиб кетди.

1925 йилнинг баҳорида япон, инглиз ва америка империалистлари Хитойнинг бир қанча шаҳарларидаги ишчилар ва студентлар чиқишларини бостириш учун қурол ишлатдилар. Бунга жавобан Шанхай, Гонконг ва бошқа саноат марказларини антиим-

периалистик намоишлар ва иш ташлашлар қамраб олди. Революцион ҳаракат умумхитой революциясига айланди.

1925 йилнинг июлида Гуанчжоудаги ҳукумат ўзини Хитой республикасининг миллий ҳукумати деб эълон қилди. Унинг ҳокимияти тезда мамлакат жанубидаги бошқа вилоятларга ҳам тарқалди. Шимолда ҳам миллий-озодлик ҳаракати авж олиб кетди.

1926 йилнинг ёзида қарийб 100 минг жангчи ва командирдан иборат ХРА Шимолга юриш бошлади, революциянинг янги юксалиши унга боғлиқ эди. Ҳарбий-стратегик жиҳатдан юришнинг планини В. К. Блюхер бошлик совет мутахассислари ишлаб чиққан эдилар. Юришнинг мақсади Хитойни миллий жиҳатдан бирлаштириш, турли феодал милитаристик тўдаларни тугатиш, Хитойдаги нотенг шартномаларни бекор қилиш ва империалистик зўравонликни тугатиш учун курашишдан иборат эди. 1926 йилнинг сентябрида ХРА Хитойнинг муҳим сув артерияси бўлган Янцзи дарёсига чикди ва тезда йирик саноат ва маъмурий марказ\*— Уханни<sup>1</sup> эгаллади. Сўнгра у ерга миллий ҳукумат қўчиб ўтди.

Марказий ва Шимолий Хитойнинг кўпгина шаҳарлари ва қишлоқ жойларида милитаристларга ва чет эл империалистларига қарши бошланиб кетган халқ кўзғолонлари ХРАнинг шимолга томон силжиб боришига ёрдам берди. 1927 йилнинг мартада узоқ давом этган қуролли курашдан кейин кўзғолон кўтарган ишчилар Шанхайни эгалладилар. Шанхай кўзғолонини тайёрлаш ва ўтказишда коммунистлар катта роль ўйнадилар. Компартиянинг бу вақтда ўн минглаб аъзолари бор эди. Коммунистлар миллий ҳукуматдаги меҳнат ва қишлоқ хўжалик министрликларига бошчилик қилдилар. ХКП қасаба союзларида ва дехқонларнинг айрим иттифоқларида катта таъсирга эга эди.

Бирок ХРА даги асосий қўмондонлик лавозимларини ўнг гоминьданчилар, армия қўмондони, генерал Ч а н К а й ш и (1887—1975) нинг гуманитарлари эгаллаган эди. Йирик капиталистлар билан яқиндан алоқада бўлган, касби ҳарбий Чан Кайши Сунь Ятсеннинг ишига содиқлик ҳақидаги гапларни никоб қилиб олиб, гоминьдандаги энг муҳим лавозимларни эгаллаб олди. Бошқа ўнг гоминьданчилар сингари у ҳам халқ оммасининг активлиги ортиб бораётганлигини ташвиш билан кузатиб борди. Оммавий ҳаракатнинг кенг қўлам касб этиши миллий революциянинг янада чуқурлашиб бориши учун шарт-шароитлар яратди. Буржуазия худди ана шу нарсадан хавфсирар эди.

**Контрреволюцион тўнтариш.** Чет эл империалистлари ҳар қандай воситалар билан революцияни бартараф этишга интилар эди. Хитой сувларида 170 га яқин ҳарбий кемалар бўлиб, улар асосан Буюк Британия ва АҚШга қарашли эди. 1927 йилнинг мартада инглиз ва америка кемалари Нанкинни артиллериядан ўққа тутдилар. Бу ҳаракат контрреволюциянинг барча кучлари

<sup>1</sup> Ухань — Хитойнинг энг йирик савдо-саноат ва транспорт марказларидан бири. Ханькоу, Ханьян ва Учан деган учта шаҳардан ташкил топган.

учун сигнал бўлиб хизмат килди. Чан Кайши энди империалистлар ва уларнинг хитойлик агентураси билан тил бириктирган эди.

Чан Кайши кўшинлари Шанхай ишчиларини курулсизлантириб, уларни ўққа тута бошладилар. 1927 йилнинг апрелида Чан Кайши Нанкинда ўз ҳукуматини ташкил этди. Бутун мамлакатда ишчи ташкилотларини тор-мор келтириш бошланди. Пекинда шимолий милитаристлар Ли Дачжао ва бошқа таникли коммунистларни қатл килдилар. Шундай қилиб, миллий буржуазия антиимпериалистик фронтдан алоқасини узди ва ўзининг бутун кучини ишчилар синфига ва унинг мустаҳкам авангарди — ХКП га қарши қаратди.

Коминтерн Ижрокоми миллий буржуазиянинг миллий блокдан алоқасини узаётганидан ва гоминьдан режимининг реакцион ҳарбий диктатурага ўсиб ўтаётганидан ХКПни ўз вақтида огоҳлантирган эди. Бирок ўнг элементларга қарши олиб борилаётган ички партиявий кураш туфайли ХКП кучсизланиб қолган эди. Ўнг элементлар, модомики, Хитойда миллий революция бораётган экан унинг гегемони фақат буржуазия бўлиши мумкин, деб даъво қилардилар. ХКПдаги ўнглр пролетариатнинг роли фақат Хитойни миллий жиҳатдан бирлаштиришни амалга оширишда буржуазияга ёрдам бериш билан чекланиши лозим, деб ҳисоблардилар.

Контрреволюцион тўнтаришдан кейин Ухань ҳукумати жуда катта территориядаги ҳокимиятни сақлаб туришни давом эттирди. Бирок уханлик сиёсатдонлар контрреволюцияга қаршилиқ кўрсатишни истамас эдилар ва шу сабабли 1927 йилнинг июлида Нанкин ҳукумати олдида таслим бўлдилар, ХКП билан иттифокни буздилар. *Гоминьдан миллий-революцион партиядан йирик буржуазия ва феодал-милитаристлар бошчилик қиладиган сиёсий ташкилотга айланди. Ягона антиимпериалистик фронт тарқалиб кетди.*

Коммунистларнинг таъсири анча кучли бўлган ҳарбий қисмлар ва уюшмалар дарҳол контрреволюцион тўнтаришга қарши чиқдилар. Деҳқонларнинг бир қанча чиқишлари каби бу тарқок чиқишлар ҳам бостирилди.

*1925—1927 йиллардаги миллий революция мағлубиятга учради.* У мамлакат олдида турган вазифаларни ҳал қилиб бермади. Хитойни қисман қайта бирлаштириш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, миллий буржуазиянинг манфаатлари меҳнаткаш халқнинг туб манфаатларига зид келиб қолди, майда буржуазия йирик капиталга ён беришга мойил эканлигини кўрсатди. Фақат пролетариатгина меҳнаткаш деҳқонлар билан иттифокда бўлиб туриб мамлакатни империалистларнинг ярим мустамлака қарамлигидан халос қилиши, йирик буржуазияга, феодализм ва милитаризмга барҳам бериши, Хитойни социал, сиёсий ва маданий тараққиёт йўлига олиб чиқиши мумкинлиги равшан бўлди.

**20-йилларнинг охири 30-йилларнинг бошларида Хитойда революцион кураш.** Миллий буржуазия Хитойдаги революция ишига хиёнат қилганидан кейин йирик буржуазия ва помешчик-

ларнинг чет эл империализмига қарам бўлган реакцион диктатураси ўрнатилди. 1928 йилнинг охирига бориб, деярли барча милитаристик гуруҳлар Чан Кайши ҳукуматининг олий ҳокимиятини эътироф қилдилар.

Гоминьдан режимига қарши халқ кураши тўхтамади, унинг ташкилотчиси ХКП бўлди. Коминтерн революциянинг мағлубиятга учраш сабоқларини таҳлил қилиб, ХКП раҳбарлигидан ўнглари чикариб ташлашга ёрдам берди. Партия Коминтерн ёрдамида гоминьдан режимини қурол воситаси билан ағдариб ташлаш учун секин-аста шарт-шароит тайёрлаш йўлини тутди. ХКПдаги сўл сектант гуруҳлар бу йўлга қарши чиқдилар, партияни муддатидан олдин қўзғолонлар ташкил этиш йўлига ундадилар. Коминтерн хитой коммунистларига бу нохуш тенденцияни енгизида ёрдам берди.

Партия раҳбарияти помещиклар синфини тугатиш ва помещиклар ерини бўлиб бериш учун деҳқонлар курашини авж олдиришга қаратилган тўғри йўл-йўриқни янги тактика билан бирга қўшиб олиб борди. Революцион ҳарбий қисмларнинг қолдиқлари узоқ ғарбга олиб кетилди, революцион ҳаракат эса саноат марказларидан узоқ қишлоқ районларига қўчирилди. Бунга сабаб мустақкам революция ўчоқларини вужудга келтириш зарурлигидир, деб баҳона қилинди, бироқ амалда эса бу нарсга ХКП раҳбар органларининг пролетариатдан ажралиб қолишига, унинг ишчи-деҳқон иттифоқидаги раҳбарлик ролининг заифлашувига олиб келди. Натижада ХКПда майда буржуа таъсири кучая бошлади. Бундан ташқари, гоминьданчилар деярли барча оммавий ишчи ташкилотларини тор-мор келтирдилар, ишчи-активларнинг анчагина қисмини йўқ қилдилар.

Бироқ ишчилар билан деҳқонлар милитарист тўдаларга ва гоминьданчилар режимига қарши курашни давом эттирдилар. Айрим ҳарбий отрядлар ва қисмлар базасида Қизил Армияни тузиш бошланди. Контрреволюцион ва феодал-милитаристик режимларни ағдариб ташлашга муваффақ бўлинган баъзи бир районларда Советлар ҳокимияти ўрнатилди, помещикларнинг ерлари деҳқонлар ўртасида тақсимланди. Хитой шароитида 20-йиллар охири 30-йиллар бошларида Советлар революцион-демократик ҳокимият органлари эди.

1931 йилнинг ноябрида Жуйцзин шаҳри (Цзянси вилояти) яқинида совет районлари вакилларининг I Умумхитой съезди бўлиб ўтди. Съезд Хитой совет республикасининг конституциясини қабул қилди ва бир қанча муҳим қарорлар қабул қилди, булар: феодаллар, милитаристлар ва монастирларнинг ер мулкини тугатиш, уларни камбағаллар, ўрта ҳол деҳқонлар ва хоказолар ўртасида бепул тақсимлаш тўғрисидаги қарорлар эди. Съездеда Хитой совет республикасининг Муваққат Марказий ишчи-деҳқон ҳукумати тузилди, Мао Цзэдун (1893—1976) унинг раиси бўлди.

ХКП йирик сиёсий ташкилот бўлиб қолди: унда совет районлари территориясида 300 минг аъзо бор эди. Бироқ Хитойнинг қолган қисмида фақат 30 мингга яқин коммунист бор эди,

холос. Улар ниҳоятда яширин иш олиб бораётган мард кишилар эди.

Революция ўчоқлари чанкайшичиларнинг тўхтовсиз зарбала-рига дуч келиб турарди. 1930—1934 йилларда гоминьданчи-ларнинг қуролли кучлари совет районларига қарши беш марта юриш қилди. Чанкайшичилар микдор ва техника жиҳатидан устун бўлишларига, немис ҳамда америка мутахассисларининг ёрдамига қарамай, Хитой Қизил Армиясини тор-мор келтира олмадилар.

**Япон империализмининг агрессияси. Ягона антияпон fronti-нинг ташкил топиши.** Гоминьданчиларнинг реакцион сиёсати Хитойни заифлаштириб, уни империалистларнинг осон ўлжасига айлантириб қўйди. 1931 йилнинг сентябрида япон милитаристлари мамлакатнинг шимоли-шарқий қисми — Дунбэй (Маньчжурия) ни босиб олдилар, у иктисодий жиҳатдан Хитойнинг анча ривож-ланган қисми бўлиб, у ерда бутунлай агрессорларга бўйсун-ган қўғирчоқ режими ўрнатилган эди. Бошқа империалистик давлатлар Японияга жиддий қаршилик кўрсатмадилар, чунки унинг СССРга қарши уруш бошлашига умид қилган эдилар.

Япон агрессиясига қарши курашда Хитойнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш учун СССР 1932 йил декабрда Хитой билан дипломатия муносабатларини қайта тиклади, хитой мили-таристларининг антисовет ҳаракатлари туфайли бу муносабатлар 1929 йилда узилган эди.

1932 йилнинг январида япон милитаристлари Шанхайни босиб олишга уришиб кўрдилар. Чан Кайшининг буйруғига қарамасдан, гоминьдан армиясининг у ерда турган қисмлари шахарни химоя қилишга отланган Шанхай аҳолисини қўллаб-қувватладилар. Японларнинг Шанхайга ҳужумининг барбод бўлиши аҳолининг кенг катламлари орасида ватанпарварлик кайфиятларининг ўсиб бораётганидан далолат берарди.

Қизил Армиянинг қахрамонона қаршилик кўрсатишига кара-май, гоминьдан қўшинлари асосий революцион районларни босиб олишга ва у ерда қолган совет ҳокимиятини тугатишга муваффақ бўлдилар. Чжу Дэ қўмондонлик қилган Қизил Армиянинг асосий кучлари қуршовни ёриб ўтиб, 1934 йилнинг октябрида мамлакатнинг шимоли-ғарбий қисмига юриш бошлаш-га муваффақ бўлдилар.

Шимоли-ғарбга томон илгарилаб бориш жараёнида Мао Цзэдуннинг талаби билан 1935 йилнинг январида Цзуньда (Гуйчжоу вилояти) ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг кенгайтирилган кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш шахсий ўзгаришларни амалга оширди. Хусусан, Мао Цзэдун ХКП Марказий Комитети секретариати составига киритилди. Бу ҳол унинг партия раҳбарлигидаги мавқеини янада мустаҳкамлади.

Шимоли-ғарбий юриш 1936 йилнинг ноябрига қадар давом этди. Юриш вақтида Қизил Армия жангчилари ва командирлари-нинг анчагина қисмидан ажралиб қолди. Қизил Армия қисмлари



12 минг км дан ортиқроқ масофани босиб ўтиб, *Шэньси, Ганьсу ва Нинся* вилоятлари чегарасида мустақкамланиб олдилар, бу ерда уларнинг келишига қадар дехконлар кўзғолони муваффақиятли ўтган ва совет районлари ташкил этилган эди. Шу тариқа вужудга келтирилган *Шэньси — Ганьсу — Нинся чегара райони*, шунингдек *Хитойнинг Алоҳида райони деб ҳам аталувчи бу район Хитой революциясининг асосий базаси ва японлар агрессиясига қарши курашда асосий революцион ўчоқ бўлиб қолди* (альбомнинг 8-картасига қаранг).

Чанкайшичилар ҳукумати «агрессорни ён беришлар билан тинчлантириш» сиёсатини ўтказди. Япония бундан усталик билан фойдаланиб, 1935 йилда *Шимолий Хитойдаги янги районларни эгаллаб олди*. Япония агрессияси мамлакатда ватанпарварлик ва антиимпериалистик ҳаракатнинг шиддатли юксалишига сабаб бўлди. Унда фақат ишчилар ва дехконлар эмас, шу билан бирга майда буржуазия (миллий буржуазиясининг бир қисми), кўпгина тажрибали ҳарбийлар, студентлар ҳам қатнашдилар. Коминтерннинг тавсияларига амал қилиб ва агрессорга зарба беришнинг ниҳоятда муҳимлигини ҳисобга олиб, ХКП 1935 йилнинг августида гоминьданни гражданлар урушини тўхтатишга чақирди. ХКП гоминьдан билан биргаликда *ягона антияпон миллий fronti* ташкил этишга узининг тайер эканлигини билдирди. Вужудга келган шароитда ишчи-деҳкон ҳокимиятини тузиш учун кураш эмас, балки япон агрессиясини тор-мор келтириш учун кураш асосий кураш эди. ХКП помешчиклар ерини мусодара қилишни тўхтатишга розилик билдирди.

Гоминьданчилар раҳбарлиги кенг халқ оммасининг тазйики билан гражданлар урушини тўхтатишга ва ХКП билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузишга мажбур бўлди. Хитойда японларнинг кенг ҳужуми бошлангандан кейин 1937 йилда *ягона антияпон, антиимпериалистик fronti* ташкил этилди. Унинг сиёсий асоси ХКП Марказий Комитети томонидан эълон қилинган «Япон босқинчиларига қарши, ватанини сақлаб қолиш учун кураш программаси» бўлиб қолди. Програмада мамлакатни агрессиядан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий чора-тадбирлар назарда тутилган эди. Хитой халқининг япон империализмига қарши қаратилган ва саккиз йилдан кўпроқ давом этган *миллий-озодлик уруши* бошланди. Бу уруш империализмнинг мустамлакачилик системаси кризисини янада чуқурлаштириш кўринишларидан бири бўлди.

Совет Иттифоқи хитой халқининг япон босқинчиларига қарши курашида унга катта маънавий ва моддий ёрдам кўрсатди. 1937 йилнинг августида СССР билан Хитой ўртасида ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Совет Иттифоқи Хитойга 250 млн. доллар миқдоридан қарз берди, ҳарбий техника юборди. Хитой ҳукуматининг илтимосига кўра СССР Хитойга совет ҳарбий маслаҳатчилари ва кўшинларнинг ҳар хил турлари бўйича мутахассислар жўнатди. 200 дан ортиқ совет кўнгилли учувчилари агрессорга қарши ҳаво жанглирида ҳалок бўлди.

СССР нинг ёрдами туфайли Хитой япон кўшинлари зарбаларига бардош берди ва йирик қуролли кучларини ривожлантирди. СССР нинг интернационал сиёсати Хитойнинг антияпон позицияларини мустақкамлади, унинг миллий-озодлик курашидаги кучларини бирлаштиришга ёрдам берди.

#### Савол ва топшириқлар

1. 20-йилларнинг бошларида Хитойнинг иктисодий ва сиёсий ахволига доир асосий хусусиятларини белгилаб чиқинг. 2. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг таъсири остида Сунь Ятсеннинг карашлари қандай ривожланди? 3. Хитойдаги антиимпериалистик фронт қачон вужудга келди, у қандай максадларни кўзда тутар эди? 4. 1925--1927 йиллардаги миллий революция мағлубиятининг сабабларини аниқлаб чиқинг. 5. Чаңкайишчиларнинг тўнтаришидан кейин Хитойдаги асосий сиёсий кучларнинг жойлашуви қандай бўлди? 6. Совет районлари ташкил этилишининг ахамияти нималардан иборат бўлди? 7. Ягона антияпон fronti олдидан қандай вазифалар турар эди?

#### 16-§. Ҳиндистон

Гандининг карашлари ва фаолиятида қандай кучли ва заиф томонлари бўлганлигини эсга тушинг. (5-§ га қараңг.)

**Мустамлакачиларнинг қарши ҳужуми. Реакция йилларида Ҳиндистон миллий конгресси.** 1922 йилда граждандар иттифоқлари компанияси тўхтатилгандан кейин Британия маъмурлари хинд ватанпарварларига қарши ҳужумга ўтдилар. Мустамлакачилар «қўл тегизиб бўлмайдиганлар» билан бошқа кастадаги хиндлар ўртасидаги душманликни авж олдиришга, айниқса, хинд-мусулмонлар ихтилофини\* кучайтиришга умид боғлар эдилар. Миллий принцип асосида тузилган партиялар, — «Мусулмонлар иттифоқи» ва «Хинду маха сабха» («Буюк хиндлар иттифоқи») ўз фаолиятини фаоллаштириб юборди. Кейинги партия реакция партия бўлиб, уни князлар ва помещиклар назорат қилиб туришарди. Унинг лидерлари зўрлик билан мусулмонларни хиндуизм динига киритишга чақирардилар. Агар 1919—1922 йиллардаги революцион юксалиш даврида хиндлар билан мусулмонлар мустамлакачиларга қарши биргаликда кураш олиб борган бўлсалар, эндиликда инглизлар хинд-мусулмонлар тўқнашувлари ва киргинларини келтириб чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Репрессиялар ва сиёсий реакция шароитида Ҳиндистон миллий конгресси (ХМК) аъзолари миқдори қисқариб, бир неча юз мингтага тушиб қолди, холбуки революцион юксалиш даврида 10 млн. кишига етган эди. Партиянинг ўнг арбоблари 1919 йил «конституцияси» асосида инглиз маъмурлари билан ҳамкорлик қилишни ёқлаб чиқдилар. Ганди эса оммавий иттифоқлик тактикасидан воз кечишни вақтинча деб ҳисоблади. У хинд-мусулмонлар бирлигини тарғиб қилишга ва «қўл тегизиб бўлмайдиганлар»ни камситишга қарши курашга асосий эътибор берди, бу билан хинд озодлик ҳаракатини ажратиб юборишга қаратилган Британия сиёсатида қарши туришга интилди. Ганди инглиз фабрикалари ишлаб чиқарган газламаларни бойкот қилишга

чакирди. Унинг гарафдорлари истикомат қиладиган уйларда қўл чархлари ва тўкув дастгоҳлари пайдо бўлди. Уйда тўкилган газмолдан тикилган костюм ва «Гандининг ок шапкачаси» ватанпарварларнинг кийими бўлиб қолди.

20-йилларнинг ўрталарида ХМК да сўл қанот ташкил топди, у миллий ва майда буржуазиянинг радикал ватанпарварлик қатламлари манфаатларини ифодалар эди. Сўл қанотнинг лидерларидан бири — Жавоҳарлал Неру (1889—1964) бўлди. Неру биринчи граждан итотсизлиги компаниясида Гандининг издоши сифатида актив қатнашди. Нерунинг эътироф қилишича, унинг қарашлари таркиб топишига В. И. Ленин ғоялари ва СССР да социализм қурилиши тажрибаси таъсир кўрсатди. Неру СССР га биринчи марта 1927 йилда ташриф буюрганди.

Британия монополиялари Ҳиндистонга қучли иктисодий тазйик ўтказдилар. Маъмурларнинг молиявий сиёсати хинд фабрикаларининг метрополиядан товарлар ташиб келтиришига қарши рақобатчилик курашини кийинлаштирар эди. Ҳиндистондаги фабрикалар ва заводларга эгалик қиладиган инглиз фирмалари ҳамда хинд капиталистлари «рационализация қилиш» бахонасида ишчиларни эксплуатация қилишни қучайтирар эдилар.

Инглиз маъмурларининг сиёсий ва иктисодий ҳужуми Ҳиндистон ярим ороли халқлари билан Британия мустамлакачилари ўртасидаги, шунингдек, хинд миллий буржуазияси билан инглиз монополиялари ўртасидаги зиддиятларни янада кескинлаштиришга олиб келди. Бунинг маъноси шуки, миллий-озодлик ҳаракатининг тушқунлик даври давом этиши мумкин эмасди.

**Ишчилар ҳаракати. Ҳиндистон Компартиясининг ташкил топиши.** Реакция вақтинча тантана қилганига қарамай, ишчиларнинг иш ташлаш ҳаракати давом этарди. Гарчи стачкалар ва улар қатнашчиларининг сони қисқарган бўлса ҳам, ишчилар ҳаракати янада уюшқокрок бўлиб қолди. Умумҳиндистон қасаба союзлари конгрессига (УКСК) бирлашган қасаба союзлари ўсди ва мустақамланди.

*Ҳиндистон Коммунистик партияси* (ХКП) нинг ташкил топиши катта воқеа бўлди. Совет Россиясида бўлган революционерлар Ҳиндистонда марксча-ленинча ғояларнинг тарқалишига ёрдам бердилар. Бу революционерларда В. И. Ленин билан бўлган учрашувлар жуда катта таъсирот қолдирган эди. Ҳиндистоннинг турли шаҳарларида бир қанча коммунистик группалар ташкил топди. 1925 йилнинг декабрида хинд коммунистларининг биринчи конференцияси бўлиб ўтди, у ХКП нинг ташкил этилганлигини эълон қилди.

Компартия қасаба союзларининг ишига катта эътибор берди, бундан мақсад социал-реформистларнинг таъсирини камайтириш, қасаба союз ҳаракатига жанговар, синфий характер бағишлаш эди. Коммунистлар озодлик ҳаракатига ишчилар, дехқонлар, кенг майда буржуазия оммасини жалб қилишга интилдилар.

**Жаҳон иктисодий кризиси ва Ҳиндистон.** 1929—1933 йиллардаги жаҳон иктисодий кризиси Ҳиндистоннинг экономикасига оғир таъсир кўрсатди. Кризис йилларида хинд дехқонлари ўзлари

сотадиган бугдой учун олдингига караганда икки баравар, жут учун икки-уч баравар кам хак олар эдилар. Шунга карамасдан, Британия маъмурлари солган соликлар ва помешчикларга тўланадиган ижара ҳақи олдингидек олинаверар эди. Дехқонлар хонавайрон бўлиб, ерларини йўқотдилар, кашшоқларга айланиб бордилар. Ишчиларни бўшатиш ҳамма жойда авж олиб кетди, бунга ишлаб чиқаришнинг «рационализация килиниши» сабаб бўлди. Майда ва ўрта корхоналар ҳамда савдо фирмалари синди, уларни йирик хинд капитали ва чет эл монополиялари ўз домига тортди.

Ишчилар англиз монополиялари ва маҳаллий капиталистларнинг ҳужумига зарба бердилар. Айникса, бомбайлик тўқимачиларнинг 1928 йилда бошланган умумий стачкаси жанговар тус олди, бу стачка ярим йил давом этди. СССР тўқимачилари кўзголон кўтарганларга моддий ёрдам кўрсатдилар. Корхона эгалари ва мустамлакачи маъмурлар ён беришга мажбур бўлдилар. Бироқ тез орада бомбайлик тўқимачилар стачкани яна бошлашларига тўғри келди, лекин маъмурларнинг репрессиялари туфайли ишчилар чеклинишга мажбур бўлдилар. Бомбай воқеалари хинд пролетариатининг кучи ва активлиги ортганлигини кўрсатди.

1929 йилнинг баҳорида мустамлакачилар коммунистларни ва сўл касаба союз раҳбарларини оммавий равишда камокка ола бошладилар. Мератҳадаги (Мирутдаги) тўрт йил давом этган суд процессида уларни «Британия тахтига қарши фитнада» айбладилар. Коммунистлар суд мажлисларидан англизлар ўтказиб келган Ҳиндистонни мустамлакачилик билан эксплуатация қилиш сиёсатини фош этиш учун, шунингдек, коммунизм ва миллий-озодлик гояларини тарғиб этиш учун фойдаландилар. Ж. Неру ва унинг отаси айбланаётган ишчи лидерларини «Химоя қилиш комитети»ни туздилар ва юристлар сифатида уларни химоя қилиб чикдилар.

Қамокка олишлар партия ташкилотлари ва касаба союзларини заифлаштириб қўйди. ХКПнинг озодликдаги раҳбарлари хато килди. Улар ХМК бошчилик қилаётган ҳаракатда коммунистлар катнашмасликлари керак, деб ҳисобладилар. Касаба союз ҳаракатида ажралиш юз берди. Уч мустақил касаба союз маркази ташкил топди. Коммунистлар касаба союзларининг Қизил конгрессига бошчилик килдилар.

30-йилларнинг бошидаги революцион юксалиш. 1928 йилнинг бошларида Саймон бошчилигидаги Британия сиёсий арбоблари комиссияси янги «конституция» лойиҳасини ишлаб чиқиш учун Ҳиндистонга келди. Мустамлакачилар хиндларга: биз конституцион ислохотлар билан Ҳиндистон ярим оролини мустақилликка «тайёрлаймиз» деб ишонтирмоқчи бўлдилар. Бироқ мамлакат жамоатчилиги конституцияни Ҳиндистон намояндалари эмас, балки ажнабийлар ишлаб чиқаётганидан дарғазаб бўлдилар. Йирик саноат марказларида ХМК ва касаба союзлари чакириғи билан «Саймон, Ҳиндистондан жўнаб кол!» деган шиор остида митинглар, намойишлар, иш ташлашлар бўлиб ўтди. Ҳиндис-

тоннинг барча сиёсий ташкилотлари (ўта реакцион ташкилотлардан ташқари) Саймон комиссиясини бойкот қилдилар.

1930 йилда ҲМК қарорига мувофиқ Ганди раҳбарлигида граждан итотсизлигини янги компаниясини ўтказиш эълон қилинди. 26 январь кўни «Ҳиндистоннинг мустақиллик куни»<sup>1</sup> деб эълон қилинди. Бутун мамлакатда кўп кишилик йиғилишлар, митинглар ва намойишлар бўлиб ўтди, уларда мамлакат мустақиллиги учун кураш олиб боришга даъват қилувчи «Қасам» тексти қабул қилинди.



32- расм. «Туз юриши» катнашчилари.

«Биз,— дейилган эди, бу ҳужжатда — озодлик ҳуқуқини, ўз меҳнати самараларидан фойдаланиш ҳуқуқини ва яшаш учун зарур воситаларга эга бўлиш ҳуқуқини ҳар қандай халқ сингари хинд халқининг ҳам ажралмас ҳуқуқи деб ҳисоблаймиз... Ҳиндистон ўзини Англия билан боғловчи ришталарни узиб ташлаши ва тўла мустақилликка эришмоғи... лозим».

Бомбайда студентлар, хизматчилар, савдо ахллари эрталабдан бошлаб кўчаларга чиқишди. Намойишчилар «Яшасин эркин революция!» деган лавҳа ёзилган алвонни кўтариб боришарди. Иш кунининг охирига бориб уларга 100 минг ишчи кўшилди. Улар «Революция ва мустақиллик», «Яшасин Совет Иттифоқи!», «Ҳиндистон — хиндларга!» деган шиорларни кўтариб олишганди.

Компаниянинг бошланишига Ҳиндистонда туз казиб чиқариш ва сотишга мустамлакачи маъмурлар монополиясининг намойиш-корона бузилиши сигнал бўлиши лозим эди. Туз казиб чиқариш ва сотишнинг мустамлакачилар монополиясида бўлиши тузни жуда қимматлаштириб юборган ва камбағаллар учун нокулай қилиб қўйган эди.

1930 йилнинг мартида Ганди ўнларча издошлари ҳамроҳлигида Араб денгизи соҳилига уч ҳафталик юриш бошлади, бундан мақсад денгиз сувини буглатиб туз олиш эди. Ганди ўтиб борган кишлоқларнинг аҳолиси «туз юриши» катнашчиларини тантанали равишда кутиб олар ва кузатиб қўяр эди. «Туз юриши» катнашчиларига гуллар отишар, уларнинг йўлларига гиламлар тўшашар, ҲМК байроқларни осиб қўйишарди. Юришни ватанпарварлар матбуоти кенг ёритди. Ганди ва унинг ҳамроҳлари соҳилга келишганда ватанпарварлар ҳамма жойда намойишкорона туз казиб ола бошладилар. «Назаримда, тўсатдан баҳор бошлангандай бўлди,— деб ёзган эди Неру.— Бутун мамлакатда, ҳар бир шаҳарда ва ҳар бир кишлоқда фақат туз казиб олиш ҳақида гапиришар ва туз тайёрлашнинг жуда кўп қизиқарли усуллари ўйлаб топилган эди».

<sup>1</sup> Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин бу кун Ҳиндистон Республикасининг миллий байрами бўлиб қолди.



33- расм. «Жавоҳарлал Неру ҳинд эканлиги билан фахрланарди. У Хиндистоннинг ўз камбағаллигини енгиб, бутун инсониятнинг таракқиёти ва бунёдкорлик ишларига яна муносиб ҳисса қўша олишини истарди» (Индира Ганди).

инини эгаллаган князликлар аҳолиси орасида қизғин кутиб олинди; бу князликларда мустамлакачиларнинг қўғирчоқлари бўлган князларнинг ўзбошимчалиги ҳукм сурарди.

Мустамлакачиларга қарши курашда ёшлар ҳам актив қатнашдилар. Ж. Нерунинг 13 яшар қизи Индира «маймунлар бригадаси»ни — Британия ҳукмронлигига қаршилиқ кўрсатиш бўйича ўзига хос болалар группасини тузди. Кейинчалик, у бундай деган эди: «Бизлар озодлик ҳаракати қатнашчиларининг кундалик ишларини ўз зиммамизга олган эдик, бундан мақсад — катталар ўзларини муҳим нарсаларга бағишлаш учун вақтга эга бўлишлари эди. Биз овқат тайёрлар, байроқлар тикар, маркалар таркатар, конвертлар устига адреслар ёзардик».

Ҳаракатнинг кўлами ва кучи мустамлакачи маъмуриятни ХМКнинг турмаларда ётган лидерлари билан музокаралар бошлашга мажбур қилди. Ҳинд буржуазияси меҳнаткашларнинг активлигидан ташвишга тушиб қолди, Ганди эса бошланиб кетган курашда муқаррар бўлган зўравонлик ишлатилишини астойдил қоралади. 1931 йилнинг мартада битим тузилиб, уни биноан Британия маъмурлари репрессияларни тўхтатиш ва қамокка олинганларни озод қилиш мажбуриятини олдилар, ХМК эса граждан итоатсизлиги компанияси тўхтатилишини эълон қилди.

30-йилларнинг бошларида миллий-озодлик ҳаракатининг юксалиши 1919—1922 йиллардаги воқеаларга нисбатан анча оммавий ва уюшган тус олган эди.

Мустамлакачи маъмурлар ХМК ни қонундан ташқари деб эълон қилдилар. Ганди, Ж. Неру, бошқа лидерлар, граждан итоатсизлиги компаниясининг 60 минг қатнашчиси турмаларга ташланди. Бирок мамлакатнинг кўпгина вилоятларини қамраб олган миллий-озодлик ҳаракати ўсиб борди. Баъзи бир шаҳарларда баррикада жанглари бошланиб кетди. Энг йирик саноат марказларининг ишчилари сиёсий иш ташлашлар ўтказишди. Деҳқонлар бу ҳаракатга ҳар қачонгидан ҳам активроқ қўшилдилар. Улар орасида ХМК ташкилотлари ва коммунистлар иш олиб бордилар. Қатор районларда деҳқонларнинг иттифоклари пайдо бўлди. Озодлик ҳаракатининг юксалиши Хиндистон ярим ороли территориясининг учдан бир қисмига яқин

Ҳиндистон иккинчи жаҳон уруши арафасида. 1935 йилда Британия парламенти Ҳиндистоннинг янги «конституцияси» ни тасдиқлади, у ҳокимиятни бутун тўлалиги билан мустамлакачилар кўлида сақлаб қолган эди. Халқ бу конституцияни «қуллиқ конституцияси» деб атади. Ҳинд ватанпарварлари чинакам мустанкиллиқни талаб қилдилар. Озодлик ҳаракати яна жонланиб қолди. Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида сўл кучларнинг таъсири ортди.

Ҳинд коммунистлари қардош компартиялар ёрдами билан сўл сектантлик ҳатоларини бартараф этиб бордилар. 1933 йилнинг декабрида Умумҳиндистон партия конференцияси бўлиб ўтди, у Марказий Комитетни сайлади. ХКП Коминтерннинг секцияларидан бири бўлиб қолди. Коммунистлар ягона фронт сиёсатини амалга ошира бориб, ягона қасаба союз маркази — Умумҳиндистон қасаба союзлари конгрессини қайта тиклашга эришдилар. Бу ҳол 1936—1939 йилларда стачка ҳаракатининг янгидан юксалишига ёрдам берди. Стачкаларнинг ярмига яқини ишчиларнинг тўлиқ ёки қисман ғалаба қозониши билан тугади.

Дехқонлар ҳаракати кучайиб борди. Айрим вилоятлардаги дехқонларнинг иттифоқлари Умумҳиндистон дехқонлар иттифоқига бирлашдилар. Бунда коммунистлар муҳим роль ўйнадилар. 30-йилларнинг иккинчи ярмида Ҳиндистоннинг энг обрўли ва оммавий ташкилоти бўлган ХМҚнинг таъсири яна кучайиб борди. Бунга ҳинд коммунистларининг фаолияти ҳам ёрдам берди, улар ягона миллий антиимпериалистик фронт тузиш учун курашиб, ХМҚ га кирардилар.

Ҳиндистоннинг ривожланиши миллий-озодлик ҳаракати бу мамлакатдаги аҳволни тобора кўпроқ белгилаб бераётганини, мустамлакачилик системасининг кризисини чуқурлаштираётганини кўрсатди. Инглиз империалистларига Ҳиндистонни эски усуллар билан идора қилиш тобора қийинроқ бўлиб қолди. Улар репрессияларни конституцион ислохотлар билан бирга қўшиб, муғамбирлик ишлатишларига тўғри келарди.

Ҳиндистон ярим ороли халқларининг энг таъсирли ва нуфузли сиёсий лидери Ганди эди. Озодлик ҳаракатининг ривожланиши гандизмнинг кучли ва заиф томонларини, айниқса миллий-озодлик революциясининг ғалабасига фақат зўравонлик ишлатмаслик методлари билан эришишга интилишнинг ҳаёлий эканлигини яққол кўрсатиб берди. Лекин Гандининг мустамлакачиларга қарши курашга қилган даъватлари, граждандан итоатсизлиги компанияларининг ўтказилиши миллий-озодлик курашига янгидан миллион-миллион кишиларни жалб қилди. Ганди дехқонлар ва ишчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун сидқидилдан курашди. Унинг таърифи билан Ж. Неру ХМҚ нинг раиси қилиб сайланди.

#### Савол ва топ қириклар

1. Нима учун 30-йилларнинг бошларида Ҳиндистонда миллий-озодлик ҳаракатининг юксалиши бошланди? 2. 30-йиллардаги ҳинд озодлик ҳаракатининг

янги хусусиятларини кўрсатиб беринг. 3. Британия мустамлакачилари Хиндистонда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун ишлатган методларни санаб беринг. 4. Хиндистон Коммунистик партияси миллий-озодлик ҳаракатида қандай роль ўйнади?

### **17-§. Коминтерн фашизмга ҳамда янги жаҳон уруши хавфига қарши, ягона ишчилар ва халқ фронтини вужудга келтириш учун курашда**

Лениннинг «Омага!» деган чақириғининг маъноси ва аҳамиятини эсга олинг (6- § га қаранг). Франция ва Испания компартиялари Халқ фронти учун қандай кураш олиб бордилар? (12 ва 13- § га қаранг).




**Коммунистик партияларнинг ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиши.** Капитализмнинг қисман стабиллашуви шароитида халқаро коммунистик ҳаракат империализмга қарши курашнинг яқин орадаги вазифалари ва истиқболларини белгилаб олишга муҳтож бўлиб қолди. Баъзи компартиялардаги ўнг оппортунистлар капиталистик экономикадаги муваққат стабиллашувга ортқича баҳо бериб, гўё у капитализм зиддиятларининг талайгина қисмига барҳам берарди, деб даъво қилдилар. Улар капитализмнинг қисман стабиллашувини узок вақт давом этадиган раванк топиш деб билдилар. Компартияларда «сўллар» ҳам ўз ишларини давом эттирдилар, улар 1923 йилдаги синфий жангларга янги революцион юксалишнинг бошланғичи деб нотўғри баҳо бердилар. Улар ягона пролетар фронти тактикасидан воз кечишни таклиф қилдилар. «Сўллар» нинг дарҳол пролетариат диктатураси ўрнатишга қаратилган йўли ишчиларни авантюрага бошлаши мумкин эди. Троцкизм жиддий хавф туғдираётган эди, у ёш компартиялар нчида «сўл» унсурлар орасида таянч топишга уринаётган эди. Большевиктик партия ва Коминтерн троцкизмга қатъий зарба берди.

Коммунистик ҳаракат олдида компартияларнинг ғоявий-сиёсий негизларини мустаҳкамлаш ҳамда пролетариатни капиталга қарши бўлғуси революцион ҳужумга тайёрлашдан иборат кечиктириб бўлмайдиган вазифалар кўндаланг бўлди. Коминтерннинг **1924 йил** ёзида бўлиб ўтган V конгресси худди шу янги сиёсий йўлни ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Бу В. И. Ленин вафотидан кейинги биринчи конгресс эди. Унинг ишида 49 коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари қатнашди. V конгресс *Коммунистик партияларнинг большевиклашуви* учун кураш олиб боришни асосий вазифа қилиб қўйди.

Халқаро ишчилар ҳаракатининг кейинги муваффақиятлари коммунистик партияларнинг большевизм тажрибасидан ижодий тарзда фойдалана биладиган, ғоявий жиҳатдан чиниккан ташкилотлар бўлиб қолиш қобилиятига боғлиқ эди. Компартияларнинг большевиклашуви марксизм-ленинизм принципларини ўзлаштириш, уларни муайян конкрет вазиятда усталик билан татбиқ эта билиш деган маънони билдирар эди. Коммунистик



ҲОЗИРГИ ХАЛҚАРО КОММУНИСТИК ҲАРАКАТНИНГ  
ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА МУСТАҲАМЛАНИШИ  
(1919–1939 йиллар)



1919 й.    1921 й.    1924 й.    1928 й.    1935 й.    1939 й.

партиялар марксизм-ленинизм ўнг ва «сўл» душманларига нисбатан мурасазлиги билан ажралиб туриши, ўз сафларида фракциялар, гуруҳбозликлар бўлишига йўл қўймаслиги лозим. Омма билан яқин алоқада бўлиш учун, коммунистлар легал ва нолегал шароитларда пролетариат диктатураси учун курашни ишчиларнинг ҳамда меҳнаткашлар бошқа отрядларининг кундалик талаблари учун кураш билан бирга қўшиб олиб бориш маҳоратини эгаллаб олмоқлари керак эди.

Компартияларнинг янги типдаги оммавий партияларга айланмоғи учун, корхоналардаги партия ячейкалари асосида уларнинг ташкилий жиҳатдан қайта қурилиши лозим эди, коммунистларнинг касаба союз ҳаракатида мунтазам суратда қатнашиши, кишлоқда революцион курашнинг авж олдирилиши, миллий масалада тўғри сиёсат ўтказилиши талаб қилинар эди.

Коминтерн V конгресси РКП (б) нинг троцкийчиларга қарши курашини батамом маъқуллаганлигини билдирди ҳамда троцкийчилар оппозициясининг қарашлари ва хатти-ҳаракатларини катъинан қоралади.

**Коммунистик партиялар ишчилар синфининг ҳаракат бирлиги учун курашди.** 30-йилларнинг бошларида капиталистик система ўзининг вайронлик келтирувчи ҳаракати билан мисли кўрилмаган иктисодий кризисни бошдан кечирди. Империалистик донраларнинг кўпчилик қисми авторитар режимларни қарор топиши ва Совет Иттифоқиға қарши ҳарбий юриш уюштирилишини иктисодий ва сиёсий ларзалардан қутулиш йўли деб билди. Халқаро империализм кўмаги билан фашизм ҳужумға ўтди, У террорчилик методлари билан революцион ҳаракатни бостириб, демократияни йўқ қилди. Фашизмға қарши кураш пролетариатнинг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишини ва унинг теварағида барча демократларни жипслаштиришни талаб этар эди. Фашизмға қарши кураш барча демократик, антифашист кучларни янада маҳкамроқ жипслаштириш масаласини алоҳида кескин масала қилиб қўйди. Ўнг социал-демократлар фашизмнинг ҳужуми олдида ожиз бўлиб қолдилар ва антикоммунизм позицияларида туриб, реакцион буржуа ҳукуматларини қўллаб-қувватладилар. Бу, «сўлликка» мойил бўлган революционерлар учун реформистик ташкилотлар билан биргаликда ҳаракат қилишдан бош тортиш ва социал-демократияни фашизмнинг сўл қаноти деб ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Германиядаги фожиали воқеалар бошқа капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларға катта сабоқ бўлди. Лейпциг процессида Г. Димитровнинг фашизмни дадиллик билан қош этганлиги бутун дунёда фашизмға қарши пролетар ва умумдемократик ҳаракатнинг кучайишиға ёрдам берди. Прогрессив интеллигенциянинг талайгина кучлари фашизмға қарши ҳаракатға қўшилди. Ҳамма ерда социал-демократ ишчиларнинг ўз мамлакатларида фашистларни ҳокимият тепасиға йўлатмаслик учун биргаликда ҳаракат қилишға интилиши кучайди. 30-йилларнинг биринчи ярмида урушға ва фашизмға қарши бир



34- расм. Георгий Димитров, Морис Торес ва Вильгельм Пик Коминтерннинг VII конгрессида.

катор миллий ва халқаро конгресслар бўлиб ўтди, улар муҳим сафарбар қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Коммунистлар фашизмга қарши энг қатъиятли ва матонатли курашчилар бўлиб майдонга чикдилар. Коминтерн ёрдамида коммунистик партияларда чинакам марксча-ленинча ўзак қарор топдики, бу ўзак Германияда Эрнст Тельман, Францияда Морис Торез, Чехословакияда Клемент Готвальд, Италияда Антонио Грамши билан Пальмиро Тольятти, Испанияда Хосе Диас билан Долорес Ибаррури, Англияда Гарри Поллит, АҚШда Уильям Фостер, Хиндихитойда Хо Ши Мин теварагида бирлашган эди.

1933—1934 йилларда Коминтерн ягона ишчилар fronti ва кенг меҳнаткашлар иттифоқи тўғрисидаги ленинча ғоялар ҳамда хулосаларни ижодий ривожлантириш ва амалий суратда татбиқ этиш мақсадида катта ишларни амалга оширди. Халқаро социал-демократия раҳбарларининг тўсқинлик кўрсатишига қарамай, француз коммунистлари ва социалистлари ФКП ташаббуси асосида ишчиларнинг ягона фронтини вужудга келтириш йўли билан 1934 йилда мамлакатда фашистлар диктатураси ўрнатилишининг олдини олишга муваффақ бўлдилар. Уша йили фашизмнинг хужумига қарши қуролли кураш давомида испан коммунистлари ва социалистларининг бирлиги юзага кела бошлади. Италия коммунистлари ва социалистлари ҳам биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида бир битимга келишга муваффақ бўлдилар.

Коминтерннинг VII конгресси ва унинг тарихий аҳамияти. 1935 йил ёзида Москвада Коминтерннинг VII конгресси бўлди. Конгресс ишида 65 компартиянинг делегациялари қатнашди.

Конгресс кун тартибидаги асосий масала Георгий Димитровнинг «Фашизмнинг ҳужуми ва фашизмга қарши ишчилар синфининг бирлиги учун курашда Коминтерннинг вазифалари» тўғрисидаги доклады эди. Докладнинг асосий қондалари ВКП(б), Франция, Испания, Италия компартиялари ва бошқа коммунистик партиялар вакиллари билан яқиндан ҳамкорликда ишлаб чиқилган эди.

*Конгресс коммунистик ҳаракатнинг яқин орадаги энг асосий мақсади — фашизмнинг ва жаҳон урушининг олдини олишдир, деб белгилади. У ана шу курашда ишчилар синфи етакчи роль ўйнайди, деган фикрга асосланди. Демократик эркинликларни ва миллий мустақилликни ҳимоя қилиш учун конгресс бир қанча компартияларнинг тажрибасини умумлаштириш асосида кенг Халқ фронтининг ўзаги бўлган ягона ишчилар фронтини вужудга келтиришни тавсия этди (ҳужжатга қаранг).*

Конгресс, коммунистлар демократик эркинликларни сақлаб қолиш учунгина эмас, балки уларни кенгайтириш учун ҳам курашмоқлари лозим, деб баён қилди. «Биз анархистлар эмасмиз,— деб таъкидлади Г. Димитров — биз мазкур мамлакатда қандай сиёсий режим мавжудлигига: лоақал жуда чекланган даражадаги демократик ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўлган буржуа демократияси формасидаги буржуа диктатураси ўрнатилганми ёки ошқора, фашизм формасидаги буржуа диктатураси ўрнатилганми — бунга мутлақо бефарқ қараб тура олмаймиз». *Фашизмга қарши кураш шароитида меҳнаткашлар оммасига пролетариат диктатураси билан буржуа демократиясидан бирини эмас, балки буржуа демократияси билан фашизмдан бирини танлаб олишга тўғри келади.*

Биринчи навбатда айрим корхоналардан тортиб то бутун дунё микёсида бирликка эришгунга қадар ягона ишчилар фронтини вужудга келтириш вазифаси турар эди.

«...Ишчиларнинг ҳаракат бирлигига эришиш йўлини таъминламоқ мақсадида, социал-демократик партиялар, реформистик касаба союзлари ва меҳнаткашларнинг пролетариат синфий душманларига қарши бошқа ташкилотлари билан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида айни бир вақтнинг ўзида ҳам қисқа муддатли, ҳам узок муддатли битимлар тузишга эришиш зарур. Шу билан бирга асосий эътиборни жойлардаги қуйи ташкилотлар томонидан маҳаллий битимларга келиш йўли билан ўтказиладиган оммавий чиқишларни кенг қулоқ ёйдиришга қаратмоқ лозим...»<sup>1</sup>

Конгрессда компартиялар вакиллариининг реформистик ва катolik касаба союзларига, анархо-синдикалист ташкилотларга нисбатан сектантлик муносабатида бўлиши қаттиқ танқид қилинди. Конгресс барча сиёсий оқимдаги кенг ишчилар оммасини қамраб олмоқ учун корхоналарда, ишчи кварталларида ва шунга ўхшаш жойларда ягона фронт комитетлари тузишни таклиф қилди.

<sup>1</sup> Димитров Г. Танланган асарлар, 1-т., М., 1957, 399—400-бетлар.

Конгресс социал-демократия билан ҳаракат бирлигига даъват қилиш билан бирга, айни вақтда коммунистлар ўзлари мустақил синфий позицияда туришларини унутмасликлари, буржуазия билан синфий ҳамкорлик идеологияси ва практикаси бўлган социал-демократизмни асосли равишда танқид қилишдан бош тортмасликлари лозим, деб таъкидлаб ўтди.

Фашизм хавфига қарши муваффақият билан кураш олиб бориш учун ягона пролетар fronti билан бир қаторда, ана шу фронт негизда *антифашист Халқ фронтини* вужудга келтириш керак эди. Унга фақат ишчиларгина эмас, балки дехконлар, шаҳар майда буржуазияси, меҳнаткаш зиёлилар ва ҳатто ўрта буржуазиянинг фашизмга қарши қайфиятдаги унсурлари ҳам кириши лозим. 30-йилларнинг ўрталарига келиб бир қанча мамлакатларда ягона Халқ фронтини ташкил этишнинг объектив имкониятлари бор эди.

Халқ fronti — демократик кучларнинг шундай бирлашмасидирки, унинг доирасида ишчилар синфи фашизмга қарши, умум-демократик мақсадлар учун курашда етакчилик ролини ўйнай олиш ва сиёсий воқеалар ривожига тобора кўпроқ даражада таъсир кўрсата олиши керак (хужжатга қаранг). Конгресс, фашизмга қарши оммавий ҳаракат юксалган бир шароитда коммунистлар Халқ fronti ҳукуматининг тузилишига эришмоқлари керак, деб кўрсатиб ўтди. *Бу ҳукумат пролетариат диктатураси ҳукумати бўлмайди, лекин у реакцияга ҳамда фашизмга қарши кураш ҳукумати бўлмоғи лозим.* Халқ fronti программасини қабул қилган барча партияларнинг вакиллари бу ҳукумат составига кириши мумкин.

Конгресс мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқларини мустамлакачиликка қарши курашда ягона антиимпериалистик фронтни мустаҳкамлашга даъват этди ҳамда империализмга қарши кураш оладиган барча кишиларни, миллий буржуазияга мансуб шундай кишиларни ҳам жипслаштириш тўғрисида компартияларга йўл-йўриқ кўрсатди.

Коминтерннинг VII конгресси тинчлик учун курашга, янги жаҳон уруши хавфига ва антисовет интервенциясига қарши курашга қатта эътибор берди. Шу масала юзасидан Эрколи (Пальмиро Тольятти) қилган докладда, ҳамма никобдаги тўхматчилар яқинлашиб келаётган урушнинг жавобгарлигини коммунистларга тўнкашга уринмоқдалар, деб кўрсатиб ўтилди; гўё коммунистлар «фақат урушгина шундай вазиятни келтирадими, унда революция учун, ҳокимиятни қўлга олиш учун курашиш мумкин бўлади», деб ҳисоблашар эмиш. Коминтерннинг VII конгресси бу уйдирмани чиппака чиқарди. Янги империалистик урушга қарши кураш вазибалари тўғрисидаги резолюцияда, «коммунистик партияларнинг энг асосий шиори: тинчлик учун кураш шиоридан иборат бўлмоғи лозим», деб кўрсатиб ўтилди. Жаҳон уруши келиб чиққан тақдирда коммунистлар империалистик урушни гражданлар урушига айлантириш учун курашга, фашист агрессорларига қарши, буржуазияга

қарши курашга, капитализмни ағдариб ташлаш учун курашга чакирдилар.

*Коминтерн VII конгрессининг ленинча ғоялар билан суғорилган қарорлари халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати учун тарихий бурилиш ясовчи аҳамиятга эга бўлди.* Конгресс фашизмга, империализмга ҳамда урушга қарши курашнинг конкрет йўллари белгилаб берди. Конгресс компартияларни антифашистик, умумдемократик вазифаларни хал этишга йўлладики, бу нарса революцион курашнинг социалистик босқичи сари бориш учун янги имкониятлар очиб берар эди.

*Конгресс фашизмга қарши туришга қодир асосий куч бўлган Совет Иттифоқини ҳимоя қилиш — компартияларнинг биринчи даражали интернационал бурчидир, деб эълон қилди.* Халқаро коммунистик ҳаракатнинг бундай позицияси коммунистларнинг жаҳонда қарор топган вазиятни реал тушунишларини ақс эттирар эди. СССРда социализмнинг муваффақиятли курилганлиги Советлар мамлакатаи мавқеининг ортишига ёрдам берди. Совет Иттифоқи жонли воқелик бўлган социализм билан танишишни истаган кишилар учун зиёратгоҳ жой бўлиб қолди. Чехословак коммунист-ёзувчиси Юлиус Фучик «Бизнинг эртанги кунимиз кечаги кун бўлиб қолган мамлакатда» номли китоб ёзиш учун 1930 йилда Совет Иттифоқига келди. Совет мамлакатининг тажрибаси халқаро революцион ишчилар ҳаракатининг кучларини мустаҳкамлар, империализмга қарши курашчиларнинг барчаси учун қудратли таянч бўлиб хизмат қилар эди. Ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган Советлар мамлакатаи бу курашчиларга ҳар томонлама маънавий ва моддий ёрдам кўрсатаётган эди.


«СССР нинг тинчлик сиёсати...— дейилган эди VII конгресс резолюциясида, фақат Совет мамлакатини ҳимоя қилишгагина қаратилган эмас... у барча мамлакатлар ишчиларининг ҳаётини, барча мазлумлар ва эксплуатация қилинаётганлар ҳаётини ҳам ҳимоя қилмоқда, бу ҳимоя кичик миллатларнинг миллий мустақиллигини ҳимоя қилишни билдиради, у инсониятнинг ҳаётий манфаатларига хизмат этади, у маданиятни ҳарбий ёвузликдан ҳимоя қилади».

VII конгресс ўз қарорлари билан компартияларга ўз миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз вазифаларини белгилаб олишда кўпроқ мустақиллик берди.

КИИК нинг Бош секретари қилиб халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Георгий Димитров сайланди.

**Коминтерн иккинчи жаҳон уруши арафасида.** Воқеаларнинг бундан кейинги ривожланиб бориши Коминтерннинг VII конгрессида халқаро вазият тўғрисида қилинган илмий анализнинг тўғричилигини тасдиқлади. Франция, Испания ва бошқа мамлакатларнинг коммунистлари конгресс хулосаларини ижодий тарзда татбиқ этиб, фашизмга ва миллий мустақилликнинг хавф остида қолишига қарши ягона фронт вужудга келтириш учун курашда

СССР ВА АСОСИЙ НАПИТАЛИСТИК МАМЛАНАТЛАР  
 САНОАТ МАҲСУЛОТИНИНГ ҶСИШ СУРЪАТЛАРИ  
 (1913 йилга нисбатан процент ҳисобида)



анча катта ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Хитойда Японияга қарши ягона фронт вужудга келди.

Коминтерн йўли Эфиопия, Испания, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг халқларига нисбатан қилган империалистик агрессияга қарши курашда ўзининг ёркин ифодасини топди.

Коминтерннинг ҳамда компартияларнинг барча революцион ва демократик кучларини жипслаштириш учун олиб борган кураши халқро ишчилар синфини фашизм ҳамда милитаризмга қарши хал қилувчи жангга тайёрлашда муҳим роль ўйнади. Ягона ишчилар fronti ва Халқ fronti тактикаси иккинчи жаҳон уруши йилларида жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

#### Х У Ж Ж А Т

**Фашизмга қарши ишчилар синфининг ягона fronti ва Халқ fronti вужудга келтириш тўғрисида**

*(Г. Димитровнинг 1935 йил 2 августда Коммунистик Интернационалнинг VII Жаҳон конгрессида қилган докладидан.)*

Биз меҳнаткашлар оммасининг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳар хил оқимдаги ишчи ташкилотларининг биргаликда ҳаракат қилиши ёрдамида кенг кўламда ягона фронт барпо этилишига эришмоғимиз лозим.

Бунинг маъноси шуки:

биринчидан, кризис оқибатларини ҳақиқатан ҳам ҳукмрон синфлар гарданига, капиталистлар, помешчиклар гарданига, хуллас, бойлар гарданига ағдармоқ учун биргаликда кураш олиб бориш лозим;

иккинчидан, фашизм ҳужумининг барча формаларига қарши, буржуа-демократик эркинликларнинг тугатилишига қарши, меҳнаткашларнинг қўлга киритган ғалабалари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун биргаликда кураш олиб бориш лозим;

учинчидан, яқинлашиб келаётган империалистик уруш хавфига қарши биргаликда шундай кураш олиб бориш лозимки, бу кураш урушга тайёргарликни қийинлаштириб қўйсин.

Меҳнаткашлар оммасини фашизмга қарши курашга сафарбар этиш ишида *ягона пролетар fronti негизда фашизмга қарши кенг Халқ fronti* вужудга келтириш, айниқса муҳим вазифа ҳисобланади. Пролетариат олиб борадиган бутун курашнинг муваффақияти пролетариатнинг меҳнаткаш деҳқонлар билан ва шаҳар майда буржуазияси асосий оммаси билан жанговар иттифоқ ўрнатиш билан маҳкам боғлангандир, улар эса, ҳатто саноят жиҳатидан тараққий этган мамлакатларда ҳам аҳолининг кўпчилигини ташкил этади... (Димитров Г. Танланган асарлар. 399, 402-бетлар.)

#### Савол ва топшириқлар

1. Компартиялар большевиклашувининг моҳияти нимадан иборат? 2. Коминтерннинг VII конгресси фашизмга қарши курашда қандай сиёсий йўлни ишлаб чиққанлигини аниқланг. 3. Демократик эркинликларни ҳимоя қилиш социализм учун курашда қандай аҳамиятга эга? 4. Коминтерннинг VII конгресси ягона



ишчилар фронтини вужудга келтириш учун қандай тактикани тавсия этди? (Жавоб бериш учун параграф тексти ва ҳужжат жалб қилинади). 5. Фашизмга қарши Халқ fronti ягона ишчилар фронтдан нима билан фарқ қилади? 6. Лениннинг «Омма орасига!» деган шиори билан (6-§ га қаранг) Коминтерннинг VII конгресси қарорлари ўртасидаги боғланишни аниқланг\*. 7. Большевикларнинг биринчи жаҳон уруши йилларидаги тактикаси билан Коминтерн VII конгрессининг харбий хавфига қарши кураши масаласи юзасидан қабул қилган қарорлари ўртасидаги умумийликни аниқланг.

## **18-§. Икки уруш ўчоғининг ташкил топиши. 30-йиллардаги халқаро муносабатлар**

Версаль системаси вужудга келтирган империалистик зиддиятларнинг моҳиятини эсга олинг (7-§ га қаранг).

**Империалистик давлатлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескийлашуви.** 1929—1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий кризисининг энг муҳим оқибатларидан бири империалистлараро зиддиятларнинг кескинлашуви бўлди. Биринчи жаҳон урушидан кейин ғолиб давлатлар вужудга келтирган жаҳоннинг тузилиш системасида чуқур ўпирилишлар вужудга келди. Енгилган мамлакатлар реванш олишга ва ўз рақобатчиларидан устун келишга интилардилар. Капиталистик дунё давлатлари ўртасидаги муносабатлар хаамиша, энг аввало, кучли давлатнинг заиф давлатни бостиришига, зўравонлик ва ўзбошимчаликнинг ҳукмрон бўлиши асосига қурилган эди. Зиддиятлар кескинлашувининг манбаи империалистик давлатлар иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг бир текисда эмаслигининг кучайишидан иборат эди.

30-йилларнинг бошларида, бир томондан, Германия, Италия, Япония ўртасида, иккинчи томондан, Буюк Британия, Франция, АҚШ ўртасида зиддиятлар сезиларли равишда кучайиб кетди. Агрессия фашист давлатлари ташки сиёсатининг асоси бўлиб қолди. Бу давлатлар биринчи социализм мамлакати — СССР ни йўқ қилишга, шунингдек, дунёни ўз империалистик ракибларини тор-мор келтириш йўли билан ҳам бўлиб олишга интилар эдилар. Агрессорлар янги жаҳон урушига тайёргарлик кўриш ва уни бошлашни асосий вазифа деб билиб, ер шарида ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилардилар. Буюк Британия, Франция ва АҚШнинг ҳукмрон доиралари фашист агрессорларини СССР га ҳужум қилишга ундашар, бунда хар иккала томоннинг урушда ҳолдан тойишига ва урушдан кейин дунёда ўз мавкеларини кучайтиришга умид қилардилар.

Империалистлараро зиддиятларнинг кескинлашуви антисовет фитнаси бўлиши мумкинлигини асло истисно қилмасди. Антисовет мунизм заминида айни вақтда фашист давлатларининг агрессив ташки сиёсий йўли ва агрессияни рағбатлантириш сиёсати ўтказиб келинди, бу йўлга халқларнинг манфаатларига зид ўларок, 30-йилларда Буюк Британия, Франция ва АҚШ зўр бериб амал қилиб келдилар.

**Узоқ Шарқда уруш ўчоғининг ташкил топиши.** Дунёни янгидан бўлиб олиш учун қуроли курашни биринчи бўлиб

Япония бошлаб берди, у Хитойда ва Тинч океан хавзасида ўзининг мустақкам ҳукмронлигини ўрнатишга бўлган интилишида АҚШ билан рақобат киларди. 1931 йилнинг сентябрида япон кўшинлари ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юбориб, уч ой ичида Маньчжурияни эгаллаб олдилар. Хитойнинг гоминьданчи ҳукумати агрессорга қаршилик кўрсатмади. Гарчи Япониянинг Шимоли-Шарқий Хитой ичкарасига бостириб кириши империалистик давлатларнинг манфаатларини чеклаб қўйса ҳам, АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари агрессияга қаршилик кўрсатишдан ўзларини тийиб турдилар. Улар Япониянинг тезда СССРга хужум қилишини кутардилар. Бундан ташқари, улар япон кўшинларининг кучи билан хитой халқининг миллий озодлик ҳаракатини бостиришга умид килардилар.

Япония Маньчжурияни босиб олгач, забт этилган территорияда Маньчжоу-Го деган кўғирчок давлат ташкил этди. Фақат 1933 йилнинг февралда узок тўсқинликлардан кейин Миллатлар Иттифоки резолюция қабул қилади, унда Маньчжуриянинг босиб олинганлиги қораланган ва уни Хитойга қайтариб бериш талаб қилинган эди. Бу тадбирга жавоб — Япониянинг 1933 йил мартда Миллатлар Иттифокидан чиқиши ва янги босқинчиликларга тайерланиши бўлди. Шу билан бирга япон милитаристлари босиб олган территориялар методик жиҳатдан ва планли равишда СССР ва Хитойга қарши уруш олиб бориш учун плацдармга айлантирилди. Узок Шарқда уруш ўчоғи вужудга келганлиги муносабати билан Совет Иттифоки ўз мудофаасини мустақамлаш ва Хитой халқига ёрдам кўрсатиш чораларини кўрди.

**Гитлерчилар Германияси — урушнинг асосий ўчоғи.** *Нацистлар ҳокимият тепасига келгандан кейин Германия янги жаҳон урушининг асосий ўчоғига айланди.* Гитлер фашизми Европани асоратга солишни ўзининг биринчи даражали вазифаси қилиб қўйиб, жаҳонга ҳукмрон бўлишга интиларди. Гитлерчиларнинг планлари шарқда «Хаёт маконини» қўлга киритишни, яъни Европани «большевизм хавфидан» халос қилиш тўғрисидаги сохта шиор остида Совет давлатини йўқ қилиш мақсадида СССР га қарши ҳарбий юриш ташкил этишни назарда тутарди.

Немис фашистларининг ниятлари АҚШ, Буюк Британия ва Франциянинг реакцион доиралари томонидан хайрихоҳлик билан кутиб олинди, улар Германиядан СССР га, Европадаги ишчилар ва демократик ҳаракатларга қарши курашиш учун империализмнинг зарбдор кучи сифатида фойдаланишга умид қилган эдилар.

Америка ва инглиз молия-саноат магнатларининг немис монополиялари билан кўп йиллик алоқалари Германияни «тинчлантириш» сиёсатининг иктисодий асоси бўлиб хизмат қилди. Гитлерчилар ўз навбатида антисовет фитнаси заминида ғарбий давлатлардан бирмунча ён беришларга эга бўлиш чораларини кўрдилар. Аввало улар Версаль шартномасининг ҳарбий моддаларини қайта кўриб чиқишга интидилар.

1933 йилнинг октябрида Германия Миллатлар Иттифокидан намойишқорона чикди, бу қадами билан ўзининг куролланиш

пойгаси ва агрессия учун имконият яратди. 15 йил давомида Миллатлар Иттифоки қўл остида турган Саар областидаги плебисцит шунга олиб келдики, 1935 йил 1 мартда Саар Германияга ўтиб колди, Германия кўмир шахталари учун Францияга Товон тўлади. Бу ҳол агрессорнинг саноат базасини сезиларли равишда кучайтирди.

Гитлер Версаль шартномасининг ҳарбий моддаларини бир томонлама бузиб, 1935 йилнинг мартида умумий ҳарбий мажбурият жорий қилди. Германия кучли армия ва авиация вужудга келтиришга киришди. Герман милитаризмининг тикланишига ғарбий давлатларнинг ҳукуматлари ёрдам бердилар. Инглиз-герман денгиз шартномаси немисларга ҳарбий-денгиз флотининг тоннажини кўпайтириш ва сув ости кемалари қурилишига йўл очиб берди, бу ҳол амалда Версаль битимларини икки томонлама қайта кўриб чиқишни билдирар эди.

1936 йилнинг мартида Европа Рейн демилитаризация қилинган зонасининг герман қўшинлари томонидан эгаллаб олиниши факти олдида бўлиб колди. Гитлер таваккалига ҳаракат қилди, у Франциянинг хавфсизлигига хатарли бўлган бу кадам унинг томонидан қуролли қаршилиқ келтириб чиқариши мумкинлигини тушунар эди, бунинг устига кучлар нисбати Германия фойдасига эмасди (у 36 дивизияга, Франция билан Чехословакия 55 дивизияга эга эди). Бирок француз ҳукумати сустқашлик қилди, бу билан Гитлернинг янги уруш тайёрлашини рағбатлантриди. Версаль тинч шартномалар системаси мағлубиятга учради.

**СССР нинг тинчлик ва коллектив хавфсизлик учун кураши.** Совет Иттифоки фашист агрессорларни жиловлаш, уруш йўлини тўсиб қўйиш ва тинчликни сақлаш учун зўр куч-ғайрат сарфлаган бирдан-бир давлат бўлди. Бунга, аввало, Советлар мамлакати иктисодий ва муҳофаа қудратининг мустақкамланиши ёрдам берди. СССР нинг кўпгина чет эл мамлакатларида кенг халқ оммасининг хайрихоҳлигига сабаб бўлган изчил тинчлик-севар ташки сийсати Совет Иттифокига қарши уруш бошлашдан иборат империалистик планларни барбод қилди. (СССР тарихи дарслигига қаранг 339—341-бетлар.)

СССР қуролсизланиш учун курашга катта аҳамият берди. Совет Иттифоки қуролсизланиш бўйича халқаро конференция ишида қатнашиб, ялли ва тўла қуролсизланиш принципини амалга оширишни таклиф этди. Бирок, империалистик давлатлар совет таклифини рад қилдилар. Улар қисман қуролсизланиш тўғрисидаги СССР лойиҳасини ҳам қўллаб-қувватламадилар.

Совет Иттифоқининг 1934 йил сентябрда 30 давлат таклифи билан Миллатлар Иттифокига кириши СССР нинг халқаро обрусӣ ортанлигининг яққол далили бўлди. (СССР тарихи дарслигига қаранг, 341-бет.)

*Европада коллектив хавфсизлик системасини ташкил этиш тўғрисида Совет Иттифоки илгари сурган ғоя катта оммавийлик касб этди, у барча манфаатдор Европа давлатларининг коллектив куч-ғайратлари билан агрессиядан ўзаро химоя қилиш тўғрисида*

шартнома тузилишини назарда тутар эди. Совет тинчлик сиёсати империалистлараро зиддиятларни ҳам хисобга олган эди. У урушни бартараф этиш учун курашда турли сиёсий кучларнинг бирлашувидан иборат объектив имкониятга суянади. Германия томонидан уруш хавфининг ортиб боришидан ташвишга тушган, анча узокни кўрувчи француз сиёсатдонлари СССР нинг таклифини кўллаб-қувватладилар. Бирок реакция кучларнинг найранглари оқибатида шартнома тузиш барбод бўлди.

СССР нинг ташаббуси билан 1935 йилнинг май ойида агрессияга қарши ўзаро ёрдам бериш тўғрисида Совет-Франция ва Совет-Чехословакия аҳдномалари имзоланди. Бу аҳдномалар, томонлардан бирига хужум бўлган тақдирда бир-бирларига дарҳол ёрдам кўрсатиш ва кўллаб-қувватлашни назарда тутар эди. Чехословакия ҳукуматининг қаттиқ талаби билан Совет-Чехословакия аҳдномасига шундай қўшимча, яъни агар агрессия қурбонига Франция ҳам ёрдам кўрсатган тақдирдагина ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги мажбурият кучга киради, деган қўшимча киритилди. Бу ҳол шартноманинг таъсирчанлигини заифлаштирар эди.

СССР билан шартномага халқ оммасининг тазйиқи билан имзо қўйган Франция ва Чехословакия ҳукуматлари носамимий ҳаракат қилдилар. Франция ташқи ишлар министри Лаваль Германия билан тил бириктиришга интилиб, гитлерчиларга шунини маълум қилдики, у гитлерчилар билан шартнома тузиш учун Совет Иттифоқи билан тузилган аҳдан воз кечишга тайёрдир.

Совет Иттифоқининг Франция ва Чехословакия билан тузган шартномалари Европада коллектив хавфсизлик системасининг асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Бирок, ғарб давлатларининг ҳукмрон доиралари уни тузишни истамадилар. Шунга қарамадан ўзаро ёрдам тўғрисидаги икки томонлама аҳдларнинг тузилганлиги Европада тинчликни сақлаш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

**Фашистлар Италиясининг Эфиопияни босиб олиши.** Дунёни бўлиб олиш «кичик урушлар»дан бошланди. Германия ва Япония билан бирга фашистлар Италияси ҳам агрессив сиёсат ўтказди, у Африкада ва Ўрта ер денгизи хавзасида жуда кенг мустамилака империяси тузишга қаратилган йўл тутди. Италиялик фашистлар Эфиопияни (Ҳабашистонни) босиб олишни яқин орадаги мақсадлари қилиб қўйдилар. Эфиопия улкан хом ашё бойликлари ва муҳим стратегик мавқега эга эди. У ўзининг миллий саноати ва муҳим стратегик мавқега эга эди. У ўзининг миллий саноати ва муҳим стратегик мавқега эга эди. У ўзининг миллий саноати ва муҳим стратегик мавқега эга эди. У ўзининг миллий саноати ва муҳим стратегик мавқега эга эди. У ўзининг миллий саноати ва муҳим стратегик мавқега эга эди.

1935 йилнинг октябрида яхши қуроолланган итальян армияси Эфиопияга бостириб кирди. Эфиопиялик аскарларнинг кўплари фақат чакмоқтош милтиқлар ва найза билан қуроолланган эди, ҳолбуки итальян қўшинлари юзлаб тўпларга, танклар ва самолётларга эга эди. Лекин босқинчилар ўз мустақиллиги учун адолатли курашга отланган эфиопия халқининг шиддатли қаршиликига дуч келдилар.

Фашист агрессорлари эфиопия жангчилари ва тинч аҳолидан қаттиқ ўч олдилар, шаҳар ва кишлоқларни ёндирдилар ҳамда



35- расм. Англия ишчилари Италия фашистларининг Эфиопияга хужум қилганига қарши ўтказилган намоишда. Лондон. 1935.

вайрон қилдилар. Ҳимоясиз аҳолига нисбатан заҳарловчи моддалар ишлатилди. 1936 йил май ойида италян қўшинлари мамлакат пойтахти Аддис-Абебани ишғол қилдилар. Эфиопия Италиянинг мустамлақаси деб эълон қилинди. Бироқ оккупация шаронтида партизанлар ҳаракати тўхтамади.

Эфиопияга қарши қуролли агрессия гарб давлатларининг йўл қўйиб бериши натижасида мумкин бўлди. Масалан, Франция ҳукумати Италия билан бевосита битимга киришди. Франциянинг таъсири кучли бўлган Экваториал Африкада агрессив ҳаракатлар қилишдан воз кечгани учун Муссолини Эфиопияда эркин иш қўриш имконига эга бўлди.

Халқаро жамоатчилик тазйинки остида Миллатлар Иттифоқи Италияни агрессор деб эълон қилишга ва у билан савдо-сотик қилишда баъзи бир чеклашлар жорий этишга мажбур бўлди. Лекин, бу чоралар аҳволни ўзгартирмади, чунки Италия санкцияларда қатнашмайдиган мамлакатлар билан, масалан, АКШ билан савдо-сотикни қўпайтирди.

Ҳақат Совет Иттифоқиғина Эфиопия халқини ҳимоя қилиб чиқди. СССР ҳукумати Миллатлар Иттифоқи Италияга қарши коллектив санкциялар қўлланилишига, шу жумладан нефть етказиб беришнинг тўхтатилишига ва Италия кемалари учун Сувайш каналининг ёпиб қўйилишига эришишга интилди. Бироқ, агрессорни жиловлаш учун курашда Совет Иттифоқи ёлғиз бўлиб қолди.

**Испанияда Италия-Германия интервенцияси.** Испания ишларига «аралашмаслик» сиёсати. *Испанияда Италия-Германия*

интервенцияси иккинчи жаҳон урушининг бошланғи йўлидаги янги босқич бўлди. Фитна уюштиришда Франкога ёрдам берган Германия билан Италия испан революциясининг янада ривожланишини барбод қилишни, республикани тор-мор келтириш ва Испанияда фашистлар режимини ўрнатишни, бу билан Европада ва бутун дунёда ижтимоий тараққиёт кучларини заифлаштиришни истар эди (13-§ га қarang).

Европадаги бир қанча давлатлар Испания ишларига аралашмаслик тўғрисида халқаро шартнома тузишгандан кейин Лондонда аралашмаслик Комитети ташкил этилди, унга назорат қилиш функциялари берилмаган эди. Агарда қатнашувчи барча давлатлар тузилган шартномага қатъий амал қилганларида исёнчиларнинг тақдирини қисқа муддат ичида хал қилинган бўларди. Бирок Германия, Италия ва Португалия бу битимни никоб қилиб олиб, Буюк Британия, Франция ва АҚШ нинг бутунлай йўл қўйиб бериши туфайли Испаниянинг ишларига кенг аралашини амалга оширдилар. Испания агрессор давлатларни турли-туман хом ашё ва озик-овқат билан таъминлашнинг муҳим манбаи бўлиб қолди. Бундан ташқари, вермахт Испания территориясини ўз авиацияси ва танклари учун, жанговар тажриба ҳосил қилиш ва ҳарбий стратегияни такомиллаштириш учун полигон сифатида фойдаланди.

Италия-Германия интервенцияси Буюк Британия ва Франциянинг миллий манфаатларини камситарди. Германия билан Италия Пиреней ярим оролини фарб давлатларига қарши уруш олиб бориш учун қудай ҳарбий-стратегик плацдарм деб қарар эдилар. Испаниянинг фашист давлатларининг иттифоқчисига айлан-тирилиши Англия ва Францияни уларнинг мустамлака ерлари билан боғловчи денгиз коммуникацияларига бевосита хавф-хатар соларди. Ҳар икки давлатнинг ҳарбий-денгиз базалари учун ҳам муайян хавф вужудга келарди. Испанияда республикачилар мағлубиятга учрайдиган бўлса, Франция айниқса оғир оқибатларни бошидан кечириши мумкин эди, чунки у фашист давлатлар қуршо-вида бўлиб қоларди.

Лекин инглиз ва француз империалистларининг сиёсатида антикоммунизм устунлик қиларди. Англия билан Франциянинг реакцион доиралари республикачилар Испаниясининг муваффақиятлари Ҳарбий Европада революцион-демократик ҳаракатнинг юксалишига ва капитализм негизларининг заифлашиб қолишига ёрдам беради, деб чўчирдилар. Фарб давлатларининг энг йирик монополиялари, Германия саноат концернлари сингари, Испанияда кўп капитал маблағга эга бўлиб, Франконинг ғалаба қозонишидан манфаатдор эдилар.

1938 йилда аралашмаслик Комитети барча ажнабий кўнгиллиларни Испаниядан олиб чиқиб кетиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бирок бу қарор фақат интернационал бригадаларгагина тааллуқли бўлиб, «кўнгиллилар» никоби остида франкочи исёнчиларга ёрдамга келган Италия-Германия ҳарбий қисмларига сира дахлдор эмасди. Англия ва Франция ҳукуматлари томонидан

исёнци генерал Франконинг расмий тан олиниши Испания республикасига унинг орқасидан туриб ўлим зарбаси берган фитначиларнинг чиқишлари учун сигнал бўлиб хизмат қилди. Улар Мадридни фашистларга топширдилар.

СССР ҳукумати аралашмаслик тўғрисидаги битимга қўшилди, бу битимга барча катнашчиларнинг сўзсиз амал қилиши интервентлар учун тўсиқлар яратади, деб ўйлади. Лекин аралашмаслик бўйича Лондон комитети битимнинг кўпчилиги томонидан бузилишига қарши турнишга ноқобил бўлиб чиқди. Шунинг учун ҳам Совет ҳукумати 1936 йил октябрдаёқ у аралашмаслик тўғрисидаги битимга имзо чеккан ҳар қандай бошқа ҳукуматга нисбатан ўзини бу ҳужжат билан кўпроқ боғлиқ, деб ҳисоблай олмаслигини расмий равишда баён қилди.

СССР испан халқининг фашизмга қарши қаҳрамонона курашида уни қўллаб-қувватлади. Испан халқини ҳимоя қилиш барча тинчликсевар кучларни Советлар Мамлақати теварагига бирлаштирди, уларни ўсиб бораётган уруш хавфига қарши актив ҳаракатларга илҳомлантирди. Лекин республикани камал қилишнинг кучайиши Испанияга самарали ёрдам кўрсатишни тобора қийинлаштириб қўяётган эди.

**Берлин — Рим — Токио** агрессив блокнинг ташкил топиши. Испанияга интервенция қилиш вақтида Германия ва Италиянинг ҳарбий-сиёсий ҳамкорлиги фашист давлатлари блокнинг ташкил этилишини тезлаштирди. 1936 йил октябрда халқаро сиёсатнинг асосий масалаларида биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисидаги ва Марказий ҳамда Жануби-Шарқий Европадаги таъсир чегараларини белгилаш тўғрисидаги Германия — Италия шартномаси имзоланди. Айни бир вақтда Германия ва Япониянинг, шунингдек агрессив планларни амалга ошириш учун ҳамкорлик қилишидан манфаатдор бўлган бошқа давлатларнинг бир-бирига яқинлашуви содир бўлди. **1936 йил ноябрда** Германия ва Япония «Коминтернга қарши аҳднома» деб аталган аҳднома туздилар, унга бир йилдан кейин Италия ҳам қўшилди. Фашист давлатлар бир-бирларини Коминтерннинг фаолиятдан хабардор қилиш ва «халқаро коммунизм»га қарши биргаликда курашиш мажбуриятини олдилар. Бу аҳдноманинг яширин моддалари Совет Иттифокига қарши кураш чораларини назарда тутган эди.

Ҳақиқатда эса фашистик-милитаристик коалиция Германия, Италия ва Япония монополиялари манфаатларини кўзлаб дунёни бўлиб олиш учун урушни тайёрлаш ва бошлаш мақсадига вужудга келган эди. Блокнинг тиғи фақат СССРга қарши эмас, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия ва Францияга ҳам қарши қаратилган эди. Фашистлар коалициясида Гитлер Германияси асосий роль ўйнади.

«Коминтернга қарши аҳднома» тузилгандан кейин фашист давлатларининг агрессивлиги тагин ҳам кўпроқ ортди. **1937 йилнинг июль — августида** Япония Шимолий ва Марказий Хитойга бостириб кирди ҳамда мамлакат ичкарисига кенг ҳужум қилишни бошлади. Япониянинг ҳаракатлари Америка ва инглиз имперна-

лизмининг Хитойдаги манфаатларига хавф солаётган эди. Бирок АҚШ ва Англия ҳукуматлари агрессияга йўл қўйиб бериш йўлини тутдилар ва Узок Шарқда тинчликни кайта тиклаш учун ҳеч қандай чора кўрмадилар. Вашингтон билан Лондон тез орада Япония Совет Иттифокига хужум қилади деб умид қилгандилар. Масалан, АҚШ монополиялари япон милитаристларига кўп микдорда металл, станоклар, нефть маҳсулотлари ва бошқа стратегик материаллар етказиб бердилар. Марказий Хитойнинг муҳим районларини Япония босиб олганлиги япон империализмининг мавқеини кучайтирди ва империалистлараро зиддиятларни янада кескинлаштирди.

**Австриянинг фашистлар Германияси томонидан босиб олиниши.** Фашист давлатлари Европада ҳам янги-янги агрессив ҳаракатларини амалга оширдилар. Булардан биринчиси Австриянинг Германияга «қўшиб олиниши» (аншлюс) бўлди, у немислар истикомат қиладиган барча ерларни бирлаштириш шиори остида ўтказилди. Аввало бундай қилишга қарор беришдан олдин Гитлер Британия ҳукуматининг кўмагига таянди, бу ҳукумат тепасида германияни «тинчитиш» тарафдори бўлган Н. Чемберлен турарди.

Германияни «Ғарбнинг большевизмга қарши қўрғони» деб ҳисобловчи Англия ҳукмрон доиралари унинг Марказий ва Шарқий Европада эркин ҳаракат қилишига имкон бердилар.

**1938 йилнинг мартада немис-фашист кўшинлари** ҳеч қандай қаршиликка учрамасдан **Австрияга** кирдилар. Австрия мустақил давлат сифатида яшайдан тўхтади ва герман «рейхи» составига кирди. Буюк Британия, Франция ва АҚШ ҳукуматлари ўзларини мустақил Австриянинг дунё картасидан йўқ бўлганлигини сезмагандек қилиб кўрсатдилар.

Совет Иттифоки Германиянинг агрессив ҳаракатларини қатъиян қоралади ва агрессия хавф солаётган мамлакатларни коллектив бўлиб химоя қилишни ташкил этиш учун халқаро конференция чақиришни таклиф этди. Бирок Гитлер билан тил бириктириш йўлига ўтган ғарбий давлатлар бу гал ҳам СССР нинг таклифини рад қилдилар.

**Мюнхен битими.** Чехословакиянинг гитлерчилар Германияси томонидан босиб олиниши. Агрессиянинг жазосиз қолаётганлиги Германияни янги босқинчиликларга рағбатлантиради. Гитлерчиларнинг нигоҳи энди Чехословакияга қаратилди, у Европа марказида стратегик жиҳатдан қулай вазиятни эгаллар ва ривожланган саноатга эга эди. Мамлакатни босиб олишга баҳона Германиянинг Чехословакияга Судет области устидан суверенитетдан воз кечиш ҳақидаги талаби бўлди. Судет области Чехословакиянинг ажралмас қисми бўлиб, унинг территориясида миллий озчиликни ташкил этувчи немислар яшарди.

1938 йилнинг баҳорида вужудга келган жиддий шароитда Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари, биз Чехословакия туфайли жанг қилмаймиз дедилар ва ундан Гитлерга ён беришни талаб қилдилар. АҚШ инглиз-француз дипломатиясининг таклифларини қўллаб-қувватлади.



Чехословакиянинг халқ оммаси Германиянинг даъволарига катъиян зарба беришни ёқлаб чикди ва ҳукумати бир қатор мудофаа чоралари кўришга мажбур этди. Совет Иттифоқи Чехословакиянинг мустақиллигини ва Европада тинчликни ҳимоя қилиб чикди. У Чехословакия ҳукуматига ёзма равишда шу нарсани маълум қилдики, СССР агрессияни бартараф этиш мақсадида, Совет-Чехословакия шартномасида кўзда тутилган чораларни орттиришга ва агар Чехословакия томонидан илтимос қилинса, унга Франциясиз бир томонлама ёрдам беришга тайёрдир, деди. Айни бир вақтда Совет ҳукумати Ғарбий чегарага 30 ўқчи, 10 отлик аскарлар дивизияларини, танк корпусини, 7 танк ва 12 авиация бригадаларини, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қисмларини келтириб қўйишга қарор қилди. Орадан кўп ўтмай яна 30 ўқчи ва 6 отлик аскарлар дивизиялари, 2 танк корпуси, шунингдек бошқа қўшилмалар ва қисмлар жанговар тайёр ҳолатга келтирилди.

Халқнинг кенг ватанпарварлик кайфиятларига қарамасдан, Чехословакиянинг буржуа ҳукумати мамлакат ўз мустақиллиги учун курашда Совет Иттифоқига таяниши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмади. Буюк Британия билан Франция Чехословакиядан Германия шартларини қабул қилишни ва Совет Иттифоқи билан тузилган шартномадан воз кечишни талаб қилиб, кистовни кучайтирдилар. Ғарб давлатлари СССРнинг ёрдами гитлерчилар Германиясининг Чехословакияни босиб олишини барбод қилиши мумкин, деб ташвиш тортаётган эдилар. Шу сабабли улар Чехословакия ҳисобига антисовет битишувини тайёрлашни тезлаштирдилар, бу битишувни «тинчликни сақлаб қолиш» деб тақдим этишга уриндилар.

1938 йил 29—30 сентябрда Мюнхенда Чемберлен, Даладье, Гитлер ва Муссолини иштирокида конференция бўлиб ўтди. Буюк Британия ва Франциянинг фашист давлатлари билан тил бириктериши Чехословакияни қисмларга бўлиб ташлаш тўғрисидаги ғайри қонуний битимни имзолаш билан мустаҳкамланди. Судет области ва мамлакатнинг бошқа районлари (булар Чехословакия территорияси ва аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этарди) гитлерчилар Германияси, буржуа-помешчиклар Польшаси ва венгер хортистлар давлатига берилди. Чехословакия ҳукумати қаршилик кўрсатмай кистовга ён берди ҳолбуки 47 герман дивизиясига мамлакатда умумий сафарбарлик ўтказилгандан кейин 45 яхши қуроланган ва таълим кўрган дивизиялар қарши турарди. Чехословакия ҳукмдорлари Мюнхен битимини қабул қилиб, миллий сотқинлик йўлига ўтдилар.

Британия ва Франциянинг ҳукмрон доиралари Чехословакияни бўлиб ташлар эканлар, Гитлер Ғарбий Европадаги агрессиядан бош тортганлиги учун етарли товон олди ва энди ўзининг ғайратини СССРга қарши қаратади, деб умид қилган эдилар. Бирок империалист стратеглар ҳисобда янглишдилар. Фашист агрессорларни рағбатлантириш ва уларни Совет Иттифоқига қарши гиж-гижлаш сиёсати ўз чўққисига етганлигини англатувчи Мюнхен битими гитлерчиларнинг иштаҳасини қарнай қилиб юборди.

**1939 йилнинг мартада Германия Чехословакиянинг қолган қисмини босиб олди. Чехия билан Моравия Германиянинг «протекторати» бўлиб қолди, «мустақил» Словакияда эса кўғирчок фашист ҳукумати тузилди.**

Шармандали Мюнхен битими иккинчи жаҳон урушини бошлаш йўлида ҳал қилувчи воқеа бўлиб қолди. Буюк Британия, Франция ва АҚШ томонидан ўтказилган антисовет йўли, нацистлар Германияси ва унинг иттифокчиларининг даъволарига доимий ён бериш сиёсати оқибат натижада агрессорлар блокига биргаликда қарши туришга қодир бўлган давлатларнинг ягона фронтини вужудга келтиришни мумкин бўлмайдиган нарсага айлантирди.

#### **Савол ва топшириқлар.**

1. Урушнинг икки ўчоғи пайдо бўлганлиги халқаро вазиятга қандай таъсир кўрсатди? 2. Фашистлар Италияси қандай қилиб ва нима учун Эфиопияни босиб олишга муваффақ бўлди? 3. Германия билан Италия Испанияда ҳарбий интервенция ташкил этиб, қандай мақсадларни кўзлаганлигини айтиб беринг. 4. Агрессив блок ташкил этган фашист давлатларининг муддаоларини аниқлаб чиқинг. 5. Мюнхен битимининг моҳияти нимадан иборат, унинг оқибатлари қандай бўлди? 6. Нима учун Буюк Британия, Франция ва АҚШ ҳукуматлари фашистлар агрессиясини рағбатлантириш сиёсатини ўтказдилар? 7. СССР нинг Европада тинчлик, коллектив ҳафсизлик учун ва агрессияга дучор бўлган мамлакатларни ҳимоя қилиш учун курашга қўшган ҳиссасига баҳо беринг.

#### **1 ВА 2- БОБЛАРГА ДОИР ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР**

1. Капитализмнинг умумий қирзисига таъриф беринг ва унинг 1917—1923 йилларда намоён бўлишини тавсифланг.

2. Қандай фактлар 1924—1939 йилларда капитализм умумий қирзисининг чуқурлашганидан далолат беради?

3. Совет Иттифоқи ва капиталистик мамлакатларнинг 1924—1939 йиллардаги социал-иқтисодий ривожланишини таққосланг ва ҳулосалар чиқаринг.

4. АҚШ ва Германия монополистик буржуазияси жаҳон иқтисодий қирзисини йилларида кескинлашиб кетган зиддиятларни қандай ҳал этишга интилди?

5. Фашизмнинг синфий моҳиятига таъриф беринг. Фашизм нима учун Германияда ҳокимият тепасига келди, Францияда эса мағлубиятга учради?

6. Турли мамлакатларнинг компартиялари Халқ fronti учун қандай курашдилар?

7. 1918—1939 йилларда социал-демократия ўнг раҳбарлари сиёсатининг зиддиятли эканлиги нималардан иборат эди?

8. Халқаро пролетариатнинг революцион кучларини мустаҳкамлаш учун Коминтерн VII конгресси қарорларининг аҳамиятини белгилаб беринг.

9. 1924—1939 йилларда мустамлакачилик системасининг қирзиси чуқурлашганлигини исботлаб беринг.

10. Версаль системаси доирасида вужудга келган ва ривожланган империалистик зиддиятларни белгилаб чиқинг.

11. Нима учун 30-йилларда урушга қарши ягона фронтни ташкил этишга муваффақ бўлинмади?

## ЛУҒАТ

**Авантюра** — реал вазиятни ҳисобга олмай қилинадиган, одатда, барбод бўлиб, мағлубиятга учрайдиган қалтис ва хавфли ҳаракат. Гитлерчилар Германиясининг иккинчи жаҳон урушини бошлаб юбориши сиёсий авантюризмга мисолдир.

**Автократик режим** — идора қилиш формаси бўлиб, унда бутун давлат ҳокимияти бир кишининг қўлида марказлашади, бирор-бир чинакам ваколатли органлар бўлмайдди, давлатнинг ўзи эса марказлашган ҳарбий-бюрократик машинадан иборат бўлади. Автократик режим ўзининг барча формаларида халқнинг тўла ҳуқуқсизлигини, амалдорлар ва ҳарбийларнинг зўравонлигини билдиради.

**Агрессия** — бошқа давлатнинг территориясини босиб олиш, унинг мустақиллигини йўқ қилиш ёки чеклаб қўйиш, унинг ижтимоий тузумини мажбуран ўзгартириш мақсадда бир ёки бир неча империалистик давлатларнинг бошқа давлатга қуроли ҳужум қилиши. Агрессия энг оғир халқаро жиноятдир.

**Анархо-синдикализм** — ишчилар ҳаракатидаги майда буржуа оппортунистик оқими; бу оқим ишчилар синфининг сиёсий қураши ва мустақил сиёсий партиялари зарурлигини инкор этади. Анархо-синдикалистлар касаба союзларини (синдикатларни) — пролетариат ташкилотининг олий формаси деб, давлатни йўқ қилишга ва синдикатлар раҳбарлик қиладиган жамият барпо этишга олиб келадиган социал тўнтаришни — асосий мақсад деб, «бевоҳида ҳаракат» (саботаж, бойкот, умумий иқтисодий стачка) тактикасини — энг асосий қураш усули деб ҳисоблайдилар.

**Антикоммунизм** — империалистик буржуазиянинг коммунистик ҳаракат ва социалистик тузумга қарши, марксизм-ленинизмга қарши қаратилган идеологияси ва сиёсати. Антикоммунизм — империализмнинг асосий ғоявий-сиёсий қуроли.

**Антисоветизм** — реакция ташкилотлар, партиялар ҳамда ҳукуматларнинг Совет давлатига қарши сиёсати ва амалий ишлари. Антисоветизм — бу, СССРни заифлаштиришга, унинг халқаро таъсирини чеклаб қўйишга, жаҳон социализм системасининг ва халқаро революцион ҳаракатнинг бирлигига путур етказишга қаратилган сиёсий, иқтисодий, идеологик, ҳарбий ва бошқа хилдаги қурашдир.

**Ассамблея** — Миллатлар иттифоқининг асосий органларидан бири. Ассамблеяда Иттифок аъзолари бўлган барча давлатлар катнашар эди.

**Ҳарбий-саноат потенциали** — бирор-бир мамлакат (яширин имкониятлари) қудратининг даражаси; бу даража ўша мамлакатнинг уруш олиб бориш учун зарур бўлган одам кучлари ва моддий ресурслари йиғиндиси билан белгиланади.

**Демагогия** — сиёсий онги қолоқ бўлган халқ оmmasини қизиктириб йўлдан урадиган ҳар хил ёлғон-яшиқ ваъдалар, тилёғламаликлар билан алдаш усули.

**Демилитаризация зонаси** — эски ҳарбий истеҳкомларни сақлаб қолиш ва янгиларини қуриш, қўшин сақлаб туриш ман этилган территория. Демилитаризация зонасидаги тартибни халқаро шартнома белгилайди.

**Дискриминация** — ҳуқуқларни камситиш: 1) халқаро муносабатларда — бирорта давлатнинг ёки ўша давлат граждандарининг ҳуқуқларини, бошқа давлатлар ёки уларнинг граждандари фойдаланиб келаётган ҳуқуқларга қараганда, камситиш; 2) иркий дискриминация — империалистларнинг мустамлака ва қарам мамлакатлардаги туб ерли аҳолини эзиши; капиталистик мамлакатларда майда миллатларни эзиш; уларни элементар ҳуқуқлардан маҳрум қилиш.

**Догматизм** — догма, яъни ақидаларга асосланган қарашлар системаси; ўзгариб турадиган конкрет-тарихий шароитни ҳисобга олмай, ўзгармас, қотиб қолган формула ва қоидаларга таяниб фикр юритиш. Ишчилар ҳаракатида догматизм

марксизм-ленинизмнинг революцион мохиятидан воз кечишни билдиради, омадан ажралиб қолишга олиб боради.

**Ягона пролетар (ишчилар) fronti** — революцион ишчилар ҳаракатининг бевосита талаблари ва пиروвард мақсадлари учун курашда ишчилар синфининг бирлигига эришишга қаратилган сиёсий йўл. Турли партия, касаба союз, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари ва бошқа ишчи ташкилотларининг маҳаллий, миллий ёки халқаро миқёсдаги ҳаракатлари бирлигини назарда тутлади. Ягона фронтнинг энг изчил кучи — ишчилар синфининг революцион марксча-ленинча партияларидир. Ягона пролетар fronti тактикасини Қоминтерн В. И. Лениннинг йўл-йўриқлари асосида ишлаб чиққан.

**Ҳинд-мусулмонлар адовати** — ҳинд динига эътикод қилувчилар билан мусулмонлар ўртасида инглиз мустамлакачилари вужудга келтирган адоват. Империалистлар ва уларнинг агентлари Ҳиндистонда ўз ҳукмронликларини сақлаб қолиш мақсадида, бир диндаги меҳнаткашларни бошқа динга эътикод қилувчи меҳнаткашларга қарши гиж-гижлаб, қирғин-барот уюштирад эдилар.

**Чет элликлар легиони** → Франция ва Испаниядаги ёлланма ҳарбий қисмлар бўлиб, уларнинг вазифаси мустамлакалардаги халқларнинг миллий озодлик ҳаракатига қарши курашишдан ҳамда метрополиялардаги революцион ҳаракатни бос-тиришдан иборат эди. Улар, асосан, синфий киёфасини йўқотган жиноятчи унсуранлардан тузилар эди.

**Компаниячилик иттифоқлари** — АҚШ, Канада ва бошқа мамлакатларнинг корхона эгалари томонидан касаба союзларига тазйнк ўтказиш мақсадида тузилган ишчи ташкилотлари.

**Локаут** — ишчиларни қўйган талабларидан воз кечишга ва ёмон меҳнат шартини рози бўлишга мажбур этиш мақсадида капиталистларнинг ўз корхоналарини ёпиб қўйиши ва ишчиларни оммавий суратда ишдан бўшатиши. Локаут — буржуазиянинг ишчилар синфига қарши кураш формаларидан бири.

**Аралашмаслик** — ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий принципларидан бири: бу принцип ҳар қайси давлатга қандай формада бўлмасин (ҳарбий, иқтисодий, сиёсий формадами — очикдан-очик ёки бевоситаман) ҳар қандай бошқа давлатнинг ички ишларига аралашмаслик, унинг суверенитетини ҳурмат қилиш мажбуриятини юқлайди. Германия ва Италиянинг 1936—1939 йилларда Испанияга қилган интервенцияси аралашмаслик принципини қўпол суратда бузиш эди. Буюк Британия, Франция ва АҚШ аралашмаслик принципини бузиб, фашист давлатларнинг агрессив хатти-ҳаракатларига йўл қўйиб бердилар ва бу билан иккинчи жаҳон урушининг бошланиб кетишига қўмақлашдилар.

Ишчилар ҳаракатидаги **оппортунизм** — пролетариатнинг ҳақиқий манфаатларига зид келувчи, ишчилар ҳаракатини буржуазия билан ҳамкорлик йўлига ундовчи назария ва практика. Синфий табиатига кўра, майда буржуа идеологияси ва сиёсатининг намоён бўлишидир, назарий планда эса у ревизионизм ёки догматизм сифатида майдонга чиқади. Унг ва «сўл» оппортунизм бўлади. Унг оппортунизм — реформистик назариялар ва келишувчиликдан иборат тактикавий йўл-йўриқларнинг мажмуидан иборат бўлиб, унга капитализмни социализмга айлантириш ғоялари, социалистик революция ва пролетариат диктатурасидан воз кечиш асос қилиб олинган. «Сўл» оппортунизм — ўта революцион назариялар ва авантюрист тактикавий йўл-йўриқларнинг қоринмасидан иборат бўлиб, уларга реформистик ташкилотлар билан ҳар қандай муросазоликни ва ҳамкорликни инкор қилиш, меҳнаткашларнинг қундалик талабларини амалга ошириш учун курашга менсимасдан қараш, ишчилар ҳаракатини авантюраларга бошловчи

зўровонликка умид қилиш асос қилиб олинган. Марксчи-ленинчилар оппортунизмнинг барча турларига қарши қатъий кураш олиб борадилар.

**Радикаллар партияси** (радикаллар ва радикал-социалистларнинг республикачи партияси) — Франциянинг энг эски буржуа партияси бўлиб, 1901 йилда тузилган. Шаҳар майда ва ўрта буржуазиясининг, узига тўқ дехқонларнинг ҳамда либерал зиёлиларнинг намоёндаларидан ташкил топган. Биринчи жаҳон уруши билан иккинчи жаҳон уруши ўртасидаги даврда бу партияда йирик буржуазиянинг таъсири кучайди. Радикаллар партияси Учинчи республиканинг сиёсий ҳаётида катта роль ўйнади.

**Фитна** — унча катта бўлмаган фитначилар группасининг давлат тўнтариши қилиш учун одатда авантюристик тарзда муваффақиятсиз уриниши.

**Ишчи банклари** (касаба союз банклари) — капиталистик мамлакатларда касаба союзлари ва кооперация томонидан ташкил этиладиган банклар. Дастлабки ишчи банклари 20- йилларда касаба союз маблағларини кадрсизланишдан сақлаш, ишчи ташкилотларига кредит ёрдами кўрсатиш учун ташкил этилган. Кейинчалик одатдаги капиталистик банкларга айланиб кетган.

**Реваншизм** — қўрилган мағлубиятнинг қасдини олиш ҳамда қўлдан кетган территорияларни, иқтисодий ва сиёсий позицияларни қайтариб олиш мақсадида, янги урушга тайёрланишга қаратилган реакцион идеология ва сиёсат.

**Репарациялар** — бу шундай тўловларки, енгилган томон ғолиб бўлган давлатларга етказилган зарарнинг ўрнини ана шу тўловлар билан қоплаш мажбуриятини олади.

**Санкциялар** — ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида — халқаро шартномаларни бузган давлатларга қарши қўлланиладиган иқтисодий, молиявий, ҳарбий жиҳатдан таъсир кўрсатиш чоралари.

**Сектантлик** (ишчилар ҳаракатидаги) — революцион ташкилотларни ва партияларни меҳнатқашлардан ажралиб қолишга олиб келувчи қарашлар (ҳамиша догматик, кўпинча асос эътибори билан майда буржуа қарашлар) ва ҳаракатлар йиғиндиси. Сектантлик тарафдорлари ишчилар синфи ҳаракатлари бирлигининг зарурлигини инкор қиладилар, реформистик касаба союзларидаги, буржуа парламентларидаги ва бошқа оммавий ташкилотлардаги ишларга етарли баҳо бермайдилар. Улар революцион ишчиларни ё пассивлик билан кутиб ўтиришга маҳқум қиладилар, ёки уларни сўл авантюристик ҳаракатларга ундайдилар.

**Социал-реформизм** (ишчилар ҳаракатидаги реформизм) — синфий курашнинг, социалистик революция ва пролетариат диктатурасининг зарурлигини инкор қилувчи сиёсий оқим. Синфларнинг ҳамкорлик қилишини ёқлаб чиқади ва реформалар ёрдамида буржуа қонунчилиги доирасида капитализмни «ялпи фаровонлик» ва социал адолат жамиятига айлантиришга интилади. XIX асрнинг сўнгги чорагида ревизионизм таъсирида пайдо бўлган. II Интернационалга қирувчи социал-демократик партиялар орасида оммалашган. Октябрь революциясидан кейин ишчилар ҳаракатининг коммунистик партияларга қарама-қарши турувчи, ташкилий жиҳатдан расмийлашган сиёсий оқимига айланган.

**Капитализм стабиллашуви** — жаҳон капитализмининг иқтисодий ва сиёсий мавқеининг 1924—1929 йилларда нисбатан, вақтинча, қисман мустаҳкамланиши.

**Стандартлаштириш** — буюмларнинг қўплаб турларини бир нечагина типовой турларга келтириш, бу ҳол ишлаб чиқаришни анча оқилона ташкил этишга имкон беради.

**Субсидия** — пул ёрдами, пул билан ёрдам кўрсатиш. Ссуда (қарз)дан фарқи шуки субсидия қайтариб берилмайди.

**Германиядаги фабрика-завод революцион старосталари** — касаба союз аъзоларининг ГСДП даги ҳамда касаба союзларидаги оппортунистик бюрократияга қарши кураши давомида 1915 йили пайдо бўлди. Фабрика-завод старосталари ҳаракати Россиядаги революцион воқеалар таъсири остида кучайди. 1917 йил апрелида Берлиндаги бир қанча корхоналарда революцион старосталар комитетлари тузилиб, бу комитетлар сиёсий тусдаги катта-катта иш ташлашларга раҳбарлик қилди.

**Англиядаги фабрика старосталари (шоп-стюардлар)** — ишчиларнинг корхона цехларида сайланадиган вакиллари. Буржуазия билан ҳамкорлик қилган тред-юнионлар раҳбарларининг оппортунизмга қарама-қарши ўларок шоп-стюардлар 1915—1920 йилларда ишчилар манфаати учун кураш олиб бордилар, иш ташлашларга раҳбарлик қилдилар. Фабрика старосталарининг кўплари У. Галлахер бошчилигида 1921 йилда Буюк Британия Коммунистик партияси сафига кирди.

**Шовинизм** — миллий алоҳидалик тарғиботи, бир миллат манфаатларини бошқа барча миллатларнинг манфаатларига қарама-қарши қўйиш, миллий душманлик ва нафратни авж олдириш, миллатчиликнинг ашаддий формаси.

**Штурмчи отрядлар** — Германия национал-социалистик партиясининг ярим ҳарбий қўшилмалари. Фашизмнинг сиёсий душманларини террор қилиш ва улардан жисмоний ўч олиш курали бўлган.

## СИНФДАН ТАШҚАРИ ҲАМКАРЛАР УЧУН АДАБИЁТЛАР

Книга для чтения по новейшей истории. 1917—1945. Пособие для учащихся старших классов. (Под ред. Н. Н. Яковлева.—2-е издание., доп. и перераб.—М., 1984.

**1918—1919 йилларда Германия революцияси.**

Бредель В. Сыновья: Роман.— М., 1950.

Минутко И. А. Восхождение: Повесть о Розе Люксембурге.— М., 1983.

Ренн Л. На развалинах империи: Роман.— М., 1964.

Черный О. Е. Немецкая трагедия: Повесть о Карле Либкнехте.—2-е изд., — М., 1982.

**Венгрия Совет Республикаси**

Иллеш Б. Тисса горит: Роман.— М., 1959.

Кун И. Бела Кун: Воспоминания.—2-е изд., доп.— М., 1968.

Лендъел Й. Беспокойная жизнь Ференца Пренна или Стрелки указывают будущее: Роман.— М., 1961.

**Капиталистик мамлакатларда революцион ҳаракат. Мустамлака ва қарам мамлакатларда миллий озодлик ҳаракати.**

Ленинская гвардия планеты: Рассказы о соратниках и современниках В. И. Ленина.—2-е изд., доп.— М., 1970.

Антяхина -Московченко В. И. Марсель Кашен.— М., 1973.

Бессараб М. Страна моего сердца: Повесть о Джоне Риде.— М., 1984.

Гладков Т. К. Джон Рид.— М., 1966.

Горев А. В. Махатма Ганди.— М., 1984.

Джерманетто Д. Записки цирюльника: Из воспоминаний итальянского революционера.— М., 1966.

Матвеева Г. Отец республики: Повесть о Сунь Ятсене.— М., 1975.

Тудэв Л. За полярной звездой: Повесть о Сухэ-Баторе.— М., 1968.

Хигерович Р. И. Бойцов не оплакивают: Повесть об Антонио Грамши.— М., 1979.

**1924—1939 йилларда хорижий мамлакатлар**

*Буюк Британия*

*Кронин А. Звезды смотрят вниз: Роман.— Л., 1958.*

*Цитадель: Роман.— М., 1956.*

- Лэмберт Д. Не время спать: Роман.— М., 1961.
- Матковский Н. В. Верный сын английского рабочего класса (Гарри Поллит).— М., 1970.
- Америка Кўшма Штатлари*
- Драйзер Т. Американская трагедия: Роман: В 2 ч.— М., 1980.
- Маяковский В. Стихи об Америке. Мое открытие Америки (Маяковский об Америке: Стихи. Очерки. Газ. интервью.—2-е изд.— М., 1949.
- Синклер Э. Автомобильный король: Повесть о фордовской Америке.— М., 1957.
- Яковлев Н. Н. Франклин Рузвельт. Человек и политик. Новое прочтение — М., 1981.
- Германия*
- Болдырев С. Н. Трижды приговоренный... Повесть о Георгии Димитрове.— М., 1968.
- Брехт Б. Трехгрошовый роман.— М., 1984.
- Вайнерт Э. Избранное.— М., 1965.
- Зегерс А. Мертвые остаются молодыми: Роман.— М., 1971.
- Парнов Е. И. Секретный узник: Повесть об Эрнсте Тельмане.—2-е изд.— М., 1978.
- Фейхтвангер Л. Семья Оппенгейм: Роман.— М., 1936. Успех. Три года из истории одной провинции: Роман.— М., 1958.
- Франция*
- Коньон Ж., Жоанес В. Морис Торез — человек, борец (Пер. с франц.— М., 1975).
- Роллан Р. Очарованная душа: Роман.— М., 1982.
- Сент-Экзюпери А. Планета людей: Роман.— Л., 1983.
- Торез М. Сын народа: Автобиография.— М., 1960.
- Фревилль Ж. Тяжелый хлеб: Роман.— М., 1959.
- Испания*
- Ибаррури Д. Единственный путь.— М., 1962.
- Кольцов М. Испанский дневник.— М., 1958.
- Кузнецов Н. Г. На далеком меридиане: Воспоминания участника национально-революционной войны в Испании.—2-е изд., доп.— М., 1971.
- Мещеряков М. Т. Вся жизнь — борьба: О Хосе Диасе.—2-е изд., перераб. и доп.— М., 1976.
- Родимцев А. Под небом Испании.— М., 1974.
- Романсеро испанской войны. 1936—1939. М., 1962.
- Савич О. Два года в Испании: 1937—1939: Очерки и рассказы.— 4-е изд.— М., 1981.
- Хемингуэй Э. Пятая колонна: Пьеса; По ком звонит колокол: Роман Э. Хемингуэй. Собр. соч.: В 4 т.— М., 1968— Т.3.
- Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатлари*
- Василевская В. Песнь над водами: Трилогия.— М., 1961.
- Димов Д. Табак: Роман.— В 2ч.— М., 1975.
- Иллеш Б. Карпатская рапсодия: Роман.— М., 1956.
- Пуйманова М. Люди на перепутье: Игра с огнем: Романы: — М., 1981.
- Хитой*
- Казанин М. И. В штабе Блюхера: Воспоминания о китайской революции 1925—1927 гг.— М., 1966.
- Мао Дунь. Распад: Роман.— М., 1968.
- Череланов А. И. Записки военного советника в Китае.—2-е изд. М., 1976.
- Ҳиндистон*
- Аббас Х. А. Сын Индии: Роман.— М., 1956.
- Горев А. В., Зимянин В. М. Неру.— М., 1980.
- Неру Д. Открытие Индии.— М., 1955.

## МУНДАРИЖА

1- §. Жаҳон тарихининг ҳозирги даври — инсониятнинг капитализмдан коммунизмга ўтиш давридир .....	3
---	---

### 1 бўлим

#### **Иккинчи жаҳон уруши ўртасидаги даврда капиталистик дунё.**

1- б о б Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин капиталистик мамлакатларда революцион ҳаракатнинг юксалиши ҳамда мустамлакалар ва қарам мамлакатларда миллий озодлик ҳаракатининг ўсиши .....	10
2- §. 1918-1919 йиллардаги Германия революцияси .....	10
3- §. Венгрия Совет республикаси .....	17
4- §. Буюк Британия, Франция, АҚШ ва Италияда ишчилар ҳаракатининг юксалиши .....	23
5- §. Империализм мустамлака системаси кризисининг бошланиши .....	30
6- §. Коммунистик интернационалнинг тузилиши ва унинг дастлабки йилларидаги фаолияти .....	38
7- §. Версаль системасининг тузилиши .....	46
2- б о б. 1924—1939 йилларда хорижий мамлакатлар .....	52
8- §. 1924—1939 йилларда капиталистик мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти .....	52
9- §. Буюк Британия .....	58
10- §. Америка Қушма Штатлари .....	66
11- §. Германия .....	72
12- §. Франция .....	84
13- §. Испания .....	93
14- §. Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатлари .....	100
15- §. Хитой .....	106
16- §. Ҳиндистон .....	114
17- §. Коминтерн фашизмга ҳамда янги жаҳон уруши хавфига қарши, ягона ишчилар ва халқ фронтини вужудга келтириш учун курашда ...	120
18- §. Икки уруш ўчоғининг ташкил топиши 30- йиллардаги халқаро муносабатлар .....	129
Луғат .....	139
Синфдан ташқари ўқиш учун адабиёт .....	142